


М. К. Кара
К - 4

07



Родея Чикоялди

Корея Ҳикоялари

УЖОРИ
К 40



ОГ

жъмғынка наст

Изд. № Ч 3 3 2 3.

165 р.



ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ БАДИЙ
АДАБИЁТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1960

СҮЗ БОШИ

Маълумкии, ҳақиқий санъат ҳамма вақт ҳалқчил бўлади: у юксак дарајада муайян даврдаги ҳаётнинг жамият тузилиши ва одати билан сугорилган, ҳалқнинг энг юксак фахр ва орзулари билан ифодаланган бўлади. Ҳақиқий санъат ҳеч вақт ҳалқ тақдиридан ажралмайди. У ўз даврини қанчалик тўла тасвири әтса, кишилар ҳаётига қанчалик чуқурроқ кира билса, унинг аҳамияти шунчалик юксак бўлади.

Корейс ҳалқи чет эл босқинчилари билан бўлган курашда улғайди. Япон милитаристлари бизнинг урф-одатларимизни таг-томири билан йўқ қилишга қанчалик тиришмасин, миллий маданиятимизни бўғишга қанчалик урнинмасин, у яшамоқда ва тараққий этишда давом этा�етир.

Ҳалқимиз тарихий тараққиётнинг оғир ва мураккаб йўлини босиб ўтди. Адабиётимизнинг ривожланиш йўли ҳам оғир ва мураккаб бўлди. Бироқ, энг даҳшатли таъқиб даврида ҳам у, чинакам ҳалқчил адабиёт, миллий мустақиллик учун курашғояси билан сугорилган, ижтимоий ҳаққониятсизликка қарши кураш шавқи билан тўлиб-тошган адабиёт бўлиб қолди.

Ҳозирги замон корейс адабиётининг барпо этилишига йиғирманчи йилларда тузилган «Искра» номли корейс прогрессив ташкилоти асос солди. Ташкилотга уюшганларнинг бир қисми пролетар ёзувчи бўлмасалар ҳам, ҳар ҳолда бу ташкилот революцион эди. Очиғини айтганда, Улуғ Октябрь революцияси, уларни ҳалқ қудратига ишонишга уйғотган, миллий-озодлик курашига отлантирган бўлишига қарамай, ҳали бу ташкилот аъзолари социалистик революциянинг ҳақиқий йўлини кўра

олмаған әдилар. «Искрачилар»нинг япон колонизаторлари зулмига қарши норозилиги ёзувчиларимиз ижодида халқ озодлиги учун кураш давриининг бошланиши бўлди. Асосан «искрачилар»нинг энг муҳим, энг улкан хизмати ҳам шундан иборат.

Юқорида айтганимиздек, «Искра»га адабиётга яқин бўлган ёзувчилар ва прогрессив интеллигенциямизнинг илгор революцион вакилларигина эмас, балки романтик каффииятдаги буржуа ёзувчилари ҳам кирп қолган әди; ватан ишқи ва ўша даврдаги ярамас воқеелик уларнинг кабнист хотиржамлиги, маълум даражада чекланган сиёсий қарашларига хотима беришга ёрдам қилди.

«Искрачилар» ўз асарларида ўзбошимчалик ва ҳақсизлик туфайли азоб чекаётган халқ оммасининг оғир аҳволини ифода этди, халқ ғазабини ёритди ва душманларга уларнинг нафратларини етказди. Бироқ, шу билан бир қаторда, воқидаларга ҳар доим ҳам тарихий нуқтаи назардан баҳо бера олмас, мавжуд аҳволдан қутулиш йўлларини оммага кўрсата олмас, жамият тараққиёт қонунларини билмасди. Уларнинг кураши ўз моҳияти билан тор миллий манфаатни кўзда тутган бўлишига қарамай, ўша даврда ҳаддан ташқари муҳим аҳамиятга эга әди.

Ёзувчиларимиз орасида аста-секин марксча-ленинча фалсафа кенгроқ оммалаша борди. Улар бу фалсафадан ўзларини қизиқтирган ҳар қандай масалаларга жавоблар топибгинна қолмай, балки ўзларнинг ҳаракат программаларини ҳам кўра бошлидилар. Ҳали бу ёзувчилар учун ишончсиз орзу ҳисобланган ҳол Улуғ Октябрь революцияси томонидан амалга оширилди, натижада уларнинг маънавий назарлари Советлар мамлакатига комил ишонч билан қарагилди. Бу ёзувчилар 1925 йилда КАПЦ — Корея пролетар ёзувчилари ассоциациясига уюшдилар. Бу ташкилстининг вужудга келиши адабиётимизнинг бундан кейинги равиақи йўлида ташланган қадам бўлди. «Капчилар» колонизаторлар ва феодаллар томонидан қилинган бебошликларни фош қилиш, уларга нисбатан ўз нафратларини билдириш билангина чеклашиб қолмадилар, балки улар ўз ижодларида ватанининг келгуси ижтимоий қонуний йўлини кўрсатдилар, келажак ҳаётни акс этдирилар. Кореянинг ёш ишчилар синфи биринчи марта «капчилар» асарларининг қаҳрамони сифатида гавдаландилар. Албатта, «капчилар» ҳам ҳали ижтимоий дунёқарашлари билан баъзи чекланишлардан бутунлай холи эмас әдилар. Аммо уларнинг хизмати шундан иборат бўлдик, ёш ишчи синфининг янги ҳал қилувчи ижтимоий куч эканлигини кўра олди. Шунингдек улар ўзларини халқдан ташқари, унинг орзу-истакларидан ташқари бўлишини хаёлларига ҳал

келтирмадилар. «Капчилар» туфайли адабиётимизнинг йўналиши озодлик учун умумхалқ курашининг ажралмас қисми бўлиб қолди.

Шунинг учун ҳам биз, Октябрь революциясининг нурлари шуъла сочган адабиётимизни озодлик даврига қадар ҳам реализм позициясида турган, ҳалқ билан чамбарчас алоқада бўлган, деб хуласа чиқара оламиз.

1945 йил 15 августда Совет Армияси Шимолий Кореяни озод қилди. Ҳалқимизнинг инсоний ҳаётга эришиш орзулари, энг олий мақсадлари амалга оширилди. Мамлакатнинг маданий ва иқтисодий тараққиётида яиги давр, ўз ифодасини санъатда ҳам акс эттирадиган давр, бошланди.

Ватанимиз ҳам, ҳалқимиз ҳам гуллаб-яшнаш йўлида ҳормай-толмай олга иштилдилар. Бироқ, бу ҳаракат 1950 йилда лисинманчилар ва чет эл интервентлари бошлаган уруш туфайли сустлашди. Ватан оғир аҳволга тушиб қолган ўша кезларда Корея ёзувчилари ўз революцион анъаналарига содик бўлиб қолдилар. Улар фақат ёзувчи-жамоатчигина бўлиб қолмай, ёзувчи-курашчи ва худди шунингдек, ёзувчи-жангчи вазифасини ҳам ўтадилар.

Эндилинда, ҳалқимизнинг мардлиги, дунёдаги тинчликсевар ҳалқларининг маъниабий ва моддий қувватлаши, биринчи навбатда, совет ва хитой ҳалқлари ёрдами туфайли душман устидан ғалаба қозониб, яна тинч ижодий ишни бошладик.

Ёш демократик республикамизнинг юқорида айтилган уч тараққиёт даври адабиётимизда ўз ифодасини топмай қолмади.

Асарларимизнинг тематикаси нималардан иборат?

Маълумки, асарнинг идеяси сингари тема ҳам муайян бир нарса эмас. Тема ижтимоний тараққиётнинг маълум босқичи, маълум тарихий шароит ва воқиалар томонидан вужудга келтирилади, акс ҳолда у жонсиз бўлиб, замондошларнинг на фикрига, на қалбига таъсир кўрсата олади. Шунинг учун ҳам, уруш жафоларидан кейинги ҳозирги пайтда ёзувчиларимиз қандай бир темани кўтариб чиқишиласин, унда тинчликка, ижодий меҳнатга, Ватанимизнинг тинч йўл билан бирлашишига нисбатан аллангали чақириқнинг янграши табииӣ ҳолди.

Уруш туфайли бошимизга тушган кулфатлар ҳали ёдимиизда, Ватанимиз зўрлик билан сунъий равишда, 38-параллелда иккига бўлиб ташлангандан кейин ҳам бирорларнинг сўзи билан иш қилувчи қутирган лисинманчилар «Шимолга янги юриш», деб узлуксиз дўқ урмоқдалар; шунинг учун ҳам, аввалгидек, Ватанимизнинг шонли ҳимоячилари ва демократик тузумга башшланган асарлар ижодимизда муҳим ва асосий ўринни эгал-

лаб келмоқда. Шунин ҳам айтиб ўтиш керакки, ҳозирги кунда урундан кейинги ижодий меҳнат темаси кенг қулоч ёймоқда.

Асарларимиз аста-еекин илгари ўзига хос бўлган камчиликлардан: композицион бўшилик, расмиятчилик ва натурализмдан ҳалес бўладтири. Қаҳрамонларининг характерлари, руҳий дунёси асарларда яна ҳам чуқурроқ, яна ҳам атрофлича очиб берилмоқда. Адабиётимизнинг ҳозирги кундаги қаҳрамонлари илгор шини, сеғир партия раҳбари, ақлли профорг, қишлоқ ҳўжалик кооперативининг фаол аъзоси, жамият ҳаётида эрлар билан тенг ҳуқуқка эринишган хотин-қизлар, Ватан қазилма бойликларини ўрганиётган геологлар, жангчиларининг хотинлари ва Халқ Армиясининг шоили жангчилари ҳамда шу сингари қатор кишилардан иборатdir.

Юқорида айтганимиздек, темани давр вужудга келтиради, ёзувчининг вазифаси ҳаётни чуқур, тўғри тасвир этиш ва темани қўлидан келганича китобхонига етказиш, образларни чизиш, ҳамкәсларининг қаламига илишимаган бебаҳо аҳамиятли нарсаларни кўра билдири. Воқиаларни, қаҳрамонларининг руҳий дунёларини чуқур ва ўзича кўра билиш, демократик жамиятимизнинг олга ҳаракатини тасвирилаш ёзувчининг сиёсий ва маданий даражасига боғлиқ. Шу сабабли ёзувчиларимиз сиёсий ва маданий савиယларини янада оширишга кўпроқ эътибор бермоқдалар, давр қизиқтирадиган муҳим темага тез-тез мурожаат қилиб турибидилар.

Шунинг учун ҳам ёзувчиларимиз орасида дунёда энг намунали ҳисобланган совет прозасидан маҳорат ва ғоявийликни ўрганишга қизиқиш катта.

Тандум этилаётган тўпламнинг мақсади, совет китобхонига ўтсан ўн йил орасида Халқ Демократик Республикаси ва кишилар оғигида мисли кўрилмаган ўзгаришлар, шунингдек, кореийс ёзувчиларининг бадиий маҳорати даражаси юзасидан тушунчалар беришдир. Тўпламда энг кекса ёзувчилар, юқорида айтилган КАПНинг собиқ аъзолари (Ли Ги Ен, Ли Бук Мен, Хан Сэр Я) билан бир қаторда, халқ ҳокимияти ўрнатилгандан кейин адабиётимизга қадам қўйган ёш прозачилар (Юн Си Чер, Чон Се Бон ва бошқалар) ҳам иштирок этишган.

Ҳикояларининг типик хусусияти — халиқимизнинг қаҳрамонлиги; оғишмай Ватанга хизмат қилиш, ҳақиқат учун курашда ўз баҳтини топишдан иборат. Ёш медицина ҳамшираси Ре Дю ўз сеғилиси Ден Ходан «Баҳт шима?» деган сўрогига «...энг олижаноб баҳт — ҳаётдир. Анчайин ҳаётгина эмас, балки тамо-

мила ҳақиқат учун курашга бағишиланган маъноли «хаёт» деган жавоб олади (Хван Ген, «Бахт»). Ер юзида адолат тантанаси учун кураш — тўпламда асосий мақсаддири.

Ҳикояларнинг қаҳрамонлари бир-бирларига ўхшамаганийдек, уларнинг тақдирлари ҳам бир турли эмас. Ден Дзя Ген-нинг «Охирги дарс» ҳикоясида тақиқланганига қарамай, Ватэн адабиётидан дарс берганлиги учун япон ҳокимини таъқиби остига олинган кекса корейс тили ўқитувчиси Ким Сан Хун гавдалантирилган. Ким Сан Хун халқ бошига тушган фожиалар туфайли чуқур қайғуга ботади ва соғи виждонли киши сифатида ўзининг қатъий эмаслигидан руҳан азоблаиади. «Иродали инсон бўлганимда,— деб фикр қиласи, у ўзича,— кўчада бошимни баландроқ кўтариб юрган бўлардим, ўқувчиларимни учратиб қолган чоқларимда уларни руҳлантириш учун очиқ чеҳра билан жилмаярдим. Биттасига жилмайиб қўйдингми — эртага бутун синф қаддини кўтаради. Мен бўлсанам ўқувчилар билан учрашишга қўрқаман, улар менинг юзимдаги саросимани, ишсизлик ва эртаги куннинг хавфи борлигини сезиб қолишади, деб чўчимиш. Босқинчиларга қарши курашда қатнашиш учун менда жасорат йўқ, бироқ, менда инсоний қадр-қиммат ҳисси бор ва бу нарсани мендан ҳеч ким, ҳеч қачон ажрата олмайди».

Ким Сан Хун—мавжуд тартибдан нафратланган интеллигентлар гуруҳининг типик вакили, аммо нафрат фақатгина у ва унинг атрофига тўпланган тор доирадаги кишилар қалбида қолди, холос. Интеллигенция бу оғир ҳолатдан қутулиш йўлини аинглаб ета олмади, чунки у пролетариатнинг революцион кураши билан боғланмаган эди. Бироқ, интеллигенция ўз халқини севар ва унинг тақдирни учун қайғуради; шу туфайли соғи виждонли интеллигенциянинг бир қисми ўз даврида унча фаол бўлмаса ҳам янги халқ-демократик тузум ўрнатилишини шодлик билан табриклиди. Ўқигувчи Ким Сан Хун ҳам худди шундай кишилардан бири. Халқ ҳокимини уни фақат ижтиёмий зулмдангина эмас, балки руҳий азоблардан ҳам озод қилди, унинг учун ўқубатли бўлган давр тугади, энди у жамиятнинг фаол аъзоси.

Бошқа бир доирадан яна бир «мужмал» қаҳрамон — камбагал Вонни олайлик (Ли Ги Ен, «Тинчликнинг туғилиши» ҳикояси). Ҳикояда энг кекса ва талантли ёзувчиларимиздан бири жуда орқада қолган деҳқоннинг психологиясини аниқ ёритишга эришган. Деҳқонлар асрлар бўйи бир қарич ер ҳақида орзу қилишарди. Улар қатори Воннинг ҳам орзуси шу эди. Халқ ҳокимини туфайли бу орзу рўёбга чиқди. Аммо қишлоқларда санқиб юрган катта ер эгалари ўзларининг ёлғон-яшиқ гал-

Сўзлари билан ҳеч нарсани тушуниб етмаган камбағалларнинг юрагига ғулғула солишарди. Ахир, помешчиклар ҳокимияти асрлар давомида ҳукм суринг келган, халқ-демократик тузуми ўрнатилганига эса, бир неча ой бўлган эди, холос! Балки, помешчикларнинг валилиги тўғри чиқиб қолар, у ҳолда албатта, бугун шод-ҳуррам бўлиб юрганларнинг эртага ҳолигавой: Ахир, чеҳрасида табассум пайдо бўлган ҳар бир киши помешчикнинг хотирасида сақланиб қолади.

Бутун қишлоқ, жумладан, Воннинг оила аъзолари ҳам на-мойишга чиқади, аммо Вон чеҳрасидаги шодликни бошқаларга сездирмаслик учун намойишга чиқмай, ёлгиз ўзи уйда қолади. **Ли Ги Еп** заррача иккilanган кишилардан халқ душманларининг усталик билан фойдаланишларини кўрсатади. Вон помешчик **Хванинг** қармогига илиниб қолади. Бироқ, камбағалга қишлоқ советининг раиси ёрдам беради. Қишлоқда рўй берәёғган ўзгаришлар Вонни ҳам аста-секин ўз гирдобига торта бошлайди, у ўз тақдирини ўзи ҳал қилувчи киши бўлиб қолади, янги тузумнинг мустаҳкамлигига чинакам ишонади.

Уруш даврининг, америкаликлар ва лисинманчилар республикамизнинг бир қисмини вақтинча оккупация қилган даврининг ҳикоя қаҳрамонлари юқоридаги қаҳрамонлардан тубдан фарқ қилади. Уруш тўғрисидаги ҳикоя қаҳрамонлари ботирлиги, мақсадга интилиши ва Ватанини сидқидилдан севиши билан ажralиб туради. Мўйсағидлар ва хотин-қизилар, оддий жангчилар ва ҳамширалар тенгсиз жасорат кўрсатадилар. Бу ерда шу нарсани айтиб ўтиш керакки, ёзувчиларимизнинг бу ҳарзати одатдан ташқари нарсага интилишнинг оқибати эмас, чунки қайси асарни олманг, ундаги энг оддий кишилардан чиққан қаҳрамонларнинг одатдан ташқари мардликларини Ватанга муҳаббат ва тарихий шароитлар вужудга келтиради, уларни мақсадга интилувчи қилиб тарбиялаш эса, шонли Меҳнат партиясининг хизмати туфайли бўлади.

Китобхон бизнинг халқимиз билан улуғ хитой халқи ўртасидаги дўстлик узоқ революцион кураш жараёнида вужудга келганингни билса керак. Пак Ун Герининг «Оға-инилар» ҳикоясининг қаҳрамони хитойлик Шэнь Цзи-минъ тилидан, Хитой давлатининг қизил байроғида корейс халқининг ҳам қони бор, дейилиши бежиз эмас. Корея ва хитой халқининг тақдирни бирбирига чамбарчас боғланган. Лисинманчилар ва америка интервенциярига қарши олиб борилган Ватан урушида хитой кўнгиллиларининг биз билан ёйма-ён туриб олиб борган кураши тарихий бирдамлик, ажралмас дўстликнинг ёрқин ифодаси бўлиб қолди.

Ёзувчиларимиз, бу олижапиб темага бирмунча ҳикоялар багишлашди. Қвон Ден Лённинг хитой қўнгиллиларидан иккни разведкачига багишланган «Кечув жойи» деган ҳикояси бизнингча энг яхши асарлардан биридир.

Даврнинг энг муҳим темаларини кўтариб чиқадиган кўпгина ёзувчилар асарнинг бош персонажи сифатида хотин-қизларни танлайдилар. Бу ҳол китобхонни таажжуубга солмасин, Бизнингча, бу қонуний бир ҳолдир. Прозамизда хотин-қизлар образининг кўплиги қўйидаги ҳолатдан вужудга келган десак янгишмасмиз: биринчидан, асрлар бўйи азоб-уқубатда яшаган хотин-қизларимиз уруш йиллари ва уидан кейинги даврда ўзларининг аъло даражадаги фазилатларини намоийш қилдилар. Кореис ҳалқи ўз хотин-қизлари билан мағурлашиди. Ёзувчининг бу ҳақда ҳикоя қилмай иложи борми? Иккинчидан, бизнинг илгор хотин-қизларимиз кўҳна ҳалқ урф-одатларини сингдириб юборган скептик кайфиятдаги эркакларнинг бир қисмини аёлларини ҳурмат қилишга мажбур этиш билан чекланиб қолмадилар, улар барча хотин-қизларни ҳам ўз-ўзларига катта ҳурмат билан қараш, ўзларини ўзгалар томонидан таҳқир этдирмасликка ҳаракат қилдилар. Хотин-қизларнинг асрлар бўйи камситиб келиниши уларнинг руҳий ҳолатига таъсир қилмасдан иложи йўқ эди.

Ҳалқ ҳокимияти туфайли кореис аёлнинг руҳан ўсиши урушдан кейинги тиклаш даври темасида ёзилган энг яхши ҳикоялардан иккитасида берилган. Булар Давлат мукофотига сазовор бўлган ёш автор Бен Хи Гиннинг «Хе Сукнинг ғалабаси» ва Ю Хан Лимнинг «Профорг» номли ҳикояларидир.

Бен Хи Гин «Хе Сукнинг ғалабаси» деган ҳикоясида хотинига фақат хотин сифатидагина қарашни истаган эр билан илгор хизматчи аёл ораларидаги мунозара ҳақида қалам юритади. Автор ўз қаҳрамонининг руҳан ўсишини кўрсатишга, бу истараси иссиқ, ёқимли образни тўлақонли қилиб талқин этишга эриша олган.

Ю Хан Лим ўз ҳикоясида хотин-қизлардан чиққан ёш жамоат арбобининг қолоқ ишчилар билан қураши ва колективни иложи борича тез фурсатда уюштириб, уруш вайрон қилган саноатни тиклашга сафарбар қилиш ҳаракатини чизади. Ҳикоянинг асосий аҳамияти нимадан иборат? Бу нарса шундан ибориатки, қаҳрамон воқналарда қуруқ қатнашиб юрувчигина бўлиб қўлмай, колектив ҳурматига сазовор бўлади, ўзининг ҳаракати ва шахсий меҳнати билан оммани етаклай олувчи даражага кўтарилади.

Совет Иттилоқида биринчи марта нашр этилиб, китобхонга

тақдим қилинғаётган корейс ҳикоялар тұпламига киритилған асарлардан баъзилари шулардир. Ёзуғчиларимиз ижодида ҳали жуда күп камчиликлэр бор, бунині учун дүнёда әнг фазилатли, әнг талабчан совет кигобхони бизни афв әтсин. Аминмизки, яқин орада анча етук асарлар билан биз уларни курсанд қила-миш.

Бизниң өш халқ-демократик республикамыз кундан-күн тараққий әтәёттир, шу билан биргә, халқымыз ҳам ўсиб ривожланмоқда, улар билан бир қаторда биз корейс ёзуғчилары ҳам кундан-куя ўсмөдамиш.

Хан Сер Я



Хан Сер Я



БҮРИЛАР

Миссионерга қарашли молхона орқасидағи чуқурликдан Су Гиль катта копток топиб олди. Ёлғиз ўзи ўйнаса зерикади. Қәни энди, у билан ўйнагани бошқа болалар келишса... Аммо Су Гиль қишлоқ болаларининг бу ерга қадам босмасликларини яхши билади. Миссияга суқулиб кириш осон эмас-да. Миссионернинг уий тепаликнинг чўққисида бўлиб, ҳовли тикали сим билан ўралган. Энг ботир шумтака ҳам миссионернинг кўзига кўринмасликка ҳаракат қиласарди.

Су Гиль коптокни маҳкам қучоқлаб, югурганча ҳовлидан чиқиб кетди.

Болалар Су Гилни дўстларча саломлашиб қарши олишди. Уларнинг ҳар бири топилган буюмни навбатмавбат кўздан кечиришди. Навбат билан кўришга қаноат қилмаганлар коптокни тортиб олиб улоқтирар, қолганлари уни оламан деб, тўп орқасида елиб-югуришарди; шу йўсинда ўйин авж олиб кетди.

Ўйинни томоша қилиш учун руҳоний Ли ўғли Ли Иоганн ҳам келди. У ҳар вақтдагидек бир чеккада қўлини шойи камзулининг чўнтағига тиқиб турарди. Аҳён-аҳёнда қўлини чўнтағидан чиқариб, эринчоқлик билан оғзига олиб борарди. Ўйин болани ўзига жалб этди Копток унинг оёғи остига келиб тушгандан кейин:

— Мен ҳам ўйшай қолай,— деди у.

Аммо Су Гиль қичқириб:

— Тегма! Узинг коптогингни бизга бермайсан-у. Ке-ча сендан қиттай шоколад сўрасам аядинг-ку, қизғаниқ!— деди.

— Хоҳласанг, кумуш қоғоз берардим,— дўстларча таклиф қилди Иогани.

— Қерак эмас, ўзингнинг ҳам керагинг йўқ, туёғингни шиқиллат. Халал берма!

Иоганига алам қилди, ранги оқариб кетди.

— Ҳали шошмай тур,—худди отасининг жаҳли чиқ-қан пайтдаги қилиғига ўхшатиб, тишларини фижирлатди у,— Симонга айтмасамми. Кўрамиз, қим зўрийкин.

Иогани болалар мени орқамдан чақиришар деган умидда кетиб қолди. Аммо уни ҳеч ким чақирмади; у майдонча охирига етганда орқасига қайрилди. Болалар бепарво ўйинни давом эттиравериши.

Америкалик миссионер Симоннинг отаси Кореяга бундан йигирма йил муқаддам келди. Катта қуруқ ер майдонини арzon-гаровга сотиб олиб, уни яшнатиб юборди. Руҳоний Ли билан яна икки бой бу майдоннинг тоғ устидаги текис жойига фиштдан уй қуриб олдилар. Миссия кенгайиб гуллаб-яшнади, бу ернинг дехқонлари эса кундан-кун камбағаллаша бориб, ниҳоят ҳақсизландилар.

Су Гилнинг онаси¹ миссионернида хизмат қиларди. У кир ювиб, сигир соғар, кузда эса мева ҳосилини йиғиб олишда ёрдам берарди. У молхона саройида яшарди, унинг бирдан-бир севинчи, кўрар кўзи якка-ю ягона ўғли эди.

Су Гилнинг отаси дехқонлар союзи ташкил қилгани туфайли японлар томонидан қамоқقا олинди. У ўша ерда ўлди.

Су Гилнинг онаси, қамоқхонага бориб эрини кўриб турарди. Баъзида у билан фарзандлари ёки эрлари қамоқда ётган қўшнилари бирга боришарди. Онгсиз аёллар, қамоқхонанинг оғир дарвозасига кўзлари тушиби билан қўрқиб қалтирашарди. Су Гилнинг онаси довюрак аёл бўлганлиги учун, бошқалар у билан боришган чоғларида ўзларини енгилроқ сезишарди.

¹ Кореяда хотинларни тўнғич боласининг номи билан чақирадилар.

Су Гилнинг онаси эри билан учрашган пайтларда эри у билан ўғли ҳақида қўпроқ гаплашарди. Ҳозир эса, эри бўлмаганилиги учун болани тарбиялаш жавобгарлиги унииг зиммасида эди.

Хотин кишининг бир ўзига бола тарбиялаш осон эмас, албатта. Болани тарбия қилишда эр кишининг кўмаги керак; шунинг учун ҳам аёл Су Гилнинг тарбиясига тааллуқли масалани ҳал қилишга келгандা маслаҳат учун раҳматли эрининг жонажон ўртоғи — Тон Генга мурожаат қиласади.

У Тон Ген билан эришинг вафотидан бир оз олдинроқ танишган эди. Бир куни кечқурун унинг уйига кўриниши ёш, сочи олинган, юзи шишган бир киши кириб келди.

— Сиз... қаердан келдингиз? — юраги дов бермай сўради у.

— Су Гилнинг онаси бўласизми? — унинг саволига жавоб бермай сўради келган киши.

— Ҳа.

— Эрингиз билан мен бир камерада бўлдик. У ўғлинигиздан хавотир оляпти. Сиздан хабар олишимни сўради. Агар бирор юмуш билан ёрдам беролсам, ҳаддан ташқари хурсанд бўлардим.

— Раҳмат, раҳмат... Вой, эшикда туришимизни қаранг-ал! Киринг... Ҳеч бўлмаса бир оз сут ичиб кетинг. Миссионернинг хотини бир коса сут берган эди. У бундай илтифотни ҳамма вақт ҳам қиласади. Бошқа нарса билан меҳмон қилишга қудратим етмайди.

— Раҳмат, бошқа вақт киравман.

Йигит ёқимли табассум билан унинг ҳаракатларига разм солиб, «Яхши хотин экан,— Деб ўйлади.— Су Гилнинг отасига лойиқ хотин...»

— Тўхтанг. Ҳеч бўлмаса ўғилчамизни кўриб кетинг. Су Гилы! Ҳой Су Гилы!

Бола жавоб бермади.

— Боласи тушмагур шаталоқ отиб кетибди,— деди у афсусланиб.— Унинг фикри-ёди болалар билан ўйнаш. У катта бўлиб қолди, уч-тўрт ойдан кейин мактабга боради, қаерга йўқолди экан.

— Майли, ҳечқиси йўқ, бундан кейин тез-тез хабар олиб тураман.

— Келинг, келиб туринг. Бош устига,— деди у ташвишланиб,— уйларинг қаерда?

— Ҳув анави ердаги катта ғиштдан ишланган тру-
бани кўряпсизми? Уйим унинг чап томонида. Агар керак
бўлиб қолгудай бўлсан, Тон Генники қайси деб сў-
раинг.

Улар ўшандан бери тез-тез учрашиб турадиган бў-
либ қолишган эди. Тон Ген хотин билан болани қўриш-
га келиб турарди. Баъзи-баъзинда юраги қон бўлиб
кетганда, таскин топиш учун унинг олдига Су Гилнинг
онасининг ўзи келарди. Тон Ген уни тинчлантиришни
 биларди: уні а кишини қувонтирувчи келажак ҳаётни
 тасвиirlаб берарди.

— Қачон, қачон шундай замон келаркин? — дерди
оҳ уриб хотин.

— Эҳтимол тез кунларда келиб қолар.

— Су Гиль катта йигитча бўлганда ҳаёт бошқача,
 бутунлай бошқача бўлади. Буни мен аниқ биламан.

Тон Ген жуда ёш эди, аммо Тон Геннинг эрига ўх-
 шашлиги хотинни ҳайратга соларди. Бу нарса Тон Ген-
 ни юрагига яқин, туғишган кишисидай қилиб қўйган
 эди. Кўнгилчан хотин эри билан Тон Геннинг ўхаш-
 ликлари иродаларининг букилмаслиги ва ҳамфирлик-
 ларидан эканлигини билмас эди.

Гоҳида Тон Ген унга ўз ҳаётини ҳикоя қилиб берар-
 ди. Отаси камбағал бўлган Тон Ген ўн-икки ёшидан
 тирикчилик ҳаракатида бўлди. Бир ҳовуч гуруч учун
 у қаерларда ишламади! Қамалгунча касалхонада сани-
 тар бўлиб ишлади. Қобилияти зўр ва меҳнатсевар бўл-
 гани учун гоҳ-гоҳида аптекачининг ёрдамчиси вазифа-
 сини топширишар эди, у бу билан жуда фахрланарди.
 Бундай ишни ҳар кимга ҳам ишонаверишмасди. Ўз син-
 фига содик бўлган Тон Ген Тинч океан ишчилар союзи-
 га жуда ёш аъзо бўлди. Бу ташкилот фош қилинганда
 Тон Ген ўзини қамоқхонада кўрди. Бу нарса унинг
 иродасини бука олмагани устига янада тоблади. Ўқур-
 бон бўлишдан кўрқмай, галаба қозонгунча курашувчи
 кишилардан эди. Қамоқдан чиққач, химия комбинатига
 ишга кириб, ўз ишини яширин давом эттирди.

Кечқурун уйига қайтгач, Су Гиль коптоғни эслаб,
 онасига мақтанди:

— Бугун Иоганн икки қўлини бурнига тиқиб кетди.
 Қани бизга аралашиб кўрсинг-чи — кўрсатиб қўямиз,

Хаёлида, бизга жуда зәрурдай. Жұда уичалик эмас-дир.

— Су Гиль, сен руҳоний Лининг ўғли эканини унүтиб қўйяпсан,— деб қаттиқ қаршилик кўрсатди онаси.

— Нима бўпти?

— Бу баҳор сен мактабга боришинг керак, руҳоний Ли у ерда биринчи шахс.

— Вой-вў! Ҳамма саволларига жавоб берсам, қабул қилишади. Ахир мен юзгача санай оламан, Иоганин бўлса, санолмайди.

— Камбағал ақли билан эмас, итоаткорлиги билан баҳоланади,— деди насиҳатомуз онаси.

Су Гилнинг отаси итоаткор бўлмагани учун ўз ҳаёти билан ҳақ тўлади. Су Гилнинг онаси ҳурмат қила-диган ва ёш бўлишига қарамай «сонсен» (Кореяда маслаҳатчи ва қарияларни шундай деб аташади) деб атайдиган Тон Ген ҳам итоаткор одам эмас эди. Ўғлини худди отасига ўхшатарди. Она ўз вақтида эрининг мардлигига қандай фахрланган бўлса, қалбига ўғлининг жасурлигига ҳам шундай фахрланарди. Аммо ҳамма вақт эридан хавотир олиб яшаган ва жудолик азобларини тортиб кўрган она ўғли учун икки баравар кўпроқ хавотирланарди.

— Мен ҳақ. Ойи, мен ҳақ-а?

Онаси индамайди, бола ҳам жим бўлди.

Эртасига Су Гиль ҳар кунгидан эртароқ уйғонди. У шошиб-пишиб овқатланди-да, қишлоққа югурди. Қишлоқ водийда дарё ёқасида жойлашган бўлиб, уч томонини тепаликлар ўраган эди. Қишлоқдан тепадаги миссия, оқ ва қизил бўёққа бўялган ибодатхонага қарашли касалхона ва мактаб кўриниб турарди.

Деҳқонлар аллақачон уйқудан туришган эди. Хотинлар уй юмушлари билан овора эдилар. Баъзилари Су Гилга қичқириб:

— Саҳарлаб қаёққа кетяпсан, тирранчал Менинг ўғлим ҳам жўнаб қолибди. Ухламас экансиз-да, тинчи маслар,— дерди.

Болалар аллақачон йигилишиб, сабрсизлик билан Су Гилни кутардилар. Кечаги ўйин қайта бошланди. Бирданига кимдир Су Гилнинг қўлидан коптокни тортиб олиб, маҳкам ёқасидан тутди. Бу — миссионернинг ўғли

Симон эди. Су Гилнинг миясига «Йогани учун қадоб оляпти» деган фикр келиши билан Симоннинг мушти келиб тушди. Су Гиль ийқилди. Қўрқиб кетган кичкин тойлар серрайиб, бу жазо беришни кузатардилар. Ўн беш ёшли малламай йигитча билан уришишга ҳеч қайсишининг юраги бетламасди. У шошилмасдан коптокни қўлига олди ва лайлак оёқларини чайқалиб босганча уий томон одимлади. Симон кутилмагандан уни чақирган овозни эшишиб тўхтади. Миссионер ибодатхонадан қайтаётган эди. Узоқдан бўлаётган ҳамма воқиани кўриб, газаб билан ўғлини чақирди:

— Шуларга тегма, деб неча марта айтдим. Коптокни ташла, эшиятсанми? Фиж-фиж микроби бор.

— Буни молбоқаримизнинг ўғли ўғирлабди. Йогани ўз кўзи билан кўрибди. Шунинг учун таъзирини бериб қўйдим. Ўзининг кимлигини билиб қўйсин.

Симон коптокни отиб юборди. Копток пастга юмалаб бориб, ўтлар ичига кириб кетди. Миссионер океан орқасидан олдирган севикли бульдогининг тасмасидан ушлаганча:

— Гап бундай, ўғлим,— деди у ибодатхонада ваъз ўқийдиган мурдор овоз билан (Симон отаси ўзи ҳам ишонмаган нарса ҳақида гапирмоқчи бўлгандагина шу оҳангда гапиришини яхши билар эди), — ўғрини парвардигори оламнинг ўзи шафқатсиз жазолайди, биз хрестианлар ўзимизга яқин кишиларни кечиришимиз керак,— деб, қичқириб берди:— бу ифлосларни уриб, қўлингни булғама, бор, ювин!

Миссионер билан Симон кетишгандан кейин болалар Су Гилга яқинлашишди. У юзи билан ерга ёпишганча оғзидан қон оқиб ётарди. Болаларнинг энг ботири Ке Дик уйига югуриб бориб, онасини чақириб келди.: У Су Гилни эҳтиётлик билан кўтариб олиб, дод солгана чайига олиб кетди.

— Йиғлама, ойи йиғлама,— деди Ке Дик болаларга хос бўлмаган, хотинни ҳаяжонини босиб олишга мажбур этган қатъийлик билан.— Шошилмай тур, биз катта бўлайлик, кўрсатиб қўямиз...

Су Гилнинг онаси бутун ҳаётида тақдирга итоат билан бўйин эгган ва у, қисматим — оддий корейс аёлининг қисмати шу экан, деб ҳисобларди. Аммо энди унинг сабр косаси синган эди. У ғазаб билан миссионернинг уйига қараб югоруди, эшик олдига етганда, уни яна аввалги журъатсизлик қамраб олди.

Шу вақт эшик очилиб, күзи миссионерининг жирканч башарасига тушди..

— Қандай шамол учирди, қизим? — сўради пўн-ғиллаб.

— Қотил! Одамхўр! — деб унга ташланди она.

Миссионер эшикни шартта ёпиб олди. Она унинг орқасидан ташланди. У ўзини ҳимоя қилиб қисқа семиз қўлларини олға чўзди.

— Қутурибди... — қалтираган лаблари билан ғул-дуради у, — қутурибди...

— Қотиллар! Ёвузлар!

Шовикни-суронга миссионерният хотини югуруб чиқди.

— Сизга нима бўлди, синглим, Исо ҳақи! Ақлингиз-ни йиғинг.

— Үғлим ўляпти. Уни сиз, сиз ўлдиридингиз!

— Вой-вой, нима деяпсиз?

— Қишлоқдан сўраб кўринг.

— Улар ёвуз, жоҳил одамлар. Йўқ нарсаларни чи-каришади. Илтимос қиласман, тўполон қилмаиг, ўзингизга ёмон бўлади, — миссионер хотинининг авлиё ота ўзига тобс бўлган қавмларига ҳадя қиласдиган расмла-ридаги фаришталарният бўта кўзларидақа кўзлари огоҳлантиргандай ялтиради.

Аммо она эшитмас эди. Фазаб ўтида ўғли Су Гилни ҳам унутибди, эҳтимол, у ўзига келиб, уни чақирти-гандир...

Бола ҳануз беҳуш ётарди. Унинг лабларида қон қо-тиб қолибди. Нима қилиш керак? Кимдан ёрдам кутиш мумкин! Бутун умид Тон Генда эди.

Су Гилнинг онаси кетгандан кейин ҳам, миссионер анча вақтгача ўзига келолмади.

— Бўйсунмаслик, мартабамни менсимаслик, исён, — деди у титраётган қўллари билан асабларни тинчла-тувчи қандайдир дорини стаканга томизар экан. — Худо урган бир жавакда яшайсан, бу лаънатиларни жонини сақлаб қоламан деб, соғлиғингни, тинчлиғингни, ҳамма-ҳамма нарсани йўқотасан. Мана сенга раҳмат. Нимага раҳмат? Улар калламни узиб ташлашга ҳам қарши эмаслар.

— Ташвишланма, мен уни тинчлатаман, — деб юпа-тарди хотини.

— Бола ўлса-чи? Нима ~~майлини куз олдинга кел-~~
2 Корея ҳикоялари

тирасапми? Бутун қишлоқ, ҳамма ибодатга келувчилар дарғазаб бўлишади, ибодатхона бўшаб қолади, ишининг путури кетади. Эй худо, гуноҳкор бандангга мадад бер! Бизнинг тўполончимизни таниқлантираётган ўзингсан.

— Ахир яккаю ягона-да,— деб миссионернинг хотини уҳ тортиб қўйди, унинг лабларида бегамлик табассуми кўринди.— Ҳаммаси тўғри бўлиб кетади.

Аммо миссионер ҳали ҳам ўзига келолмасди.

— Ваҳшийлар! Ваҳшийлар! Мени гўрга тиқасизлар,— у миссия бўйлаб қичқирди. Ўша вақтда хаёлидан қўйидаги ҳодисалар ўта бошлади...

...У, ёш руҳоний Америкадан ҳозиргина келган ва қайси вилоят маҳаллаларида жойлашиши, қаерларда яхши ер-сувлар борлиги ҳақида хабардор руҳонийлар билан маслаҳатлашиб, энг яхши Сеуль меҳмонхонасига тушган эди.

Эрталаб уни оломоннинг шовқин-сурони уйғотди. Кўчалар ишчилар, студентлар ва хизматчилар билан лиқ тўлганди. Уларнинг ёниб турган қаҳрли кўзлари бир умр ёдида қолди: бугун Су Гилнинг онасининг кўзи худди шунақа эди. Кейин япон отлиқ жандармаси ёпирлди. Асфальтда қон ҳалқоблари пайдо бўлди.

Ўшанда миссионер балконга яширган эди. Пастда бутун нарсаларни уриб-йиқиб оломон денгиздек чайқаларди. Миссионерга мана ҳозир у уй зинасига келиб уриладигандай ва уни шафқатсизлик билан ўз гирдо-бига тортиб кетадигандай туюлганди.

Унинг ўшанда кўрган нарсаси эски тузумни супуриб ташлаб, давлат тепасига ишчи-дехқонлар ўтирган Россияда бўлиб ўтган воқиаларнинг акс садоси эди.

Миссионер бир жандарм қилич билан байроқдорни чопиб ташлаганини кўрди. Қонга бўялган байроқдор гандираклади, бироқ, ўртоқларининг кучли билаклари уни тутиб, олға кетаверишди. Йўл-йўлакай оқ кўйлакларни йиртиб, ярадорларнинг жароҳатларини бойладилар, байроқ эса, аввалдагидек уларнинг бошлари усида ҳилпиравди.

Ўша унүтилмас кунда¹ минглаб корейслар ярадор ва қурбон бўлди, юз минглаб кишилар қамоқхоналарга ташланди. Революция бўрони тинчлик билан ўтиб кет-

¹ Бу ерда 1919 йилда бўлиб ўтган ва Корея тарихига «1 март қўзғолони» номи билан кирган воқиалар ҳақида гапирилади.

гандай эди. Мана, бир неча кундан кейин қурбонларни кўмиш маросими бўлди. Яна кўчаларга одам тўлди. Улар камаймаган, фақат кишилар замбил орқасидан жум борардилар. (Уларни полиция кузатиб борарди). Ишчилар тишларини-тишларига қўйган, қош-қовоқлари солинган, қўзларида қаҳр ўти ёнарди. Миссионер бу яширин ўт бир кунмас бир күп юзга урса, яхшилик кўрмаслигини тушуниди.

Кўп йиллар ўтди, аммо ўтган кунлар воқиаси унинг хотирасида абадий ўрнашиб қолганди. Ўша кундан бошлаб «худо берган» социал тузум ўйлаганидек мустаҳкам эмаслигини тушунди. Шу-шу унинг миясими қўрқув чулғаб олганди. Бу қўрқув кучайган сари, у тараққиётни кўролмасди: ҳар қандай янгилик унинг шахсий тинчлигига даҳшат солгандек бўларди.

У йигърма йилдан ошиқроқ Кореяда яшаб, бу мамлакатга қўниккан бўлса ҳам мажбуран қўниккан, аммо бу мамлакатни севмас эди. У корейслар ўртасида яшаб, ўзини уларнинг отаси ва худо олдидаги таянчи деб атарди, аммо уларни ҳам яхши кўрмас эди. Ҳатто ибодатхонадан руҳий таскин топишга интилган бир неча итоатгўйларга ҳам аслида таҳқирлашнинг яширии бир тури бўлган марҳаматли муносабатда бўларди. Ибодатхона олдидан бепарво ўтиб кетадиган кишиларни исёнкор ҳисоблар ва худодан уларнинг бошига ўз лаънатларини ёғдиришни сўрарди. Кундан-кунга миссионер шундай ўтинчлари билан ҳудонинг ҳам жонига тегарди; кундан-кунга унинг душманлари кўпаяр ва у, одамзодни янада ашаддийроқ кўролмайдиган бўлиб борарди.

Фазаби ўт олганда: «Мен буларни деб, ҳамма, ҳамма нарсани қурбон қиласман! Агар мен бунчалик саховатли бўлганимда, аллақачон Америкага қайтган бўлардим», деб бақиради. Йўқ, у сахий эмас, яхши ҳосил берадиган корейс ерлари сахий эди. Америкада уни қайсиdir бир бурчакдаги штатнинг ҳароб бўлган шаҳарида оддий руҳонийлик мансаби кутарди. Бу ерда бўлса, Япония ҳокимиятининг ҳимояси остида ўзини кичкина шоҳдек сезарди. Ким бойликни ташлаб кетади?

Тон Ген ерда ўтириб сингилчаси билан қўғирчоқ ўйнарди. Уйни уларнинг қий-чув ва кулгилари тўлдирган эди. Тон Ген Су Гилнинг онасини кўриши билан дарров ўрнидан турди, унинг юзини ташвиш қоплади —

қаршисида мункайған, бирданиңға қарыб қолған аёл турарди. Тон Ген бахтсиз ҳодиса юз берганини дарров сезди.

— Бола..., ўляпти,— деся лаблари зўрға иичирлаган бўлса ҳам, юзининг бирон жойи қимир этмади.

Ҳеч нарсанни сўрамай, Тон Ген шапкасини ола Су Гилнинг онаси орқасидан жетма-кет чиқди.

Улар бемор ётган тўшак ёнида турадилар. Тон Ген юраги эзилиб болага қарап, она эса мадад кутиб Тон Генга қарапди. У Тон Геннинг гапиришини кутарди. Ахир, бир пайтлар санитар бўлиб ишлаган, Су Гилга қандай ёрдам кераклигини ўша билади-да!

— Буидай қилсак,— деди охири Тон Ген,— уни уйда қолдириб бўлмайди. Дарҳол жиддий тиббий ёрдам керак.

— Аммо менинг ёнимда бир чақа ҳам йўқ,— деди она.

— Зарари йўқ,—деди таскин бериб Тон Ген,—таниш докторим бор, фақат уйида бўлса бас.

У доктор Юни назарда тутгани өди. Доктор Ю қишида шаҳарда дурағорчилик қиласидиган камбағал деҳқоннинг ўғли өди. У камбағалларни бепул даволарди. Ю кўплаб яширин ташкилот аъзоларини тузатган өди.

— Тажрибамда,—дерди у Тон Генга,— ҳаммадан кўра тўйиб овқат емаган, озғин, майиб bemорларни кўпроқ учратиб тураман. Менинг bemорларимга ёппасига бир хил дори ёзиб бериш керак: бошқа социал тузум,— деб шивирлаб айтилган аччиқ сўзлардан кейин ҳеч ҳам кутилмаганда очиқ ва ҳоҳолаб куларди.

Аммо доктор Ю касалларни даволайдиган яна бир дорисини — охирги чақасини касаллар билан бўлашиб ейишини гапирмасди. Докторнинг орқасидан кузатиб юриш учун доимий полиция қўйилган ва унга ғарип кулбасини тез-тез қамоқхонага алмаштиришга тўғри келарди. Очиғини айтганда шунинг учун ҳам Тон Ген докторни уйидан топа олмасликдан хавфсиради.

Тон Ген докторни чақириб келишга чиқиб кетиши билан миссионернинг хотини кириб келди. Бир қўлида ширинлик солинган пакет, иккинчи қўлида батист дастрўмолча. Ширинликларни Су Гилнинг ёнига қўйди-да, рўмолнасини лунжига ғамгин босди.

— Синглим, Исо ҳақи,— деб гап бошлади хушомадгўйлик билан,— мени ҳайдаманг. Болангиз ва менинг... тентагим ҳақига дуо қилишга ижозат беринг.

Су Гилнинг онаси индамади. Миссионернинг хотини кўзларини ярим юмиб, уни кузатиб турарди. У бу мўмин корейс хотини ҳиқилдоғидан бўғиб олишидан хавфланарди: нима бўлса ҳам, боласи ўлим олдида эди-да.

Аммо ғам билан әзилган хотин қасос ҳақида ўйла-маётганини кўриб, миссионернинг хотини тинчланди-да, мақсадга ўтди.

— Синглим, уйларингни ҳавоси молхонаникода-я,

— Узиям молхона-да!

— Беморнинг бу ерда ётиши мумкинмас.

— Соғ бола ётса бўладими?

Меҳмон ўзини бу таңбеҳларни эшитмаганга солди.

«Ўз айбини силлиқламоқчи,— деб ўйлади Су Гилнинг онаси,—халқнинг ғазабидан қўрқади. Ўғлимни ўлимдан сақлаб қолиш учун қўлидан келган ҳамма чорани кўра-ди. Айтишларича ибодатхонага қарашли касалхона докторлари яхши эмиш-у, фақат ҳаммага бир хил қараш-мас эмиш. Уни кўрага кўзим йўқ. Ёрдамининг ҳам кераги йўқ, аммо, болагинамнинг омон қолиши учун қўлимдан келган ҳамма чорани кўришим керак эмас-ми? Болам тузалганидан кейин бу ерларни елкамнинг чуқури кўрсинг.. Биронта тоғлик қишлоққа кетаман. У ерда миссионер йўқ, япон ҳукумати ҳам узоқда».

— Синглим, ҳай синглим,— миссионернинг хотини биринчи бор унинг қўлидан ушлади,— ўғлинигизни бизнинг касалхонага ётқизамиз. У ерда касалларга яхши қарашади, кўзга кўринган докторлар ва қиммат баҳо Америка дорилари бор.

Она, америкалик доктор номи чиққан дориларини уч баравар қимматга сотиши ва унинг ўрнига касалларга бир пақирга арзимайдиган порошок дори бериши ҳақида қишлоқда юрган шов-шувни эслади.

— Негадир сизнинг Америкадан келтирилган дориларингиз бизнинг қишиларга унчалик фойда қилмаяпти.

— Қўй-э, қўй-э!— деди меҳмон ялиниб, афтидан сўз нима ҳақида бораётганигини тушуниб.— Ўғлингдан хавотир олма, ахир мен айтиб қўяман; ундан ҳеч нарсани аяшмайди ва бошқаларга қараганда унга яхшироқ қарашади.

— Бироқ, менинг пулим йўқ-да.

— Худо ёр бўлсин! Ўзига яқин кишиларга ёрдам бериш миссионернинг муқаддас бурчи эмасми?

— Яхши бўларди-ю...

— Нимасини ўйлаб ўтиради? Сен ўйлаб ўйингга етгунингча боланинг аҳволи оғирлашади.

«Тон Геннинг келишини кутиб, маслаҳатлашиш керак эди. Ким билади, доктор топадими, йўқми, қачон келади? Шаҳар узоқ, боламнинг эса аҳволи оғир...»

Бу вақтда миссионернинг чаққон хотини Су Гилии одеялга ўраб бўлганди. Она болани қўлига олди. Дарвоза олдида миссиснернинг хотини унга етиб олди-да:

— Мен бориб огоҳлантирай, ўғлингга яхши жой ҳозирлашсин,— деди.

Қасалхонага келиб, тўғри ўзининг жонажон ўртоғи — қасалхона директори олдига жирди. У миссионернинг хотинини ўи йилдан бери кўришмаган кишилардай қучоғини очиб қарши олди.

— Бошимизга фалокат тушди,— деб гап бошлади секин миссионернинг хотини.— Ҳар қандай фалокат юз бергандা биз америкаликлар бир-биrimизни қўллаб-қўлтиқлашга мажбурмиз. Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун жавоб бериши керак. Бегона юртларда шундай бузилмас қонун ҳукм суради.

Қасалхона директори ўртоғига қўғирчоқнинг кипригига ўхшаш узун, оппоқ жиприклиарини пирпиратиб кўзларини катта очганча қараб турар ва ундан нима истаётганларини тушунмай, ҳайрон бўларди. У ўз зеҳни билан бошқалардан фарқ қилмас, ўз камчилигини билса ҳам, бу камчilik ақллилик, ишчанлик ва яхши сдатлари туфайли ортиғи билан қопланиб кетади, деб ҳисобларди. У ҳақиқатан ҳам бундай сифатларга эга эди.

— Айтинг-чи, сиз ўз хизматчиларингизга ишонасизми?— қатъий сўради миссионернинг хотини.

— Ўзингизга маълум: корейс-врачлар, улардан ташкари қасалларга қаровчи хотинлар...

— Айтинг-чи, бемор қасалхонага бир қасал билан қабул қилиниб, иккинчи бир қасал билан ўлган пайтлар ҳам бўлганми?

— Сиз, албатта, диагнозни нотўғри қўйилишини назарда тутяпсиз?

— Нега ахир, шундай воқиалар ҳам бўладики, бе-

морлар бир-бирларига ўз касалларини юқтирадилар. Қачондир шундай бир воқиани эшитган эдим. Бу воқиа кўп жанжалларга сабаб бўлган эди. Улганинг қариндошлари бой кишилар бўлганлиги учун докторларни жавобгарликка тортнишган.

— Нималар деяпсиз, миссис! — директорининг ҳазилакам юраги чиқиб кетмади. — Бизнинг касалхонада бундай воқиаларнинг рўй бериши сира мумкин эмас.

Миссионернинг хотини норози бўлиб, лабини тишлаб қўйди. Касалхона директори бутунлай ўзини йўқотиб қўйди. Ўзи мендан нима истайди? Шу пайтда америкалик хонимга шу ўртоғи нима учундир ҳамиша кўнглига ёқмагандай кўринди. «Хафа бўлди. Эрига чақса, балога қоласан. У мавқеи зўр одам...»

— Тўхтанг, тўхтанг, миссис, айтганча энди эслаяпман, — деди у зўрга, — қачондир бир... воқиа бўлган эди...

Шу вақт миссионернинг хотини Су Гильнинг онасини деразадан кўриб қолди.

— Гап бундай, миссис, — деди у қатъий ва аниқ қилиб, — ҳозир сизнинг олдингизга бир болани олиб келишади. Уни ўлтимдан сақлааб қолиш учун қўлингиздан келган чорани кўринг, ҳар ҳолда менда ҳақингиз қолиб кетмас. Аммо, сақлаб қолишнинг иложи бўлмаса, унда... унда касалхонага ётган касалидан эмас, бошқа касалликдан ўлиши керак. Шунга биноан акт бўлсин.

Улар бир-бирларининг кўзларига қарамай, бошларини қимирилатиб хайрлашдилар. Касалхона директори ҳайкал бўлиб қолган эди: «Бу нима деган гап? Ахир, мен виждоили одамман-ку». Миссионернинг хотини эшик олдида орқасига қайрилиб, ҳеч нарса бўлмагандай:

— Миссис, ҳар доимдагидек кечқурун бизнисига келиб, карта ўйнашни ёдингиздан чиқарманг. Бусиз, бу ерда бутунлай сиқилиб кетасан, маданиятли киши эканлигининг ҳам унутиб юборасан, — деди.

Су Гиль ўзига келди. У жуда дармонсиз, оқ халат ва чепец¹ кийган касал боқувчи корейс хотин қелтирган бўтқадаи зўрга икки қошиқ еди.

Палатага онаси кириб келиб, унга катта, хушбўй ҳидли нок узатди:

¹ Чепец — аёл ва болаларниң бир турли бош кийими.

— Қаердан олдинг! — сўради бола. — Пулинг йўқ эди-ку.

— Буни сенга Ке Дикнинг онаси совға қилиб юборди.

— Бир бўлак бер... Мактабга қачон бораман? — сўради зўрга.

— Ташвишланима, ўғлим. Ҳали ўқиш бошланнишига анча кун бор. Ўқиш бошлангунча тузук бўлиб кетасан. Миссионернинг хотини сени мактабга киргизиб қўйишга ва китоб совға қилишга ваъда берди.

— Кераги йўқ, — деди бола жаҳл билан. — Ке Дикнинг отаси унга китоб олиб беришга ваъда берган. Ке Дик — сахий бола. Бирга ўқиймиз.

Су Гиль тағин бир нарса демоқчи эди-ю, аммо оғриқдан юзи буришиб, яна ўзидан кетди.

Тонг отиши жуда қийин бўлди. Она бемор ўғлиниң бошида ўтириб, тун бўйи мижжа қоқмади. У юрагини ҳовучлаб унинг нафас олишини эшитиб ўтиради. Су Гиль алаҳларди. Она хуноб бўлар, ўғлининг нима деётганини билиб олишга урниарди.

Икки кечада ухламай қийналиб кетган Су Гилнинг онаси илиққина батареяга суюнганча беихтиёр кўзлари юмилди. У туш кўрди: Су Гиль сувга чўкиб кетаётган, унга қўлларини чўзаётган эмиш-у, у бўлса, қирғоқда турган бўлса ҳам, жойидан қўзғала олмас эмиш. У бақириб уйғониб кетди. Су Гиль қўлларини ёйворганча ётарди. У хирилларди.

Она кўзларини катта очганча охири кўрнимаган узуни коридор бўйлаб касалхона директорининг хонасига қараб югурди. Америкалик хоним, чармли диванда тақводорлардай ухлаб ётарди.

— Болам... болам... — деда пичирлади она докторининг қулоги остида, қиммат баҳо атири ҳидини таратиб ётган иссиққина елкасига ёпишиб.

Доктор сакраб ўрнидан турди, елкасига ҳалат ташлаб, палатага ошиқди. У нимжон поядай шалвираган Су Гилнинг қўлини ўзининг катта, терлаган ва ҳаяжондан титраётган қўлига олди.

«Ҳеч қандай умид йўқ, — деб ўйлади ичиди, — аммо мен бу корейсвачча учун қўлимдан келган ҳамма ишни қилмадимми? Бир неча кунлик умри қолди. Шундай бўлгандан кейин, — мулоҳаза қиласарди ўзича, — қандай

касал билан ўлиши барибир эмасми?» Шу пайт унинг виждони иккига бўлинди: биринчи овоз врач ва христиан бўла туриб, жиноят сари қадам қўяётганини фош этса; иккинчиси қўйидагича фикр юритарди: «Ҳеч нима билан ёрдам қилиб бўлмайди. Тузалишидан кўра ўлиши юз марта аниқроқ. Миссиямизнинг обрўси қил устида турибди. Агар мен бу обрўни сақлаб қолишга ёрдам бермасам, миссионер мени кечирмайди. У мендан айёр ва обрўлироқ. Мен бундай рақибдан қўрқаман, ахир мен миссионерни эмас, ибодатхонамизнинг шаънини, менга ўхшаганлар яхши яшаётган Америка шаънини сақлаб қоламан-ку!» Албатта, иккинчи овоз биринчи овоздан устун келди. Касалхона директорининг кўзларида раҳм ёшлари кўринди ва таранг юзидан пастга юмалай бошлади...

Су Гилнинг онасининг қалби унсиз ташаккур билан тўлди. Қандай қилиб бу йўғон, сариқ сочли хотин унинг аламига шерик бўляпти? Тон Ген бўлса, Кореядаги американликларнинг ҳаммаси жосус, таловчи, абллаҳ деган эди.

Мана американлик аёл кўз ёшини артди, одатича чўнтагидан қутича олиб, ичидан олдиндан тайёрланиб қўйилган шпарицичи чиқарди.

Бола қимирлаб кўзини очди.

— Кўряпсанми, анча тузук бўлди,— деди американлик аёл.— Ўнингга бориб дам ол. Эрталабгача олдида ўзим ўтирамал. Хавотир олма.

Она итоат этди. Ахир, бу хотип учга ва унинг ўғлига фақат яхшиликини раво кўрмаяптими?

Тон Ген Су Гилнинг онасини кутиб турарди. У бир неча марта доктор билан келган бўлса ҳам, уни уйида учрата олмади. Она болани ибодатхонага қарашли касалхонага олиб кетганини эшитиб, ўйланиб қолди.

— Тон Ген, сиз улар боламни ўлимдан қутқариб қолишларига ишонмаяпсиз-а?

— Йўқ, нега,— деб мужмал жавоб берди Тон Ген,— гоҳида бўлади..

Америкалик аёл Су Гиль ётган палатадан чиқди. Унинг юзи қизил-қизил доғ эди. У касал боқувчи хотинлардан бирини чақириб:

— Ҳар эҳтимолга Ҷарши болани изоляторга олиб чиқиб қўй! Негадир унинг аҳволи менга ёқмаяпти,— деди.

Кечқурун бўлса, у миссионернинг шинам меҳмонхонасида кофе ичишиб ўтиарди.

— Чуқур қайғу билан сизга билдиришм керакки, менинг эътиборимга топширган болангиз юқумли касал билан оғриб қолди,— деди.

— Парвардигорнинг ўзи қўлласын,— деди миссионер пингиллаб.

Бу пайт унинг хотини эҳтиётлик билан кофе қуярди. Бир томчи кофе ҳам дастурхонга тўқилмади.

— Оҳ, агар бу ерларга тўккан қонимиз ва лешона теримизни демасак,— деди у,— агар бу кишиларнинг ваҳший урф-одатларини шу қадар ахлоққа чақиравчи муқаддас миссиямизни демасак, аллақачон Америкага кетиб қолган бўлардик. Болам қишлоққа тушгудек бўлса, ўзимни қўйгани жой тополмайман. У шундай олов, шундай адолатлини, асти қўйинг. Ҳамма вақт ўртоғини ёнини олади, виждонсизлик ва ўғрилика сира чидаб туролмайди. Айтгандай, мен унинг туғилган кунига атаб, милтиқ сотиб олмоқчиман. Бунга нима дейсизлар? Ҳеч бир зарарсиз, ов милтифи, ҳозир бу бизнинг ватанда мода. Айтишларига қараганда, бу нарса болани мустақиллик ва мардликка ўргатади.

Улар ширин суҳбатлашиб ўтириб, кеч бўлиб кетганини ҳам сезишмади. Хайрлаша туриб касалхона директори ташвишга қўйгандай гап бошлади:

— Агар сиз бўлмаганингизда... сиз учун...

— Йўқ, йўқ,— унинг галини дарров бўлди миссионер,— агар сиз бўлмаганингизда, биз бу ерда зерикиш ва ёлғизликдан ёввойи бўлиб кетардик,— деб унга ўзининг юмшоқ ва оппоқ қўлини узатди.

Су Гилнинг онаси қачон боламнинг олдига қўярканлар, деб касалхона дарвозаси ёнидаги тош скамейкада кун бўйи кутнуб. ўтирди. Болани изоляторга олиб чиқиб қўйгандаридан бери уни ўғли ёнига қўйишмасди. Бир куни кечқурун гангиг қолган она энди кетмоқчи бўлиб турган эди, унинг олдига қовоғларини ажин босган касал бокувчи хотин чиқди.

— Кир, кир,— деб секингина қўшиб қўйди: — Оҳ, вақти келганда, ҳали улар бизнинг кўз ёшларимизнинг ҳисобини берадилар..

— Нималар деб ғулдураяпсан?

— Шундай, қарилкдан.

Она секин Су Гиль ётган палатанинг эшигини очди. Бу ерда Су Гиль йўқ эди. Су Гилинг ўрнида қора сочсоқоли ўсиб кетган бир киши ётарди. У, хотин кишини кўриши билан устига чойшапни тортди.

Она бошқа палатага ўзини урди. Ҳамма каравотлардан унга азоб тортган бегона юзлар қаарорди. Охири касалхона директорининг семиз гавдаси унинг йўлини тўсди:

— Нега палатама-палата изғиб, касалларни безовта қиляпсан?

— Болам қаерда?

— Қабулхонамга юр,— деди амрона америкалик аёл. Унинг аввалги раҳмдиллигидан асар ҳам қолмаган эди.

Она ичкари кириб, штоаткорлик билан стулга ўтириди. Гапни бошлашдан олдин америкалик аёлнинг иккиласиши ва ёноқларида пайдо бўлган парча-парча қизил додлардан она бирон гап борлигини дарров сезди.

— Сизнинг ўғлингиз бошқа бир бола билан уришиб жабр тортди, шундай эмасми?— деди директор гапни узоқдан бошлаб.

— Меники етти ёшда, у бўлса яқинда ўн олти ёшга киради. Яхши бола! Отаси, жаноб миссионердан ҳам ўтиб кетди.

Касалхона директори гўё бу сўзларни эшитмагандай эди.

— Бу болалар ўртасидаги одатдаги үришиш. Ўзингиз айтинг, қайси бола уришмайди? Аммо шу пайтгача бундан ҳеч ким ўлган эмас.

— Демак, менинг болам соғ-саломат?!— деб қичқирди Су Гилинг онаси ва ўрнидан сакраб турди.— Рухсат этинг, ялиномац, олдига киришга рухсат этинг. Ахир икки ҳафтадан бери кўрганим йўқ, соғиндим...

— Ўтиринг, ўтиринг,— америкалик хоним стулни кўрсатди.— Биласизми нима...— У нима дейишини билмай, худди гапираётган гаплари учча аҳамиятсиздай ва ташқарида бирон-бир нарса уни қизиқтираётгандай бўйини чўзиб, ойнадан ташқарига қарай бошлади.— Биласизми нима, у юқумли касал билан оғриган экан, аввалига билмай қолибмиз. Шунаقا ҳам бўлади-да... Биласизми, ҳатто Америкада ҳам шунга ўхшаш воқиа бўлган... Менга миссионернинг хотини гапириб берди.

Марҳумнинг қариндошлари бої кишилар бўлган, кўрдингми...

— Менинг болам... ўлдими?

Касалхона директори ҳали ҳам диққат билан деразага қараб турарди. У индамади. Директор ҳаддан ташқари раҳмдил бўлиб, ўликнинг қариндошлари, ўзи айтгандай «юрак-бағирни эзиз ташлайдиган саҳна» кўрсатишларига тоби йўқ эди, ҳозир шундай аҳвол рўй беришини сезиз турарди.

— Мен врачларни чақираман,— деб бақирди Су Гилнинг онаси,— виждонли врачларни. Болами ким ўлдирганини ўшалар айтиб беради!

Касалхона директори яшикдан кичкинагина қутича олиб, онага узатди. Бу қутичага Су Гилнинг хоки солинган эди.

— Биз соғ кишиларни эпидемиядан сақлаб қолиши учун юқумли касалларнинг жағоадини кўйдиришга мажбурмиз. Конун шуни тақозо қиласди. Мана, ўғилчангизнинг нимадан ўлганлиги ҳақидапи расмий акт.

Она бошини солиб, қимирламай ўтиради. У ихтиёrsиз бармоқларини қимирлатиб, қўлига диққат билан тикиларди.

— Марҳамат қилиб, чиқиб жетинг!— деди касалхона директори ўрнидан туриб. Аммо она қимир этмади. Буни кўрган оғир ва одобли америкалик аёл бақириб берди:

— Кет бу ердан! Йўқол!..

Бу «юрак-бағирни эзиз ташлайдиган саҳна» таъсир эта бошлаган эди.

Су Гилнинг онаси касалхона ҳовлисида узоқ вақт қўлидаги қутичага ҳайрон бўлиб қараб турди. Үғлидан атиги шу қутичагина қолганига ҳеч тушуна олмас эди.

Унинг атрофини деҳқон хотинлар ўраб олишди. У таниш юзларни кўрган бўлса ҳам, уларга аҳамият бермади — ахир уларнинг қутичага ҳеч қандай алоқалари йўқ-да. Аёллар Су Гилнинг онаси ҳеч кимни танимаяпти, деб ўйлар ва ачинишиб бошларини қимирлатардилар. Ёғиз ўзини қолдириб кетишга қўрқиб, тарқалишмади.

Ке Дикнинг онаси яқин келиб:

— Непа қараб турибсизлар!— деб хотинларга бақи-

риб берди.— Юр, юр,— деди Су Гилнинг онасини эркалатиб ва унинг қўлидан ушлаб етаклади. Она бўйсунди.

Хотинлар аста-секин тоқقا кўтарила бошлашди. Миссионернинг уйи олдида Су Гилнинг онаси тўхтади.

— Юр, юр,— деди Ке Дикинг онаси уни юпатиб,— сен бу ерда эмас, молхона олдидаги саройда яшайсан,— у, бечора ақлидан озган деб қатъий ишонгаиди. Олижаноб аёл авайлаб уни багрига босди, аммо Су Гилнинг онаси уни четлатиб, зинапоянинг мустаҳкамлигига ишонмагандай битта-битта оғир қадам ташлаб кўтарила бошлади.

У, ҳатто диниїй байрам кунлари миссионер хизматчи ва қаролларига бола-чақалари учун халтачада қанд-қурс улашгаида ҳам заъфарон юзли бирон бечора оёқ қўймаган зинапояндан ҳаммасининг кўз олдида ғантана билан, бошинни тик кўтариб чиқиб борарди.

Онанинг эшникни шартта очиб, меҳмонхонада пайдо бўлганини аёл даҳшат билан кузатиб туради. Миссионер ва унинг хотини креслода роҳат қилиб ётишар, кичкина газанда бўлса, ҷиванга ўтириб олиб, ўзининг янги сотиб олинган ов милтигини қисмларга ажратиб ўтиради. Су Гилнинг онасининг бу ерда пайдо бўлиши ва пастда тўпланиб турган ғазабкор хотинлар тўдаси уларнинг ўтакасини ёриб юборган эди. Бу хол — миссионер 1919 йилда қўрқувга тушган воқиаларга нимаси биландир ўхшарди.

— Эй худо!— деб минғирлади миссионер ва бир даста пулни онанинг оёқлари остига улоқтирди: қофоз пуллар пол устига сочилди. Бутун ҳаётида бу оёғи остида ётган пулнинг ярмисини ҳам топмаган Су Гилнинг онаси, қиё ҳам боқмади. Миссионернинг хотини унга яқинлашди:

— Синглим... синглим...

Су Гилнинг онаси сесканиб тушди. У миссионернинг хотинига ташланиб, ёқасидан бўға бошлади. Она миссионернинг оёғи остига олиб тепганини ҳам сезмади, жандармнинг шпорини жиринглатиб кириб келганини ҳам эшилмади. У жандарм қўлларини қайириб, эшиктомон судрагандагина ўзига келди.

— Уни қўйиб юбор!— деб хотинлар жандармга қичқиришарди.

— Улар унинг боласини ўлдиришди!

— Болаларингни кияй деса, иштони йўқ-ку, мундирда юрасан-а, сотқин!

— Қўйиб юбор! Сени қара-ю, қоғоз йўлбарс...

— Товушингни ўчирларинг,— бақирди қизариб жандарм. Охирги ҳақоратдан бошиقا ҳаммасига чидаш мумкин эди, чунки қишлоқда уни қоғоз йўлбарс ва баъзида тўнғиз деб аташларини биларди. Аммо тўнғиз дейншлирига унча хафа бўлмасди, ҳар ҳолда салмоқлироқда.— Ҳаммангизни қамайман!

Ке Дикни онаси биринчи бўлиб ердан қўлига тош олди. Миссия дераазаларининг ойнаси чил-чил бўлиб ерга тушди, жандармнинг бошига ҳам тош ёғди.

— Яхшиликча саломатлигингда жўнаб қол!— деб жандармга маслаҳат беришди хотинлар.— Бу ерни ўзимиз тартибга соламиз.

Жандарм шу қишлоқлик бўлиб, хотинларга Ке Дикнинг онаси бошлилик қиласар экан, уларга яқинлашмаслик маъқуллигини биларди. Шунинг учун «Қоғоз йўлбарс» газаб билан туфлаб, «Жанг майдонидан» қочиб қолди.

Йўл тепаликлар орасидан буралиб-буралиб кетганди. Су Гилнинг онасининг бор ёнёси кичкинагина тугун бўлди, аммо бу ўтга ҳаётидан қолган нарсанинг ҳаммаои эмас эди. Умрининг охиригача уни қурбон бўлган ўғлининг номи билан Су Гилнинг онаси деб атайдилар.

Олдинда бўйин эгнишга йўл қўймайдиган янги ҳаёт кутарди. У эри борган йўлдан унинг ўртоқлари олдига, тоққа борарди. Эри ва ўғли учун қасос олгани борарди.

Х В А Н Ч О Р Ё Н¹

Бу ҳикоядаги воқиа Чончжинъ уездидаги Кобан деган жой билан Хамхин текислиги орасидаги узук тоғ районида содир бўлади. Корея халқининг Улуғ Ватан уруши йилларида (1950—1953) ўн икки минг кишилик америка денгиз пиёда қўшинлари дивизияси бу ерга киришга муваффақ бўлган; Корея армияси уни қуршаб олиб тамомила қириб ташлаган.

I

Анча қоронғи тушиб қолганига қарамай, Пок Сир складда ҳали ҳам хизмат ўтамоқда. Санитария замбили-

¹ Х ван чор ён — довон номи.

ларига ёстиқларни жойлаб бўлиб, матраслар билан овора. У дори-дармонлар солинадиган қопларга сомон тиқа бошлади. Унинг юzlари ташвишли: полк лазаретига жўнатилиши лозим бўлган Дюн Сигни ўйларди, бу осон вазифа эмас, ахир.

— Кеч кириб қолди-ку, Пок Сир, бу ерда нима қил япсан? — склад ёнидан ўтаётган ҳарбий врач унинг нима қилаётганини жуда яхши кўриб турган бўлса ҳам шу саволни берди, аммо у гапни бошқа бир ўринли сўздан бошлашга ҳам қодир эди.

— Наҳотки, бизнинг бепоён тоғларимизни қоплаш учун қуёш ёруғлиги зўрга етишини билмасангиз,— деди кулиб қиз,— бу ерда, Хванчорёнда, бизга унинг ботиб бораётган бир чеккасигина нур сочади, холос. Шошилмай бўлармиди.

Пок Сир бир вақтнинг ўзида ҳам ғайрат билан хизмат қилар, ҳам хаёл сурарди. Унинг бу характеристи врача ёқарди. Врач ўзича бу қизни баҳт юлдузи деб атарди.

— Нима қилиб турибсиз, нега менга мунча термила-сиз? — деди қиз.— Халақит берманг!

— Агар шундай бўлса кетишга тўғри келади,— кулимсираб мулойимгина жавоб берди у.

«Ким жуда ҳам ажойиб киши,— врач кетгач ўйлади Пок Сир.— Қанча-қанча жангчиларни яна сафга қайтарди. Чиндан ҳам у ўзига хос табиатли бир киши, бироқ, Дюн Сиг бўлса, бутунлай бошқача...» У ҳам Қимнинг қўлида шифо топиб, ўлим чангалидан қутулган баҳтли кишилардан бири.

Медсанбатнинг санитар машинаси йўқлиги туфайли госпиталга жўнатиладиган ярадорларни биронта йўловчи машина ёки арава олиб кетар, деган умид билан уларни катта йўлга олиб чиқиларди. Ҳаракатдаги армия сафида бирон кишиси бўлган деҳқонлар жангчиларга ёрдам қилишдан ҳеч қачон бош тортмас эдилар, аммо бў даҳшатли куиларда улар аҳён-аҳёнда довюраклик қилиб йўлга чиқишарди. Шу пайтларда ҳамширалар ноилож, уйқусизликдан дармони қуриган, баджаҳл ва қўпол муомала шоферларга умид боғлашарди. Уларни айблаш ҳам қишини эди-да, чунки кўплари ҳали ҳамширалардан ёрдам сўраб келишмагани билан медицина ёрдамига муҳтоҷ кишилар эди. Оғир ва ҳаддан ташқари узоқ йўл азоблари бундай мард кишиларнинг ҳам дармонини қуритарди. Ўша вақтларда душман штурманчи-

ларига қарши курашга сафарбар қишлимаган биронта ҳам шоферни топиб бўлмасди. Ғалабани қўлга киритиш учун уларнинг асаблари ҳанчалик бузилганини тасаввур қилиш ўйин эмас.

Бир неча бор муваффақиятсизликларга учраб, ярадорлар билан медсанбатга қайтган ҳамширалар «машина тутиш» усулини ўйлаб топдилар. Улар, машинани ўтказиб юбормаслик учун бир-бирларининг қўлларини ушлаб, йўлнинг ўртасида туриб олишарди-да, шоферининг узундан-узоқ сигнал беришинга ҳам қарамай, жойларидан қимирлашимасди. Ҳайратда қолган шофер кабинадан чиқиши билан уни қизлар ўраб олишар, биттаси дарров машина устига чиқиб, голибона:

— Қани, ҳамширалар! Менинг bemorimni бу ёққа чиқаришга ёрдамлашиб юборинглар,— деган овоз эшилмагунча шоферни қўйиб юбормас эдилар.

Қизлар тувақиб кетган шоферни ҳовуридан туширгуича қашча-қашча ширини сўзлар айтишар, ялиниб-ёлворишар, ҳатто, ватанпарварларга хос дабдабали нутқлар ҳам сўзлашарди.

Йўловчи машиналар ахён-ахёнда ўтадиган кезлар ҳам бўларди, бундай пайтларда қизларнинг асаблари бузилиб кетарди. Улар бир-бирлари билан келишолмайдиган рақиблардек бир-бирларидан тезроқ юк машинаси томон отилишарди, ҳар ким ўз bemorini Ватан учун энг қимматли киши ҳисоблаб, дугонасининг бу ҳолни тушуниб етмаётганидан хафа бўларди.

Баъзи ҳамширалар чиройли дугоналарининг осонгина иш битириб кетишаётганини кўриб аччиғланишарди. Бу адолатсизлик Пок Сирни таажжублантириди. Пок Сир ўз дугоналарини яхши кўрар, уларнинг гўзаллигига ҳайратда қолар, шак-шубҳасиз, охирги бурда ионини беришга ҳам тайёр эди, аммо машинага келганда-чи, ҳамширалар ўртасидаги бузилмас дўстлик асло юз-хотир қилинмасди.

— Шунча кутганимиз ҳам етар, дўстлар,— деб ўз bemorlariiga мурожаат қилди Пок Сир,— тайёrlанинглар, машина келяпти! Ҳа, қани!— дағдаға билан қизларга яқинлашар экан, кучли елкалари билан уларни турти қиз.— Нарироқ туринглар-чи, мен ҳаммадан илгари келган эдим-ку!

Пок Сирнинг бақувватлигини ҳамма қизлар билишар, шунинг учун у келди дегунча орқаларига тисари-

лишарди. Чунки у қишилоқ томирчиликниң қизи әди, ёшлигидан меҳнатда отасига ёрдам берип ўсган, унинг пайлари йигитларникидек бақувват әди.

Қизнинг бир жиҳатдан кўнгли тинч әди. Қундузлари шоферлар чиройли қизларга кўпроқ эътибор беришарди, туңда эса Пок Сир осонгина улардан устун чиқарди. Маълум бўлишича кишининг феъл-атвори унинг ҳусинидан кўра ган-сўзида тўғрироқ талқин этилар экан.

Пок Сир кўп ярадор жангчиларни даволади, аммо улар орасида Дюн Сиг алоҳида ўрин тутарди. Балки Дюн Сиг катта унвон эгасидир? Погонида учта саринқ чизиқнаси бор бу йигит унча катта унвон эгаси эмас, албатта, Балки Дюн Сиг моҳир учувчи ёки машхур таинцидир? Қаёқда! У оддий шофер, холос. Балки унинг кўкрагида олтин юлдуз ярақлаб тургандир? Асло, у медаллари биланги мақтанини мумкин әди, холос. Бироқ, Дюн Сиг ўз жасурлиги билан катта шуҳрат эгаси әди.

Кунлардан бир кун қўмондонлик Дюн Сигга катта ишонч билдириб, қурол-яроғлар турадиган маҳфий жойларни айтди.

Хванчорён довонига шошилниче равишда спарядлар етказиб бериш зарур бўлиб қолди. У тоғдаги ўнча-мунича одамнинг стиб бориши мушкул бўлган маҳфий жойлардан бирйига жўнади. Машинани ишҳоят даражада эҳтиётлик билан бошқариб борди.

Худди шу кунларда Хванчорёни босиб олган америка биринчи дengiz ниёда қўшиллар дивизияси қуршовда әди. Америкаликлар төгларда галалашиб ва яккаякка изғиб юришар, кундузлари гор ва пана жойларга яширинишар, кечалари бўлса жануб томонга ўтиб олиб бизнинг машиналаримиз пайидан бўлишар әди.

Маҳфий жойга яқинлашганда Дюн Сиг машинани тўхтатиб моторини ўчирди, яна яқин-орада американликлар бўлмасин, деб у ёқ-бу ёқин кўздан кечириш учун машинадан сакраб ерга тушди. Бироқ, яхши қуролланган американликларнинг кичик бир тўдаси уни қандай қуршаб олганини сезмай қолди. Дюн Сигнинг оёқлари чалишиб кетди. Қаршилик қўрсатсанми? Зич ҳалқа бўлиб ўраб олганлар тўққиз киши әди. Оғиз очтиришга ҳам қўймай суробини тўғрилаб қўйишади.

Америкаликлар ўзаро маслаҳатлашиб олганларидан кейин, кимнинг кабинада кетиши керак эканини белги-

лашди. У қотма, ҳеч кимниң назари илмайдиган киши эди. Бу ҳурматга сазовор бўлган одамниң охиригү томчи қонн қолгунча чайирлик билан олишажагига Дюн Сиг шубҳа қилмасди.

Америкалик Дюн Сигнинг ёнига ўтирас экан, икки оғиз сўз деди, холос:

— Кўряпсанми?— Дюн Сигга маузери ва чап қўлиниң муштини кўрсатди у.— Ҳайдо.

Ахир, улар тўққиз киши эди, Дюн Сиг бўлса ёлғиз. Аллақачон ногонларини ҳам олиб яшириб қўйишибди, аммо Дюн Сиг уларнинг анони эмасликларини биларди.

Узининг одатдан ташқари хушманзаралиги биланина эмас, балки тўқсон тўққиз бурилиши билан ҳам шуҳрат топган Хванчорён довонининг катта қисми орқада қолиб кетди. Ҳамон америкаликлар забт этиб ётган Ҳамхин текислигининг бошланишига ҳам оз қолди.

Дюн Сиг машинани кескин бурилишлардан олиб ўтадётган чоғларда фидирлак остидаги замин чуқурликлар кўзинга ташланаркан, ўзига ўзи: «Йўқ, ҳали вақт бор, балки бизникилар машинани тўхтатиб қолишар. Бу — ўлим-ку, ахир...» дерди. Бироқ, Дюн Сигнинг иши ўнгидан келмай, машина бизнинг пистирмаларга дуч келмасдан йўлда давом этарди.

«Охириги бурилиш,— деган фикрга борди Дюн Сиг,— охиригү умид. Бўлганча бўлди». Нима сабабдандири хайрланини олдидан онасига айтган сўзлари ёдига тушиди:

— Онажон, менга тўйиб-тўйиб қараб ол. «Балки кўришмасмиз», деб қўшиб қўймоқчи бўлди-ю, аммо ўзини тутиб қолди. Йўқ, бу сўзлар унга қаттиқ тегини учунгина эмас, балки Дюн Сиг қабиҳликини ёмон кўрадиган ростгўй киши эди. Фронтга кетар экан, соғ-саломат қайтишига ишончи комил эди.

Мана, охириги бурилиш ҳам келди. Машини гўё бирдақиқа фазода муаллақ турганлек бўлди-ю, замини чуқурликка қулади.

Дюн Сиг тим коронфилик қўршовида қолди. Унинг кўкрагига даҳшатли саккизоёқ ёпишиб олди-да, панжаларини унинг халқуми томон чўзиб, кучини ҳам қонини секин-аста сўра бошлади. У қўрқиб кетиб овозининг борича қичқирган эди, кўкрагидан ингроқ нидо чиқди, холос. Йўқ, у бағрини ерга бериб ҳушсиз ётар экан,

саккизоёқ билан эмас, нақ ўлим билан олишарди. Унинг тепасида, ёшлигида болалар билан: «Сенга битта юлдуз — менга битта юлдуз, сенга иккита юлдуз — менга иккита юлдуз, учта юлдуз...» деб санашгаи, катта ёруғ юлдузлар чарақлаб турибди.

Жангчиларимиз Дюн Сигни эрта тоғи пайтида тоидилар. Ундан чамаси йингирма метр нарида мажақланган машина, теварак-атрофида янчилган душман мурдалари ётарди.

Дюн Сигнинг қулогига аллақасердан ғала-ғовур овозлар эшилтилди:

— Авария.

— Мен сенга, машинани унинг ўзи атайлаб ағдарган деяпман.

— Қизиқ!

— Кўришиб турибди-ку, эшиги очиқ, машина ағнаб тушаётганда у ўзини ташлаган.

— Аиави ўлаксани эгнидан шинелини ечиб ол. Унга энди шинелнинг кераги ҳам йўқ, ўзимизнинг йигитимиз совқотяпти. Етказиб бориш мушкул бўлса жерак деб ўйлайман.

Жангчилар топшириқ билан кетишаётган бўлиб, медсанбатга қадар бўлган масофа беш километрдан ортиқ эди. Яқинроқ ерда халқ комитети бор эди. Жангчилар ярадорни уларнинг ихтиёрига топширишни лозим топдилар, ахир улар кўплаб йигитларга ёрдам қўлларини чўзишган-да! Жангчилар халқ комитетида бир чол билан унинг ўн уч ёшли ёрдамчинини учратишди. Улар Дюн Сигни худди тажрибали санитарлардек текшириб кўришди. Бу ҳол уларнинг бундай ярадорларга кўп марта ёрдам кўрсатганларидан далолат берарди.

— Сен нима дейсан? — чўққи соқолларини силар экан, боладан сўради чол.

— Мен ҳам шу айтган фикрингизга кўшиламан, устоз,— деди бола.

Чол бош чайқар экан жангчиларга қараб:

— Қаҳрамонингизни бу ерда олиб қололмаймиз. Врачимиш йўқ, бу бўлса жиiddий ёрдамга муҳтоҷ. Сизлар йўлдан қолманглар, Ҳатанимизнинг кутгани фурсати йўқ, биз бир илож қиласмиз,— деди.

Жангчилар ҳарбийчасига честь бериб, чолга ташак-ижур билдирилар, бола ҳам қуруқ қолмади, у ҳаддан зиёд хурсанд эди.

Чол билан бола икковлари қолишиди.

— Нега индамайсиз устоз? — деб сўради бола.

— Уилаяпман.

Қишлоқда деярли ҳеч ким қолмаган. Қўлига қурол ушлаши мумкин бўлгапларниң ҳаммаси армияга кетгани, қолганлари эвакуация қилинган эди. Бу срда қолган бир нечагина оила ўз-ўзидан армияга ёрдам берини отрядига айлангани, шунинг учун деҳқонларни деярли уйидан топниб бўлмасди. Жўнаш олдидан раис уларга топшириқлар берган эди: қай бирлари снаряд ва озиқ-овъят етказиб беришлари, айримларни окоплар қазини, батъилари ўтни терини ва истеъмол қиладиган ўсимликлар йигинни лозим эди. Бутун қишлоқ ҳамжиҳатлик билан ягона оила бўлиб яшар, уларни ташвиш бирлаштирган эди.

— Ўзим бораман,— деди чол, ўрнидан тураётниб.— Аммо қариб қолдим. Уни олиб боришга қурбим етармикан?

— Ганингизни қараанг-а! Қишлоқда сиздан бўлак эркак ўйқ бўлса, сиз ёлғиз ҳимоячисиз-ку!

— Нима қилиш керак, ўғлим?

— Бу вазифани менга топширинг.

— Қўй-е, меинга қараганда сенинг кучинг кўпмиди?

Болаларни тўплайман, биргалашиб олиб борамиз.

Бир неча киши бўтқа пиширгани уйда қолган.

— Тўпланинг болаларни етказиб бориши мушкул. Уни жуда эҳтиёт қилиб, шамол эсиб турган пайтда чироқ билан юргандек авайлаб олиб бориш керак. Унинг ҳаёти қил устида турибди.

— Замбилинг ҳар икки ёнига тўрттадан тасма боғлайман. Болаларни тўрттаси бир ёнидан, тўрттаси иккинчи ёнидан кўтаради, уddyалаймиз. Ўзим ҳам уларга бошлиқ бўлиб бораман. Жавобгарликни ўз зинмамга оламан, устоз.

Йўл оғир эди. Болалар замбилини тез-тез ерга қўйиб дам олишар, навбатма-навбат ярадорнинг нафас олишига қулоқ солишарди.

— Улди! Нафас олмаяпти! — энг кичкина бола қўрққанидан қичқириб юборди.

— Тентак! «Нафас олмаяпти...» эмиш-а, жонимни чиқариб юбораёздинг-ку, ҳали ҳаёт!

Улар Дюн Сигга флягадан сув ичиришиб, унинг сувни қултиплатиб ичаётганини хурсандлик билан кузатиб

туришди. Ўзлари эса, қуриган лабларини ялашарди. Яқин орада булоқ сувининг шилдираши эшитилар, Бироқ болалар сўқмоқ йўлдан четга чиққани қўрқишарди. Йиртқич ҳайвондан ҳам кўра америкаликлардан хавфланган болалар шитирлаган товуш эшитишди дегунча, дарҳол сергакланишарди. Кичкинтойгина командир раисдан ялиниб-ёлвориб олган эски қўшотар милтиқни елкасига осиб энг олдинда борарди.

Болалар медсанбатга қош қорайган чоғда зўрга етиб келишди. Уларни иккита ҳамшира югуриб чиқиб қарши олди.

— Йўлга чиққанларинигга анча бўлдими? — деб сўради ҳамширалардан бири.

— Эрталабдан бери юрамиз, — деб жавоб берди кичкинтой командир мағрурлик билан.

— Чаконроқ ҳаракат қилсанглар бўлмасмиди? Қаранглар, аҳволи жуда ҳам оғир-ку!

Ана сенга ташаккур! Ҳамширалариниг сўzlари жуда оғир ва поҳақ эди. Кичкинтой командириниг кўзлари жиқ ёшга тўлди. Уни кўрган бошқа болалар ҳам пиқиллаб йиғлай бошлашди.

— Бўлди, бўлди йиғламангтар, сизларни хафа қилиман деб ўйламовдим. Бемордан хавотирланиб айтган эдим-да! — ҳамшира ўзини ноқулай сеза бошлади.

— Ўйлаб гапириш керак эди, — деб норозилик билдириди иккинчи аёл. — Ҳали булар ёш, чарчаб ҳолдан тошишган.

— Нега биз ёш бўлар эканмиз, — деди энг кичкина бола ранжиғандай кўз ёшларини юзига суртар экан.

— Бу ярадор жангчининг кимлигини биласизларми?

Болаларниг кўзлари бирдан чарақлаб кетди, бирини иккичинига сўз бермай Дион Сиг ҳақида мўйсафиид раисдан ва ўзлариниг кичкинтой командирларидаи эшигларини айта бошлашди.

Пок Сир билан ҳарбий врач очиқ ҳавога чиқиши. Чарчагилари туфайли қизлариниг бошлари айланарди. Ярадор уч соат операция столида ётди, уч соат чиқаб туриш, уч соат инсон ҳаёти учун сабот билан курашиш осонимас.

— Сиз бориб дам олиниг, ўртоқ Ким, — деди Пок Сир врачга мулойимгина, бириничи дафъя ушиниг фамилияси билан атаб.

Коронигида улар болаларни синчиклаб кўзлан кечи-

ришди. Оч ва чарчаган болалар қуруқ ерда ётишарди. Врач келиши билан улар, худди команда берилгандек ўринларидан иргиб туришди.

— Қаҳрамонлариғизнинг ҳаёти сақланади,— деб уларни юпатди врач.— Сизларга жавоб бермайман. Шу ерда ётиб қоласизлар, эрта билан қуролланган соқчилар қишлоғингизга қадар кузатиб қўйишади.

Кимнинг ёдига болалик чоғлари тушиб, ўз-ўзига ачинди. Ҳозирги ҳолатини эмас, албатта, аллақачонлар орқада қолиб кетгани билан ҳамон хотирасида сақланиб қолган етимлик йилларини эслади.

Ўзи истиқомат қилиб турган кичкинагина ертўлага кичкинтой командир билан унинг ўртоқларини ётқизгач, хаёлга чўмди: «Буларнинг ёшлигига тажовуз қилаётгандар ҳам худди мени етим қолдиргандарнинг ўзгинаси. Менинг бахтимга чанг солдилар, хўрладилар, мендан жиркандилар — улар учун бир дардисар бўлдим.

Мана бу болалар, гўё туғилишлари билан бутун инсониятга баҳт бағишилаган кишилардек ер юзининг эгалари каби мағрут юришади. Албатта, улар ҳақ.

Ким ёшлигига етим қолди, у кишилар ёрдами билан заводга шогирд бўлиб ишга кирди. У ерга ҳаракатчан ва художўй бир. аёл тез-тез келиб турарди. Ким унга ўрганиб қолди; чунки миссис Мок — аёлнинг номи шундай эди — болаларга синга қилиб пиширилган яхши ҳидли нон ва инжил мазмунида ишланган расмлар бсрарди. Ким ўзининг ишчанлиги билан аёлга ёқиб қолди. Ахир, у ўша пайтларда бир бурда нон учун ўзини оловга ҳам, сувга ҳам отишга тайёр эди-да. Миссис Мок қалби бўш аёл эди. У Кимни ўз тарбиясига олди.

Кимда ўзига нисбатан чуқур нафрат уйғотиш бу американлик аёл учун ҳеч гап эмас эди. Мисол учун, Ким шошиб мақтабга кетаётгандан уни дераза ёнига чақирал ва ташқи томондан деразани бармоғи билан артиб ижирғанган ҳолда:

— Бу нималигини биласизми? Бу-чи, ўргилай, чанг бўлади. Наҳотки ҳалигача шунчалик нодон бўлсангиз, муътабар тангрининг бу ерга кўз ташламаслигига ишонмасангиз. Янглишасиз, оппоғим, тангри ҳамма нарсани кўради.

Баъзан, болани синаб кўрмоқ учун йўлакдан чиқиб кетаётиб атайлаб танга ташларди. Шундай қилиб, мис-

сис Мок боланинг тарбияси учун ўзини жавобгар ҳис қилиб, унинг қанчалик тӯғри эканини синааб кўрарди.

Ҳақиқатан ҳам бу сингари тарбия Кимнинг характерига самаралли таъсир жўрсатмай иложи йўқ эди.

Ниҳоят, америкаликлар Сеулни босиб олганларидан кейин Кимга яхши бир лавозим тақдим қилишди. У бу мансабдан, унадиган даромаддан воз кечиб, яширип равища халқ-демократик республикаси чегарасидан ўтди. Бу воқиа содир бўлмасдан анча илгариёқ, Ким ўзининг валинеъмати миссис Мок билан хайр-маъзур қилган эди, У коммунистик партия сафига кирганда жуда ёш эди, бунда ҳам, маълум даражада, юқорида номи зикр этилган бойвучча «тарбияси»нинг таъсири бор эди.

Мана бир қанча вақт бўладики, Ким Пок Сирнинг ақли ва меҳнатсеварлигига мафтун бўлиб, унга меҳр қўйди. Медсанбат бир жойдан иккинчи ерга тез-тез кўчиб турар, ярадорларга бошпана тайёрлашда ҳар сафар ҳам Пок Сир жон-жаҳди билан ишлар, беморларни ғамхўр ва меҳрибонлик билан парваришларди. Меҳнат қилишда унга баравар келадиган ҳамшира йўқлиги Кимга ҳам аён бўлди.

Аввал Пок Сир унинг кўзига хунуккина қишлоқи қиздек кўринган эди. Энди-чи, унинг феъл-автори анча мураккаб ва ўзига жалб этувчи, ҳатто, унинг кўримсиз чехрасида англаб олиш мушкул бўлган жозиба пайдо бўла бошлади.

Бир кун кечқурун у тоғдан тушиб келаётган Пок Сирни учратди. Пок Сир ейиладиган ўсимликлар, ёввойи узум ва ўрмон мевалари солинган катта тугунни бошига қўйиб келарди. Қўлида асал солинган хурмача ҳам бор эди. Қизнинг қадди-қомати ойдин кеча фонида аниқ кўриниб турарди. Ким ундан кўзини узолмай қолди.

Бир неча соатдан сўнг қиз Кимнинг ёнига кириб асалли идишни унинг олдига қўйди.

— Олинг, енг. Буни сизга беморлар бериб юборишиди.

— Кераги йўқ,— деб жиiddий жавоб берди врач,— ахир, нега буни менга олиб келдингиз?

Ҳамширалар каби Ким ҳам ўзига тегишли бир озгина гуручни беморларга бериб, уч кеча уч кундуздан бери ўзи фақат ўтлар билан тамадди қиларди.

— Ейқолинг, барака топкур,— деб унатмоқчи бўлди қиз,— сиз беморларга ҳаводек зарурсиз. Бизнинг эса

суюнчигимизсиз. Узингиж хиург бўлсангиз, дармониз-ликдан кўлларингиз қалтираши яхши эмас.

Ким Пок Сирга доим эркалатувчи, ажойиб сўзлар айтишини истарди, аммо нима учундир баъзида булар ўрнига унинг оғиздан поёрин ҳазил-мутоиба сўзлар чиқиб кетарди. Бу сафар ҳам худди шундай бўлди:

— Менинг кўлларим очликдан эмас, қариликдан қалтирайди, азизим Пок Сир. Ҳа-ҳа, қариб қоляпмиз.

Ўн етти ёшли Пок Сир ҳайрон бўлиб ўзининг ўттиз икки ёшли бошлиғига қаради ва унча ишончсизлик билан жавоб берди:

— Сиз, ҳар ҳолда, ўнча қари эмассиз-ку.

Ким мийигида кулди ва биринчи марта тортинимасдан қизининг бошини силади.

Эрталаб ҳовлига чиққан Пок Сирининг кўзи булоқ сувида ювинаётган ҳарбий врачга тушди.

— Мана энди миям бутунлай равшанлашди,— деди у ҳўл соchlарини артар экани.— Қониб ухладим ҳам.

Аммо унинг қизарига кетгани кўзлари нотўғри гапираётганидан далолат берарди. Дарҳақиқат, у туни кителини ҳам, этигини ҳам ечмай қуруқ тахта устида ўтказди. Бир неча бор ўринидан туриб палаталарни айланиб ҳам чиқди. Ҳаммадан кўра уни Дюн Сиг ташвишлантиради.

— Кейинги келган беморимизнинг аҳволи қалай?— деб сўради врачдан Пок Сир.

— Тўғрисини айтгана, кечак менинг ундан умидимни узган эдим, энди унинг ўлимии сингажагига ишончим комил. Қўрқиичли дақиқалар ўтди. Боринг-чи, балки уйғонгандир. Унга мен ўйлагандан ҳам афзал эканини айтинг. Бундай беморлар кишини руҳлантиради.

Дюн Сигининг юзларигина эмас, гавдаси ҳам бинит билан боғлангаи, у каттакои пиллага ўхшарди.

— Аҳволингиз қалай, бемор?— деб сўради Пок Сир.

У, дуруст, ҳаётман дегандек кўзларини очиб юмди. Қўрпа-тўшаклар етишмаслиги сабабли у ҳамон шинель ёпиниб ётарди.

Бемор зўр-базўр бир қўлини чиқариб, ҳамширага шинель чўнтагидан тушган конвертии узатди.

Конверт ичидан сурат чиқди. Пок Сир ёш америкалик аёл унинг қиммат баҳо оқ костюм кийган, суксурдек, жингалак соч иккита боласига суқланиб термулди.

Корейс болалари улардан анча-мунча фарқ қиласди. Ҳалиги буринни тортиб юрган кичкинтой командирни ёк олайлик. Кўпчилик болалар сингари оёғига комосини¹ кийган, эгинда тор, оқариб кетган қирқ ямоқ камзулча. У чиндан ҳам бир бурда ион топиш ва ҳаёт кечириш ҳуқуқини кичкина муштлари билан кўп марта ҳимоя қилган бўлиши керак.

«Наҳотки шу аёл урушини хоҳласа?— деб ўз-ўзига савол берди Пок Сир.— Наҳотки дунёда қон тўкилишини истайдиган оналар бўлса? Балки уни маңфур ёлғончилар алдагандир, бошқа қитъада яшовчи халқлардан қўрқиши керак, деб унинг жажжигина юрагига қўрқинчли ваҳима солишаётгандир? Ахир, унинг остонасига бир қадам босганимиз йўқ-ку, унинг тинч турмушига тажовуз қилган ҳам биэлар эмас-ку».

— Қандай ёқимсиз болалар,— деди Пок Сир нафратланиб...

Ҳатто у шу пайтда Кимниг кириб келганини ҳам сезмай қолди.

— Нотўғри,— қўлидан суратни олар экан эътиroz билдириди у,— мутлақо бундай эмас, шубҳасиз улар ба-логатга етгач, бизнинг кичкинтой командирга дўстлик қўлини чўзишиади.

— Босқинчиларниг болалари ҳеч қачон ҳақиқий инсон бўлиб етишмайди.

— Буларниг ким бўлиб етишиши ўзларигагина боғлиқ эмас.

— Сизнингчабу нарса бизга ҳам боғлиқми? Биз ҳеч қачон Америкага суқилмаймиз, тарбиямиз ва дунёқарашимизни уларга зўрлаб қабул қилдирмаймиз.

— Албатта. Лекин, бир оз бўлса ҳам бизга тааллуқли ери бор-у, асосан замонага боғлиқ. Киши хоҳинидан қатъи назар замона унинг қараашларини ўзгартади...

Бу хат биринчи америка денигиз пиёда қўшиплар дивизияси бешинчи полканинг командири, тиичликсевар бегона бир юрт тупроғида шуҳратсиз ўлиб кетган подполковник Вильямс ҳомига ёзилган эди.

Америка граждани, оиланинг севикли отаси подполковник Вильямс ҳужумда шитирок этган бутун бир дивизия ҳам шон-шуҳратсиз тор-мор келтирилди.

¹ Комос—корейсларниг резинка оёқ кийими.

Биринчи денгиз пиёда қўшинлари дивизияси бундан олтмиш йил муқаддам, Америка эндиғина бозор ахтариб, океан ортига қўл чўза бошлаган пайтда ташкил қилинган эди. Бу дивизия иккинчи жаҳон уруши йилларида Нормандияда ҳам шуҳрат қозонган ва ҳозирга қадар енгилмас ҳисобланарди. Америка қўмондони шимолий республикамизнинг жатта қисмини электроэнергия билан таъминлаб турган Чендинган ва Буденган дарёларини будивизия осонгина босиб олиб, сўнгра Хитой билан чегара ҳисобланган Амнокган дарёсига чиқади, деб жатта умид боғлаган эди. Афсуски, биринчи денгиз пиёда қўшинлар дивизияси ўзининг шуҳрати билан мақтанишга ултурмаган, тузилганига эндиғина тўрт йил бўлган Корея армияси билан тоғда тўқнашиб қўршовда қолди ва Хванчорён довонида ер билан яксон қилинди.

Дарвоқе, бизнинг қадимий эркесвар тупроғимизни оёқ ости қилган америка дивизияларининг ҳаммаси ҳам мақталган дивизиялар эди, чунки ўз-ўзиниг мақташга американкларга тенг келадигани йўқ-ку! Улар бошлаган Кореядаги уруш якуни, жумладан кўпгина америка дивизияларининг тақдири интервентларнинг енгилмас кучга эгамиз деган фикрларини пучга чиқарди. Биринчи денгиз пиёда қўшинлар дивизияси ҳам шулар жумласидандир. Мисол тариқасида шуни айтиш керакки, худди шундай довруқ таратган йигирма тўртинчи америка пиёда қўшинлар дивизияси Тэден ёнида тор-мор қилинди. Бу дивизия командири генерал Дин бизнинг қўлимизда, асирикда «дахлсиз ишга бурнингни суқма» қабилидан фалсафий фикр юргизиш шарафига мусассар бўлди.

II

Пок Сир эрта биланоқ Дюн Сиг учун қулайроқ санистария замбили тайёрлаб, Син Сугнинг ёрдамлашаман деган ваъдасини ҳам олиб қўйган эди. Син Сугнинг ўзига қарашли иккита бемор ҳам бор эди-ю, лекин улар ўзлари юра олишар, уларни бир оз кечроқ жўнатса ҳам бўлаверарди.

Кечга яқин ҳамширалар ярадорларни олиб чиқа бошлиди.

Куз яқинлашиб, заранг дарахтларининг япроқлари тўкилмоқда. Пок Сир ғамгинлик билан уларнинг шитирлашига қулоқ соларди. У гўё «табиат фарзанди» каби

ёшлигидан ёлгиз ўзи тоғларда дайдишга, асалари уйла-ри, ёввойи узум ва сийладиган ўтлар ахтаришга одат-ланиб қолган эди. Табиат доим унинг қалбида чуқур таассурот қолдиради.

Пок Сир ухлаб ётган Дюн Сиг олдида, йўл ёқасига ўтириб олди-да, тўкилган барглардан бир нечасини тे-риб, ўзининг севимли қўшигини хиргойи қили бошлади:

Қоп-қоронги осмонда,
Сомон йўл ялтирайди.
Қумушдек дарё сатҳи
Қўрқандек қалтирайди —

Чунки сузмоқда қуён
Ғўла устида магрур.
Аланглар у ён, бу ён
Аммо, қалбида гурур...

Осмонда пайдо бўлган самолётлар овози ашулани бўлиб қўйди. Қиз сакраб ўрнидан турди-да, ярадорни йўл ёқасидаги қоя томонга, хавфсиз жойга олиб борди.

— Айтинг-айтинг бизга кўзлари тушиб қолмасинда.

— Кўришмайди,— деб жавоб берди Дюн Сиг кўзи-ни очиб,— улар паст учишяпти. Ҳали билмайсанми, буни-дақангি тезликда учганда узоқдаги яхши кўринади, бурнининг тагидагини бўлса кўрмай ўтиб кетаверади.

Бу тўғри гап эканлигини Пок Сир ҳам биларди, ал-батта, аммо бундай вақтларда ўзини ҳимоя қилиш туй-фуси мантиқий далиллардан устунлик қиласарди.

Турнадай қаторлашган армия қисмлари жанубга томон йўл олмоқда эдилар. Бир оздан кейин улар сийраклашиши: айрим-айрим взводлар ўтди, уларнинг кетидан эса хитой кўнгиллилари оқими ўта бошлади. Улар дадиллик билан юрган йўлларида поход ашуласини ўрганиб боришар, ёқимли овозлари билан ўз тилларида ҳамшираларга сўз қотишарди. Солдатлар от-уловни иложи борича тежаш мақсадида, дала ошхонасини кўта-риб юришарди, улар обкашнинг бир томонига тозалиги-дан ярақлаб турган чўян қозон, иккинчи томонига эса озиқ-овқат солинган тўрвани осиб олган эдилар. Йўл-нинг икки ёнида юк ортилган от-уловлар — эшаклар, хачирлар ва ўзи кичкина бўлса ҳам, чидамли отлар қа-торлашган эди.

Хитойлар бирданига кўздан ғойиб бўлиб кишини ҳайратда қолдириш қобилиятига эга эдилар. Самолёт

кўриди дегунча — бир зумда йўлда ҳеч жимса қолмасди.

Қоронги тушди. Америкаликлар осмонга «фонарларини» оса бошладилар. Ракеталар ҳам тўхтосиз осмонга кўтарилаверди.

— Сизни бугун жўнатиш жуда хавфли,— деди Пок Сир.— Осмонда «фонарлар» тўлиб кетди.

— Парво қўлманг!— деб кулди Дюн Сиг.— Бу маккорларнинг ҳийласи бизга маълум. Бу жойлар қояли, йўллар илон изи, шунинг учун ҳаводан деярли хавф йўқ.

Муюлишдан шимолга томон йўл олган бир неча юк машинаси кўринди.

— Йўловчи машиналар келяпта!— деб қичқирди Пок Сир бошқа ҳамширалар билан катта йўл томон югуриб.

Юк машиналарининг ҳаммаси деярли бўш эди. Омаднинг келганини қаранг! Бу машиналар ярадорларнинг ҳаммасини олиб кетади. Бахтга қарши, шу дақиқада нақ йўлнинг ўзгинасига «фонарь» осилди. Машина жадал тезлик билан юрган эди, қизлар қоялар панасига қочишиди. Бошини қўйи солиб йўл устида факат биргина Пок Сир қолди, холос. У майда-чуйда тошларгача санаса бўлалигидан даражадаги ёруғда ўзининг соясига тикилиб турарди. Унинг сояси ёнида яна бир новча ҳарбий кишининг узун сояси пайдо бўлди-да, шу соя эгаси Пок Сирни қўлидан ушлаб четга тортди.

— Ан Мин?!— деб хитоб қилди ҳайратда қолган қиз.— Сен қаердан пайдо бўллиб қолдинг?

Пок Сир билан Ан Мин бирга ўсишган — уларниң оталари бир-бирлари билан жуда иноқ эдилар. Халқ ҳокимияти барпо этилиши билан ҳар икки оила ҳам ерлик, жойлик бўлди. Пок Сир билан Ан Мин кундуз купилари далада ишлаётгани чоғларида марза устига ўтириб олиб, бир-бирига ҳазил-мутонба гаплар айтнишар, кечқурунлари эса саводсизликни тутатиш тўгарагига қатиашарди.

— Нега мен билан дурустроқ сўрашмадини ҳам?— деб сўради Пок Сир.

Йигит худди, қора мойли қўлқоп кийгандек қоп-қора қўлинни қизга чўзди.

— Сенинг қўлининг ҳам тоза бўлиб юрадиган вақт бўладими?

Улар бир-бирларига тегажоғлиқ қўлишни яхши қўришарди.

— Менимча кўришмаганимиздан буён каттагина қиз бўлиб қолибсан,— гаразсизлик билан жавоб қилда Ли Мин.— Мана энди сенга кўзани ишонса ҳам бўлади.

Кўзани эслаш улариниг ёдига жонажон қишилоқлари, мўрилардан чиқаётган пага-нага тутунлар, эрта баҳордага очиқ совуқ ҳавони туширди. Кўза тарихи буларнинг дўстлик йилиномасидан мустаҳкам ўрини олган эди.

Кунлариниг биррида, эрта тонг пайт Пок Сир бошига кўза кўйиб сув олиб келмоқда эди. Кўчада музга тойилиб кетди, кўза эса оёқлари остига тушиб чил-чил бўлди. Ҳали тонг ёришимаган, атрофда ҳеч ким йўқ эди. Пок Сир ўзини енгил сезиб нафас олди — шу-шу ҳамқишлоқлари қизнинг лавашангллагидан кулиб юрадиган бўлишди. У бошқа бир кўза олиб, яна сув олиб келгани кетди. Шунда у муз босгани кўчага гишт кукуни сепиб юргаи Ли Минга рўниара келгани эди.

— Сенинг қаердалигинги суриншириб уйга бир исча марта хат ёздим.

— Мен шофер бўлиб хизмат қилинман, ҳозир сенинг ҳамма ярадорларинигин олиб кетаман. Шоферлардан ошианг бўлса яхши-а, тўғрими?— Парашутларда осмонга яна янги ракеталар чиқди.— Ҳа, бу ердаги қизлар шойи юбкаларга бой бўлиб қолишар экан-да,— деди ҳазиллашиб Ли Мин хавотирланиб осмонга қарап экан.— Айтмоқчи, мен яқинда уйга бориб келдим.

— Нега шу пайтгача айтмайсан? Бизникига жирдингми?

— Кирмай иложим бормиди? Лекин қариндошлардан ҳеч қайсиини учратмадим.

— Улар қаерда экан?!— тоқатсизлик билан сўрада Пок Сир.

— Безовта бўлма. Ҳаммаси ҳаёт, соғ-саломат. Мана энди мен уларни қаердан, қандай қилиб топганимни бир бошидан сўзлаб бераман. Бу жуда қизиқ ҳодиса. Қишилоқда тирлак жон йўқ экан. Қандай аҳволга тушганимни кўз олдингга келтирасанми? Бир вақт шеригим келиб: «Устахона орқасидаги тоғларда ҳали бир исча американклар яшириниб ётибди. Юр, борамиз!»— деди. Кўп вақт ўтмай биз иккита чет эл кишисини кўрдик, улар ҳеч қўрқмай, асирикка тушишини хоҳлаётгандек биз томонга тикилиб туришарди. «Америкаликларнинг инсофлилари» экан деган фикр хаёлимга келди, бироқ, қопқонга тушиб қолмаслик мақсадида осмонга ўқ

уздим-да, «Пхо-ро! Асир!» деб қиңқирдим. Ахир бу корейс сўзини ҳамма америкалик ҳам билади. Менинг бу қилигимга қарши чет эл кишилари соф корейс тилида: «Тентак экансан, Ан Мин!» деб жавоб қайта-ришди. Сўнгра улар яқинлаша бошладилар. Қарасам икковимизнинг оталарни миз. Кейин маълум бўлишича тогда осмондан бўладигаи хатар камлиги учун бутун қишлоқ тоқقا кўчиб чиқсан экан. «Америка кийимларни қаердан олдингиз?»— деб сўрадим. Улар мийиқларида кулишиб. «Бу шинеллар бизга арzonга тушди деб ўйлайсанми, ўғлим?» дейишди.— Ўша кулгили ва шодиёна учрашувни эслаб қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— Уларнинг аҳволи қалай? Иноқ ҳаёт кечиришяптими?

— Бўлмаса-чи! илгари бир-бирларига ғашаддий душман бўлган кишилар ҳам, энди кек сақлаб юришни тарқ қилишган.

— Ҳали ҳам, илгаригидек шахмат ўйнаб туришса керак?

— Йўқ, ҳозир улар бошқа иш билан машғул — қўмандонлигимизнинг стратегиясини муҳокама қилиб тортишгани-тортишган. Иккови ҳам ўзини дунёда тенги йўқ қўмандон деб билади.

Пок Сирнинг отаси Ан Миннинг отасидан ҳам қиёфаси, ҳам феъл-атвори жиҳатларидан фарқ қиласади. Бири пастгина, қизиққон, тутуриқсиз эди. Шунинг учун қишлоқда уни «порох» деб аташарди. Иккничиси баланд бўйли, оғир, сабрли ва қайсар эди. Уни, калласини олганингдан кейин ҳам яна йигирма ли йўл босади дейишарди. Турли феъл-атворли укишилар шубҳасиз, доимо тортишар, аммо шунга қарамай, бири-бирисиз бир кун ҳам яшай олмасди.

Икковлари ҳам шахмат ўйнашин жуда яхши кўрадиган кишилар эди. Бир кун Пок Сир билан Ан Мин уларнинг жанжаллари устидан чиқиб қолишиди. Югуриб келган болалар уларнинг жиiddий тусда олишаётганларини кўришиди.

— Мен сенга айтсам, сен ютқаздинг, дуппа-дуруст одамсан, енгилганингни бўйнингга ол-да,— дерди Ан Миннинг отаси ўз рақибининг қўлидан ушлаб.

— Бекор айтасан! Мен ютқазганим йўқ! Сенинг ўзинг нотўғри юрдинг!— деб қичқиради Пок Сирнинг отаси ўз рақибини тепишга мўлжаллаб.

Ан Миннинг отаси чиқиб кетгач, Пок Сирнинг отаси алам қилганидан шахмат тахтасини синдириб ташлади. Бироқ, бир соат ҳам ўтмасдан, эски тахтанинг катаклари ўчиб кетган эди, деган баҳона билан янгидан тахта қила бошлади. Шу пайт Ан Миннинг отаси пайдо бўлди. Ў, ўз дўстининг қилаётган ишини кўрмасликка олиб, Пок Сирга:

— Бу ўзимай, тамакиларниң жуда ҳам ўсибди-да! Мен ўзиминкига шунча меҳнат сарфлаганим билан ҳам ер бағирлаб ётибди. Ошқовоқларниң ҳам эртаги. Аи Миннинг онасига бирон дона берай ҳам демайсан, бизники ҳали-бери пишмайдиганга ўхшайди!— у шу сўзларни деди-да, кетмоқчи бўлиб ўрнидан турди.

— Қаёққа кетяпсан?— деди Пок Сирнинг отаси,— шошма, яна бир марта суришайлик.

— Энди сен билан ҳеч қачон шахмат ўйнамаганим бўлсин. Яна мени фирромлик қилдига чиқарарсан.

— Сен фирромлик қилганинг йўқ,— деб ўзини оқлади Пок Сирнинг отаси,— айб тахтада. Унинг бўёғи ўчиб ҳеч нарса кўринмай қолганига анча бўлган эди...

Қишлоқда яна қандай янгиликлар бор?— деб суриштириди қиз Аи Минндан.

— Протестантизм руҳонийсингининг қизи эсингдами, боғдорчилик билан шуғулланарди, сочини худди маккаждӯхорининг сўтасига ўхшатиб чўччайтиб юарди-ку?

— У лаънати ёдимдан чиқармиди.

— Бутун қишлоқ тоқقا кетаётганда қатта йўлда туриб олиб, дехқонларимизга: «Биз дуруст одамлармиз, сиёсат билан шуғулланмаймиз, бизга ҳеч ким қўрқинчли эмас. Ҳунаримиз — боғдорчилик. Худо томонидан яратилган ерни зийнатли қилиш учун дунёга келганимиз», дебди. Аммо унинг боғидаги гулларни америкалик шоввузлар сариқ чақага ҳам арзитишмай, қизнинг ўзида янги талант ҳосил қилишибди. Гапларига қараганда, майшатхоналардаги энг зўр рақсчилардан бири ҳисобланармиш. Америкаликларга боғидаги ҳамма гуллардан кўра, унинг бошидаги маккажӯхори сўтаси ёқиб қолибди. Қани,— деди у бир нафас жимликдан сўнг,— жўнашимиз керак. Ярадорларни машинага чиқарайлик.

Беморлар машинага жойлаштирилгач, хайрлашув

бошланди. Дюн Сиг ҳаяжон билди Пок Сирининг қўлнии сиқиб, бир гап айтмоқчи эди-ю, аммо унинг ёнига Аи Мин келди-да, блокнотидан бир варақ йиртиб унга узатди.

— Мана менинг адресим. Хат ёзасаними?


Пок Сир нима учундир Дюн Сигга тикилганча уялин-қираб, жавоб берди:

— Билмадим.

— Мен сенга албатта ёзаман, тез-тез ёзаман. Тоқат-сизлик билди жавобинигин кутаман.

Аи Мин, ганига ярадориниг жиҳдий тусда қулоқ сола-ётганини пайқамас, унинг кўзларидағи рашик аллангалари-ни кўрмас эди.

Машина ўрнида жилиб, қоронгида ғойиб бўлди. Пок Сир унинг орқасидан узоқ термилди. Қизнинг кўнгли нима учундир жуда гашланди.



Ли Ги Ен

ҲАЁТНИНГ БОШЛАНИШИ



Ер реформаси ҳақидаги қонунииңг эълон қилинганига атиғи бир неча кун бўлди. Бу буюк воқиани нишонлаш учун қишлоқдан шаҳарга томон намойишчилар колоинаси чўзилди. Вилоят шаҳарчасининг кўча ва бозор майдонлари одамлар билан лиқ тўлган. Шаҳарга асос солингандан буён ҳали бу ерда шунчалик халқ тўпланмаган эди.

Ҳар бир қишлоқ, ҳар бир волость бу шодиёнага ўзиға хос ҳисса қўшмоқда эди. Масалан, бир қишлоқ похолдан тўқилган ҳарфлардан халқнинг асрий орзу-умидлари ва бугунги тантананинг мазмунини ифода этувчи: «Ер — ҳайдаганники» деган шиор билан чиққан. Бошқа бир. қишлоқ вакиллари эса, қарағай новдаларидан ясалган «Халқимизнинг қаҳрамони Қим Ир Сенга мансе¹» деган транспарант кўтариб борадилар.

Ҳар бир дәжқон ўз шодлигини ифода этишига ҳаракат қиласарди. Бир хиллари ёғоч белкурак ва ўроқларни силкишар, бошқалари чопқи ва чўкичларини худди қурол сингари ушлаб олишган; учинчиларининг орқасида алоҳида маҳорат ва меҳр билан қилинган янги тиге² бор

¹ Мансе — ура.

² Тиге — елкада юқ кўтариш учун маҳсус ишланган асбоб.

эди; яна бирорлар эса, маскарад либосини кийиб, мўл ҳосил деган янги рақсга тушишарди. Ашула овозлари, катта-кичик бонг, қарнай, ноғоралар садоларни янграарди.

Нега хурсанд бўлмайлик ахир? Халқимизнинг асрлар давомида бошдан кечирган азоб-уқубатларини ўлчаб бўлармиди? Халқ ҳокимияти ўрнатилиши билан деҳқон биринчи марта озодлик ва сўз эркинилигига эга бўлмадими?

Бу, озодликка эришган деҳқонларниң: кечагина ҳайвон сифат турмуш кечираётган қароллар, нисфикорлар, ижарага ер олувчилар, помешчикка ҳаддан ташқари оғир солиқ тўловчилар, қийин ҳолларда помешчикдан ёрдам сўраб, умрбод унинг асоратига тушганларниң намойиши эди.

Деҳқон йил сайин қашшоқлашиб борар, унинг ери эса, аста-секин помешчиклар қўлига ўтарди. Кўпгина деҳқонлар уй-жойини ташлаб, оиласи тебратиш учун бошқа жойларга кетиб қолишарди. Лекин борадиган ерларида ҳам уларни қашшоқлик енгар, шаҳар харобаларида касаллик ва дармонсизликдан ҳалок бўлардилар.

Айниқса, японлар ҳукмронлик қилиб турган сўнгги йилларда мамлакатда ҳаёт кечириш ниҳоятда оғирлашди. Хитойга қарши Япония бошлаган агресив уруш борган сари кўпроқ моддий ресурс ва одамларнинг қурбон бўлишини талаб қиласи эди. Турли-туман «натурал солиқлар» сони ўсиб борар, мажбурий равиша «Ватанга хизмат қилиш» янги отрядлари тузилади. Деҳқон оиласари боқувчиларидан ажралардилар: қишлоқларда фақат болалар, аёллар ва чоллар қоларди.

Помешчиклар халқ ғамига парво ҳам қилмадилар. Бунинг устига ўша кунларда улар Япониянинг содиқ агентлари бўлиб хизмат қилдилар, унинг йириктич армиясини ғозиқ овқат билан таъминлашта ёрдам бердилар. Агресив сиёсат уларга қўл келарди.

Мамлакат озод қилингандан кейин бир неча ой ўтмасданоқ деҳқончиликнинг асрий проблемаси — ер масаласи ҳал қилинди.

II

Помешчик Хван эрталабдан бери ўзини қаерга қўйиши билмай хотини билан жанжаллашарди. У шижватли ва ҳукмдор киши бўлиб, ҳокимлик қилиб ўрганганд, ундан ташқари баъзилар сингари бўлиб ўтган ҳо-

дисаларни унута олмас, ёки ўзини ожизликка солиб, тақдирдан раҳм-шафқат сўраган ҳолда, бошига сочиқ танғиб, қайғули қиёфада тўшакка ётиб олмас эди.

Кўчадан эшитилган ҳар бир «Мансе» деган хитоб уни тиш оғриғидан азоб портаётган кишидек, юз буриштиришга мажбур қиласр эди. «Ўлмасак кўрамиз!» дер эди у қайта-қайта ғазаб билан. Унинг бу пўписаси ҳозирги вазиятда кўрпага ўралиб олиб, мушт кўрсатган кишиининг ҳолатини эслатарди.

Соат ўн бирда бозор майдонида ўрнатилган радио карнайидан намойишнинг бошланганилиги эълои қилингач, Хван, энди тўрт девор ичида чидаб ўтиришга ортиқча тоқат қила олмаслигини сезди. У, ҳали ўзининг юлдузи ўчмаганилиги ва у яна чараклаб чиқадиган вақт-соатнинг ҳам келшини ҳаммага кўз-кўз қилиш мақсадида ясаниб олди. У бошидаги юнг қалпоқча устидан катс — от қилидан тўқилган кенг соявонли шляпа кийдид, кул ранг шойи тўнга ўралиб, оппоқ попукни эслатувчи соқолини силаганича кўчага чиқди. У илгаригидек кибр билан юрар, ҳар одимдан сўнг, мен қадам ташлаяпман, миниатдор бўл, дегандек ҳассасини ерга тақ этиб уриб кўярди.

У ана шундай секин-секин одим отиб, кибрли баширасини ўзгартмасдан марказий кўчага чиқди. Лекин бу ерда кўнгилсиз воқиа рўй берди: тўсатдан унинг бутун вужуди титраб, боши айланга бошлади ва ифлос деворга суюнишга мажбур бўлиб ҳолди.

Сершовқин ва хушчақчақ намойишчилар тўдасининг ҳаракати унга дам олиш пайтларида севиб ўқийдиган китобларида тасвирланган жинларнинг ҳаракатини эслатар эди. Қани энди унинг олдида ҳақиқатан ҳам жинлар бўлса! Аммо бу жинларни ҳеч қандай сеҳрлар билан йўқотиб бўлмайди! Помешчик довдираган ҳолда кўзини пирпиратар, тиши-тишига тегмас, юраги гупиллаб урап ва қулоғи чидаб бўлмас даражада жаранглар эди. Ахир ўзингиз бир ўйлаб кўринг, кечагина унинг қадамларини ўрган ва унинг учун ишлаганлар ҳозир унга бош силкитишни ҳам лойиқ кўрмаса, энди у ўзини қандай қилиб тутиб турга олсин?

Помешчик Хваннинг хонадони бойлик ва хасислик билан машҳур эди. У ўз онасини очдан ўлдирган эмиш, деган овозлар тарқалган эди. Аммо ярамас тиллар нималар ҳемайди! Шу ҳам гап бўлдими? У шу бойлик-

ни ортдиргүнчча уйқуни ҳам, овқатни ҳам тарк этмадими? У кўпларининг жонига қасд қилиб охиратга жўнатган дейишади. Бироқ у ўз-ўзини аядими? Тўғри, у бойиб борди, атрофидагилар бўлса, қашшоқлашиб унинг асоратига туша бордилар. Бу ерда ҳам у айбор эмас. Кишиларга у баҳт улашгани йўқ, уларнинг пешонасига тақдирларини ёзган киши ҳам бўлак.

Хваннинг кўзлари бир дамгина ғамгин бўлиб, юзида ожизлик ва ҳатто бир оз айборлик белгиси кўринди, лекин дарҳол қизариб-бўзариб, кўзи ғазаб билан чақнай бошлади. У тротуарнинг чеккасига келиб, оломонга тикилди: унинг ёнида жонли ва шовқинли колоннада ундан кўп миқдорда қарзи бўлган Воннинг хотини болалари билан кетиб бормоқда эди. Шунда у: «Ҳали шошмай тур! Бундан бир неча ой муқаддам ҳар қанча процентга пул тилаб, оёғимниң тагида ағнаб ётган сенинг эрининг эмасми? Мен аҳмоқ сизларни аябман, ўзиннинг сахийлигим билан фақат беш процент сўрабман-а. Ҳм, шошманлар! Вақт келар, ўшандага терингга сомон тиқаман»,— деган хәёлга борди.

Воннинг хотини ҳам ўзининг «халоскори»ни кўриб қолди. У сиқилган муштини юқори кўтариб: «Халқ Ҳукумати манс», деб ҳаттиқ қичқирди. Унга жавобиан колоннанинг: «Манс», деган садоси жаранглади. Хван ўзини орқага ташлаб, деворга урилди. Унинг ёнида турган иккита ҳосиб қиқирлаб кулиб юборди. Помешчик уларга ўқрайиб қўйди-ю, кейин чопганча уйига жўнади. Унинг барча оила аъзолари ҳовлида туришарди. Улар хўжайинни чуқур таъзим билан қарши олишди.

— Нега бу ерда серрайиб турибсизлар, такасалтанглар,— деди жаҳл билан оила бошлиғи,— нега анқайдинглар, эҳтимол, чопқи кўтариб, шу лаънати намойишга қатнашишга жон деб рози бўлиб тургандирсизлар. Ана чопқи! Ана болта! Ана ахлат тозалайдиган белкурак! Олингларда, менинг ҳовлимдан йўқолинглар!— деб жаҳл билан уларга ташланди оила бошлиғи.

— Нега сиз бундай дейсиз?— қўрқа-писа овоз чиқарди унинг хотини.— Бу нарса ҳатто юронтамизнинг хаёлимиизга ҳам келгани йўқ. Қўрққанимиздан ҳовлига чиқдик. Халойиқнинг шовқин-суронидан деворлар титраяпти.

Помешчик Хваннинг хотини эрига шу тарзда жавоб

берди. Бу аёлнинг ўз уйида эрига содиқ хизматкоргина эканидан бехабар бўлган қишлоқдаги қўпгина хотинлар унинг бойлигига ҳасад билан қарап эдилар. Ёшлигида Хван унга: «Сабр қил, ҳадемай бой бўлиб кетамиз», деб ваъдалар берарди, кексаликда эса ҳатто ваъда беришдан ҳам воз кечди. Японлар таслим бўлишидан бир неча ҳафта илгари, бугун бўлмаса эртага пуллар бекорчи қоғозга айланиши аниқ бўлиб қолтач, у сахийлик қила бошлади. Шунда ҳам «ҳали нима гапу, нима сўз?» деган мулоҳаза билан кўп сарфлашдан чўчиди.

Помешчик хотинига қавоб беришни лозим қўрмай, бурилиб меҳмонхонага йўргалади. Аммо, ёлғизлиқда ҳам у тинчлана олмади. «Қаерга борсам экан?» деб бетоқат бўлди. Лекин унинг мутлақо борадиган жойи йўқ эди. Дўстликка у доимо нафрат билан қарап, бундай вақтда ўзи каби ғамга ботган ошиналарининг биронтаси билан ҳам учраштиси. Йўқ, чунки уларнинг ҳам нолишлари аён, бусиз ҳам ўзининг кўнгли ғаш эди. «Қовоқхонага борсамми кан?» Аммо у ерда ҳам, эҳтимол, унинг ғамидан хурсандчилик билан тантана қилаётган кишилардан бошқа ҳеч ким бўлмаса керак. Шунда Хванинг миясига собиқ мулкларини сўнгти бор айланиб чиқиш фикри келди. Деҳқонлар демонстрацияга кетишган, шунинг учун ҳам қишлоқда ҳақорат қиласидан ёки кетидан тош отиб қоладиган ҳеч ким йўқ эди.

III

Эрта тонгдан бошлаб, болалар Воннинг хўжалигидаги ягона чўкични демонстрацияга ким кўтариб чиқиши устида ўзаро жанжаллашардилар. Воннинг уйкуси қочиб, одатдагидек, ҳарҳол, ишга кириши.

— Дада, сен бизлар билан бормайсанми? — деб сўради унинг катта ўғли Тон Сиг.

— Сен намойишга ўроқ кўтариб боришинг мумкин эди. Онамиз, ўтқир деб уни бизга бермаяпти, — деб акасининг сўзини қувватлади Тон Дюн.

Отасининг юзида иккиланиш аломатларини сезган Эн Нен хурсандлик билан:

— Боради! Боради! — деб қичқириб юборди.

— Агар бутун бир кунни лақиллаб ўтказсам, сизларни ким боқади?

— Аттанг, — ўқиниб қўлини силкиди Воннинг хоти-

ни. У эридан ўн ёшлар чамаси кичик бўлиб, кўпинча эрига қарши гапираверар эди.— Шундай кунларда хурсандлигингдан овқат ейишни ҳам үннутасан киши, сен эса, фақат овқат ҳақида ўйлайсан.

— Уйга ким қарайди?— ўзини оқламоқчи бўлиб деди Вон.

— Кошки қараб туриш учун бирор нарса бўлса, уйимизда қўлта илашгудек ҳеч вақо бўлмаса, ақалли . гуручимиз сичқон тўйгулик ҳам эмас.

— Бундан кейин ҳеч қаҷон оч қолмаймиз. Тўғрими, ойи? Дадамиз биз билан боришни истамаяпти, холос. Ҳамманинг дадаси кетаяпти-ку, фақат менинг дадам бормасмиш,— деб йиғлаб юборди Тон Дюн.

Вон индамай энгашиб ишни давом этдираверади.

У кишилар билан бирга жон-жон деб бораради! Ахир у илгарилар ҳатто ҳаёлига келтиришга ботишмаган қунлар келди-ку: у ерга хўжайин бўлди. Тағин унча-мунча ерни эмас, ўша ўз боболари деҳқончилик қилган ернинг хўжайини-я! Аммо ҳаёт шафқатсиз, баҳт эса маккор нарса, унга ишониш керак эмас. Вон бу сўзларни она сути билан сингдирган, улғайгандан кейин бўлса, ҳаётида бир неча марта ўз бошидан кечириб ҳам кўрди. У шубҳалана, эҳтиёткорлик эса, ягона қуроли эди. У камбағалларга ер берилишини ҳаққоният деб ҳисоблар, аммо адолатсизлик аввалгича яна адолатдан кучлироқдир, деб кўриқарди. Қани энди у бундан кейин помешчикларининг ҳеч қаҷон қайтиб келмаслигини билса! Аммо камбағал Вонда бундай ишонич қаердан ҳам бўлсин? «Агар помешчиклар қайтиб келишса, бугуиги хурсандликларимизни бурнимиздан чиқаришади. Шунинг учун яхшиси ўз шодлигингни одамлар олдида намойиш қилмаганинг маъқулроқ...»

— Бу уйда бирон киши борми?— деган овоз камбағал бечоранинг фикрини бўлди.

Эшик очилиб уйга помешчик кириб келди. Вон ўзининг сабиқ хўжайинига салом бергани сакраб ўрнидан турди.

— Марҳамат, ўтиринг, келганингиз учун раҳмат,— деди у довдираб,— қандай сабаб билан менинига ташриф буюрдингиз.

Хван пойгароқ ерга ўтириб, уйни қўздан кечира бошлиди.

— Йўқ, йўқ, марҳамат қилиб мана бу ерга—кан

устига ўтиринг, оstonадан шамол уриб турибди,— шошиб-пишиб деди дэхқон.

— Уйингдагилар қани? Намойишга чиқиб кетишиди-ми?

— Уларни олиб кетиш учун қўшнилар чиқишиган эди, бирга кетишиганга ўҳшайди, кхе, кхе,— томоқ қокди дэхқон.

— Ҳм, нега сен бормадинг?

— Болаларим ҳар нарсани билишта қизиқшилади. Хотиним ҳам улардан қолишмайди... Кхе, кхе, ангра-ишигани кетишиди. Бунинг устига совуқ, оёғимда ҳеч нарсам йўқ, оёқ кийимим бутунлай тўзиб кетган. Шунинг учун мен бўйра тўқигани уйда қолдим, кхе, кхе.

Камбағал Воннинг помешчикдан худди илгаригидек қўрқаётганини Хван аниқ қўриб турарди.

— Энди сен ҳам хўжайин бўлдинг. Мен сенинг ўршиигда ібўлганимда хурсандлигимдан шундай кунда оёқ яланғ бўлса ҳам юргурган бўлардим,—у чўнтағидан сув ўтмайдиган қофоздан ясалган тамаки халтачасини чиқариб, трубкага тамаки тўлдира бошлади.

— Менга ўҳшаган чол кишига совуқда оёқ яланг хурсандчилик қилиб юришини ким қўйибди. Мен шундай одамманми, хўжайин?

— Бу ишинг жойида, жуда яхши қилибсан Вон. Мен сенга долим илтифот қиласдим: қарзга пул дейсанми, гуруч дейсанми аямасдим, ундан ташқари сендан унча кўп процент ҳам олмасдим. Тузук, сенинг ақлинг анча жойида. Ахир сен Пхенъяндаги Ким Ир Сен ҳукумати ҳожимият тепасида узоқ вақт туришига, ҳозир дэхқонларга текинга беришаётган ерлари учун, кейинчалик ишви баробар ҳақ ундиремаслигига ишонмайсан-ку. Ҳеч қачон ҳукумат бирор нарса берган эмас. Бу бир тузоқ. Агар сен бошқаларга ўҳшаб ишонувчан бўлсанг келажакда бошингга бало ортдиришинг турган гап. Менинг сўзимни уқиб юл. Эҳ-ҳа, ҳозир коммунистларниңг сўзларига қулоқ солаётганларга січ-қонпинг ини минг танга бўлиб қолади! Ҳм...

Помешчик Хвандада ўз норозилигини ҳиққиллашлик билан изҳор қиласдиган бемаъни одат бор эди. Бу одат дэхқонларга таниш эди. У ҳозир ҳам ҳиққилларди.

— Мен бирорнинг тузорига илминармидим, хўжайин?— деди шошиб қолган Вон.— Сиз мендан бекорга хафа бўлибсиз.

— Ҳм, мен сендан хафа эмасман, мен сен билан төнг киши сифатида гаплашяпман. Бутун дунё бош кўтарди. Бизнинг қонуний корейс ҳукуматимиз эмиграциядан Сеулга қайтганлигини эшитдингми? Эшитганинг йўқми? Ҳа, албатта бу гаплар қаерда-ю, сен қаерда! Уни ундаи-бундай одам эмас, балки доктор Ли Син Маннинг ўзи бошқаряпти, бундан ташқари уни Американинг ўзи қувватляяпти! Америка билан ҳазиллашиб қўртудек бўлса, Пхенъян ҳукуматининг ҳолигавой. Унинг тақдири ҳал қилиб қўйилган. Ҳм. Демократик ҳукуматнинг аҳволи омонат эканлигини фақат аҳмоқларгина тушумаяптилар. Мана сенга ўхшаганлар ҳозир халқа озодлик берилди деган гапларни ёшлигиб, антрайиб, қулоқларини динг қилиб қолишиди. Улар келажакда ўзларини нима кутаётганлигини сезмаётилар. Йўқ, бундай ишлар яхшилик билан тугамайди. Ҳм.

— Ҳа...— деди мужмаллик билан Вон. Помешчикнинг сўзлари ишонарли эшитилар, аммо камбағалнинг кўнглига ёқмас эди.

— Мен сеникига шунчалик, бетакаллуф, фикрингни эшитиш учун кирдим. Виждонли кишисан-ку, ўзинг айт-чи, бутун қишлоқда менинг бойлигимдан фойдаланмаган бирор дехқон топиладими? Ҳм. Менга ер ўпиб таъзим қилишарди, ҳозир бўлса, кеккайиб кетишиди. Биргина ер билан иш битмайди, айт-чи, биз помешчиклар бўлмасак, уларга баҳорда уруғликин ким беради? Биз билан савдолашасан, давлатга келганда, у қатъий баҳо белгилайди — тамом, вассалом.

Икки чол — помешчик билан камбағал дехқон трубкаларини сўришиб жим бўлиб қолишиди. «Албатта, Хван бир томонлама ҳақли,— ўйларди Вон,— иккинчи томондан эса, янги ҳукумат тепасида Ким Ир Сен турибди. У бизни хафа қилмас, у қилаётган ишини билади».

Жим қолиб хаёл сурилган вақт Хван учун бекор кетмади. Унинг миясига ажойиб бир фикр келди. Шу нарсани аввалроқ ўйласа бўлмасмиди-а?

— Сеникига бир иш билан кирган эдим,—деди у трубкасини қоқа туриб.

Дехқон Хванинг нима ҳақда гапирмоқчи эканини дарҳол тушунди. У Хвандан ниҳояти бир неча ой бурун олган 200 von қарзидан ташқари унинг бўйнидаги ўтган йилги қарзи ҳам тўланматган эди.

— Ташвишланманг хўжайин, мен қарзимни тўлайман,— деди хушомадгўйлик билан у.

— Ташвишланаётганим йўқ,— жавоб берди Хван,— бугун-эрта тўлашингни биламан. Ҳа, майли, ҳм, мен сендан процент олмайман. Лекин эсингда бўлсин, қарзининг ҳаммасини икки уч кун ичida тўлагин, бўлмаса фикрим ўзгариб қолиши мумкин.

«Нима учун у процентдан кечди экан, ахир унда менинг қарз тилхатим бор-ку», деб ҳайрон бўлди Вон.

— Ўзим ҳам уялиб юрибман, жоним билан аллақачон берган бўлардим-у, лекин қўлимда пулим йўқ. Яқинда шаҳарга бўйра, ўтин олиб бараманда савдодан тушган пулнинг ҳаммасини сизга бераман. Фақат яна беш кун сабр қилинг. Тоғни қор босиб шаҳарга тушишнинг иложи бўлмай қолди.

— Ҳа, майли сен айтганча бўлсин. Ҳм. Қарзни беш кун ичida тўлайсан-а?

— Тўлайман, тўлайман.

— Фақат бизнинг суҳбатимиз ҳақида ҳеч кимга чурқ этиб оғиз очма, бўлмаса ҳамма: «хўжайин, қарзнинг муддатини кечиқтиринг! Хўжайин, процентини камайтиринг», деб ёпишиб олади.

Вон помешчик Хванни дарвозагача кузатиб, ўз жойига қайтиб келиб бўйра тўқиши давом этдирди. У помешчикнинг хатти-ҳарсақатини тушунишпа қанчалик уринмасин, барибир, бу нарса унинг учун сир бўлиб қолаверди. Илгари Хван ҳеч қаҷон Воннинг кулбасига оёқ босмаган эди. Тўғри, баъзан Хван четан деворга яқин келиб, олов сўрар ва бу билан пўё Вонга жатта ҳиммат кўрсатган бўларди. Ҳар нарсадан шубҳа қилиб юрадиган камбағал азалги душман помешчикнинг режалафини тушуниб етиш тўғрисида бош қотирав экан, Хван яна бир неча ҳовлига бирма-бир кириб чиқиб, энди айланма йўллар билан уйига томон одим отарди.

IV

На очиқ аёзли тонг, на кўзни қамаштирадиган осмоннинг ложувард туси, на Вонга ўхшаш бир неча камбағалларнинг унинг қармоғига илиниши — помешчик Хванни энди ҳеч нарса қувонтиргасди. У оёғини дуч келган ерга ташлаб маст каби тебраниб, дараҳтзорлар юрасида юриб борарди. Баъзан тўхтаб, қор босгани тоғларга маъ-

носиз назар ташлар, талвасаланиб хўрсинар ва ОГИР қадам ташлаб яна йўлга тушарди.

«Халқ ҳукумати лоақал бир йил сақланади деб фараз қилайлик. Аммо шу давр ичида кўрган зараримни менга ким тўлайди?»— деган хаёлга борди.

Ҳақиқатан ҳам Ҳавнинг «зарари» катта деса бўлади. Унинг Коран қишлоғидаги майдоннинг ҳар бир пхенидан¹ йилига 20 дан 30 сэмгача² гуруч даромади келиб туради. У бошиқ қишлоқлардаги ерларини ижрага топшириб, унлардан 200 марлаб³ гуруч оларди. Унинг дэхқонларга процент тўлаш шарти билан тарқатган беҳисоб пулларини айтмайсизми?

Ҳван уйга қайтгач, тўғри ҳужжатлар сақланадиган қути ёнига борди. У иирик ҳарфлар билан терилган ер реформаси ҳақидаги қонун босилган газета парчасини қўлига олди. Ҳван уни аллақачонлар ҳар тарафлама ўрганиб чиққан бўлишига қарамай, ҳали ҳам эринмай қайта-қайта ўқирди. Лекин помешчик ҳар бир сўзни қанчалик синчилаб ўрганмасин, у ўзини ҳалокатдан халос қилувчи бирорта шуқта, помешчикларга, ҳеч бўлмаса, минимал фойда ваъда қилувчи бирор пункт топмади. Ундаги ҳар бир сўз — помешчиклар учун зарба, ўлни зарбаси эди...

V

Воннинг бола-чақалари намойишдан хурсанд ва ҳаяжонга тўлиб қайтишиди.

Болалар Вонни ўраб олишди-да, бир-бирларига тал бермай:

— Вой дада, биз билан бекор бормадинг,— деб ўз таассуротлари ҳақида гапира кетишиди.

— Пхенъяндан қандайдир комиссар келибди. У бизга янги ҳожимият ҳақидаги ҳамма нарсани тушунтириб берди. Унинг дейишича энди, биз ҳозир ўзимизга-ўзимиз хўжайн бўлибмиз,— деди Воннинг хотини эрига қараб.

Вон ҳам ўз навбатида хотинига, бугунги кун унинг учун бир оз қувонч бағишлиғанини айтишга ошиқарди. У помешчикнинг марҳаматига муваффақ бўлмадими, ахир? Помешчик унга алоҳида илтифот қилиб, процент-

¹ Пхен — ўн гектарга тўғри келадиган ер ўлчов бирлиги.

² Сэм — тахминан 150 кг тенг.

³ Мар — тахминан 15 кг тенг.

дан кечмадими? Аммо, хотинидаги жонланинни кўриши камбағал оғзини очишга ҳам журъат этолмали. У қолди сұхбат қандай оқибатда туганин унга аби эли. Хотини Вонни қарни аҳмоқ деб қарғар, помешчикка қарз тўланашдан қатъяни бош тортиб, ундан ҳалол меҳнати туфайли помешчикка ўтказиб қўйган шулларни қайтиб олишина ундалган бўларди. Албатта, Вон хотинининг фикрига қўшилади. Хванинг ҳамма бойлиги ўзеконларининг бел кучи эвазига ортдирилган бойлик, аммо қарзни тўла-масдан бўладими, ахир?

— Нега бугун хәёлинг паришон,— деб сўради хотини Вондан.

— Шундай. Ҳеч гап йўқ.

Хотини унга синовчан пазар билан қаради, аммо шу онда Эн Нен:

— Бизникига меҳмон келяпти,— деб қолди.

Қишлоқ союзининг раиси Пак жириб келди.

— Вон, нега намойишда кўринмадинг?— деб сўради у қисқагина салом-аликдан сўнг, бундан бир неча соат илгари помешчик Хван ўтирган ерга жойлашар экан.

— Оёғимга кийгани ҳеч нарса йўқ, шунинг учун уйда қолиб, бўйра тўқишига тўғри келди,— ўз хижолатини яшириш учун кулди Вон.

— Зарари йўқ, энди ҳамма нарса янгича бўлади, бойиб қоламиз,— деди раис, камбағалнинг баҳонасига ишониб.

— Ким билади дейсиз, бугун-эрта ҳамма нарса яна ўз ҳолига тушмаса деб қўрқаман...

— Халқ қон билан қўлга юритилган ҳокимиятни топшириб қўяди дейсанми? Йўқ, ундаи бўлмайди!

— Аммо ҳали ҳам помешчиклар кучли. Жанубда уларнинг суюнчиқлари бор.

— Шошма, шошма, сеникига бугун помешчиғимиз кирмадими?— деб унинг оўзини бўлди раис Пак.

— Сен қаердан билдинг?!

Шу пайтда кечки овқатга лозим бўлган масаллиқ учун кирган хотини савол ташлаб:

— Нега бу ҳақда менга ҳеч нарса демадинг?— деди.

— Хван процентдан воз кечдими?— сўради муғом-бирона кўз қисиб Пак.

— Сенга ким айтди?

— Нега у олижаноблик билан процентдан воз кечмасин?— кулиб юборди Пак.

— Лекин у мендан беш кун ичида қарзимни буткул

тұлашни талаб қилди. Бундай қисқа муддатда шунча пулни қаердан топиб бераман?— жуда ҳам ғамғин оҳангда деди Вон.

— Помешчикнинг ҳимматига ишонибсан-да, у ҳам худди сендақаларни қидириб юрибди. Дәхқонларнинг жаъмики тилхатлари йўқ қилинганигини эшитмадингми?

— Эшитишга эшитдим-ку, ишонч ҳосил қилолмаяпман.

Раис Пәк нимчасининг чўнтағидан ғижимланиб кетган қоғоз олди, ўзига аллақачонлар ёд бўлиб қолган сўзларни ишонарли бўлсин учун ҳижжалаб ўқий бошлади. У ҳар бир жумланинг охирида тўхтар ва унинг маъносини тушунтирас эди.

— Аҳмоқ қилишаётганларини энди тушунднингми?— сўради у, қоғозни яна нимчасининг чўнтағига сола туриб:

— Йўқ, сен помешчикдан қарз эмассан, балки у сендан қарздор. Сен тинмай ишладинг, у бўлса очдан ўлмаслигинг учун сенга фақат увоқ қолдириб, ҳамма меҳнатингни ишламасдан ўзлаштириб олди. Шунинг учун умр бўйи қўлини совуқ сувга урмай сенинг ҳисобингга яшади.

— Шундайликка шундайку-я,— маъқуллади Вон, бироқ унинг учун кўп нарса ноаниқлигича қола берди. У дәхқонлар маҳкум бўлган зулмнинг ҳақиқатан ҳам умрбод йўқолганигини ақлига сиғдира олмас эди.

VI

Бир неча кундан соң қишлоққа волость дәхқон кооперативининг инспектори келди. У дәхқонлар союзининг раиси билан узоқ сұхбатлашди. Сўнгра қашшоқ ва майда ижарачилардан етти кишини сайлаб, қишлоқ совети ташкил қилдилар. Улар орасида Вон ҳам бор эди.

— Сизларга нима бўлди!— деди у чўчиб.— Мен чолга бу ишни ким қўйибди!

Эри учун хотини уялиб заҳархандалик билан:

— Бўйнидан боғланган ит овга ярамас,— деди.

Оҳ, қани энди у Воннинг ўрнида бўлса!

— Мен эплай олармидим?— баҳона қиласарди Вон.— Бутун умримни жўяқ текислайдим деб ерга тикилиб ўтказганиман, мен одамлар билан муомала қилишни билмайман.

— Муомала қилишинг шарт эмас? — тинчлаймасди хотини.

— Баракалла, — уни қувватлади раис, — мажлисга борасан-да, бир бурчакка ўтириб олиб, то ўзинг гапга киришиб қетмагунингча бошқа қишлоқ совети аъзоларининг гапларига қулоқ соласаң.

— Йўқ, қўлимдан келмайди.

— Ҳатто Ким ҳам эплайди-я!

— Кимни сайладингларми?! — ажабланиб сўради Воннинг хотини.

— Ҳа.

— Ўша чолин-я?

— Дарвоқе, у ўзи талаб қилди. Биз эса унинг меҳнаткаш камбағаллигини ҳисобга олиб, хурсандчилик билан рози бўлдик.

— У камбағалми? — аччиғланди Воннинг хотини. — Бизга нисбатан уни помешчик деса бўлади-ку. Унга нима етишмайди? Бўйдоқ бўлса. Бизнинг бир тўда боламиз бор, фақат уларнинг қорини тўйдиришни ўйлаймиз, холос. Бизнинг хонадошмиз қашшоқликда биричини, ўртоқ раис, агар қишлоқда биздан ҳам камбағалроқ бирор кимса бор десангиз, янгишасиз.

Деҳқонларнинг ишонч билдириши уни қувонтирганига қарамай, Вон қайсарлик қилишда давом этди. Хотини уни аҳмоқ деб ҳақорат қилишига қарамай, у яхши ишчи ва ичидан пишган одам эди. У халқ ҳукуматининг дастлабки кунларидаёқ бошқа ҳукуматларга тенг эмаслитиги тушуна бошлади, чунки меҳнаткашга бу ҳукуматдан фақат манфаат борлигини кўра билди. Бироқ икки ҳолат унинг бу фикрда қатъий туришига монелик қиласади: улардан бири — унга мерос бўлиб қолган қўрқоқлик ва ўзига ишонмаслик, иккинчиси эса — ҳалигача буткул йўқ қилиб ташланмаган помешчиқдан қўрқиш эди.

— Сенинг ўрнингга шартта ўзим кираман, — жаҳл билан хотини унга деди. — Сен ўзингча нима деб ўйлайпсан? Ҳозир эру хотин тенг ҳуқуқда, бизлар ҳам сайланиш ҳуқуқига эгамиз.

Раис ҳазил аралаш:

— Сен ҳақлисан, менинг қаршилигим йўқ, эрингнинг ўрнини босасан, — деб розилик билдириди.

— Эрингнинг ўрнига хотини сайланиши нимаси, — деди Вон ранжиб, — кулги бўламиз. Бутун қишлоқ олдида шарманда бўлайми?

Ўзинг танлай қол, Вон: ё сеи сайлан, ёки хотинингни сайлаймиз.

Бу тортишувда иштирок этаётганларнинг ҳаммалари кулиб юбориши. Қишлоқ советига аъзо қилиб сайлаганлардан бирш — батрак Ким кириб келди. У:

— Нега куляпсизлар? Мендан эмасми? — деди-да, ҳамманинг кўзига синовчан назар ташлади. — Эҳ, — деди у бирдан, — шу баҳордан бошлаб хўжалик ишлари билан ўзим шуғулланаман, ахир, бутун умр бирорвонларнинг хонадонида хор бўлиб юрибман. На хотиним бор, на бошпанам. Ҳамма бало шундаки..

Вон Кимга бир чимдим тамаки узатди. У хаёлчан айвонининг ғишт зинапоясига трубкани қоқди-да, тўйиб нафас олгач, уни тутатди.

— Бу ҳеч гапмас, — деди Воннинг хотини, — энди келин қидирадиган вақт ҳам келиб қолди.

— Бирорта қиз топиб берсанг-чи, — раисга мурожаат қилди Ким у билан ёнма-ёни ўтираётиб. — Уйланганингдан кейин биратўла ёшгинаси бўлса-да.

— Ҳаддан ташқари ёши ҳам бўлмайди, — маслаҳат берди Воннинг хотини, — қирқ ёшлар чамасидаги бева аёл топилганда ўша сенга маъқул бўларди.

— Менга ким ҳам тегади, — жавоб берди Ким сохта камтарлик билан.

— Сен ҳозир қишлоқда ҳурматли кишисан, ишқивозлар топилиб қолар, — деди раис жиддий суратда.

— Қани энди ёшроқ бўлсан, шундай бир қиз топардимки, астин қўявер.

— Ҳа, ҳексаман деб ўксинма... анча ёш кўринасан.

Собиқ батрак ишончсизлик билан сочсиз бошини тебратиб қўйди. Унинг бараваста гавдаси ва улкан муштарида баҳодирона куч сезилиб турарди. Эҳтимол, ҳали у ҳар ғандай қишлоқ йигитидан ҳам устун келарди.

VII

Барча қишлоқ аҳолиси, айниқса қишлоқ совети комитети аъзолари ўзларининг бириичи йиғилишларига тайёрланмоқдалар. Уч йўл айрилишидаги меҳмонхонага жойлашиб олган мўйсафи Ким яхшилаб ювинди, илгарилари у сира бунчалик иштиёқ билан ювинмасди, кейин

эгнига сурп чопонини илди-да, (Ким бу чопонини охирги марта җачон ва қандай муносабат билан кийганини эслай олмасди) болдирига ўраб юрган матони янги армия пайпоги билан алмаштируди. Ўзгариб кетган Ким ўз уй бекасини ҳайратда қолдирди.

— Мансабдор қиши эканлигингиз дарҳол кўзга ташланади,— дерди у мағтун бўлиб,— агар елкангизга халта ҳам осиб олсангиз, нац жаноби ревизор бўлардингиз-да!

Бундай сўзларни эшигтан мўйсафид Ким ҳузур қилганидан қалқиб кетди. Айни вақтда Вон ўз кулбасида ғазабланмоқда эди. Хотини чолни ясантиришга қанчалик ҳаракат қилмасин, кўнгилни топишга муваффақ бўла олмади. Бугун унинг кўзига байрамда киядиган пайпоқларидаги ямоқлар ҳаддан ташқари кўп кўринар, мен бундай монах қийимини қиймайман деб, бўялган бўздан тикилган кул ранг тўнини четга ирғитар эди.

— Марҳамат қилиб айт-чи, сен қаҷондан буён бундай олифта бўлиб қолдинг, сенга тузук қийимни қаердан топиб бераман? Пулни кўпроқ топиб келганингда шойи тўн тикиб берардим,— деди хотини жаҳл билан.

— Сендан ким шойи тўн сўраяпти? Ҳеч бўлмагандা шунинг ўзини эплаб берсанг экан.

— Ахир, унинг нимаси ёмон?

Эри жавоб ўрнига гердайиб:

— Ҳар қалаи қишлоқ советининг аъзосиман,— деб қўйди.

— Худди губернатордек кеккайиб кетдинг-ку!

— Агар кишилар кўзига шу чопонда кўринсам борми, бутун қишлоқ монах дейдиган бўлиб қолади.

— Ундан бўлса қиймай қўя қол.

— Хўш, сенингча, менга ўхшаш деҳқон комитетининг аъзоси мажлисга юбитта нимчада бориши жерак экан-да?

Вон секин-аста овозини баландлаштираётган эди, кулба ёнида ясанган Ким кўриниб қолди. Олифталика ӯзидан қолишмайдиган Вонни бирга олиб кетмаганда, бу тортишувнинг нима натижа бериши номаълум эди.

— Ойи, дадам мажлисдан келгандан кейин нима билан меҳмон қиласиз?— бирдан эсига тушиб деди Эн Нен.

— Уни меҳмон қилгани ҳеч нарсамиз ҳам йўқ.

— Онамизпинг доим ҳеч парсаси йўқ,— отасини деб хафа бўлди Том Дюн.

— Тон Сиг, сен биздан каттасаи. Шаҳарга бориб вино олиб келсанг-чи,— деди Эн Нен акасига.

— Пулни қаердан олдинг?

— Яқинда ўрмондан териб келган ўтинимни сотдим,— деди Эн Нен ва катта кишилардек қўйнидан пул чиқарди.— Ойи сен уни нима билан меҳмон қиласан?

— Ойим дадамнинг ёнида ўтириб, унга вино қўйиб беради,— деди Тон Сиг.

— Йўқ, бу сафар отасига винопи Эн Нен қуяди,— жавоб берди ойиси.



Ден Дзя Ген

ОХИРГИ ДАРС

Йил сентябрь ойининг ёмғирли кунлари эди. Ким Сан Хун уйига барвақт қайтди. Бир оз дам олиб, кечки овқатни егац, бошмақола ёзишга киришди.

Қош қораймоқда. Ланг очиқ деразадан ичкарига кечки салқин уриб турарди.

Бугун Ким Сан Хун ҳайрон қоларли даражада енгил ишлади. Фикрлар ўзидан-ўзи қуиилиб келаверди. Бирпастда мақола ҳам тайёр бўлди. Ким Сан Хун ёзилган мақолани қайта-қайта ўқиб, стул суюничигига суюнди ва хайлга чўмган ҳолда ҳалқа-ҳалқа тутун чиқариб папирос чекди.

Гарчи, Кореянинг Совет Армияси томонидан озод қилинганига бир ой бўлган бўлса ҳам, Ким Сан Хун ҳали ҳам ўзининг озод ва тенг ҳуқуқли гражданлик ҳолатига кўника олмаган эди. Шу кунлардаги барча нарса, чоррача кўчаларда туриб янги тартибни садоқат билан сақловчи милиционергача унга ажойиб кўриниар, унинг кўнгил торларини чертиб, севинч ёши тўкишгача олиб борарди.

Ким Сан Хун японлар ҳукмронлиги даврида узоқ вақтгача ишсиз бўлгани туфайли демократик газетани ташкил қилиш ишига зўр иштиёқ билан киришди. У га-

зетанинг биринчи сонини чиқаришга муваффақ бўлиш учун озмунича куч сарфламади. Жумладан, корейс шрифтлари етишмасди, уларни шаҳар бўйлаб тарқалган ва ҳозирги кунда бекитилган япои типографияларидан топишга тўғри келди. Ким Сан Хун ўзининг дастлабки мөҳнат самараси билан фахрланарди. Ахир, у бу газетанинг ҳар бир мисраси устида қанча-қанча тер тўқди!

Қўшии хонадан бир оҳангда ўқилаётган овоз эши-тилмоқда — унинг қизи Ен Хи ўй вазифасини тайёрла-моқда эди. У, «болаларимизниң ўз тилларида билим олишлари нақадар яхши»,— деб ўйлади ўзича.

Ен Хи қатнайдиган мактаб шаҳарининг марказий кўчаларидан бирига жойлашган. Яқиндагина Ким Сан Хун дарс бошланишдан илгари ўқитувчилар билан ўқув-чиларни саф тортдириб, япон гимни айтишга мажбур қилганликларини ачиниб кузатишга мажбур бўлган эди. Сан Хунда бу мактабга тааллуқли бўлган анчагина қайғули эсдаликлар бор эди.

1938 йилда ҳукумат корейс тилиининг ўқитилишини ман қилди. Корейс ўқувчилари учун дарсликлар алоҳида тузилган бўлиб, бунда ёшларга империалистик ғоя ва эзувчиларга сажда қилиш руҳини сингдириш кўзда тутилган эди. Японлар ғайри миллий ассимиляция сиёсатига нисбатан бўлган норозиликни зўрлик ва кишиларни қўлга олиш йўли билан бостирадилар. Мамлакатимиздаги шарқ маданиятпарварларининг шиори қуяндагича эди: «Корейсларни шу даражада ассимиляция қилиш керакки, улар тушларида ҳам японча алаҳсира-синилар».

Ен Хи мактабдан қилинган экскурсияларниң бирида калтакесақдан қўрқиб, корейсча «эгмони»¹ деб қимчқириб юборди. Бу воқиа шу даражада муҳим ҳисобландики, ҳатто инспектор Кимура «айбдорнинг» ота-онасини чақиришни ўзининг бурчи деб ҳисоблади.

— Тушунинг ахир, «эгмони» дейиш ҳеч вақтда қизимнинг сиёсий қарашини кўрсатиши мумкин эмас, бундан ташқари, унинг оғзидан беихтиёр чиқиб кетган,— деб қизини оқлашга ҳаракат қилди Сан Хун.

— Баракалла, худди шундай,— маъқуллади инспекtor,— беихтиёр. Дарвоқе, бизнинг педагогларимиз қизингиз Ен Хи устидан бир неча марта шикоят қилдилар. Уларнинг йўқлигига ҳўрқмасдан корейс тилида

¹ Эгмони — Вой.

гапириб, афсус, бундай бемаъни одатдан холи бўлмаган бошқа ўқувчиларга ҳам чакки таъсир кўрсатар экан.

Ташқи кўринишидан дўстлик характерига эга бўлган бу суҳбатда (ўқитувчи ва ота-оналар ягона олижаноб мақсадни кўзловчи иттифоқчи эмасмилар, ахир?) яшининган пўписа сезилиб турарди. Сан Хун шу топда японнинг тиржайган башарасига жон деб туфларди-ю, лекин у кичкинагина қизининг тақдирин ҳақида ўйлашга мажбур эди. Тупуриш у ёқда турсин, ҳатто қаттиқ оҳаиг ҳам ишсиз корейсиинг қизини ҳалок қилиши мумкин Эди.

Кимуруанинг кўнглига ёқмаган ўқувчилар ҳақида генерал-губернатор ҳузурида тузилган меҳнат бўлимига хабар бериш одати бор эди, у ердан «ишончсизларни» ё узоқ ҳарбий заводга, ё ҳарбий тикиш устахоналарига ўтказиб юборишар эди. Мана, интизор бўлиб қутилган озодлик куни келди. Нафрат қўзғатувчи қуллик занжири парчалаинган. Она Ватанда корейс тили яна янгради.

Қўшни хонадаи илгаригидек Ен Хинниг ёқимли овози эшитилиб турарди. Ким Сан Хун диққат билан қулоқ солиб турар экан, беҳосдан сесканиб жетди: «Бу шеърларни қизча қаердан билади?»

У қизининг ҳар бир сўзини иштиёқ билан тинглаган сари хаёлида ўтмиш намоён бўла бошлади.

I

Бу ҳодиса бундан етти йил муқаддам содир бўлган эди. Ким Сан Хун мактабда корейс тилидан дарс берарди. У, дарс жадвали бўйича ажратилган дарсларнинг ярмисини ватан адабиётiga бағишилаган эди. Бунда у, ўқувчиларни фақат адабиёт тарихи билангина таништириб қолмасдан, балки классикларимиз асаларида ўз ифодасини топган ҳалқимиз тарихи билан ҳам таништиради. Бу Ким Сан Хун томонидан қилинган мислсиз беадаблик эди, чунки у тўла равишда Тоётоми¹ каби япон эзувчиларининг «ўлмас қаҳрамонлик-

¹ Тоётоми Хидэёси — XVI аср охиридаги феодал Япониянинг ҳарбий ва сиёсий арбоби. 1594 йилда Хидэёси Кореяни босиб олишга уриниб кўрган, аммо Корея армияси Пхенъян остоноасида япон қўшиларини мажаҳлагач, японлар Кореяни ташлаб чекинишига мажбур бўлган эдилар.

ларн» ҳақидаги ҳикоялардан иборат бўлган дарслерга қаттиқ ғиоя қилиши зарур эди. Сан Хуннинг ҳар бир дарси ўқувчилар учун гўё байрам бўлиб, улар ўқитувчиларини кўкларга кўтаришар, унинг ҳикояларидаи Ватаига муҳаббат ва унинг озод бўлиши муқаррарлигига ишонч ҳосил қиласр эдилар. Лекин вақти келиб Ким Сан Хун мактаб билан хайрлашадиган бўлди. Кореянинг саноқда еттинчи генерал-губернатори Минами Дзиро «Корея маориф системасини қайта кўриб чиқиши» деб аталган қонун чиқарди. Империядаги барча мактабларда программа ва ўқитиш методларини бир шаклга келтириш зарурият түғилди, деган гап бундай қонуннинг чиқишига баҳона бўлди. Оккупантлар «Япония билан Корея — бир бутун, японлар билан корейслар эса, бир миллатнинг икки уруғи!» деб жарсоларди. Аммо, корейс халқи янглишмади, у: «Корея умрбод японларнинг колонияси бўлсанн, корейслар мустақил миллат сифатида яшаш қурбини йўқотсинлар», деган сўзларнинг чин маъносини тушуниб етдилар.

Юқорида айтилган қонун 1938 йил 1 апрелда кучга кириши лозим эди, аммо, биринчи мартдаёқ маориф бўлими педагогларга корейс тили ўқитилишини дарҳол тўхтатиш тўғрисида қатъий буйруқ тарқатди. Бу ҳолнинг биринчи мартга тўғри желиши негадир ваҳимали эди.

II

Ким Сан Хун охирги мартаба дарс бергани мактабга келди. Одатдагича, ҳамма ўқувчилар тўпландиган, лекин бугун уларнинг бирортаси ҳам машғулот ҳақида ўйлашмасди. Коридорларда граждан кийимларини киниб олган айғоқчилар ўзларини маориф бўлими вакиллари сифатида кўрсатиб, бўзчининг мокисидек у ёқданбу ёққа юриб турардилар. Ўқитувчилар ижтимоий тартибни бузишдан хавфсираб, дам ўқувчиларга, дам айғоқчиларга қарадилар, ўқувчилар эса ўзларини ҳаёсизларча тутар, фақат корейс тилида гаплашар, ўзларини «меҳмонларни» кўрмаганликка солиб, уларнинг адресига, гўё бехосдан гап отар эдилар. Вазият ниҳоятда кескинлашган эди.

Ким Сан Хун синфга руҳи тушган ҳолда кирди, унинг қалби жуда нотинч эди.

Ўқувчиларнинг чеҳралари жиддий, кўзлари бир нар-

санни кутаётгандек ўқитувчига тикилган эди — ёш юраклар норозилик ва қаҳрамонлик кўрсатиш туйғуси билан тўлиб-тошган эди. Ким Сан Хун ўқувчиларнинг ўзига ишонишлари ва ундан қандайдир гайри табиий ҳаракат кутаётгандикларини биларди. У истеҳзо билан жилмайиб, бўғиқ овоз билан:

— Бугун бизнинг охирги дарсимиз,— деб кафедран тушди-да, синфга тескари ўғирилган ҳолда, дераза ёнига бориб тўхтади. Ким Сан Хун ўқувчилар орасида кескинлик кучаяжагини сезиб турарди.

Футбол майдончаси яшил тус олган. Дераза олдида курк товуқ дастлабки жўжалари билан дон ахтариб юар эди, шу чоқ маймоқ кучук чопиб келиб, жўжаларни ҳаяжонга солди-ю, қўрққанидан ўзи ҳам вовиллаб юборди... Бугун болаларга 1919 йилги қонли ҳодисаларни гапириб берса, жуда яхши бўлар эди-да, лекин эшик орқасида жосус қулоқ солиб турибди. Қўзғолон даврида Сан Хун ҳозирги ўқувчиларининг ёшида бўлса керак. У мамлакатда содир бўлаётган ҳодисаларни тўла англай олмас, аммо: «Ватанга мустақиллик!» деган шиор унинг жажжигина қалбини ҳам алангалатган эди. Қўчаларда ҳаяжонланган халқ тўплланган. Бир бет қофозга зўраб-зўр қадимги корейс байроғини чизган Сан Хун кўчага югуриб чиқниб, намойишчилар колоннасига қўшилди. Бу ерда уми дарҳол иккни ишчи ўз ҳимоясига олди. Сан Хун улар билан иноқлашди ва куни бўйи улар ёнидан силжимади. Халқ билан у ҳам: «Мансел Яшасин мустақил Ватан», деб қичқирди. У жатталарнинг овозини босиб кетишга уриниб, томоги қирилгунча қичқирар, лекин унинг овози ҳали запф эди. Аммо, халқ йўлида учраётган полицай участкаларини тошбўрон қилаётганида бола ўзининг тузуккина ватанпарвар эканига ишонч ҳосил қилди, Сан Хуннинг қўли нишонга тегишда ўртоқларидан қолишмасди.

Тушдан кейин кўчаларда кучайтирилган жандарм отрядлари пайдо бўлди ва қуролсиз намойишчилар қочиб қутулишга маъжбур бўлишиди. Қош қораийгач, умуимий тингтуб ва оммавий қамашлар бошланди: «1 март қўзғолони» номи билан тарихга кирган корейс халқининг мислий мустақиллик ҳаракати босқинчилар томонидан шафқатсизлик билан бостирилди.

Ўзи ўқиган ўрта мактаб ўқувчилари — кичик намоишчилар Сан Хуннинг хотирасида бир умрга сақланиб

қолди. Улар Сэдэмүи дарвозаси томон йўл олган колон-нанинг олдида борардилар, уларнинг корейс гимнини ижро этиб бораётган оркестрларининг чолгу асбоблари ярақларди.

Ўшандан буён 19 йил ўтди. 19 йил — қаттиқ жазо тортиш йиллари...

Сан Хун оғир, аммо қатъий қадамлар ташлаб ка-федрага кўтарили. У дунёни ларзага келтирасли да-ражада қичқиришни истарди: «Бундан 19 йил муқаддам бизнинг оталаримиз халқнинг озодлиги учун қон тўк-дилар. Наҳотки ўша қурбонлар бекор кетган бўлса? Наҳот, ўч олиш вақт-соати желиб етмаса?» Беихтиёр унинг кўзи ёшланди ва шу заҳотиёқ синфда пиқиллаб йиғлаган овозлар эшитилди.

— Тинчланинг дўстларим,— деди Сан Хун ўзини маҳ-кам тутиб,— ўз қайғусини душмандан яшира олиш ин-соннинг энг олижаноб сифатидир, кўриб турибсизлар-ки, ҳали мен бунга қодир эмасман.

Синфда руҳни эзадиган жимжитликни фақат айрим бўғиқ йифи овозлари бузиб турарди.

— Жаноб ўқитувчи!— деб таклиф қилди Сан Хун-нинг севган ўқувчиси Ли Бон Су,— бизга бирорта яхши шеър ўқиб беринг.

Сан Хун сезгир ва фаросатли болага қараб ташак-кур билдиргандек табассум қилди. У бўр олиб, йирик ҳарфлар билан доскага қуйидагиларни ёзди:

Ёш новдалар,
Кучингизга жим ишонганди?
Гулладинглар,
Қишидан чиқиб сиз мана энди.
Тепангизда туриб чироқ билан мен
Ҳидлаяпман
Хушбўй ҳидингиз ва ҳидин ернинг.

Ким Сан Хун бир зум ўйланиб қолди. Унинг эсига севган «ўқ-ёй билан ашула» деган шеър қелди. Лекин бу шеър доскага сиғмасди, шу сабабли ў, унинг фақат охирги бандини ёзди:

Қанча йиллар ўтса ҳам
Бу қўшиқни топаман,
Ўз дўстимнинг қалбида
Уни ўқийман тақрор.

Сан Хун ёзилган сўзларни оҳистагина таъсирили қилиб ўқиди, сўнг бу кўхна шеърларни тушунтиришга киришмоқчи бўлиб турган ёди, синфнинг эшиги бирдан очилиб, маориф бўлимининг икки «вакили» билан инспектор кириб келди.

— Кечирасиз, ўқитувчи, қайси фандан дарс беряпсиз?— сўради у, доскага кўз олайтириб.

— Корейс тилидан, жаноби инспектор.

— Бугунги кундан бошлаб корейс тили ман қилинмадими ахир?— деб сўради Сан Хундан ўз навбатида «вакиллардан» бири.

— Марҳамат қилиб менга ҳам битта савол беришга рухсат қиласангиз,—деди иккинчи айғоқчи.

— Марҳамат қилинг,—таъзим билан деди инспектор.

— Айтинг-чи, жаноб ўқитувчи, сиз бу текстни албатта дарсликдан олгандирсиз?

— Йўқ,—деди Сан Хун овозидаги титроқни босишга ҳаракат қилиб,—афсуски, бизнинг ихтиёrimиздаги дарсликлар корейс адабиёти тарихини ёритмайди.

Зиёрати билан мактабни мамнун қилган ҳурматли меҳмонларни ўзидан олдин ўтқазиб, эшикка қараб юарар экан:

— Шундай, ҳаммаси тушунарли, сиз ўқитувчи марҳамат қилиб охирги дарсингизни тугатсангиз,—деди инспектор тишини-тишига босиб.

Улар чиқиб кетишгач, эшик ёпилиб улгурмаган ҳам эдики, Ли Бон Су ўрнидан сапчиб турди-да, мушт кўтариб, разаб билан партага урди.

— Бу ким бўлди?—деди инспектор орқасига қайрилиб.

— Мен,—деди синфда ҳукм сураётган жимликни бузиб Сан Хун.

III

Кечқурун Қим Сан Хун ва унинг Хон исмли ўқитувчи ўртоғи шинамгина ресторонга кирдилар. Улар олти йилдан бери дўст бўлиб, бошларига мушкул иш тушиб қолгудек бўлса, дарров бир-бирларини топиб олардилар. Улар бир турли манфаат ва сиёsatдаги кишилар бўлгани туфайли бир-бирларига боғланиб қолган эдилар. Бундан ташқари уларнинг иккевлари ҳам христиан диний эътиқодида бўлмаганларидек, биронта ҳам пар-

тияга аъзо бўлиб киришмаган, савдогар ёки судхўрлар оиласига ҳам тааллуқли эмас эдилар. Улар мавжуд тузумни мақтамас, маъмуриятни ўзларига маҳлиё қила-диган маълумотларга ҳам эга эмас, шунинг оқибатида икки дўст дирекция учун ишончсиз кишилар бўлиб ҳи-собланар эдилар. Лекин бу ҳол уларни унча ташвишга солмасди. Дўстлар виждан ва гражданлик жасоратини ҳаммадан юқори қўярдилар.

Улар ресторанга тасодифан кириб қолдилар. Уларни бу ерга юракдан суҳбатлашиш истаги олиб келди. Ол-шиларида деярли ҳали қўл ҳам теккизилмаган тўла рюм-калар турарди.

— Наҳотки, Ли Бон Су жазоланса?— ташвишли оҳангда гап бошлади Сан Хун учрашганларида айтилган бир неча оғиз аҳамиятсиз жумладан сўнг.

— Инспектор кечирадиганлардан эмас.

— Мен ҳали ҳам у билолмас, деган ишончдаман.

— У айёр, билиб олса керак.

— Бу ҳодисанинг рўй бериши учун мен айборман. Болаларининг гапларини қувватлаган мен бўлдим, ва-ҳоланки, уларни бу йўлдан қайтаришм лозим эди. Лекин менинги олмадим. «Болалар фаросатли бў-линглар»,— десам борми, улар менинг ёмон ќўрибина қолмай, менинг юзим — ўз ўқитувчилари юзида одамларга ва умид боғлаган кишиларига нисбатан бўлган ишончларини йўқотиб қўйишаётгандек туйнилиши. Характеримни биласан-ку: виждоним-ку бор-а, лекин аф-сус, курашга ярамайман, ўша топда... бир ҳодиса рўй берса борми, мен қаҳрамонлик кўрсатган бўлардим. Охирги дарсимда ўқувчилар менинг ҳолда кўришни истаган бўлсалар, худди ўшандек бўлдим, акс ҳолда виждонсизлик қилган бўлур эдим.— У ҳаяжонланган ҳолда бир қултум вино ютиб, давом этди:— ундан кўра менинг юзимни бўшатишгани яхши эди. Болага раҳмим келади. У жуда ҳам ажойиб бола.

— Педагоглар кенгашида уни ёқлашга ҳаракат қила-миз,— ўқитувчиларнинг кўпчилиги инспекторларни қувватлашига ақли етган Хон қатъиятсизлик билан жавоб берди.— Қанин айт-чи Сан Хун, ишсиз қандай қилиб яшайсан, ахир, ҳеч қандай жамғарманг йўлқ, оилангни бўлса, боқишинг керак.

— Бир амаллаб кун кўрарман. Кўпроқ ёзишга ҳа-ракат қиламан.

— Бизниг давримизда адабий фаолият билан тирикчилик қилиб бўлмайди.

Ҳақиқатан ҳам Сан Хуннинг аҳволи ёмон эди. Унинг отаси бундан бир неча йил илгари вафот этган бўлиб, сержамоа оила унинг озгина ишлаб топилган маблағи билан кун кечирарди. У кичкинагина ўқувчиси Ли Бон Су сингари столга мушт туширмоқчи эди-ю, лекин бу истагидан қайтиб:

— Ҳечқиси йўқ, ҳали ўз корейс мактабларимизга эга бўламиз, албатта эга бўламиз, албатта! — деб қўйди.

Унинг руҳи тушган эди. «Агар мен кучли одам бўлганимда эди,— деган хаёлга борди ўзича,— бу ресторандан суқулиб ўтирамидим. Бошимни юқори кўтариб, кўчада юрган, ўз ўқувчиларимдан биронтасини учратганда, унга руҳлантирувчи табассум ҳадя қилган бўлардим. Ўқувчиларнинг бирортасига кулиб қарасанг, эртасига бутун синф қаддини ростлаб олади. Мен ўқувчилар билан учрашиб қолишдан кўрқаман, улар юзимдаги ишсизлик, эртанги кун олдида қўрқинч ва изтироб аломатларини ўқиб олишларидаи қўрқаман».

— Менда босқинчиларга қарши курашда иштирок қилиш жасурлиги йўқ, аммо инсоний фазилат сезгиси бор ва ундан мен ҳеч қачон кечмайман.

У титраган қўли билан рюмкани тўлдириб, бир кўтаришда бўшатади. У ғазабланган ҳолда ўз-ўзидаи қайта-қайта: «Наҳотки, Кореяда бўлаётган воқиаларга нисбатан буюк ва маданий дунё бетараф бўлса?» деб сўрар ва ўзига Хоннинг сўзлари билан: «Ўртоқжон, СССР ва Хитой Коммунистлар партиясидан ташқари барчаси бизга менсимаслик руҳи билан қарайдилар. Биринчилар учун биз — эркесвар халқ ва бизнинг Корея мустақиллик хуқуқига эга бўлган мамлакат бўлса; бошқаларнинг барчаси учун биз территория жиҳатидан ёғлиқ луқма, сариқ бадамли қуллар яшайдиган янги уруш плацдармимиз¹», — деб жавоб берарди.

Сан Хуннинг иши чаппасига қараб кетди. Иккинчи куни эрта биланоқ, уни полиция маҳкамасига чақириб, у ерда уч кун сақладилар, у ердан чиққаҷ, унга, у ишдан бўшатилгани ва журналларда нашр этилган мақолалари цензура томонидан тақиқланганини айтдилар. Ли Бон Су деган боланинг иши ҳам кўнгилсиз натижা билан

¹ Плацдарм — стратегик ҳарбий операциялар таёrlanадиган майдон.

тугади. Бир неча жасур ўқитувчиларнинг қизғин ёқлашларига қарамай, уни мактабдан ҳайдадилар. Ўша пайтдан буён Сан Хун болани кўрмади.

Кўп ўтмай Сан Хун ўзининг әнг яқин дўстидан ҳам ажралди. Ўқитувчи Хон, худди шу пайтларда Манжурияда курашаётган кимирсенчи партизанлар қаторига кириш ниятида Хитойга жўнади.

Сан Хун дўстини кузатгач, ўзини янада ёлғиз сезди. Уни ўз ожизлиги эзар, виждон азоби қийнади. У ўзига ўзи: «Менинг душманга пассив қаршилик жўрсатишмдан нима фойда? Полиция маҳкамасида фамилиямни япон фамилиясига алмаштиришга қатъян қаршилик жўрсатганимдан нима наф? Йўқ, ҳали бу кураш эмас. Ана, Хон мард, мен эса шуни қила олмайман. Оиласми кимга қолдираман? Улар менсиз очдан ўладилар. Бу вазиятдан чиқишининг иложи бормикан?»— деди. Аммо, у бу ҳолдан қутулиш йўлини топа олмади.

Ишсиз қолган Ким Сан Хун зўр бериб адабий меҳнат билан тирикчилик қилишга уринди. Аста-секин у қашшоқлаша борди.

Кореянинг энг йирик ёзувчилари иккинчи даражали иш ҳақи билан очлиқдан сақланган бир пайтда, унчалик номи чиқмаган адабиётчи Ким Сан Хун ҳақида гапиришнинг ҳожати ҳам йўқ эди. Ким Сан Хуннинг олижаноб бир таниши уни қандайдир газетага ўрнаштириб қўйишга муяссар бўлди, лекин бир қанча вақт ўтиши билан газета ўз фаолиятини тўхтатди, чунки корейс матбуоти ман қилинган эди.

Ўша даврда Япония Хитойга қарши агрессив уруш олиб бораради, лекин бу урушда, у, истаган ғалабага эриша олмади. Агрессорнинг армияси мағлубият устига мағлубиятга учраб борди. Корейслар учун янада қийинроқ пайтлар келди, чунки японлар ўзларининг қутурган ғазабларини эзилган халққа сочардилар. Эҳтиёtsизлик билан айтилган бир оғиз сўз қамаш учун етарли баҳона ҳисобланарди. Турмага, ҳатто, болаларни ҳам қамардилар. Китоб дўжонларида корейс китоблари йўқолар, театрларда кўпчилик сўзлар япон тилида талаффуз этилар эди. Ёзувчилардан япон империалистларининг агрессив сиёсатини ва Хитойга қарши шарафсиз юришини мақтаб «лоял» асарлар ёзишни талаб қилардилар. Сан Хунга япон нашриётида хизмат қилишни таклиф қилдилар, лекин у тилни яхши билмаслик баҳонаси билан бу

вазифадан бош тортди. У ҳамма нарсадан четда туришга уринди, лекин у, бу билан ҳам истатан тинчлигига эриша олмади. Уни таъқиб остига олишди. Сан Хун бу ҳолни тақдирнинг масхара қилиши сифатида қабул қилди.

Хоннинг, эски тузумнинг ҳалок бўлиши ҳақида қайта-қайта айтган гаплари аста-секин исботланмоқда эди. Воқиалар шиддат билан ривожланиб борар ва энди ҳеч нарса тарих фиддирагини тўхтатиш кучига эга эмас эди: японлар чекиниб, Кореяning озод бўлиш пайти яқинлашмоқда эди.

1945 йил 15 августда Совет Армияси Японияни тиз чўқидирди. Ер юзида ҳилпираган озодлик қизил байроқларининг сони тобора кўпаймоқда эди. Корейс тили яна янграй бошлади. Кўчаларда корейс ашуалари янгида эшитила бошлади.

Сан Хун қизининг хонасига кирди. Қизча бошини дафтарга эгиб ўтиргани ҳолда, ҳар бир ҳарфни меҳр билан ёзмоқда эди. Ота қизининг елкаси оша кўз ташлаб, унга жуда таниш бўлган, Ан Мун Ен¹ шеъридан олинган сатрларни кўрди.

— Нима ёзяпсан? — деб сўради у ҳаяжонланиб.

Қиз таъсири қилиб ўқишига киришди:

Ёш новдалар,
Кучингизга ким ишонганди?
Гулладинглар,
Қишдан чиқиб сиз мана энди.

— Бу бизга топширилган дарс.

— Сен бу шеърнинг маъносини тушунасанми?

— Албатта. Ан Мун Ен ёшларимизга ишонар, уни курашга чақиради. У бундан ҳам очиқроқ ёза олмасди. Мумкин эмас эди.

— Ан Мун Ен ким?

— Чөр Дер императорлик қилаётган вақтларда яшаган олим. Биласанми, дада, мен баъзан японларнинг, бизнинг адабиётимиз дунёда энг яхши адабиёт, деб валдирашгани тўғрисида ўйлайман. Бу мутлақо, мутлақо нотўғри. Агар Ан Мун Ен япон бўлса эди, уни роса мақтаги бўлишарди! Корейс бўлганлиги учун унинг исмини унугиб юборишган — вассалом.

¹ Ан Мун Ен — XIX асрнинг II ярмида яшаган йирик корейс шоири.

— Мен ўқитувчиларимиз орасида бизнинг қадимги поэзиямизни унутмайдига! кишилар борлигидан хурсандман, чунки, у бизнинг халқимизга зулмат йилларида мадад бериб турди. Ўқитувчиларинг ким ўзи? — қизиқиб сўради Сан Хун.

— У бизнинг мактабимизга яқинда желди. Ёшгина, 23 ёшларда, Ли Бон Су.

— Ли Бон Су?

Эҳтимол, Кореяда Ли Бон Су исмли ватан адабиёти ўқитувчиси битта эмасдир, юммо Сан Хун бу худди ўша болалигига билган ва яхши кўрган Ли Бон Су эканлигига шубҳа қилмади.

— Сен уни биласанми? — Ен Хи отасининг култумсираган чөхрасига термилиб, ҳайрон бўлди.

-- Ҳа, билсам керак.

— Унга собиқ ўқитувчининг сизни кўрмоқчилар дегин.

Шаҳар уйқуда. Унинг кўчалари ойнинг нурсиз шуъласи билан тўлган, Ким Сан Хун дераза олдида узоқ ўтириб, хаёл сурган ҳолда олисларга қарап эди.

Қанча йиллар ўтса ҳам
Бу қўшиқни топаман,
Ўз дўстимнинг қалбида
Уни ўқийман такрор.



Ли Бук Мен



ВАҲШИЙЛАР

осёлка жимсасиз. Кишини ҳаяжонга солувчи сукунат. Гүё кимнингдир, йиртқичларча мўралаб қаравидан ҳамма нарса қотиб қолгандек кўринади.

Пак Чем Ди яқин атрофда ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, похол ғарами ёнига келди. У ердан шу заҳоти бир хотин қишининг қўли чўзилиб, кўз очиб юмтунча чолдан тугунчани олди.

— Ота, тағин шунча нарса кўтариб келиб нима қиласдингиз?

— Кўпроқ егин, қизим, бўлмаса жеварамга сут етишмай қолади.

— Ўғлингиз тўғрисида бирор хабар топдингизми?

— Хабар топдимку-я, аммо нима фойдаси бор, дейсан.

— Агар бугун яна ўша ерга борсангиз...

Чол:

— Жим...— деди-ю, хавотирланиб теварак-атрофга назар ташлади.— Гапга киришиб кетдик!— Сўнг майин оҳанг билан,— йўргакларни узатиб юбора қол!— деб қўшиб қўйди.

Пак Чем Ди ғарам туйнугини ҳеч ким сеzmайдиган даражада беркитиб, чашма томон йўл олди. Чашма яна лиқ тўлган эди, бундан бир неча кун илгари эса, унга

сув йигилиб улгурмасди: ундан шимолга чекинаётган бизнинг қўшинларимиз билан қочоқлар сув ичишарди.

Пак Чем Ди ясси-текис тошга жойлашиб олиб, йўргакларни чайиш учун булоқ устига энгашаркан, унинг миасига қон урилиб, жўз олди қоронифилашди, бу сўнгги кунлардаги ғам-ғуссаларнинг таъсири эди. Кутилмаганда юз берган бу мусибатларни қаранг. Бу ҳол шидатли бўрои сингари унинг бошига ёғилди ва Пак Чем Дининг бутун оиласини супуриб ташлади.

«Менинг ўғилларим ҳаерда, ахир? Уларга нима бўлди? Бу ғам-аламларга асти чидаб бўладими? Ана мусибат!— ўсиқ қошлир тагидан булутсиз кўм-кўк осмонга ғамгин тикилиб хўрсинди чол.— Илоҳим уларни очиқ кунда яшин урсин!» деб кўринмаган душманга муштлари билан пўписа қилгач, жаҳл билан тупурди.

Пак Чем Ди ҳозир нима тўғрисида ўйламасин, ҳамма нарса унинг юрагини ваҳима ва ғазаб билан тўлдириб, унга азоб берарди. Янги туғилган неварасини душмандан яширишга тўғри келишини ким ўйлабди? Унинг севикли келини ғарам ичиди, похолга кўмилган ҳолда, дала сичқони сингари туғади деган фикр кимнинг хаёлига келибди?

Биридан-бири мудҳиш хаёллар ҷолни эзмоқда эди. «Даҳшатли ёпирилиш билан Пусангача бориб етган Халиқ армиямизнинг ҳозир шундай шарафсизлик билан шимолга қайтишига нима сабаб бўлди экан? Оҳ, нақадар оғир мусибат!»

Пак Чем Ди йўргакларни қуритгани пахса деворга ёйиб, қарам қуртларини териш учун полизга кириб жетди. Бироқ, у тезда чарчади; қуртларни товуқларга ташлаб, дам олиш учун, уйнинг зинапоясига ўтирди. У хирадашган кўзларини узоқларга чўзилган йўлдан узмай тамаки чекди.

Йўлда ҳеч ким қўринмасди, бу йўл яқиндагина, кундуз кунлари Чунчендан Вондга кетаётган кишилар билан гавжум эди. Энди уйқусизлик дардига мубтало бўлган мўйсафиид қадам товушини фақат кечалари эшитар эди: афтидан ҳали ҳам баъзилар шимолга ўтишда давом өтишаётгандек кўринарди.

Уйнинг томига қўнган қарға қанотларини ёзиб қағиллади. Мўйсафиид сапчиб турди-да, ҳарбийларча қўл силтаб уни ҳовлидан ҳайдай бошлади. Чўчитилган

қуаш қора қанотларини ёзди-да, ҳавога қўтарилиб ғо-
йиб бўлди. Чол қарғалар бало чақирадилар деган эъти-
қодга ишонгани туфайли, уларни ёмон кўрарди.

Пак Чем Диининг асаблари инҳоят дараражада бузил-
ган эди. У баъзида уйқусизликдан азоб ческар, баъзида
даҳшатли тушлар кўрарди. Үфилларидан ҳавотир олиб,
қалби азобланарди, бунинг устига ҳар соатда биридан-
иккинчиси даҳшатлироқ бўлган янги хабарлар эшитар-
ди. Мана, масалан, америкаликлар билан чиандистлар¹.
...Улар «Қизилларининг» тухумини қуритишармиш, овга
тайёрланмоқдалар, деб лоф уришди. Қани энди кела-
жакни қўриб бўлса, бу мўйсафидни желгусида яна қан-
дай кулфатлар кутаётган экан!

Мана одамлар кечалари шимол томонига йўл олиш-
япти. У қаёққа ҳам борсин? Қариб қолган, бунинг ус-
тига қўлида ёш ёбала ҳам ёбор. Узоққа кетиб бўлмайди,
ёшлик йиллари эмас. Бундай даҳшатли кунларни бош-
дан кечиришда худо мадад берса эди, жўпи кетиб ози
қолди-ку...

Мўйсафид, позлари ловиллаб, намсиз кўзларида
азоб ва нафрат тўлиб тошган жантчиларни ҳеч қачон
ёддан чиқармайди. Йўқ, бундайлар ҳалқни азобда
қолдиришмайди ҳам, алдажимайди ҳам. У шуларни ўйлаб
дадиллашарди.

Дарвоза кутилмаганида шундай қаттиқ тақиллаб
қолмаганда, мўйсафидининг яна қанча вақтгача очлик
ва ҷарчашни сезмай, шу ҳолда хаёлга чўумиб ўтири-
ши номаълум эди.

— Эй, хўжайин!

Пак Чем Ди шу замониёқ бу овозни таниб сеокани-
шиб кетди. Маҳаллий чиандистлар¹ бошлиғи Хэ Ман Се-
кирди, унинг кетидан ҳовлига ҳамма лейтенант Джек
деб атаб юрган америкалик қишлоқ коменданти, ўзини
корейс деб кўрсатиб, америкаликлар хизматига жирган
япон контрразведкасининг эски агенти, япон Иосида
ва янги офицерча форма кийган хомсемиз, бурни катта,
юзига жўндалангига ямоқ тушган таниқлик безори
Ку Мян Холар бостириб киришди.

Бундай «терилган» тўданинг пайдо бўлиши чолга
фақат фалокатдан дарак берарди, холос.

¹ Чиандистлар — помешчикларнинг ўз-ўзини мудофаа қилиш отрядлари.

Тишлиари орасида фил суюгидан ишланған узуи, са-
риқ муштүг-у, ҳовлига изловчаш назар ташлаган
холда:

— Қандай ажоиіб ҳаво-а? — деди Хә Ман Се.

Пак Чем Ди әбундай сурбет, мағрур башарага қа-
рашдан ҳам құрқар, ҳам жирканарди.

У, Хә Ман Сега жавоб бермай, узоқдаги тепаликка
тиклиді..

— Нима, гунг бўлиб қолдинпми? Мен деворга гапи-
раяпманми? Ахир мен сендаш бугун ҳаво қандай? деб
сўраяпман.

— Нега сўрайсан. Ўзинг билмайсанми?

— Сен кимни салталяпсан, кекса қўппак? Мен сен
билан яхшиликча гаплашишни истасам, қўрслик қила-
сан! Истамайсанми? Ҳа, майли, унда бошқа савол бера
қолай. Келининг қани? Ўғилларинг қани?

Чол индамади:

— Гапир! — катта муштларини сиқиб чолга бақир-
ди Ку Мян Хо. — Менга қара, фақат тўғрисини айт!

— Ўғилларим қаерда ва нима ўйлганликларини
бilsam қани эди, — хўрсинди Пак Чем Ди.

— Муғомбирлик қилма! Гапиришни истамасанг се-
нинг ишинг, ўзингга қийин. Болаларингнинг қаердалиги-
ни билишмайди, деб ўйлайсанми, ҳе, ҳе... Сабр қилиб
тур, ўғлинг Син Габни кўрсатамиш.

Катта ўғлининг бу ваҳшийларнинг қўлида эканлиги-
га ишонмаслиги, ишонишни истамаслиги ва ишона ол-
маслигига қарамай чолнинг оёқлари титраб кетди.

— Ҳа, қўрқиб қолдингми? Оёғингнинг дармони қу-
ридими? — деб тиржайди лейтенант Жек ва у чол
ўтирган беда бояни этиги билан тепди. — Қани тур!
Жонлироқ! Сен билан бошлиқлар гаплашяпти.

Пак Чем Ди ўрнидан турди ва ўзида бу қадар
мардликнинг қаердан пайдо бўлганлигига ўзи ҳам
ҳайрон қолиб, ҳеч нарса бўлмагандек, шимидағи
похолларни қоқиб ташлади. У ўлимдан қўрқмасди.
Фақат бир жароа ҳақида: ишқилиб ғарамдан келинини
топиб олмасалар, бола қичқириб, онасини билдириб
қўймаса, деб ўйларди. Чолнинг катта ўғли Син Габ —
қишлоқ халқ комитетининг раҳбарларидан бири, ке-
лини — Син Габнинг хотини демократик хотин-қизлар

союзининг раиси эди. Қишлоқда Пак Чем Дишиг оиласи катта ҳурматга сазовор бўлиб, чол босқинчилариниг кўзиға тикондек қадаларди.

— Келининг Юн Ген Хи қишлоқиниг қаеригадир яширганини ҳам биламиз. Биз уни сенсиз ҳам топамиз,— деди Хэ Ман Се.

— У қишлоқда эмас. Туғиш учун Хянсяндаги җариндошлариникига кетганига ўн кун бўлди. Ўшандан буён мен уни кўрганим йўқ.

— Ёлғон гапиряпсан.

— Ахтариб кўринглар.

— Кетганига ўн кун бўлди, дейсанми? Ахир бундан уч кун олдин унинг кўрсатмасига биноан дехқон хотирнлар ўн икки мер гуруч ва қирқ олти жуфт иссиқ ички кийим ийғишиб, у нарсаларнинг ҳаммасини партизанларга юборишган. Биз ҳаммасини биламиз, ҳаммасини! Мен дехқомлардан бизнинг чиандэ отрядларимиз учун бирор шарса сўрасам, ҳеч нарса беришмайди. Иложи борича бекитишади, абллаҳлар! Пак Чем Ди биз сенинг қари суюкларинигин синидиришга киришгунимизча яхшиси гуноҳнингга иқрор бўл! Акс ҳолда, кўрамиз, қачонгача ўжарлик қиласан.

Пак Чем Ди ва Хэ Ман Се ҳамқишлоқ бўлиб, бирбирларини яхши билишарди. Хэ Ман Се, чолни енга олмаслиги, тиз чўктира олмаслигини ва чол уни ёмон кўриб, одам қаторига ҳам қўшмаслигини биларди. У Пак Чем Дини жуда ёмон кўрар ва мўйсафид қанчалик кўпроқ қаршилик кўрсатса, Хэ Ман Сенинг чолга нисбатан нафрати шунчалик кучаярди. Хэ Ман Сенинг мўйсафиднинг ўз оёғи остида ялиниб ётишини кўриш истаги тобора ошиб юборарди.

Бир вақтлар бутун қишлоққа маълум бўлган қаллоб Хэ Ман Се жандармерия ва помешчик Хванинг қўллаши туфайли дехқон ишлари бўйича хусусий воситачи бўлиб қолди. Унингibu ишларни Ҷандай олиб боргани ва кимнинг фойдасига ҳал қилганини тушуниш қийин эмас эди. Халқ армияси жанубпа қараб муваффақиятли ҳужум бошлаган вақтда ҳам Хэ Ман Се ўзини йўқотиб қўймади.

Халқ армияси қишлоқ остонасига келиб қолганлигига қарамасдан, Хэ Ман Се, балоғатга етмаган қизини лисинманчи офицерга бериб, уларнинг ниқоҳларини ўт-

казди. Яқинда, Хэ Ман Се яна қишлоққа қайтиб келди; Сеулда туриш унга фойда келтирмаганга ўхшайди, чунки майда порахўр ва фитначидан у ҳозир порахўр мансабдорга айланган эди. Ҳеч кимга маълум бўлмаган қандайдир катта хизматлари учун лисинманчилар унга маҳаллий чиандистлар бошлиғи лавозимини инъом қилидилар. Хэ Ман Се мисли қўрилмаган яйраш даври бошланди. У ҳар хил давлат тантаналари баҳонаси билан дўйқ-пўписа қилиб, дедқонлардан туруч, ҳўқизлар, чўчқалар ва турли жонликлар оларди. Бунинг устига ҳар бир дедқон хонадонига чиандистлар фойдаси учун солиқ солди. Пак Чем Ди ҳам бундай «тантана» ва солиқлар туфайли икки чўчиқа ва ғақдикки минг хвандан ажралди.

Хэ Ман Се билан Ку Мян Хо чолни ҳовлида сўроқ қилаётган пайтларида эпчил Иосида уйдаги нарсаларни ағдар-тўнтар қилиб чиқишига улгурди. У америкаликнинг олдига келиб, ҳеч қандай қимматли нарса топилемади, деган маънода бошини чайқаб кўзини олайтирди. Лекин Жекни алдаш осон эмас эди. У японга хира кўзлари билан тикилди-да, уни имлаб ўз ёнига чақирди ва ёнини тинтиб орқа чўнтағидан тилла узук топди. Пак Чем Ди бу узукни тўй ғолдидан бўлажак келини учун олган эди. Катта ўлжага ўргантан Жек узукни қўлида айлантириб афтини бужмайтириди-да, уни чимчалогининг учига тақиб қўйди.

— Бу ерда бошқа қиласиган иш йўқ,— деди у.

Чол енгил тортиб «хайрият қутулдим-э» деган фикрни кўнглидан ўтказар-ўтказмас, Ку Мян Хо кучли қўллари билан унинг ёқасидан ушлади-да, мўйсафид бечорани жудди кучук бола сингари судраб «жип»¹га олиб чиқди.

Чол «жип»да Ку Мян Хо ва Хэ Ман Селар ўртасида ўтирас экац, ўғли ҳақида ўйларди: «Наҳотки улар Сини Габни ушлашга муваффақ бўлган бўлсалар? Йўқ, бўлиши мумкин эмас! Булар мени қаёқка судрашяпти? Тэчунгол пастлигига ғурилишяпти шекилли, мен ёшимни яшаб бўлдим, фақат болаларимни омон қолдиришса бас, тақдирдан шуни сўрайман, холос. Оҳ, Син Габ, Син Габ, агар сенинг тириклигинг ва тоғда

¹ «Жип» — ёски типдаги мукаммаллашмаган машина.

эркин юрганингни билганимда, ўз ўлимимни қандай осойишта кутган бўлардим. Йўқ, сенек жучли, олижаноб довюракни ушлаб ололмайдилар. Ёлғон гапириш япти, итлар!?

...Бизнинг армиямиз чекишарди. Қишлоқ аҳолиси ҳам улар билан бирга йўл юлишарди. Фақат партия аъзолари, жамоатчилар ва ёшлар Союзининг аъзоларигина қолдилар. Халқ комитетининг раиси Пак Син Габ билан қишлоқ ячейкасининг раиси Квай охириги минутларгача ўз постларида қолдилар. Уларниг бирдан-бир ташвиши аҳолини эвакуация қилиш эди. Лекин душман ҳужумидан одамларнигина сақлаб қолини эмас, балки барча озиқ-овқат запасларини ҳам душманга қолдирмай олиб чиқиб кетиш зарур эди. Интервентлар яқинлашмоқда эди. Квай бир гуруҳ деҳқонларни олиб тоққа чиқиб кетди; Пак Син Габ бўлса, бир неча активлар билан ғаллани сақлаш учун қолди: уни яхши вақтга қадар хилватга яширап эдилар.

Пак Син Габ ўи кун деганда энди бир марта уйга кирган чоқда, америкаликлар қишлоқ остонасига келиб қолган эдилар. У озиб, соқоллари ўсиб кетган эди. Хотинини эвакуация қилишнинг имкони бўлмади: унинг ой-куни яқин эди, дард бошланиб қолди, отаси Паҳ Чем Ди бўлса, мамлақат ичкарисига боришдан қатъян бош торди: «Аввало, келинимни ташлаб кетмайман, қолаверса туғилган еримда ўлишни истайман. Мен энди қариб қолдим... Аммо, бу ерда бирор ишга яраб қоларман. Ахир ёшларнинг қолиши хавфлироқ-да», деди. Шундай қилиб, Пак Син Габ ўғлиниг туғилишини ҳам кута олмай, қари отаси ва хотини билан хайрлашиб жўнади. Кета туриб, ўзи билан бир шиша бензин ва бир қути тутгурт олиб олди. Ярим соатдан кейин душманлар қишлоқга бостириб кираётган пайтда ватанпарварлар яшириб улгурмаган ғалла омбори ёнмоқда эди. Кечки осмон хавотирлантирувчи шуъла билан яллиғланарди...

«Жип» тўхтади. Қарағай атрофида бир неча деҳикон бошларини қуи солиб маъюс турардилар — уларни тбу ерга лисинманчилар ҳайдаб келтирган эди. Улар Пак Чем Ди қаршисида ўзларини орқага олиб, унга йўл

бердилар. Шунда у қарағайга боғлаб қўйилган ўғли Син Габин кўрди. Унинг боши кўкрагига тушган, баданини ўқлар тешиб ташлаган эди. На ваҳшийларча азоблаш, на ўлим пўписаси душманга, партизанлар қаерга кетган ва ғалла қаерга яширилганини билиб олиш имкониятини бермади.

— Агар сен ҳам айтмас экансаи, Син Гер билан келишинингни ҳоли ҳам худди шундай бўлади. Агар уларнинг қаердалигини айтсанг, биз уларга тегмаймиз, фақат келгусида аҳмоқлик қиласликлари учун бир оз қўрқитамиз, холос. Ахир мен ҳам корейсман-ку, ахир мен ҳам тушунаман-ку,— деб шивирлаб қўйди Хэ Ман Се. У яна бир нарсалар ҳам дерди-ку, Пак Чем Ди унинг нақ башарасига тупуриб юборди.

Дежқонлар Пак Син Габин қуёшли тоғ ёп бағрига кўмишди. Чол қабрга ташланниб, уввос солиб йиғлаган ҳолда қабрни қучоқлаб узоқ вақт ётди. Худди шу вақтда лисинманчилар Пак Чем Диининг уйига ва келини билан яшги туғилган гўдак яширилган фарамга ўт қўйдилар.

Уша кечадан бошлаб Пак Чем Ди йўқолди; фақат қишлоқ аҳолисининг баъзиларигина унинг партизанлар ёнига кетганлигини билишарди. У бир ҳафтадан кейин орқасига халта осиб қишлоққа қайтиб келди. Унинг соч-соқоли ўсган, кийимлари жулдир-жулдир эди.

Мўйсафид лисинманчилар, америкаликлар ва маҳаллий чиандистларга ёпишарди.

— Ҳеч бўлмаганда бир ҳовуч гуруч беринг, очдан ўламан,— дер, ғайри-табиий ҳолда илжаяр, кўзлари ёвувларча алаңгаланаарди.

У, на тепки, на тарсакита парво қиласарди, Хэ Ман Сени кўриб икки букилар, хайр сўраб қўлини чўзарди. Хэ Ман Се чол ақлдан озмаган бўлса, ўзини бунчалик ерга урмаслигини тушунаарди. Чолнинг ғазаб тўла кўзлари, унинг ғайритабиий илжайшини кўриб эти жнимирлаб кетарди: эҳтимол, қутургандир?

Яна бир неча ҳафта шу зайлда ўтди, бир кун кечаси қўйқисдан, америкалик Жекнинг туғилган кунини нишонлашнинг айни қизғин пайтида, қишлоққа Син Гер раҳбарлигидаги партизанлар отряди бостириб кирди.

Пак Чем Ди отрядни қишлоқ четида кутиб олди.

— Айни пайтда келдинг, ўғлим, хабаримни ўз вақ-

тида олганинг яхши бўлибди. Ден Дор қани (Ўсмир Ден Дор исмли йигит Пак Чем Ди билан партизанлар ўртасида воситачи эди).

— Ота, у тоғда қолди. Милтиқдан отишни машқ қиляпти.

— Бизниkilар ҳақида ҳеч гап борми?— деб сўради чол. У, худди барча қишлоқ аҳолиси каби фақат фронт хабарлари билангина яшарди.

— Яхши хабарлар бор, ота. Бизниkilар қарши ҳужумга ўтишяпти.

Партизанлар уч группага бўлиниб, қишлоқни қамал қилишга киришдилар.

— Мансе!

— Америкалик оккупантларга ўлим!

— Лисинманчиларга ўлим!— деган хитоблар янгради.

Шиддатли отишмалар бошланди. Мўйсафид Пак Чем Ди ўроқ ушлаб олиб, партизанлар кетидан жангга ташланди. Чиандистлар штаби ёна бошлади. Хә Ман Се, Ку Мян Хо, Иосида ва Жеклар халқ қасо-сидан қутула олмадилар.

Жанг узоқ давом этмади. Партизанлар қишлоқни душмандан озод қилгач, тепаликка тўпландилар. Бу ерга турмадан чиқарилган деҳқонлар келдилар, улар орасида Пак Чем Дининг келини — Ген Хи (унинг боласи ўтда қуийб, турмада ўлган эди) ҳам бор эди. Ген Хи энди бошқа деҳқонлар қатори Син Гер билан боришга қарор берди.

— Менга ҳам милтиқ бер!— деди қўйқисдан чол ҳам,— ҳали сизларнинг отрядларингда хизмат қилишга ярайман.

Шу кеча партизанлар катта ғалабага эришдилар. Улжаларни олиб, тоңг отишда келган йўлларига — тоққа қараб йўл олдилар.

Шахсий қайғунг — бутун халқ ғами олдида ҳеч гап эмас, халқ баҳт-саодати учун курашаётган кишилар эса, якка эмас — Пак Чем Ди олтмишга кириб англа-ған ҳақиқат ана шу эди.

Партизанлар ҳамон тоғ тепалигига кўтарилиб борадилар. Чолнинг чеҳрасида табассум намоён бўлди, бу — душман уни енга олмаслигини билгани инсоннинг табассуми, Ватац олдида ўз бурчини бажаргани инсон табассуми эди.



Квон Дзон Лён



КЕЧУВ ЖОЙИ

Бан билан иккимиз кеч жиришини кутиб, жар ёқасига ётиб олдик. Пастда қандайдир номсиз кичкина сой оқарди. Унинг нариги томонида елпифичсимон шаклда пайкаллар ёйилган ва тоғ тизмалари қад кўтарган эди. Бизнинг олдимизда ясси довондан юшиб, Имдинган дарёсиминг душман жойлашган қирғоfigа чиқиш ва душман кечиб ўтадиган ерии аниқлаш вазифаси туарди.

Пушти раңг барра булутлар оҳиста сузарди. Аммо, улар аста-секин хиралашди. Ой чиқиб, ер юзини тезлик билан қоронғилик чулғади. Бир ҳовучдан гуруч талқони еб, чанқоқни қор билан босдик-да, сойликка туша бошладик. Шу пайтда душманнинг диққатини бошқа томонга жалб этиш учун бизникилар окопда туриб ўқ уза бошладилар. Душман мильтиқдан ўқ чиқариш билан жавоб берди. Йўлга чиқиш олдида лисинманчиларнинг кучайтирилган дозорлари борлиги ҳақида бизни огоҳлантиришган эди. Разведкамизнинг аниқ маълумотига биноан, биз жойларни аниқлаб, душман билан тўқнашиб қолиш хавфи бўлган жойларни четлаб ўтдик.

Узгариб турган шамол қорни тўзғитарди. Ой яна

баландроқ күтарилимоқда эди. Баъзан вазмини қуш ўзининг қора қанотлари билан бизга тегиб кетар даражада пастлаб, шовқин билан устимиздан учиб ўтарди.

Олдинда, тог ён бағрида душман бомбалари ва эҳтиёт-шарт учун қазиб қўйилган окоплар аниқ кўзга ташламиб турарди. Снаряд ва траншеялардан қаттиқ шикастланган улуғвор тоғларни кўриш билан кўнглим бузилиб, узоқда қолган, абадий қалин ўсимликлар билан қопланган жонажон Хитой тог ён бағирларини соғиниб эсладим.

— Ҳамма ёқни расво қилишибди! — нафрат билан пичирлаб қўйдим мен.

Ван паст овоз билан:

— Кетдик! — деди-ю, қадамини тезлаштириди.

Биз довондан гоҳ унинг қояли поғоналарига яшириниб, гоҳ судралиб секингина силжиридик. Бир неча соатдан сўнг якка фанзага (хитой деҳқонининг уйи) дуч келдик. Унинг деворлари ёрилиб кетган ва бу ёриқлардан гаолян¹ поялари кўриниб турарди. Пахса уй яқинидаги пастлиқка кўзимиз тушиб, у ерда дам олишга қарор қилдик. Вақтга нисбатан муҳокама юритганди, биз Қанен ён-верида бўлишимиз керак эди, аммо йўлдан адашиб кетмадикмикан, буни қандай билса бўларкин? Биз уфқни тўсиб турган тоғлар оралиғида эдик.

Ван дам олишнинг ҳар бир дақиқасидан ҳам оқилона фойдаланишга ҳаракат қилиб, кўзларини юмиб ётарди. Унинг мард ва бепарво чеҳраси мени завқлантиради. Барча янгилар сингари мен ҳам нотинч ва қўполроқ эдим. Ваннинг бирор марта ҳам таъна қилмаганига қарамай, фикримча, ўшанда ўзимни тута билмаслигим билан уни жуда хафа қилган бўлсам керак.

Борган сари кўпроқ безовталана бошладим. Йўлда давом этиш мақсадида турган эдим, лекин Ван қўлимдан ушлаб қолди.

— Жим...

Энди менинг тажрибасиз эшлиши қобилиятим ҳам кимнингдир яқинлашаётган қадамини пайқади. Тўп-пончамни қўлга олиб, дикқат билан қулоқ солдим.

¹ Кореяликлар билан хитойлар синч ўрнига гаолян поясини ишлатадилар.

Кўп ўтмай уч киши кўринди. Кийимларига қараганда дэҳқонлар эди. Олдинда чўкич кўтарган новча йигит эпчил қадам ташлаб келарди. Бошқалари ундан анчагина нарида боришарди. Улардан бири чолларга ўхшаб белини ушлаган ҳолда, букчайиб борар, унинг ёнидаги одам эса қалта, аммо кучли оёқлари билан майда қадам ташлаб чаққон йўргалаб борарди.

— Ҳей сенлар, яна қочишга ҳаракат қила кўрманглар,— деб қўйди, новчаси орқасига қараб.

Ҳамроҳлари жавоб беришмади.

Улар биз томонга бурилиб, пахса уй олдида тўхташгани эди, юрагим шув этиб кетди.

— Эй, хотин, ишга чиқ!— деди новчаси.

— Қундузи ҳам, кечаси ҳам сенинг дастингдан тинчлик йўқ,— уйқусираган ғўфиқ овоз эшитилди унга жавобан.— Сенинг жонинг чиқмагунча мен тинчгиниа ўла олмайман ҳам шекилли.

— Кўп бидирлама! Белкуракни ол-да, ғизиллаб кечув жойига бор.

Эркаклар кетишгандаи кейин, хотиннинг ғазаб билан койингани ва жаҳл билан тупургани эшитилди. Бир оздан сўнг унинг койиши йиғига айланди. У йўл-йўлакай кўримсиз жулдур кийимларини ўраб чиқдида, қудуқ ёнида турган белни олиб боягиларнинг изидан йўл олди.

Ван содир бўлган воқиға ҳақида фақат таҳминни ўйла олар эди. Мен эса маҳаллий аҳолининг тилини яхши тушибурдим. Мен шимоли-шарқий Хитойда ўсдим, бизнинг қишлоғимизда корейслар кўп эди.

— Нима гап?— деб сўради Ван, хотиннинг қадамлари узоқлашгач.

— Новча киши одамларни ишга ҳайдади. Бу ерга яқин жойда кечув жойи бўлиши керак.

Кўп ўтмай, биз Имдинганинг қумли соҳилига этиб бордик. Йўлимиизда снаряд йиқитган терак ётарди. Биз уни пана қилиб, атрофга қараб ётиб олдик. Дарё кўк ёруғ шуъласи билан жилваланарди. Умримда биринчи дафъа ойнинг шунчалик вазминлик билан мулоҳим ярақлаши менин ташвишлантирди.

Бизни ўраб олган ҳушёрликни талаб этувчи жиммикда юрак уришимиз барада эшитилиб турарди. Лекин кутмагандаги моторлар туриллаб қолди, бир онда

фаралар чарақлаб кетди. Шу пайт биз автомобиллар колониасининг дарёнинг нариги қирғоғига ўтаётганини кўрдик. Мен хурсандлигимдан Ваннинг биқинига туриб қўйдим: бизнинг олдимииздан кечув жойигача бўлган масофа 50 метрдан ошмас эди! Лекин Ван менинг хурсандлигимга қўшилмагандек кўринишда эди. У қулогини ерга қўйиб, дишқат билан қулоқ соларди. Шу вакт ичидагиналар қирғоқнинг нариги томонига муваффакият билан ўтиб, қоялар орасига кириб кетишиди.

— Югуришяпти,— деб хурсанд бўлдим мен.

— Йўғ-е.

— Сени қара-я! Филофли пушкаларни кўрдим-ку. Улар артиллерияни ўтказишияпти.

— Бу ҳали гумон, кўрамиз-да. Нега улар пушкаларини олиб келган ерларига ўрнатишмаяпти экан? Аввалги жойи бизга аллақачон маълум. Хуллас, улар баъзибир нарсаларини нариги қирғоққа кўчиришлари мумкин, баъзибирларини эса бу қирғоққа; қисқаси, улар узоқни қўзлаб, олдиндан кучларнинг жойини ўзгартиромоқдалар.

Мен ўзимнинг фаҳмсизлигимдан хижолат тортиб хафа бўлдим.

Ван ҳақли бўлиб чиқди. Бир соат ҳам ўтмасдан яна янгидан моторларнинг бир оз пасайган гувиллаши эшитилиб, машиналар орқага қайтди. Бу сафар улар юрпроқ эди ва уларнинг ҳар биринга гаубица¹ тиркалган эди.

— Келинг, машинанинг кетидан борайлик, артиллерию қаерга жойлашганилигини билib оламиз,— Ванга таклиф қилдим мен.

— Колоннани ҳаддан ташқари кўп соқчилар кузатиб бормоқда. Улар ўтганидан кейин биз ҳам қўзғаламиз.

Ниҳоят, охирги машинна кўздан фойиб бўлди. Ҳаракат қилишининг пайти келди.

Узоқ шитмолдан бошланган тоғ тизмалари жапууга чўзилиб, 38-паралль орқасига ўтиб кетарди. Бу ерда эса, Қанена ёнида улар худди парчалангандай бўлиб, бир-бирига туташиб жетган чўққичалар Имдингянгача етиб борарди, унинг этагида, ёндирилган қишлоқ харобаларида душмани артиллериюни жойлашган эди.

¹ Гаубица — калта стволли оғир замбарак.

Биз бутазорга яшириниб, душман томонидан шошин-линч равишда ўрнатилаётган ва тиканли сим билан ўралаетган қуроллар координатини белгиладик. Четда шатакчи тракторлар қаторлашган. Жой ҳозирлаётган солдатларнинг кўпчилиги негрлар эди. Улар тез-тез қўлқопларини ечишар ва тоғ у, тоғ бу оёқларида ҳак-калас, сўзанак жирган қўлларига пуфлашарди. Улардан бири тутқунларнинг имаъюс ашуласини хиргойи қи-ларди.

Разведкани муваффақиятли равишида тугатиб, йўлни қисқартириш мақсадида бир қанча вақт ўша жардан оқсан дарёча бўйлаб юрдик. Лекин сув ҳали бу ерда муз билан қопланмаган эди. Шунинг учун ҳам майда тошчалардан сакраб, мавсумга жомувофиқ бепарво шилди-раши билан жимликни бузиб биз билан баравар оқиб келарди.

Ван олдинда борарди. Биз нариги томонидан довонга ўйл бошланадиган кичкина тепачани эндигина айланиб ўтган ҳам эдикки, олдимиздан икки америка солдати чиқиб қолди. Учрашув иккала томон учун ҳам кутилмаганда рўй берган эди, аммо чекиниш учун кечиккан эдик. Биринчи бўлиб, ўзини ўнглаб олган Ван американликнинг биттасига ташланди. Мен эса ҳали мени пайқамасдау Ванга ҳужум қиласман деб турган пайтда, иккинчисига сапчиб унинг қўлидан ушлаб олдим. Душманим мендан анчагина баланд бўлиши билан бирга менга нисбатан тажрибалироқ бўлиб чиқди. У кулимсираб тўғри башара маганда тикилди-ю, ғайри табиий совуққонлик ва куч билан қуролини ушлаган ҳолда қўлини кўтара бошлади-ю, кутилмаганда четга кескин қадам ташлади: менинг панжаларим ихтиёrsиз очилди. У нафратли бужмайди ва катта бешотар милтиқни менга тўғрилаб қичқириди:

— Кўтар қўлинигни!

Мен ихтиёrsиз олдинга сапчиб, унинг иягига жалла қўйдим. Душманим тебраниб кетди, лекин шу дамда кўз олдимда бир парча олов ёлқинланиб кетди. Уқ менинг оёғимга тегди. Мен бирдан қичқириб американликнинг устига йиқилдим. Яхшиямки, Ван ўзи билан курашаётган американликнинг суробини тўғрилаб, дархол ёрдамга келди. Бизнинг тўпалон ва ўқ отишувимиз ва-

ҳима күтариб, қулоқни жар қўйладиган даражада ҳуштак овозлари эшитилди.

— Милтиқни ол-да, югур! — деб команда берди Ван.

Қанча вақт чопғанимизни эслолтмайман, лекин кўп бўлмаса керак. Биз қор тагида қолган шоликорликка етиб келдик. Мен ҳолдан тоя бошладим-у, кичкинагина дўнгга қоқилиб, гурсиллаб ерга йиқилдим. Ван бир неча қадам чопиб ўтди-ю, лекин менинг қолиб кетганимни пайқаб орқасига қайтди.

— Уша дамбага етиб олсак, қутулган бўлаф эдик,— деди у ташвишланиб.— Яраландими?

— Оёғим қайрилиб кетди,— ясама бепарволик билан жавоб бердим, лекин юзимдан оқиззлик кўз ёши оқиб туради: менинг жароҳатим иккаламизни ҳам оғир аҳволда қолдиради, муҳим вазифани бажаришни хавф остига солиб қўярди:— Сен кетавер, кетавер, мен сенга етиб оламан,— деб Ванин кўндиришга ҳаракат қилдим.

Ван жавоб ўрнига мени елкасига олди-ю, буқчай-ганча чопа кетди. Ниҳоят, биз иажотбахш дамбага чиқдик ва кучсизланиб, музлаган торгина каналдан унинг нариги қирғоғига томон юмаладик.

— Гап бундай, мён сени энди күтариб юра олмайман, оғир экансан, ўзинг юра оласанми? — деди Ван ҳарсиллаб.

— Ҳаракат қиласман.

— Уриниб кўр.

Бир амаллаб ўрнимдан турдим ва оқсаб, бир неча қадам ташладим.

— Ярамгни тезроқ боғлаб жўна, мен сени тўсиб тураман. Бу ер қулай жой. Дамбадан бруствер сифатида фойдаланаман.

— Йўқ,— қатъий қаршилик кўрсатдим унга,—ҳали бўлим командири Ван топшириқни ўз муддатида бажармай қолган пайт бўлган эмас. Сен кетасан, мен бўлсан бир амаллаб... ўқ чиқариб, эмаклаб борарман.

Бизни қувиб келаётганлар яқинлашмоқда эди, ҳуштак овозлари яқиндан эшитила бошлади. Чет эллик кишиларнинг товушлари тобора баландлашарди.

— Кругом... марш! — шивирлади Ван ва шу топда у уставга хилоф равишда юзимга мушт туширадигандек туюлди.

Мен бор кучим билан уни итариб, қўлидаи кара-
бинни тортиб олдим.

— Биринчидаи, мен ярадорман, шунинг учун ҳам
сенда штабга етиб бориш имконияти кўпроқ; иккичи-
дан, бориб етган тақдирда ҳам, мен разведка ҳақида
муфассал маълумот бера олмайман; учинчидан, ё дўст-
нинг тақдирини ёки армия тақдирини танлаб олишга
тўғри келгудек бўлса, у ҳолда кейинигиси танланади.

Бир онда у худди иккилангандай бўлди-ю, сўнг
менга қарамай, бор ўқларини олдимга тўқди, ўзига бит-
тагина ўқ қолдирди-ю, ажойиб товуш чиқариб, орқаси-
га қарамай жўнади.

Душман ҳужум қиласарди. Мен уларга яқинроқ ке-
лиш имкониятини бериб, дўнг ерга кўкрак бериб ётиб
олдим. Уша пайтда мен қутулишга мусассар бўларман
деб ўйлаганим ҳам йўқ эди. Фақат душманга ўз жонимни
қимматроқ сотиш мақсадида ҳар бир ўқни оқилона
сарфладим.

Бир неча американлик ҳалок бўлғандан кейин, душ-
ман мадад кутиб, ўқ узишни тўхтатди. Мен қорда улар-
нинг қора шарпаларини кўрдим. Ун кишидан ниҳояти
икки киши қолган, мени ўраб олиш учун эса улар камлик
қиласарди. Мен уларнинг бу нафасларини ростлаб олиш-
ларидан фойдаланиб, гимнастёркамнинг енгини йиртиб
олдимда, оёғимни қаттиқ bogладим ва тишимни-ти-
шимга қўйиб жўнадим. Бир қашча вақтдан кейин, қа-
ердадир менинг орқамда, дамба олдида яна отишма
бошланди. Афтида душман мени ҳали ҳам ўша ерда
деб ўйлаб, бирдат яқинлашишга юраги дов бермаган
бўлса керак. Лекин ҳали замон улар ўз хатоларини анг-
лаб, менинг изимдан қувадилар.

Омондаги юлдузлар тикилиб боқишарди. Катта
Айиқ юлдузи Қутб юлдузини ярим доира шаклида ай-
ланиб ўтиб, дам олиш учун тоғ устига қўнишга ҳозир-
ланарди. Тонг яқинлашмоқда эди.

Оёқларим юрмай қолди ва вақти-вақти билан ҳуш-
дан кетган ҳолда эмаклардим. Ҳатто ҳушсиз ҳолда ҳам
эмаклашни давом этдираётганимни сезардим.

Мана довон, мана бу мен худди маймоқ ҳайвон
боласидек судралиб келган синашта пастлик. Бу ер ни-
маси биландир менга жонажон диёрдек кўринди: ахир,
бир неча соат илгари бу ерда Ван билан бирга эдик-

да.. қалми у? Чарчаб ҳолдан тойдим, энди қандай фалокатга дуч келмай, менга барибир, фақат душман қўлига тирик тушмасам бас, аммо чин қалбдан Ваниниг қутулишини истардим. Агар қудуқ олдида хотин киши пандо бўлмаганда, эҳтимол, мен ўша ҳолда ётганимча қолаверган бўлар эдим. Сесканиб кетдим, бирон фалокатга йўлиқни бефарқ эмаслигига ақлим етиб қолди. Аёл атрофга назар ташлади-да, дарҳол пастликка тушиб мени ниқоблаб турган шохларни очди ва мен томонига энгашиб:

— Ким? Кимсан? Лисинманчи қочоқмисан? Халқ армиясининг аскаримисан?— деб сўради.

Жавоб олмагач, елкаларимни пийпаслади. Погоним йўқлигига ишонч ҳосил қилиб шивирлади:

— Хитоймисан? Мендан қўрқма. Сенга ёрдам бераман. Қанин юр, эшитдинигми? Үлар яқин келиб қолишиди.

Турмоқчи бўлдим, аммо оёғим менга бўйсунмас эди. Хотин қўлтиғимдан ушлаб турғазмоқчи бўлди-ю, лекин улгуролмади. Сўқмоқ йўлда чониб келётган солдатларниг эёқ товуши эшитилди. Шунда аёл қаддини ростлаб секингни душман тарафга қарааб юрди.

Сўнг шундай пайтларга хос ҳодиса юз берди. Ҳовлининг ўртасида офицер турарди, унинг оёғи остида эса аёлнинг қора гавдаси ётарди. Аёлга шундай усталик билан зарба берилган эдики, ҳатто мен унинг қачон йиқилтанини ҳам сизмай қолибман. Офицернинг орқасида милтиқларини отишга тайёр тутган ҳолда солдатлар саф тортиб туришар ва бу ҳолатни бепарво томоша қилишарди. Офицер этиги билан хотинни тепди:

— Тур!

У қийинлик билан ўрнидан турди. Унинг юзидан қоп-қора қон узун из қолдириб оқарди.

— Айтасанми?— бўкирди офицер.

Ана ўшанда мен, агар отгудек бўлсам фақат унгагина эмас, балки аёлга ҳам, ўзимга ҳам фалокат келтиришим мумкинлигини мулоҳаза қилиб ўтиrmай уни нишонга олдим.

«Яна бир марта унга тегишга журъат қилғин-чи, тўнғиз!»— деб ўйладим мен.

— У қаерга кетганилигини айтасанми, йўқми?!— деб тўппонча гилоғиға қўл юргуртирди америкалийк.

— Қидиринглар,— хотиржамлик билан жавоб берди аёл,— қани нега қараб турибсизлар? Отинглар! Офицер ҳайрон бўлиб елкасини ёқисди ва кителининг этагини тортиб:

— Кетдик,— деди солдатларга.

Тонг ёриша бошлади. Тўқ сарік ой хиралашди. «Бу ерда бир кун қутсаммикан, эҳтимол, эртага бизнинилар бу ерга етиб келишар...» Лекин ўша заҳотиёқ бу фикрни шиямдан чиқариб ташладим. Америкаликлар менинг изимдан яна қайтиб келишлари мумкин эди. Аёлни хавф остида қолдиришга ҳақим йўқ. Шундан кейин охирги кучимни тўплаб, яшашни ўйлабми, ўз кишиларимнинг қўлида ўлишини истабми, эмаклаб кетдим.

— Тур, отамаш!

Бу сўзниг менга тааллуқли эканини дарҳол англаб ололмадим. Фира-шира туман орасида оқ халатлар билан ниқбланган икки жасад пайдо бўлди.

— Кимсан? Қайси қисмдан?

— Ахир кўрмаяпсанми?— кимдир мени меҳрибонлик билан ердан кўтарди,— қўрқма. Биз корейс — разведкачилармиз. Бизни Ван юборди.

Юқорида ҳикоя қилинган воқианинг иккинчи куни дивизиямиз душманнинг Имдингдан дарёсидаги мудофаасини ёриб ўтди ва жанубга томон силжиди. Медсанбатимиз дивизиянинг кетидан бораради.

Тушдан кейин осмонни зич қорамтири булутлар қоплади. Қош қораймоқда. Аста-секин ёғаётган қор пағалари юзда әриб жетарди. Қалбим бутун умр қон-қардошлиқ билан боғлаган бу мамлақатиниг төкислик ва тоғларига, дарёларига ва кишиларига нисбатан меҳр билан тўлиб-тошган эди.

Ярадорларни олиб жетаётган жангчилар отряди, йўлдаги қорни кураётган деҳқонлардан узоқ бўлмаган бир жойда дам олиш учун тўхташди. Хитой кўнгиллилари ярадорларини кўрган маҳаллий аҳоли ҳаракатга келди. Орадан бир минут ҳам ўтмай ўртамиизда суҳбат бошланиб кетди. Мен деҳқонлардан довонга яқин ерда яшовчи хотинни сўроқладим.


— У Сан Намнинг онасини сўраяпти,— деди бир

дэхçon кимни сўраётганимни пайқаб,— бўлмаса-чи, биламиз; агар бизникилар вақтида етиб келишмаганда бечора ҳалок бўларди. У Хитой кўнгиллиларидан бир кишини яширган дейишади.

Мен дэхçonларнинг ҳикоясидан раҳмдијл аёлнинг икки ўғли бўлганлигини билиб олдим. Каттаси — Сан Нам — урушгача Имдинганд паром ҳайдовчи экан. Армиямизнинг вақтинча чекинини давридаги мудҳиш күпшарда у хавф-хатарга қарамай, ўша вақтда америкаликлар билан лисинманчилар қишлоқни эгаллаб олишган эди, кечалари эвакуация қилиб улгурмаган Мөҳнат партияси аъзолари ва солдатларни бизнинг қирғоққа олиб ўтиб юрган. Уни, қўшниси, ўша мен пахса уй олдида кўрган новча йигит хоинлик қилиб тутиб берган. Ўша вақтда Сан Намнинг укаси 17 ёшда экан. У акасининг қасосини олиш мақсадида, партизанлик қилиш учун тоққа чиқиб кетган дэхçonларга қўшилган.

Мен ўзимни танитдим ва Сан Намнинг онасига менинг номимдан миннатдорчилик билдиришларини сўрадим.

Биз солдатларни кўтариб олиб жетаётган отряд яна йўлга равона бўлди. Бизни дарёдан ўтказиб қўйишиди...



Хван Ген



II

БАХТ

алата қоронғи. Бемор ухларди. Унинг юзи худди гүдакларники сингари хотиржам. У бир текисда нафас олар, чамаси уни қийнаган юғриқ тарықагандек эди. Унинг уйқуси борган сари осойишта тус олиб узоққа чүзиларди.

— Синглим, нега овқатга кетмаяпсиз?— деди ҳамширага ёнидаги каравотда ётган ярадор хириллаб.— Хотиржам бўлаверинг, унга мен қараб тураман, уйқим ўчиб кетди. Бир гап бўлса дарҳол навбатчини чақираман. Бораверинг, бўлмаса тағин оватсиз қоласиз.

Ре Дю касални елпигич билан елпир экан, пичирлаб:
— Хўп, хўп, мен ҳозир,— деб жавоб берди. Унга гўё у кетиши билан касал албаттга уйғонади-ю, жонсарак кўзлари билан уни җидираётгандек туюлади. У барча серғайрат шогирдлар сингари қанча кўп уринсан, ишга шунча кўп фойдам тегади деб ўйларди.

Ре Дю Халқ армияси у туғилиб ўсган қишлоқни озод қилгандан бир неча ой кейин госпиталга ишга кирди. 1950 йилнинг унутилмас ўша кунларида бизнинг қўшинларимиз лисинманчилар билан американлик босқинчиларни денгизга томон сиқиб, ақл бовар бермайдиган

даражада тез суръатлар билап жанубуга томон силжи-
моқда эдилар.

Палатага тўладан келган ёшгина жувон — бош ҳам-
шира Ден Им кириб келди. У ўринлар орасидан бир
текисда қадам босиб, ҳали у, ҳали бу ярадорнинг соғ-
лигини сўрарди. Ёнида қиз ўтирган жангчининг тепаси-
га келиб, пешонасини ушлаб кўрди.

— Иссиғи пасайибди,— деди Ден Им.— Шифо тои-
ябди. Қани, энди овқатланиб келайлик!

— Бемор бирдам уйғониб қолса-чи?— деб эътиroz
билдиришга уриниб кўрди қиз, гарчи Ден Имнинг сўзи-
ни қайтариш беҳуда кетишини олдиндан билса ҳам. Ден
Им қизга ўқрәйиброқ қараган эди, Ре Дю истар-иста-
мас ўриндан туриб, bemorning одеялини тўғрилади, ол-
ма пўсти солимиган тарелкани олиб қўйди. Кейин пала-
тага яна бир марта кўз югуртириб чиқди-да, ҳорғин,
оёқларини зўрға кўтариб босгани ҳолда дугонаси орқа-
сидан ошхона томонига йўл олди.

Шоли ҳосили кўп бўлишидан дарак берадиган ис-
сиқ, намгарчиллик кунлар бўлиб, кечаларни дим ва қо-
ронги эди. Муздаккина майса устида ағнааб ётсанг-у,
чойшапнинг ҳам кераги йўғ-а... Киприклари юмилиб.
кетяпти, йўл-йўлакай ухлаб қолмаслик учун кўзни
үқалаб туришга тўғри келарди, оёқлари ҳам бўшашиб,
гандиракларди...

Бош ҳамшира дугонасидан ўпкаланиб:

— Ре Дю, мабодо сени ҳозир операцияга чақириб
қолишса, асбобларнинг ҳаммасини аралаштириб юбо-
рарсан дейман,— деди.

— Сира ҳам-да,— деб сесканиб тушди қиз, йўл-йў-
лакай кўзинирай табийи чақчайтириб.

— Уч кеча-кундуздан бери ухламаяпсан.

— Баъзи одамлар беш-олти кеча-кундузлаб ух-
лашмайди-ку, улар-чи?

— У китобдаги гап! Бир оз бўлса ҳам имконият
топиладими, киши ўзини ҳам ўйлаши керак.

— Нима деяпсан, Ден Им!— ажабланди Ре Дю.—
Шу пайтда жангчиларимиз ўзлари ҳақида ўйлашяпти-
ми? Биз қандай қилиб шундай қила оламиз?

— Қулай пайт келганда, улар ҳам янги куч билан
жангга кириш учун овқатланишиб, дам олишга ҳара-
кат қилишади.

— Йўқ, йўқ,— жаҳл билан эътиroz билдиради қиз,— мен ўзим ҳақимда ўйлай олмайман. Ҳозир ҳалқимизнинг ҳаммаси ҳам ўзи ҳақида ўйламайди?

— Бу ҳолда кўпга бормайсан.

— Майли!

— Майли эмас, чидамли бўлиш керак. Бекордан-бекорга сафдан чиқиб қолиш масъулнитсизлик бўлади. Биз давлатга қарашли кишилармиз, биз давлатимизнинг капиталимиз, демак, бу капитални оқилона сарфлаш керак.

— Мен сенчалик ақлли эмасман!

— Шунинг учун ҳам менинг маслаҳатимга қулоқ солишинг, вақтида ухлашинг керак.— Ҳамширалар тилида «вақтида ухлаш»— тўрт-беш соат ухлаш деганини билдиради.— Яна бир одатинг ёмонки, навбатчи ҳамширага ишонмайсан. У сендан катта ва сенга қараганда тажрибалироқ.

— Аммо, у беморнинг феълини билмайди-ку. Мен парвариш қилаётган бемор шундай одамки, ҳеч қачон ҳеч нарса сўрамайди. Мен у нима демоқчи бўлганини пайқайман, навбатчи эса пайқамайди.

— Унинг пайқашининг ҳожати йўқ. У беморга нима зарурлигини билади.

Булар бир-бирларига ҳеч ўхшашмайди-я! Бош ҳамшира, ҳеч қачон ҳеч шарсадан ҳайиқмайдиган, ҳар қандай шаронтда ҳам барча одамларнинг, шу жумладан ўзининг ҳам бурчи ҳақида ўйлайдиган, бирон ишга унинг жамиятга келтирадиган фойдаси шуктai назаридан баҳо берадиган аёл. Бу жиҳатдан у ҳеч кимга ён босмасди. Сезгир, хушчақчақ, серғайрат бу аёл яширича курашнинг аччиқ тажрибасини бошдан кечирган ва ҳар бир ишда руҳий ҳаяжонга эмас, мантиқ ҳамда принципга амал қиласди. Еш, тажрибасиз Ре Дю бўлса ўз дугонасини бир оз кўнгли қаттиқ деб ҳисобларди.

Ре Дю бирмунча сезгир, таассуротга осонгина бериладиган қиз эди. Бошланғич мактабни битиргач, педагогика курсига ўқишига кирди ва қишлоқ ўқитувчи-си бўлиб етишди. Бунга осонликча эришмади. Қиз тўла ўрта маълумоти бўлмагани туфайли, ўқишида ўртоқларидан орқада қолмасликка ҳаракат қилиб кўп вақт дарс тайёрларди.

Ре Дю камбағал дәхқои онласида ўси өткізу өткізу өткізу
дан билемгә интилди.

У дарё лабида ётиб олиб хаёл сурадыган тенгүрларидан бутунлай фарқ қиласынан. Улар уззукун турмушга чиқиши қалыпташар, ҳаётдан бундан ортиқ нарсаны кутишмас ва талаб ҳам қаплишмас эди.

Ре Дю кечки овқатдан кейинн беморга яна бир марта назар ташлады-да, шундаи кейингиша ўз хонаси томон йўл олди. У халат ва гимнастёркасини очиб, ондол¹ устига ўрин солди. У кўзини юммай хаёл суриб ётди, унинг кўз олдидан тоғ у, тоғ бу кўриниш ўта бошлади. У тоғ қонсираган ва иссиқда лаблари қақраб олдинга ташланадиган жангчиларни (улар тушда ҳам душман билан ҳаёт-мамот жангига кира туриб бўш келишмас эди), тоғ ўз уйидапиларнинг чехраси: кокили осилиб турган ўн беш ёшли укаси, ҳадеб бир нарсаларни гапириб атак-чечак қилиб юрадыган синглиси, отасининг шамол қорайтирган чехраси кўз олдида намоён бўларди. У яна туғилиб ўсган қишлоғини аланса орасида худди ўнгида кўргандек бўлди... Унинг кўзларида алам ёши пайдо бўлди. У титраб-қақшаб турган лабларини тишлари орасига олиб, кўз ёшлиарини қайтарди.

Орадан кўп вақт ўтмай Ден Им кириб келди, Ре Дю ўзини ухлаганликка солди. Бош ҳамшира эшикка шинелини парда қилиб тутди-да, чироқ ёқди.² Кейин у китоб олди, оёқларини чўққайтириб, иягини қўлига тираган ҳолда ўқишга киришди. У китобнинг, лисинманичилар партизанни қуршаб олиб, американлик майор уни отиб ташлашга буйруқ берган жойини очди. Партизан ўлим олдидан американликнинг юзига тупурди ва қичқириб: «Яшасин ҳалқ ҳокимиияти!» деди.

Ден Им ғазабдан титради, қўлидаги китоб сирғаниб тушиб кетди: эридан хабар келмаганига ярим йил бўлди. Қекса яширин ташкилот хизматчиси ва тажрибали партизан ўз бошидан кўп мушкул ишлар кечирган. Бир куни кечаси разведкага кетди-ю, қайтиб келмади. Ден Им душмандан шафқат кутмасди, шундай бўлса ҳам, севгилисининг баҳт юлдузидан умид узмаган эди.

¹ О н д о л — корейсларнинг печкаси. Корейслар уйининг тагидан тутун айланадиган жой қилиб печка қиласидар.

² Корейсларнинг уйида эшик икки ёққа очиладиган бўлиб, ойнавон ёки юпқа қофоз ёпиштирилган бўлади.

Улар бир-бирларини севишиб юргаң илк күнлар қандай яхши эди-я! Ин Чер унга биринчи бўлиб инсон ғурури асрй занжирларни парчалаб ташлаган мамлакат ҳақида гапириб берди. Уни ҳақиқатни танишга ҳам Ин Чер ўргатди, унинг қаршисидаги машаққатли ва ҳаққоний кураш йўлини ҳам у очди. Унинг юрагига ўт ёқа олган, унинг фикрини оча билган ўша эри бўлди. Ден Им ўз тақдирини унинг қўлига топшириб, борлиғини ҳозирда ўзининг ҳам энг олижаноб мақсади бўлиб қолган унинг идеали йўлига бағишлади.

— Ден Им! — беҳосдан унинг хаёлини бузди Ре Дю.

— Хўш?

— Айт-чи, қаҳрамонлар қатл қилинишлари олдидан қай ҳолда бўларкинлар? Мисол учун, ёш гвардиячилар? Улар қандай қилиб бу қадар мард бўладилар? Ёки Фучик? Қаҳрамонларнинг ўлимдан қўрқмай қувонишларига мен амимман, чунки, улар шунинг учун ҳам қаҳрамонлар-да.

— Йўқ,— деб жавоб берди ғамгин товуш билан Ден Им (у ҳозир руҳни эзадиган ҳолатда эди), — инсон ҳаёт қувончи билан яшайди. Ўлим қувончи — ғайри табиий ҳолат. Чин инсон ўз қадри-қимматини ҳеч қачон йўқотмайди, бундай кишилар оғатга тик қарашнинг уддасидан чиқа оладилар. Улар ўз ғояларининг ҳаққонийлигига ва бир кун бўлмаса, бошқа бир куни албатта тантана қилишига ишонган ҳолда ўладилар. Уларнинг кучи ҳам, мардлиги ҳам шунда.

Орага жимлик чўқди. Ре Дю ўзининг қаҳрамон эмаслигига хафа бўлди, у ўлимдангина эмас, ҳатто жинлардан ҳам қўрқарди. Ден Им эри ҳақида ўйлашни давом эттирди ва ҳар галгидек кишининг бошига умуман ўлим тушиши эмас, балки, энг яқин кишисидан жудо бўлиш ҳаётда энг аччиқ нарса экан, деган хулосага келди.

— Ден Им!

— Нима дейсан?

— Сен қаҳрамонларча ўлишни уddaрай олармидинг?

— Билмадим.

— Мен бўлсам ундаи қилолмас эдим.

— Нима қилардинг, душман қаршисида тиз чўкиб турармидинг? Раҳм-шафқат тилаб ибодат қилармидинг?

- Ҳеч қачон! Ҳеч қачон!
- Мана кўрдингми, тагин ундан қилолмас эдим, дейсан-а.
- Ден Им!— деди бир оздан кейин яна Ре Дю.
- Хаёл сургани ҳам қўймайсан-а.
- Мен нима қилиб бўлса ҳам фронтга кетаман.
- Нима, дала госпитали сенга фронт эмасми?
- Биласанми, ортиқ бу ҳолда қололмайман. Мен яна ҳам активроқ курашсам дейман.
- Бу янги гал эмас.
- Эҳтимол, менинг гапим сенга ёқмас, кечир,—деди хафа бўлиб қиз,— барибир мен кетаман, албатта кетаман!
- Бас, жуда донолик қилиб юбординг,— деб унинг сўзиши бўлди Ден Им.
- Бир неча соатдан кейин ишга бориш керак.
- У чироқни ўчириб, дугонасиға орқасини ўғирди, бу билан у сўнгги сўз унда қолганини таъкидламоқчидек бўлди.

II

...Ўқиши йили ҳам бошланмаган эди, аммо, Ре Дю барвақт мактабга жўнади. Ўқитувчилар янги ўқув китоблари билан танишар, машғулотларни ўтказиш программасини тайёрлашар, армиямизнинг қаҳрамонона мудофаа юришини ва Жанубда ер ислоҳоти ўтказиляётганини ўзаро муҳокама қилашарди.

Дугоналари Ре Дюни меҳрибонлиги ва меҳнатсеварлиги учун севишаарди. У кўнгилчан, дилбар қиз эди. Унинг мулойим юзларида қора кўзлари чақнаб турарди. Уни ўғил болалар ҳам яхши кўришарди.

Ре Дю ўқитувчилар бўлмасида ўтиради. Унинг ёнидаги синфда орган¹ чалишарди, органнинг ипак толаларидек майдада торларидан дириллаган овоз янграп, гўё торнинг иплари узилиб жетаётгандек туҳоларди. Деразадан бир парча осмон кўриниб турибди, уфқни ялтироқ кўккат қоплаб турган қоя тўсиб олган, ундан бир оз четроқда, қатор теракклар орасида қишлоқ ястланиб ётибди. Қуёш қалин булутлар орасига яширинди.

Ре Дюнинг қархисида ўтирган ёш ўқитувчи бирдан

¹ Орган — қилли чолғу асбоби.

ўрнидан иргиб туриб дераза ёнига борди: бомбардимончи самолётларнинг даҳшатли овози борган сари барада эшитиларди.

Ре Дю хонадан қочиб чиқди. Қўшни синфда у партатагига ғуж бўлиб тўпланган ўқувчиларни кўрди. Ре Дю уларни тезда ташқарига чиқишга ундан, эшикка томон югуриб кетди.

Қишлоқни тутун қоплаган, қузғуилар эса, янгидан учиб келиш мақсадида ҳавога парвоз қилдилар. Энди улар мактабни мўлжалга олишган эди.

Қиз ўзини йўқотган ҳолда, тошларга туртиниб, дарахт шох-шаббалари ва илдизларига ўралиша-ўралиша югуриб борарди. Унинг қулоғига дод-фифон чалинарди. Кимдир гоҳ инграб, гоҳ бақириб, зориқиб ёрдам сўрарди. Бирдан оёғи тойилиб йиқилди, уйи ўрнида катта чуқур ва тутаб ёнаётган вайронага кўзи тушди. Устидаги кийимлари қандай ёнаётганини ва уни ўтдан қандай сақлаб қолганларини сезмади. Тутаётган вайрона орасида одамлар тимлискилашиб ўлганларни олиб чиқишар, қиз бўлса ҳамон жойидан қўзгалмас эди. У, ўз қайғусини ифодалашга бошқа сўз тополмай, «Нима қилиш керак? Нима қилиш керак?»— дерди, холос.

Тонг қуннинг узунлиги ва тинчлигидан далолат берар, одамлар ўз умид-орзулари билан тўлиб-тошар эдилар, аммо, жўз очиб юмгунча оёқ тагидаги ер ҳаммасини ўз қатърига тортгандек, бағчаси ғойиб бўлди.

Қиз жойида михлангандек қимирламас эди. У йиғламас, атрофда бўлаётган ҳодисаларга эътибор ҳам бермас эди. Уни Ден Им шу ҳолатда кўриб қолди. Ре Дюни у ўзининг бақувват қўллари билан кучоқлаб:

— Юр мен билан,— деди.

Ре Дю қимирламади.

Ден Им инсонни фақат ширин сўзгина овутмаслиги, баъзан қаттиқ гап ҳам фойда беришини биларди.

— Тур ўринидан деяпман, эшиятсанми? Бўлмаса кечаси билан кўчада қолиб кетасан. Юр меникига.

Қиз ўрнидан турди-да, аёл юрқасидан хомуш қадам ташлаб кетди.

— Ўйинг бўлса йўқ,— деб гапириб борарди йўлакай Ден Им,— мактабга бомба ташлашди. Эс-ҳушингни бир жойта йиғ-да, менга ҳамшира бўлиб ишга кир. Энди ҳаммамизнинг олдимиизда ягона муқаддас бурч— Ватанин сақлаб қолиш ва душмандан қасос олишдек вази-

фа турибди. Ана шундай қилиб РЕ ДЮ дала госпиталига келиб қолди. Бош ҳамшира унга ўз хонасидан жой берди, шахсан ўзи уни иш билан таништириди, сиёсий машғулотларга бирга олиб борди, РЕ ДЮни хурсанд қилиш учун қўлидан келган ҳамма ишни қилди. Улар бир-бирларига шундай ўрганишиб қолишдик, асти қўя беришг, яқиндан бери РЕ ДЮ яна бир дўст ортдириди.

III

РЕ ДЮ ишлаб турган палатага Н-батальонинг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари Ким Ден Хони келтиришиди. Унинг яраси унча катта бўлмаса ҳам, аммо қийин ерда, тизза суюгида эди. Йигитнинг кўкрагида анча-мунча орденларнинг планкалари¹ кўзга ташланиб турар, афтидан бу йигит ақлли ва мард кўринарди.

Бу пайтда фронт Нактонган дарёсига яқинлашиб қолган, душман жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатар, жанг шиддати кун сайин кучайиб бормоқда эди. РЕ ДЮнинг иши шу қадар кўп эдики, ҳатто янги келган ярадорга тузукроқ қараёлмади ҳам. Қиз ярадорларнинг ҳаммаси энди назорат остида эканлигидан хурсанд эди. Бир вақтлар унинг бир ўзи ҳар бир ярадорни синчиклаб қараб чиқарди.

Бир куни қиз палатага кира беришда Ден Хони кўриб қолди. Зўриқишдан унинг юзи қизариб кетган эди, у қўлтиқ таёғига суюниб, ўриб олинмаган ўтлоқнинг ҳиддини тўйиб-тўйиб ҳидларди.

— Бу қанақаси? — деди РЕ ДЮ қўлларини бир-бирига уриб, кейин чопганча беморнинг ёнига борди. — Бундан-канди масхарабозликни иккинчи марта кўрмай! Қани, елкамдан ушланг, ўринга марш. Тағин йиқилиб жетманг.

— Йиқилишга-ку, йиқилмайман-а, — деб жавоб берди йигит хомушгина, — аммо силжиш ҳақиқатан ҳам қийин бўляпти. — Оғриқдан у тишларини ғижирлатарди.

— Кўрдингизми, нима иш қилиб қўйдингиз-а!

— Ҳечқиси йўқ, — деб қизни юпатарди у, — бу билан учинчи марта уриниб кўришим.

— Учинчи марта?.. — РЕ ДЮ ҳайрон бўлиб, турган жойида қотиб қолди. — Учинчи марта-я! Мен қаёқда юрган эканман? — У Ден Хонинг ўрнидан қачон туриб кетганлигини пайқамай қолгани учун ўзидан койинарди.

¹ Планка — орден ўрнига тақиб юриладиган ленталар.

Ярадорлар орасида сафга мумкин қадар тезроқ қайтишга ҳарақат қилиб, физиологияниң энг содда қонунларига қарама-қарши бўлган, ақл бовар бермайдиган режим қўллайдиган жангчилар ҳам анча-мунча учарди. Бундай беморларни ҳамширалар чинакам шерлок холмелар сингари қаттиқ назорат остига олиб, кўз-қулоқ бўлиб туришарди. Бундай беморлар ҳамшираларниң қўп вақтини олишар, улар туфайли ортиқча ташвиш тортишга тўғри келарди. Аёллар уларни қаттиқ тутишлари керак бўлгани билан ярадорларга нисбатан ўз муҳаббатларини яшира олмас, яширишга уринсалар ҳам сезилиб турарди.

Ким Ден Хо қаршилик билдиримай ётди. Унинг юзи ғуноҳкорона ва муғомбирона тусла кирди. Чехрасидан, бу мен томондан яхши иш бўлмаса ҳамки, барибир сенинг ёрдамингга муҳтож бўлмасман, деган ифода сезилиб турарди.

Шундан бери қиз унга алоҳида эътибор билан қарай бошлади. Тез орада дўстлашиб қолишиди.

Ден Хо баъзан:

— Бизнинг палатамиз сизга жуда ўрганиб қолган.—
Еки:— Ре Дю, қани энди менинг бўлажак болаларим сиз каби меҳрибон ўқитувчи бўлса,—дерди.

Бу унинг ўз севгисининг ўполроқ ифодаси эди. Аниқроқ қилиб сўз қотишга ботинолганича йўқ, аммо, ҳамиша қизнинг келишини сабрсизлик билан кутарди. У, ўз ҳиссиётини яширишга қанчалик уринмасин, қиз эшик олдида кўринини биланоқ, чехрасида севинч нишоналари барқ уриб кетарди. Ре Дю чиқиб кетган пайтларда эса, ўзига хос бўлмаган ширин хаёлларга чўмарди. Уни бир нарсагина ташвишлантиради, холос: унинг ички ҳиссиёти атрофдагиларга сезилиб қолган эди. Палатадаги ўртоқларининг ўсмоқчилашлари унга қаттиқ тегар, бир неча кундан бери у ҳазилчутойибани ҳам йигиштириб қўйиб, одамлардан қочадиган ва такаббур бўлиб олган эди. Оғир табиатли, камгап бу йигит Ре Дю билан учрашганда шундай гапга берилиб кетардик, қани энди уни тўхтатиб бўлса. Ре Дю бўлса уни хафа қилиб, қисқа ва ноаниқ жавоб қайтарарди. У билан гаплашаётганда қиз ўзини ишқулай ҳис этишини сезмасди. У узоқ азоблардан кейин қиз ўзини овсар ва хунук бўлиб қолган, деб қатъий ишонганини билмас эди. Қиз ўзининг қалин сочларини паришон ҳолда ҳадеб жон-жаҳди билан силаб

силлиқларди. Ден Хо кўзи юзига тушишидан қочиб, ҳамиша қизнинг пешонасидан юқорига разм соларди.

Врачлар билан ҳамшираларниң мөхрибонликлари Ден Хони тезда соғайтирди. Унга бирпас-бирпас ташқарига чиқишига рухсат этишди, бу пайтда уни ташқарига Ре Дю бирга олиб чиқарди. У тезда чарчаб қоларди. Бундай пайтда улар тўнка ёки харсанг тошга ўтиришиб, табиатни томоша қилишарди. Табиат ҳеч қачон уларга бунчалик яқин ва ёқимли бўлмаган, улар табиатнинг ҳусни шу қадар гўзал ва ҳидга бой эжанини ҳеч қачон бунчалик ҳис этмаган эдилар.

Дарёдан буғ кўтарилимоқда, куз барглари шитирлар, тумандаги кўкиш-сут ранг тоғ хираланиб кўзга ташланарди.

— Эртага мен сизнинг кўмагингизсиз юришта ҳаракат қиласман,— деди Ден Хо, хушбўй майсанни қўлида ишқаб.— Бир неча кун ўтгач, гипсни олишади, икки-уч ҳафтадан кейин фронтга қайта оламан. Шунақа. Эҳтимол, бир-биримиз билан кўришмасмиз...

Қизга қараб унинг кўнгли бузилиб кетди. Унинг бу сўзи қизга эшитилмагандек туюлди. Аммо, қиз унинг ачинишини ўз ичидаги: «Фронтга мен сендан олдин жетмайин тағин», деб қўйди.

Узоқ донлаб келган курк товуқ бутага қўниб қуқулаб қўйди. Унинг одамларга ҳаваси келиб, ўз оиласини тартибга чақиргандек, безовталанди. Товуқ параддагидек кўкрагини чиқариб, вазмин қадам ташларди. Бу кўриниш қандайдир юракка яқин ва қўпдан бери эришиб бўлмайдиган ҳолнинг яқинлашиб келганидан дарак берарди...

— Нега партияга кирмагансиз?— деб сўради Ден Хо ўйлаб туриб.

— Тўғриси, ўзим ҳам билмайман. Эҳтимол, ксийи...

— Сизнингча партияга фақат етук кишиларгина кирадими? Менимча сиз муносиб кишиисиз, бизнинг кишиимизсиз. Мен Ден Им билан гаплашдим. У сизга жондили билан кафолат беради, мен ҳам. Биласизми, Ре Дю, ҳозир кўпимиз етиммиз... Партияга кирсангиз ёлғизликдан қутуласиз.

Қиз Ден Хо билан қилган ҳар сафарги сайили ҳақида Ден Имга сўзлаб берарди. Бу нарса уларни яна ҳам яқинлаштиради: улар ўртасидаги тинимсиз суҳбатларда яна бир янги мавзуу — севги мавзуу пайдо йўлди.

Ярадорларни мамлакат ичкарисидаги госпиталларга жўнаташида медицина ҳамширалари ҳамиша йиғлашиб қолишарди. Врачлар билан фельдшерлар ҳамшираларнинг йигидан қизариб кетган кўзларига қараб, умуман аёллар, қисман ҳамширалардан ҳам кулишарди.

— Уларга нима,— деб ўзаро мулоҳаза қилишарди ҳамширалар.— Палатага киришади-ю, касалларни кўриб, уни қил-буни қил. деб ќетишади, вассалом. Биз бўлсак кечаси билан ухламай, касални ювиб, тараимиз, қошиқ билан сув ичирамиз. Шундай қинотиб, унга жонтанимиз билан берилиб қоламиз.

Куз яқинлашмоқда, жекқурунлари кун ботиши билан ҳамма ёқни нам босиб кетарди. Касалларни палаталардан олиб чиқишиди. Шу ерда, ҳовлининг ўзида уйига бориб келиш учун кетаётган жангчилар ҳам тўпланишди. Улардан баъзилари сафга қайтмасликлари керак, аммо, улар бир-бирларининг руҳларини кўтарниб умидсизланмас эдилар:

— Ҳечқиси йўқ, мамлакат ичкарисида ҳам бизга лойиқ юмуш топилиб қолар. Шундай ишлайликки. жангнинг олдинги сафидагидек қизишиб кетайлик. Халқни отлантирамиз. Ҳужум қилишга ўрганиб қолганмиз.

Ниҳоят, санитарлар посиликаларни кўтаришиб, темир йўл кўтармасига олиб борадиган ёлғиз оёқ йўлга чиқдилар. Уларнинг орқасидан врачлар ва ўзлари юра оладиган ярадорлар боришарди, ўзлари юриб бораётган ярадорларни уларнинг қувватга қириб кетган ўртоқлари ва ҳамширалар суюб боришарди.

Станцияда кузатувчилар олма ва қовунлар сотиб олиб, кетувчиларга тақдим қилишди, улар миннатдорлик билдиришиди, хат ёзиб туришга ва урушдан кейин, албатта, фронтда иштирок этган дўстлар бир-бирлари билан кўришиб туришга ваъда беришли, чунки, жангдаги дўстлик энг содиқ дўстлик бўлиб, қон билан пайванд қилинган-да.

Гудок чалинганда ҳар ким нимани айттолмай қолганини зўр бериб ўйлар, айтадиган энг муҳим гапи нима эканлигини эслашга ҳаракат қиласар, аммо, минг ўйлагани билан эслайламас, чунки, энг муҳим гаплар бир неча марта айтилган, бу гапни яна сира ўйламасдан ҳам такрорласа бўлаверарди:

— Хат ёзиб туринглар!

- Тезроқ қайтишларининг тилаймиз!
- Унутманглар!
- Раҳмат!
- Қолганларга салом!
- Фронтда учрашишни кутамиз!
- Тинч кунларда ҳам учрашайлик!
- Америкаликларнинг жигига ур!
- Хат ёзинглар, хат!

Вагонларнинг занжирлари шарақлаб, эшелон жўна-ди. Йўлга тушсанлик сезилди. Енгил буғ вайрон қилинганин кичкина станицани қоплади. Вагонларнинг биридан жанговар қўшиқ ягради, унга қўшни вагондагилар жўр бўлишди. Кетаётганлар ҳали шу ерда бўлишса ҳам, уларнинг дили қанотли қўшиқ билан олға интиларди. Кузатувчилар ҳамон вагонлар ортидан чопишар, улардан ажраб қолгилари келмас эди.

Хотинлар пиқиллаб йиглашар, эркаклар ўз ҳаяжонларини яшириб, зўрма-зўраки жилмайишарди. Ана, кимнингдир З-сонли палатада чойшапларни алмаштриши эсига тушиб қолди, кимдир врач қўйган диагнозни бекор қилиб, омон қолган бир касал ҳақида гапира бошлиди, кимдир старший медсестрани мақтаб кетди, кимдир бирорни мақтаганда ҳамиша бўладигандек унга қарши эътиroz билдири...

V

Сўлғин табиат қуёшнинг унча-мунча қиздиришидан алданиб, янгидан жонлананаётган кузнинг очиқ кунларидан бирида Ре Дю Мехнат партияси сафига қабул қилинди. Орадан кўп вақт ўтмай, госпиталь бошлиғи уни ўз ёнига чақириб олиб, унга медицина хизмати взводи командирининг ёрдамчиси унвони берилганини айтди. Демак у, шу пайтдан бошлиб Ден Имнинг ўнг қўли бўлди.

— Бир нарсадан хафа кўринасан,— деди бошлиқ қизга қалин кўзойнаги орқали қараб. Кекса врачнинг қўзлари синчиклаб қарайдиган, меҳрибон эди. Ре Дю ҳам кексаларгина шундай меҳрибонлик билан қарай олишларини, ёш кишиларда эса бундай қарап сира бўлмаслигини ўйлади.

— Йўқ, йўқ,— леб госпиталь бошлиғини ишонтиришга шошилди қиз,— мен жуда хурсандман.

— Йўғ-э?

— Биласизми,— деб гап бошлади Ре Дю иккиланиб (у бошлиқнинг меҳрибон бўлишига қарамасдан бир нарсага ишонтириш қийинлигини биларди),— сиз билан гаплашмоқчиман. Кўпдан бери олдинги қаторга жўнашни орзу қилиб юраман-у, аммо сиз юбормайсиз-да.

Бошлиқ пиқиллаб йиғлади ва хафа бўлиб қўл силкиди:

— Агар сенга бошқалар меҳрибонроқ бўлиб кўринишашётган бўлса...

— Ўзингиз ўйланг, фронтга мен керакман-ку.

— Яхши ходим ҳамма ерда ҳам керак, ёмони эса ҳеч қаерда ҳам керак эмас. Сиз ёшлар жуда ҳам қизиққонсиз, бопта тўп қўйишни уддалаш ҳам бу тўпдан душманни пойлаб ота билиш каби муҳим эканини яхши билмайсиз.

— Буни, албатта, тушунаман...

Аммо у қизнинг сўзини бўлди.

— Сизлар ҳеч нарсани тушунмайсизлар! Менинг юрагим эзилмайди, бу ваҳшийлар қилаётган ишларга тинчгина қараб тура олади деб ўйлайсизми? Аммо, мен ҳам партия қаерни лозим топган бўлса ўша ерда ишлапман. Агар менга, кекса қишига қўлинингга мильтик олиб, тепаликка ҳужум қил дейишса, оламан, юрак касалимга қарамасдан, эмаклайман, ёшлардан ёмони эмакламайман, нима, жангдан кейин менга бир гап бўлармиди. Сен, Ре Дю бир ҳисоблаб кўр-чи, қанча жангчини сафга қайтардик, шуни билсанг ҳалқ олдида виждонинг сира қийналмайди.

Аммо Ре Дю бўш желмади:

— Менинг палатамга бир касалии ётқизишди. Яраси унча эмас эди-ку, ўлиб қолди. Чунки, фронтда тажрибасиз ҳамшира тегишли ёрдамни бера олмаган. Бундай ҳодиса ягона эмаслигини сиз ўзингиз яхши биласиз. Касалга дастлабки ёрдам беришнинг аҳамияти ҳақида ўзингиз бизга неча марта гапиргансиз. Бу ерда керак эканлигимни биламан, аммо у ерда яна ҳам кўпроқ керакман-да.

Оғир жимлик чўкди, бутайтда Ре Дюнинг тақдиди ҳал қилинмоқда эди. Унинг чақнаб турган нигоҳи врачда эди. Врач томирлари бўртиб турган оғир қўлларини тиззасига қўйди, оппоқ паҳмоқ сочли бошини қуйи солди.

— Сени қўлдан чиқаргим келмайди,— деди ниҳоят у оҳиста, ҳар бир сўзни ўйлаб.— Аммо сенинг далилларинг

ишонарли, виждопнинг унда б турган йўлга тўсқишилик қилмайман. Нима ҳам дердим, майли, бор...

Ре Дю ташаккур айтиши ҳам унутиб, қувончини Ден Имга билдириш учун ҳовлига ҳараб чопди. У кекса врачни яхши кўрарди, аммо ҳозир буни ушутди. Ре Дю ёш эди, қачон қайтиб келса ҳам кекса врачи ўз ўрнида кўрадигандек ҳис этди — у қайтганда кекса врач қулоч кериб қарши олди. Кекса врач бўлса узоқ вақтгача қиммир этмасдан, бошини қуий солиб, мудраган кишидек ўтирди. Эҳтимол, Ре Дюга, унинг ёшлик гайратига ҳаваси келгандир, эҳтимол, оталик фурури билан: «Бизнинг ёшларимиз шақадар тез вояга етяптилар-а», деб ўйлаётгандир, ҳар ҳолда у қизга жавоб берганига афсусланарди. У кексайнб қолган, кимга чин кўнгилдан ихлос қўйган бўлса: «Сен келгунча мен бормаими, йўқмаими...» деб ўйларди.

VI

Шофер машинани, фронтга, қишлоқларнинг бузилган йўлларидан унинг чироғини ёқмасдан олиб борарди. У, бомба пайдо қилган чуқурлардан машинани эпчиллик билан ҳайдаб ўтар, пасту баландлик ерларда секин юрар, шундай бўлишига қарамай машина ҳамиша чайқалар, Ре Дю гоҳ машинанинг бортига урилар, гоҳ кабина тепасидаги темирга боши тегар эди.

Унинг хаёли ҳамон госпиталда эди. Қасаллар уни кузатиб қолишаётгандан шақадар ширин сўзлар айтишиди, дугоналари — ҳамширалар қучоқлашиб хайрлашиб қолишиди. Қиз севганидан узоқда бўлмаса эди, туғилган кунини байрам қилаётгандек шод бўларди. Ошиқмаъшуқлар, ҳатто, сўнғи марта қўй силташиб хайрлашаётгандарида ҳам ташқи кўринишларини ўзгартирамдилар. Хайрлашиш навбати кекса докторга келгандা, Ре Дю кўз ёшини тўхтата олмади, унинг оталарча юмшоқ елкасига бошини қўйиб ҳўнграб йиғлаб юборди.

Қиз машинанинг чайқалишига аста-секин кўнигиб үхлаб қолди. Баъзан қучли қалқиши уни уйғотиб юборарди. Қиз қаерда эканликларини дарҳол пайқай олмай, қўрқаписа атрофга алангларди.

Улар фронтга қанча яқинлашисалар тўпларнинг овози шунча қаттиқроқ эши билар, йўлда ёнаётгани қишлоқлар билан далалар шунча тез учарди. Ёнаётгани кесак

деворли уйлар атрофида ўзларининг унча-мунча дех-қончилик асбобларини ёнғиндан сақлаб қолаётган кишиларниң лаъл юзлари равшан кўришиб турарди. Кузбулути қоплаган осмонда ҳамон ракеталар ялтираб кетарди. Ўлим қушларининг галалари гувиллаб осмонни даҳшатга тўлдириб учиб юарди. Шофер бомбардировкачилар билан тенгиз жанига ҳозирланиб, ўзини эҳтиётларди. Ре Дю машинанинг ўтирадиган жойини маҳкам ушлаб олгац ҳолда кўзларини қаттиқ қисиб, вужудини қамраб олган қўрқувни тарқатишга ҳаракат қиласарди. Баъзи-баъзида ўт учқунлари кабинани ёритар ва қиз, шоферниң дикқатланган чехрасини жўярди.

Энди уларга тез-тез тўхтаib, гоҳ ўқдори ортилган автоколонналар, гоҳ ҳачир ва ҳўқиз қўшилган осмон баравар гуруч ортилган араваларга йўл беришга тўғри келарди. Бизнинг танкларимиз ҳам тоңг-саҳарги фира-ширада далага ўрмалаб кетди. Қизнинг юраги дукиллаб уриб кетди. Кўзлари ёшланди: машина олдинги позицияга яқинлашмоқда эди.

Осмон чодири қизарди. Машина кичкинагина паст-қам ерга бурилиб, тўхтади. Ре Дюнинг қархисида бир неча блиндаж турарди. Бир блиндажга кира беришда ёш врачнинг келишган қомати кўринди, нариги блиндаж томоғдан бир неча санитарлар қиз қархисига чопиб келишди. Улар Ре Дюни бир онда қуршаб олишди, у ҳали атрофга қараб улгурмасданоқ, қўлидаги буюм халтаси ёшгина санитар қизнинг қўлига ўтиб қолди, ўзини эса блиндажда кўрди. Бу ерда қизлар ёш медицина ҳамширасини қаерга ўтқазиш ҳақида баҳслашар, ҳар ким ўз жойининг иссиқлигини айтарди. Ре Дю бу ерда ўзини туғишганларининг қуршовига тушгандек ҳис қилди.

VII

Госпиталь бошлиғи Ден Имни чақириб, эшикда уни граждан кийимида бир киши кутиб турганини айтган пайтда, Ден Им палаталарни айланиб юарди.

У киши катта тош устида қексаларга хос ҳорғинлик билан букилиб ўтиради. Унинг бу ҳолда ўтиришидан чаҷчагани сезилиб турарди. У эскириб ёғи чиқиб кетган костюмда, тикандек соқоли ўсиб кетган эди. Ден Им букчайиб ўтирган, қексайиб қолган киши ўзининг эри Ин Чер эканлигини дарров пайқай олмади, уни танигач, қучорига ташланди:

— Тирикмисан! Мен билардим... билардим...

Эрининг лабида билинар-билинмас табассум пайдо бўлди. Хотини бу табассумдан дард-алам ва ғам-ғусса нишоналарини ўқиди, унинг юраги меҳр ва ачиниш билан тўлди.

Палатадагилар уларга қарай бошлашди. Ден Им ҳушига келди:

— Қани бу ёкка юр, юравер,— доди эрининг қўлидан ушлаб.

Учрашишган заҳоти юз бергани хижолат астасекин тарқала бошлади, бир-бирларини сурештира бошлашди. Ден Им эрининг бошидан ўтганларнинг ҳаммасини дарҳол билиб олгуси келарди. Аммо, Ин Чер жавоб бернишдан бош тортарди. Ден Им эри учун ўтганларни хотирлаш қийин бўлаётганини сезиб турган бўлишига қарамай, улар нима ҳақда галиришмасин, гап яна айланаб, Ден Им тағин ўзининг дастлабки саволини берарди. Нихоят, Ин Чер сўзга киришди. Ден Им энг яқин кишиси ҳақида шуларни билиб олди:

...Ин Чер разведқага кўп марта боргани билан, бу сафар муваффақиятсизликка учраган: қишлоққа яқин, душман жойлашган ерда уни лисинманчи полициячилар кўриб қолишган. Бандитлар унинг изига тушишган. Ин Чер уларни тоғда адаштириб кетишини мўлжаллаган. У, дўстларим отишмани эшишибади-ю, ёрдамга келишади, ўзбекимид қиласан. Аммо Ин Черни ярадор қилишган, у ҳолдан кета бошлаган. Лисинманчилар тоғларнинг даҳшатли сукунатидан чўчиб, орқада қолганинги сезгач, у пранатасини маҳкам ушлаб сўнгги жангга тайёрланган.

Тим қоронғи кеча эди. Ин Чер тонг қуёши чараклаб чиққандан кўзини очди. У дехқонлардан бирининг чибисимда¹ ётарди. Раҳмдил дехқонлар уни уйларига олиб кириб, ярасини тузатганилар.

Ин Чер кўп йиллар мобайнида ҳаётида биринчи марта «дам олаётгани»ни ҳис этиб, чанқоқ ер намни қандай шимса, у ҳам бу ҳаётда шундай роҳатланиб тинч нафас оларди. У кўп ўйларди. Бўронли қунларимизни (бу бўроили кунлар оловли ҳалқуми орқали одамларни нақадар тез ютиб юборади-я!) севгилисидан жудоликда экани, ўтиб бораётган ёшлигини ўйларди.

¹ Чиби — корейс кулбаси.

Ин Чер тез орада тузала бошлади. Отрядига қайтиш пайти келди, аммо у, бу ишни кундан-кунга пайсалга соларди. Қўлни қаёққа уришини билмасдан ўзи яшаб турган хонадоннинг юмушига қарашар, улар эса Ин Чернинг ҳали кам қувватлигини, унинг отряди ҳеч қаёққа кетмаслигини айтишарди. Виждони уни қийнар, шу билан бирга уни нимадир ана шу дәхқон уйига боғлаб қўйгандек туюлар — Ин Чер инсонга хос ҳаёт кечиришни соғиниб қолган эди. Аммо, отряд кетиб қолди. Отряд ўз ўрнини жонажон биродарлари — Халқ армиясига қолдириб жанубга томон кетди...

Ин Чернинг ҳикояси тугади. Ден Им тиззасини қулоқлаганича жим ўтиради, унинг нималар ҳақида ўйлаётганини пайқаш қийини эди. У орзусига етди — эри келди. Йўқ, у бу қолда учрашишни асти ўйламаган эди·ку!

Ин Чер хотинини қучоқламоқчи бўлгани эди, аёл четлайди.

- Сизга тушунолмай қолдим.
- Қизиқ бўпти-да,— деди эри оҳистагина.
- Ҳа, жуда қизиқ,— деди хотини хўмрайиб.
- Менимча ҳечкиси бўлмаса керак.

— Шунақами?.. Йўқ, бундай деб бўлмайди. Иш чигал бўлган. Чигал бўлганда ҳам шундай чигалки... Юзаки қараганда, албатта, сиз ҳақсиз. Вижданан-чи?— деди хотини эрига тикилиб. «Бунча совуқ қарайпти,— деб ўйлади Ин Чер,— илгари у бундақа қарамас эди. Бу урушнинг оқибати... Вижданан деяпсанми? Мени нега қийнайсан? Ахир, сен қанчалик ҳолсизланғанимни кўрмаяпсанми, нақадар шафқатсизлигингни пайқамаяпсанми?..»

Хотини жавоб қутмаёқ шиддат билан гапда давом етди:

— Агар сиз ўзингизнинг нақадар... ноинсофлигингизни билсангиз эди! Ҳа, ҳа, ноинсоф! У ерда кўзингизга қандайдир жанинатга ўхаш жой кўрингандир, бутун ер юзида кураш ҳаёт-мамот учун бораётганини яхши билардингиз-ку! Ер юзида жанинат йўқ. Сиз ўзингизнинг ўтиб бораётган ёшлигингизни ўйлагансиз ва жонингиз ширинлик қилган! Айтинг-чи, шундайми? Жон ширинлик қилдими? Жон ширинлик қилган-а! Ўзингизни аяб, бошқаларни унутгансиз, туғилиб ўсган ерла-

рингиз оловда ёнаётганда қандай қилиб қариялар пинжига кириб шунча қолиб кетлингиз-а? Ахир бу қочоқлик-ку! Ҳа, ҳа, қочоқлик! Менинг эрим партизан, бир бурда нон ва бошпана деб милтиғими улоқтирсинг-да, батракларга ёлланиб ишлаб юрсии! Хушомадга-я!

Хотин хўрсинди. У одатда ҳаяжонидан тушгач хўрсинарди. Шунда у бу пайтни ярашиш учун энг қулай фурсат деб ҳисобларди.

У хотинининг елкасига бўшашибгина қўл юборди, хотин нари силжиди. Ин Чер хафа бўлиб ўрнидан турди.

— Баъзи хотинларнинг эрлари бундан ҳам бадтар хато қилишади, аммо, уларнинг хотинлари бунақанги жанжал қилиб, насиҳат қиласвермайди. Сиз жуда ошириб юбордингиз-ку, Ден Им. Ўзингиздан ўпкалашинг.

— Бир вақтлар сиз ўзингизни жуда ошириб юборган эдингиз.

— Эҳтимол. Ҳаёт менинг хатоларимни кўрсатиб берди. Мен ҳам одамман, Ден Им.

— Одамлар ҳар хил бўлади.

У чўйка тушиб, юзини қўллари билан бекитди.

— Мен нақадар қаттиқ чарчаганман, Ден Им... Жуда чарчаганман!.. Машина ҳам ишдан чиқади...

— Сиз мени сўнгги нафас қолгунча курашишга ўргатгансиз. Революционер фақат гўрда дам олади деган сиз эдингиз. Бу сизнинг гапларинтиз, Ин Чер! Мен сизнинг сўзингизга ишонардим. Биласизми, сиз мени нима қилдингиз?— Хотин яна хўрсинди, у яна хотинига яқин борди, аммо хотин бирдан тик туриб, дона-дона қилиб буюрди:

— Ин Чер, сиздан кетишингизни сўрайман!

Бир вақтлар унинг ҳар бир сўзини иззат-икром билан эшигадиган Ден Им энди унни айблади-я! Бу ҳам ет-мапандек, унга кўча эшигини қўли билан кўрсатди. У ўз хотинининг бунақалигини билмас эди. Эшик олдида иккиланиб турган Ин Чер бўшашиб сўради:

— Кета берайми?

У хотинининг раҳмдиллигини биларди, у хотини севишини ҳам, ёлғизликда қийналганини ҳам биларди: у Ден Имнинг хотинлик марҳаматидан умидвор эди. Айни пайтда у хотинида ҳеч қандай муҳаббат сезмади, узоқ вақтли ҳижрон жуда ҳам аччиқ бўлди. У ўзини йўқотди ва хотинининг илиқ ва бақувват елкасига суянгиси келаётганини ҳис этди.

Хотин ҳайкалдек қотиб турарди. Унинг юзи совуқ ва тўнг эди.

Эрининг букилган қомати эшик орқасида кўздан фойиб бўлди. Ден Им эшикка қараб интилди-ю, жойида тўхтаб қолиб, ерга йиқилди, кўз ёшлари оқа бошлиди. Унга нима ҳам дея оларди. Ҳар бир севгининг ўз манбай борми? Эри учун ифтихор ҳисси Ден Имга севги бағишларди. Ин Чернинг бу ҳолни англаши учун вақт керак, анча вақт керак...

VIII

Жанг пайтида Ре Дю ўз санитар сумкасини оладида, эмаклаб жанг майдонига киради. Ре Дю снаряд қайси томонга қараб кетаётганини бехато аниқлаш, пана жойга яшириниш, кишини ҳолсизлантириб, эсими оғдириб қўядиган хавф пайдо бўлгаида ўзини тутишни ўрганган эди. Қоронғида унинг қўзлари ярадорларни аниқ кўра олар, сезгир қулоқлари тиқ этган товушни ҳам эшитарди. Үзидан катта чўпни судраб юрадиган чумолилардек, ярадорларни жанг майдонидан олиб чиқарди. У ўз-ўзича: «Ахир булар ҳам бироннинг энг яъин кишилари-ку!» деб қўярди. Мухаббат Ре Дюнинг инсонга бўлган ҳиссини қўзғаб, унга куч бағишларди.

Армиямизнинг ҳаракати секинлаб, ниҳоят, фронт батамом Тэгу шаҳри ёнида мустаҳкамланган кунлар эди. Қиз Ден Ходан ҳамон камдан-кам хат оларди. Ден Хонинг батальони жанг майдонидан чиқмас, батальоннинг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари жангчилар билан ёнмаён туриб урушар, кўп марта ўзи биринчи бўлиб атака бошливарди. Ре Дю севгилиси ҳақида доимо ташвишда. эди.

Бир кун — хаёлга келмаган бир пайтда — Ден Хо келиб қолди. У ҳамон оқсоқланарди, ўзини йўқотиб қўйган Ре Дю эски одатича:

— Оёғингиз тузуёми? — деб сўради.

— Бунақа нарсалар ҳақида сўрашнинг ўрни эмас,— деб жавоб берди Ден Хо қисқа қилиб. У нимадандир ҳаяжонланарди, шунинг учун ҳам соатига қараб қўярди.— Тепанинг орқасида ўртоқларим кутиб туришибди. Ихтиёrimda бир неча минутгина вақт бор,

холос. Бу ёққа келаётганимда сизга кўп нарсани айтаман деб ўйлаб келган эдим, энди ҳаммаси ёдимдан кўтарилиди.

— Ҳамма тез кунда ғалаба бўлади деяпти, ростми? «Тинчлик» сўзини эшитсан шундай кунлар келишига ақлим бовар қилмайди. Сиз биласиз-ку, уруш қачон тамом бўлади?

— Кўряпсизми...— у бошини қўйи солди ва уялиб сўз тополмай қолди. Қейин бошини кўтариб, дадиллик билан деди:

— Мумкин қадар... вақтинча чекиниб туришга тўғри келяпти.

— Нега?— деди Ре Дю.— Бундан чиқдики, шунча қурбонни бекорга берган эканмизда?

Ден Хо қизнинг қўлини олиб аста силади.

— Йўқ, Ре Дю,— деди оҳиста.— Биз бекорга қон тўкканимиз йўқ. Агар душман бизнинг халқимизни бўйсундира олса, у Корея билан кифояланмайди. Биз унга яхши сабоқ бердик. Бу сабоқ бошқа халқларни ҳам азобдан сақлайди. Биз оғирликни ўз устимизга олдик.

— Айтинг-чи, Ден Хо,— деб сўради Ре Дю ўйланиб,— сиз чекиниш деяпсиз. Бу даҳшат-ку, лекин, нима учундир менга қўрқинчли бўлиб туюлмаяпти, халқимиз учун ачинаман, холос. Мен кўпинча, қандан-қанча азоб чекканимизни ўйлаб кетаман, аммо истаган жишингиздан сўрасангиз у сизга: йўқ биз баҳтсиз эмасмиз дейди. Ден Хо, баҳтнинг ўзи нима?

— Бу ҳақда мен кўп ўйлаганман, Ре Дю. Баҳт кўп нарсани билдиради ва хилма-хил бўлади. Аммо улуғ баҳт — бу ҳаёт. Қуруқ, бекорчи ҳаётгина эмас, маънили ҳақиқат учун қаратилган ҳаёт — баҳтдир.

Ден Хо соатига қаради.

— Мен энди кетаман,— деди у қиздан оҳиста узоқлашиб.— Ҳа, ростдан ҳам сизга айтмоқчи бўлган гапларимдан бирини эсладим, у ҳам бўлса шуки, имен қарерда бўлмай ҳаёт бўлсам — сиз ҳам ўша жойда яшайсиз. Буни эсда тутасизми?

Қиз маъқул дегандек бош ирғитди. У қизнинг қўлини олиб хайрлашди ва енгилгина оқсоқланиб, тез одим ташлаб йўлга тушди.

Қиз Ден Хонинг орқасидан қараб қолди. Унинг ёш туфайли намланган кўзида баҳт порларди.

ХОТИН

Тўпларнинг гумбурлаши борган сари яқиндан эши-тила бошлади, кейин самолётлар учиб келиб, кўчаларни тартибсиз равишда ўққа тута бошладилар; бу тонгдан у тонггача кети йўқ оқимдай ҳарбий қисмлар билан қо-чоқлар чекинишарди — фронт яқинлашиб қолди.

Эри уйга қайтганда қуёш ботган эди. Унинг юзлари ҳорғин.

Тан Сир эри қаршисига чордана қуриб ўтирди ва сабр билан унинг гап бошлашини кутди. Эри бир товоқ гурӯтни қўлда кўтариб, тилар-тиламас емоқда.

Эрталаб, ҳали ишга кетмасданоқ, эри қитоқа қилиб:

— Душманлар Жанубий Пхенъянга ёриб кирдилар, ҳар эҳтимолга қарши нарсаларни йигиштириб қўй, ме-никин алоҳида бўлсин,— деган эди.

Тан Сир саккиз йил бирга яшаб эрининг табиятига яхши тушунган, у бекордан-бекор ҳеч гап демаслигини биларди.

Улар биргаликда тинч ва иноқ яшардилар. Улар бир-бирларини қўллаб-қувватлашар, лозим бўлса бир-бирларига насиҳат қилишар, эр хотиннинг, хотин эрнинг хоҳишини бажо келтиришга ҳаракат қиласарди. Тан Сир ҳам баҳтли она, ҳам хотин бўлиб вақти-вақтида ўғли-нинг келажагини ўйлар, ҳеч нарсани билмайдиган, әмак-лаб юрган ўғлига саодат тилаб: «Худо сенга ҳам шун-дай баҳт берсин...» дер эди.

Тан Сир дилкаш ва ёшлигидан юмушкор эди. Иш-сиз, бекор туролмасди. Шунинг учун ҳам жалқ ҳокими-яти ўрнатилиши билан у Демократик хотин-қизлар иттифоқига биринчилар қаторида кирди, иттифоқнинг ҳар бир ташаббусини қизғин қувватлаб, унинг ишларига зўр иштиёқ билан қарашди. У оиласвий ишларни ҳам, жамоат бурчини ҳам бажо келтирас, активликдагина эмас, балки, жуда яхши уй бекаси сифатида ҳам шухрат қозонди. Агар унинг ҳаёт йўлдоши бошқа бирор бўл-ганда шу вақтгача уй-рўзғор иши билан банд бўлиб қо-лиши мумкинлигини тушунарди. Аммо, унинг эри унақа эмас, хотинини тинмай, онгли равишида ўз орқасидан эргаштиради.

Тан Сир миннатдорлик ва таърифлаб бўлмайдиган алам билан эрининг нима дейишини кутиб, унинг оқар-ган озғин юзига боқар, у айтиши лозим бўлган гапдан қаттиқ хавфланарди.

— Ана шундай,— деди эри товоқни нари суриб, қаттиқ ялтироқ соchlарини паришон силади.— Уша сен билан ібиз хавфсираб юргаш кунимиз етиб келди.

У хотинининг юзлари титраб кетганини сезиб, жиддий давом этди:

— Хафа бўлмаслик керак. Вақт эрта.— Хотин унинг қарашидан у гапнинг энг муҳими ва даҳшатлисиги энди айтажагини сезиб турарди.

— Бир соатдан кейин бир группа ўртоқларимиз тоққа чиқиб кетишади. Мен ҳам, Америкаликлар бу ердан қирқ километр нарида туришибди. Комитет партия аъзоларидан баъзиларига қолишни таклиф қилди. Бунга нима дейсан?

Эрида бир-бирига энд ҳислар курашарди. У хотинининг ичкарига — фронт орқасига кетишини, ўрлини омон сақлашими истарди. Оила хавфсиз ҳолатдалигини билганда у ентил ҳис билан курашарди.. Хотини рози бўлиб бош иргаган эди:

— Тўғри, Сенинг ўрнингда бўлганимда мен ҳам шундай қилган бўлардим,— деди у.

Эр-хотин бир неча вақтгача қучоқлашиб ўтиришди, у бошини хотинининг елкасига кўйди — улар беозор ухлаб ётган ўғилчаларига термилишиб ўтиришди.

— Мана, уруш бизнинг оиласизга ҳам етиб келди,— дерди эри ҳаяжон билан шивирлааб,— ватанимиз бирлаштирилмагунича чинакам тинчлик бўлмайди. Менинг билишимча, душман бизга тўғри баҳо беролмаган, бўлмаса тумшуғини суқмасди.

Эрининг паплари унта узоқдан эшитилаётгандай туюларди. Хотин ҳозир фақат унинг товушигагина диққат билан қулоқ солар, дунёдаги бошқа ҳамма таплар унга ҳозир маъносиздай туюларди, негаки, унинг бутун ҳаёти, уйи бузилди.

Қаердадир, яқинроқда снаряд ёрилиб, уларни хушга келтирди. Эри шошилиб йўлга отланди. Тан Сир унинг елкага осадиган тўрвасини эрталабоқ тайёрлаб қўйган эди. Эри тўрвага керакли нарсалар солиндимикин, деб текшириб кўргунча хотини ухлаб ётган ўғилчесини орқасига яхшилаб боғлаб олди.

Улар кўчага чиққанларида қоронғи тушган эди. Жизғинәк ва пороҳ ҳиди желарди.

— Тўрвангни мен кўтариб ола қолай,— деди Тан Сир тўрванинг енгил бўлишига қарамай. Бу Тан Сир-

нинг ўз эрига кўрсата оладиган ягона илтифоти эди. У индамади.

Бир-бiri билан кесишадиган йўлга чиққанларида эру хотин хайрлашиши. Тан Сир титраб-қақшаб эрининг қўлинн ушлади ва бу қўлни ҳарна кўпроқ ушлаб туришга ҳаракат қилди. У, бу қўлга ёпишиб олди, унинг қўли Тан Сирга қайтадан унинг аввалги ҳаётини эслатди.

Шу пайт эри ўзини тутиб олиб, хотинига сўнгти бор насиҳат қилди:

— Үғлингни онангникида қолдир, ўзинг ишончлироқ бир танишникнга яширин. Сенга мана бу ишни қилишингиз керак дейншларини кут. Ҳар кимга ишона берма. Эҳтиёт бўл.

У хотинига «хайр» деёлмас, юқоридаги гапини неча бор қайталарди. Тан Сир бош силкитди:

— Хўп, хўп, албатта шундай қиласман, ўзингни ўйла...

Ниҳоят, у муюлишдан қайрилиб кўздан ғойиб бўлди. Хотинга бу ҳолат кутилмагандек бўлди, у сесканиб кетди, унинг орқасидан чопмоқчи бўлди-ю, аммо бошини бир силкиди-да, енги билан кўз ёшини артди, хўрсинди, тез одимлаб уйига томон кетди.

Хона Тан Сирга одам турмайдигандек туюлди. Тан Сир ёлғизликдан қўрқарди, ўзи севиб олган буюмлари ҳам чиройини йўқотган-у, энди кераксиздай бўлиб қолтан. Тан Сир энг зарур нарсаларнигина, айниқса ўғлиниг нарсаларнигина олди-да, шу заҳоти ўғлини орқасига боғлаб, уй эшигини бекитмасданоқ, қоронғи кеча қўйнига кириб кетди.

II

Тан Сир бир неча кундан кейин қочоқлар кийимида алсқачи билан қўришгани ўзи туғилиб ўсган шаҳардан ўтиб борарди. У жуда ҳаяжонланар, унар-унмасга ҳар томонга аланглар эди. Мана, таниш кўприк ҳам қўринди. Тан Сир қадамини тезлатиши керак эди, аммо вақтида тўхтади, кўприк ёнида қўлига оқ нарса боғлаган бир неча чиандистлар туришарди. Улар орасида турган, халқ ҳокимияти пайтида кўздан ғойиб бўлган помешчикнинг ўғлини таниди.

Кўптиридан ўтиш Тан Сирга хавфли эди. Кўп ўйла-
масдан кечув жойи томонга бурилди. Бу ерда оёқ ки-
йимини ечиб, эҳтиётлик билан саёз жойдан ўта бошлади.

Анча қоронғи бўлиб қолишига қарамай тоғлар қад-
ди-басти билан кўриниб турарди. Ўша ерда, ана шу тоғ
этакларида у номаълум алоқачи билан учрашиши лозим.

Тан Сир дарёниг у бетига ўтиб, орқасида қолган
шаҳарчага қаради. Қоронғилкка чўмган кўчалар даҳ-
шатли кўринар, қандайдир ёвуз куч одамларнинг тинч
ҳаётига бостириб кирган-у, ундати барча ёрқин ва ях-
ши нарсаларни бир онда босиб пайхон қилгандек.

Қаёқдандир дўмбиранинг ўйноқи овози ва хотин
кишининг бир вақтлар қаҳвахонада айтиладиган қа-
биҳ қўшиғи паст овозда эшитиларди. Шод-хуррамлик
билан чалингтан қарсаклар янгради. Тан Сир одимини
тезлатди, аммо, шилқимлик билан айтилаётган беодоб
қўшиқлар анчагача эшитилиб турди. Унинг юрагида ға-
заб қайнарди, бу ғазаб қўзга кўринмас душманга: «Кўр-
япсанми, мен топшириққа мувофиқ кетяпман. Ҳозирги
вазиятнинг хўжайинлари биз, сиз эмас!» деб такрор-
ларди.

Тан Сир собиқ ғалла омбори ёнидан ўтиши керак
эди. У, бу ерда босиқ овозлар ва қескин қичқириқларни
(чет элликлар бақиришарди) эшилди.

— Становись!

— Қаёққа тиқиляпсан?

— Қаторга, қаторга, сенларни қара-ю!

Кимнингдир елкасига қаттиқ қалтак тушди, ингра-
пан овоз эшитилди ва бир неча ёш болаларнинг қий-чу-
ви кўтарилиди.

Жазолаш бошланди.

Тан Сир кўзларини чирт юмиб, қулоқларини қаттиқ
беркитди. Тан Сирга абадий бўлиб қўринган нарсалар-
нинг ҳаммаси ҳам бир неча минутдан кейин тугаган
эди... У бирдан қиз боланинг жаранглаган овозини
эшилди. Овоз баъзан бўлинниб турди, халқ бахти ҳақида
қадимий ашула янграрди. «Айта бер, жоним, айта
бер!»— деб қизни табрикларди Тан Сир. Аммо, яна
битта даҳшатли овоз таралди-ю, қўшиқ бўлинди...

III

Тан Сир аввалдан белгиланган жой—жоя тагига
борди-да, алоқачини кутиб тош устига ўтирди. Кўйлак-

лари ивиб, бадани жунжиб кетди. У ҳеч нарсани кўролмаётган кўзлари билан ҳамон олға қаради. «Бу қўрқувли туш, ҳа, ҳа, туш,— деб ўйларди у,— эҳтимол, ўйғонарман-у, буларнинг ҳаммаси ёлғон эканини кўрарман? Ахир, булар ўғилчамни ҳам «қизил» деб ўлдиришлари мумкин. Бу қанакча беъмани гап!»

Тан Сирнинг қаршисида кент яғринли эрининг баланд қомати пайдо бўлганда, аёл шу гавданинг пинжига кириб анчагача бир оғиз ҳам сўз айтольмади.

— Улар қизни ўлдириши-я, ҳа, ҳа, бу аниқ: овози бўлинниб қолди, кейин бирдан баланд овоз эшитилиб, ваҳималик жимлик чўқди...

— Йиғлама, бас,— деб овутарди эри.— Жуда кеч қолдинг. Жуда хавотир олдим. Тағин шундоққина отишма ёнидан келяпсан. Ўзингни тут, Тан Сир!

Эрининг овозида амировна оҳанг бўлиб, хотини ҳаяжонидан тушди. Тан Сир эрига жечувдан қандай ўтгани, кўприк ёнида помешчик ўғлини кўриб қолгани ва даҳшатли қонли жазо устидан чиқиб қолганини айтиб берди. Эри ҳеч нароя демасди-ю, муштини маҳкам сиққани туфайли, томирларининг уриши хотинига сезилган-дек бўларди.

— Кимни кида турибсан?— деб суриштириди анча жимликдан сўнг эри.

— Тен Окнигиди.

У маъқуллаб бош иргади.

— У хотин жуда ювош, камгап, ёлғиз ўзи туради.

— Ўғилчамиз қалай?

Улар бир-бирларидан ажралишган жечасидан бошлаб Тан Сир боласиги кўрмаган эди. Бола бувисиникида бўлиб, Тан Сир доимо хавотирда эди. Эрини хотиржам қилиш учун Тен Ок болага қараб турибди, деб ёлғон сўзлади. Эри хотинига қараб туриб ўғлини кўргандек бўлди ва Тан Сир эрининг қуийидаги тапларини эшитиб жуда мамнун бўлди:

— Ўғлим худди сенга ўхшайди. Мана қўрарсан, Тан Сир, у ажойиб бола бўлади.

Кейин эри қўйинидан бир даста варақа чиқариб Тан Сирга узатди. Хотини уларни эҳтиётлик билан кўкрагига яширди, варақаларда ҳали эрининг тапти сақланиб турарди.

IV

Тан Сир тоңг пайтида қайтиб келди. Унинг дугонаси Тен Ок шу заҳотиёқ елиб-югуриб қозондан иссиқ овқат келтириб қўйди, аммо Тан Сир дугонасини хафа қилиб, овқат сёади ва бошини кўрпага буркаб, кечгача ухлади.

Тан Сир уйқу орасида дугонасининг секин-секин юриб, ташқарига чиқишини, унинг уйқусини бузмасликка уринганини сезди.

— Кетяпсанми? — деб сўради Тен Ок кечқурун Тан Сириинг отланганини қўриб.

Тан Сир бош силкиди.

— Сенга айтадиган гапим бор,— деди-ю, бирдан Тен Окнинг юзлари қизариб кетди.— Ановиларнинг ўтган кечаси қилган ишларидан кейин уйда ўтиromoқчи эмасман...— Тен Окнинг меҳрибон ва мулойим юзида унга хос бўлмаган қатъият пайдо бўлди.— Мен сен билан кетаман. Майлими?

— Кўрқмайсанми? — Тан Сир тамомила ўзгарган дугонасига тикилиб қаради.

— Индамай, жим юрганимга бу ювошнинг қўлидан нима келади, деб ўйлајпсанми? Йўқ, ўртоқжон, кўринишим ювош бўлгани билан...

— Қароринг қатъийми?

— Албатта, менинг эрим ҳам Халқ армиясида. Менга ишонавер.

— Сўзингдан қайтмайсанми?

Тен Ок бунга жавобан «Шунча ўтирганимиз етар» деди. Бошқа хотинлар Демократик хотин-қизлар иттифоқи ишида иштирок этганда уйда ўтирган Тен Ок эмасмиди? Тан Сир хотинларнинг баҳти асло қозонтовоқда эмаслигини тушунтиргандан жирканниб жаҳли чиққан ана шу Тен Ок эмасми? Тинчлик пайтида уйда ўтириб, Ватан бошига жулфат тушганда, жонини фидо қилишга тайёр турган Тен Оклар камми?

Улар қоронгида ҳеч ким кўрмаслиги учун қора кўйлак қийишиб, биринчи топшириқни адо эттани кетищди. Ой нур сочиб ҳамма ёқни ёритиб турарди. Аста эстган шабада қўйған ўтларнинг сассиқ ҳидини димоққа узарди. Аммо хотинлар ўз атрофларидағи табиатни пайқамасдилар. Улар ҳар бир шитирлашни ҳам жон ҳовучлаб эшитишарди.

— Энди қаёққа борамиз? — деб сўради чорраҳага етишганда шивирлаб Тен Ок.

— Почтадан бошлаймиз.

Сўнгра улар бир оғиз ҳам гаплашишга чўчиб, жим бориши. Тен Ок дугонасининг қўлтири тагидан қўлини ўтқазиб олган, кифтини унинг бағрига босиб борарди, у қалтиради.

— Совуғ-а,— деб шивирлади Тен Ок сир бой бермаслик учун. Аммо, Тан Сир бу қалтирашнинг сирини яхши биларди. Унинг ўзи ҳам ана шундай қалтираган эди. Қачон эди дейсизми? Кеча. Куни кеча. Вой-бўй, анча вақт бўлганга ўхшайди-я! Бугунги кун билан кечаги кун ўртасида кечиб ўтиш мушкул бўлган, мурдалар билан лиқ тўлган жар ётибди. Кечагина Тан Сир ўтмиш билан яшар, ўтган кунига, йўқотилган баҳтига, совуб қолган қароргоҳига интиларди. У ҳаммаси яна илгариги ҳолга келишини истарди. Аммо, у энди ҳеч нарса илгариги ҳолига келмаслигини биларди. Баҳт аллақаерда, узоқдан имлар, унга олиб борадиган йўл — кураш йўли эди. Кеча у душмандан нафратланди. Бугун нафрат ҳиссига яна жирканиш ҳисси ҳам қўшилди, унинг миясида яна: «Улар отишарди-ю, қиз қўшиқ айтарди-я... У қиз улардан қандай жирканарди-я!» деган фикр пайдо бўлди.

Кеча жимлигини ҳар замонда ёлғиз милтиқдан отилган ўқ овози бузарди. Буни навбатчи соқчилар халқни қўрқитишига эмас, балки, ўзларини ботир кўрсатиш учун отишарди. Бундай пайтда хотинлар ўзларини яқиндаги дарвоза панасига олиб, кутиб туришарди. Яқинларрида ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилганларидан кейин, улар бекина-бекина йўлда давом этишарди.

— Мана бу бурчакда туриб, икки ёққа қараб тур,— деди Тан Сир почтага етганларида.

Унинг ўзи атрофга яхшилаб аланглаб қараб олиб, эълонлар тахтаси ёнига чопди. Чўнтагидан елим солинган банкача билан чўтка олиб, эпчиллик билан варақанинг орқасига суртди.

Варақа ёпиштирилгач, Тан Сир яна қўли билан сийпалаб кўрди ва варақанинг бир чеккаси қайрилиб қолиб, қийшиқ ёпиштирилтанини аниқлади. Тан Сир қўли қалтираб кетганидан койиниб, янгислани ёпиштиришга

қарор берди. Халқ варақани моҳир, ишончли қўллар ёпиштирганини билсин.

Хотинлар йўл-йўлакай варақаларни деворларга, эшиклар ва столбаларга ёпиштириб кетиша берди.

Тан Сирнинг қўлида сўнгги варақа қолганда у буни душманнинг нақ тумшуғи тагига ёпиштиришга қасд қилди. Улар одимни тезлатишди, чунки, босқинчиларнинг штаби шаҳарчанинг нариги бурчида эди.

Тун аллавақт бўлганига қарамай, штабнинг баъзи деразаларидан ҳамон ёруғ тушиб турарди, бу хоналардан лисинманчиларнинг хоҳолашлари эшитилмоқда. Эшик беҳосдан очилиб, новча америкалик қаради-да, соқчига бақириб, ғойиб бўлди.

— Маърака қилишяптими,— деб пичирлади Тен Ок.

Тан Сир уни жим деб огоҳлантириди.

Соқчи бўлса ҳамон бино олдида у ёқдан-бу ёққа юрар, афтидан қайғули фикрга чўмған эди. Бурчакдан эса уни иккι жувон кузатарди. Ниҳоят, у нарироқ бориб, шамолга тескари ўгирилиб, чекди. Хотинлар ана шу қулай фурсатдан фойдаланиб, варақани аҳолини кўнгиллилар сафига киришга чақирилган эълон устига ёпиштирилар-да, лип этиб тор кўчага бурилиб кетдилар.

V

Босқинчиларнинг борган сари тинчи йўқола борди, электр столбалари ва деворларда борган сари тез-тез чақириқлар пайдо бўларди:

«Бизнинг Халқ армиямиз ҳужумга ўтади! Бизникиларни кутингиз! Жуфтакни ростлаб қочаётган душманни қирингиз, унинг транспорти, қурол-аслаҳасини йўқотингиз, алоқасини узингиз!..»

Кечаси ҳамма ёқ жиможит бўлган пайтда Тен Ок ерга ётиб қулоқ солар ва жилмайиб:

— Яқинлашяпти!— деган хабар берарди.

У кафти ва юбкасининг этагидати чангларни қоқиб: «Бирдан менинг эрим шаҳарга биринчи бўлиб ёриб кирса-я?» деб умид қиласарди.

Унга жавобан Тан Сир ғамгин жилмаяр — эрини ўйлаб ташвишланарди.

Бир куни унинг олдига эри ўрнига ёшгина алоқачи қиз келди.

— Эрим қани?— деб сўради Тан Сир.

Қиз Тан Сирга партизанлар кечаси кўприкни ағда-
ришгани, ўтқазилган операцияда, Тан Сирнинг эри қан-
дай қилиб ярадор бўлганини, яраси оғир эмаслигини,
бир ҳафта ичида тузалиб кетишини айтди. Аммо Тан
Сир қизининг гапига ишонмади. Қизнинг қўлларидан
ушлаб ёлворди:

— Ростини айт.

Қиз қовоғини солиб, хафақонлик билан жавоб берди:

— Мен сизга тўғрисини айтяпман.

Аммо Тан Сир яраси йиринглаб кетмадимикан, деб
эри ҳақида ич-ичидан куйинар эди. Боласини соғинар-
ди. У постда эканини эслаб, ўзини зўрға эпга оларди.

Бироқ аёл, ҳатто энг яқин кишисини унугиб юбор-
ган кун ҳам етиб келди.

— Эртага куннинг ярмисида кўприкнинг ўнг томо-
нида, тўнкаруғлиқ қайиқ ёнида қармоқли чол билан
учрашасиз. Душманлар қочишаётпи. Бизникилар изма-из
ҳужум қилиб келишаётпи. Улар яқинлашиб қолишиди.
Олий қўмондоңлик душманнинг чекинишига халақит
бериш ҳақида буйруқ берган. Нима қилишингиз ке-
раклигини чол айтади.

Тан Сир сийрак, эчки соқолли чолга белгиланган
соатда учрашди. Унинг қўлида қармоғи ва балиққа
бериш учун хўрак солинган тунука идиш бор эди. Чол-
нинг ўсиқ қошлиари тагида тетик, ақлли кўзлари чақнаб,
устомонлиги сезилиб турарди.

— Салом,— деди у жувонга ва юзига табассум
югурди.— Биласизми, мен анча балиқ ҳам тутиб қўй-
дим. Ҳаммаси ҳам майдар. Нимагадир бугун балиқ
илинмаяётпи.— Унинг овозида чинакам ранжиш оҳанги
бор эди. У тўнкаруғлиқ қайиққа ўтирди, Тан Сирга
ҳам ёнидан жой кўрсатди, оғини зилол сувга ташлаб,
хузур қилиб гап бошлади:

— Қандай яҳши кун-а!

Кечаси улар икковлашиб баланд темир йўл кўтар-
масига чиқишиди. Янги туққан ой ярқираб турар, баъзи
ерларга ун сепгандай туғларди. Темир йўл изи бўйида-
ги ҳар бир бута тагида душман яширинган бўлиши
мумкин.

Кейинчалик Тан Сир эрига чол билан қандай қилиб
динамитни ерга кўмганларини, очиқроғи бу ишларнинг
ҳаммасини чол қилган-у, у фақат мўйсафиднинг буйру-
ғини ижро қилгани, кейин у яқинлашиб келган поезд-

нинг овозини қандай эшитгани-ю, чолнинг «Қоч!» деган буйруғини бир неча бор айтиб юрди. Үшанда у билмай қолиб жон ҳолатда ўзини кўтармадан ташлаб юборган. Кейин кўтармада, худди унинг боши тепасида бир нарса ҳавони чақмоқдек ёриб, гумбурлаган.

Тун бўйи кўтармада снарядлар портлади ва ёнаётган эшелоннинг алангаси осмонни қизартириб юборди. Тўпларнинг отишмаси борган ҳарни яқиндаи эшитиларди. Кейин самолётларимиз учуб келиб, қочаётган душман устига бомба ташлади.



Чон Се Бон



ҚАРАҒАЙ

Йдин кеча. Тоғ шамоли одамларнинг қаддини букиб, аччиқ совуқ юзларни чимчиларди.

— Э, лаънатилар! Шундай кечада ўз уйимизда иссиққина ондол устида маза қилиб ётмасмидик. Тинчгина юрган одамларни ўз ҳолига қўймайди-я. Аблаҳлар!— деб тўнғиллади бўлим командири

Пак Чи Хо, бир қўлини ён чўнтағига тиқиб, иккинчи қўли билан милтиғининг қайишини маҳкам ушлаган ҳолда.— Олдинда нима гап, ўртоқ Ма? Ҳеч нарса жўринмаяптими?

— Ҳеч нарса жўрмаялман,— деб нохушгина жавоб берди йўл бошлаб бораётган жангчи. Кўпол ҳаракатлари ҳамда ботинкасининг ғижирлаши, унинг бу ерга яқинда келганлигидан далолат берарди. У индамас ва бир оз маъюс кўринарди.

Бўрон ғувилларди. Музлаган ерга ташланган қадамлар дўқиллаб овоз чиқарарди. Йўл бориб тоққа тулашиб кетган. Кимdir одатдаги походларда айтиладиган қўшиқни бошлаб юборди, қолган бутун колонна ҳам унга жўр бўлди. Бу қўшиқ қадрдон ўлка бўйлаб янграб кетди.

— Жуда хурсанд бўлиб кетишди-ку! Текис йўлдан

келаётганда ҳаммаси чарчаб, қадамларини зўрға босишаётган эди, тоққа етишди дегунча ашула бошлаб юборишса-я!— деб кулди командир Пак Чи Хо.— Сен бўлсанг, ҳамон хомушсан ўртоқ Ма. Юрагинг ғашландими қўшиқ айт, ёру биродарларнинг ҳазил-ҳузул гапларига қулоқ сол — ана шунда қандай қилиб илжайганингни ўзинг ҳам сезмай қоласан,— деди у дўстининг кўнглини кўтариш учун унинг елкасига қоқиб.

Манинг юраги нима сабабдан ғаш эканлиги командирга аён эди. Шунинг учун ҳам командир қандай қилиб бўлмасин, унинг кўнглини очишга ҳаракат қиласар, бироқ, Ма қандай бўлса шундайлигича қолаверарди.

— Ашула айтсанг-чи!— деб қичқирди Пак Чи Хо унинг қулоғи тагига келиб.— Уйқусираётган одамга ўхшаб орқада судралаверма. Сенга қарашга ҳам... юрак бетламай қолибди.

Ма Хак Ки зўрба-эўр илжайиб, ашуланинг сўзини билмаслигини баҳона қилди. У чуқур сукунат ичидагадам ташлаб борар экан, яна ўша хаёл дунёсида дайдиб юрафди.

Ма Хак Ки аслида щиклаш, қувноқ табиатли йигит эди. Бироқ, яқинда унинг бошига оғир мусибат тушди. Фалакнинг гардиши билан бўлинмамиз унинг она қишлоғи ёнидан ўтиб қолди, шунда у уйига бориб келиш учун командирдан бир соаттагина рухсат олиб кетган эди. Лекин у ерда на отаси, на онаси ва на қадрдон қулбасидан ному нишон қолибди. Бутун бошлиқ оиласидан катта акасининг хотинигина, иморатидан эса томидаги черепицаларнинг парчалари қолибди, холос.

Қўшинларимиз чекинаётган вақтда Ма Хак Кининг келинойиси, Демократик хотин-қизлар қишлоқ иттифоқининг собиқ раисаси икки ёш боласини ҳайнонасига ташлаб, ўзи дехқон аёлларига бош бўлиб, тоққа — партизанлар қошига жетибди.

Қишлоққа бостириб кирган америкаликлар, Ма Хак Кининг отасини ушлаб олиб, шоли оқлайдиган тегирмон омборига қамаб қўйганлар. Улар келинининг қаердалигини билиб олиш учун чолни ваҳшийларча қаттиқ азоблаганлар. Сўнра, кампир онаси ҳамда унинг невараларини ҳам роса қийнаганлар. Болалар қийноқ орқасида ҳалок бўлишган, чолу кампирларни ўз ҳовлиларида тириклайн ёндиришган.

Ма Хак Ки бу аёвсиз зарбанинг таъсиридан ҳали ҳам ўзига келолмас эди. Дарвоқе, у юсафарда буткул ўз аслига тушиб етмаган бўлса ҳам бир оз руҳи кўтарилигандек эди.

Шимолий республикамизнинг бир қисмини вақтинча эгаллаб турган душман газандалари аста-секин жа-нубга қараб чекина бошладилар. Оқ кафан ёпиб қўйилган душман мурдалари йўлда тез-тез учраб турадиган бўлди. Булар жангчиларимизнинг кўзига гоҳ кичикроқ харсанг тошга, гоҳ шамол тўплаган қор юумига ўхшаб кўринар, дамба-дам уларни иккилантириб қўярди.

Айрим жангчилар нафас ёростлаб олиш учун бир оз вақт тўхтаган пайтларида жон-жаҳдлари билан ер кавлашга киришардилар. Ваҳоланки, улар қанчалик уринмасинлар барибир бу мурдаларнинг юздан бир қисмини ҳам кўмиб улгурмасликларини жуда яхши билардилар.

Кунларнинг бирида Ма Хак американлик бир офицерни кўмиш маросимида иштирок этиб қолди. Офицер ёт ва ифлос бир ерда узала тушиб ётар, оқ крест тамғали каскаси эса, бир оз нағироқда думалаб ётарди.

— Ажаб бўлди, абллаҳ, сенга гу ҳам кам!— деди Ма Хак Ки титроқ овоз билан, аламига чидай олмаганидан ва шу замон тескари ўгирилиб олди.

Взвод фронт чегарасига яқинлашиб қолган эди. Бўрон тобора мунгли ғувиллар. Замбаракларнинг гумбурлаши яқиндан эшитила бошлади. Унга жавобан станокли пулемётларнинг тариллаган овози ҳам келиб турарди. Солдатлар жангга киришга тортинардилар. Бироқ, шу он кутилмаганда: тоқقا чиқиб ниқобланган ҳолда кунни кеч қилиш керак, деган буйруқ келиб қолди. Солдатлар ҳали бундан каттароқ ва муҳим иш борлиги ва бу кучни ўша иш учун аяётганликларини тушунсалар ҳам, бироқ, душман билан қачон ва қаерда тўқнашажакларини билмасдилар.

Тонгга яқин душманнинг корректировщик самолёти пайдо бўлиб қолди. У ўзининг таҳлика остида эканидан ібехабар жуда пастлаб учуб келмоқда. Жангчилар эса аллақачонлар уни нишонга олиб қўйишган. Бироқ, Пак Чи Хонинг:

— Утказиб юборилсин — ўзларингни билдириб қўйманглар! — деган дарғазаб ҳайқириғи эшитилди.

Корректировшчик ғойиб бўлгач, командир бўлимдаги жангчиларга мурожаат қилиб деди:

— Сиз йўл қўйган ҳар бир қизиққонлик буйруқни бузиш демакдир. Дарвоқе, ҳозир беҳуда уринишнинг зарурати ҳам йўқ эди. Чунки, ҳали олдимизда мураккаб, катта вазифа тургани ҳаммангизга ҳам аён. Мабодо, душман тасодифан рўпара келиб қолгудек бўлса, у вақтда жанг билан жавоб беришга мажбурмиз. Нимаики бўлмасин ўзимизнинг қаерда эканимизни ошикор қилмасдан, бўлажак буюк ишга тайёр бўлишимиз керак. Пак Чи Хо озиқ-овқат, ўқ-дори запасининг қолган қисмини ҳам жангчиларга бўлиб берди на дозорларни жой-жойига қўйиб, ёнига яна икки жангчи олди-да, булоқ қидириб кетишиди. Улар кўп ўтмай Қупқуруқ қайтиб келишиди.

— Бу яқин орада сув йўқ экан, нима бўлса ҳам қор билан бир амаллаб туришга тўғри келади, — деди.

— Ҳечқиси йўқ, ўрганиб қолганимиз, — командирларни тинчитишиди жангчилар.

Пак Чи Хо Ма Хак Кининг ёнига келиб, қарағай тагидаги тўнка устига ўтириди. У дўстининг қайғули юзига боқиб:

— Нималарни ўйлаяпсан ўзинг? — деди.

— Ҳеч нарсани?

— Бўлмаган гап-да, жиши деган бир нарсани ўйламай бўлармишми.

— Ҳа хўп, билгинг келаётган бўлса айта қолай. Мана уруш ҳам тамом бўлай деб қолди. Шундан сўнг мен қаерга ва кимнинг олдига қайтиб бораман, энди мен учун дунёда яшашнинг ҳам қизиғи қолмади.

Пак Чи Хо қошларини чимириб:

— Дўстим, бу иродасизлик, — деди у ўзини тута олмай. — Сенинг ҳаёт-мамотинг ўзинг учун эмас, аввалио, ҳалқ учун керак. Агар сен билан биз ҳалқ ҳимоячилари бўла туриб таржи дунё қиласидиган бўлсак, у вақтда уларнинг, яъни оддий ҳалқнинг ҳоли нима кечади?

Бутун атроф чуқур сукунат ичиди, фақат аҳён аҳёнда бу жимликни аллақаерлардандир эсган шамолнинг ғувиллашигина бузәётгандай бўларди. Шун-

дайгина ёнимизда жанг бораётганига ҳеч ишонгинг ҳам келмайди.

• Пак Чи Хо Ма Ҳак Ки қаршисида азот туриб:

— Ма Ҳақ Ки, қани, ўрнингдан туриб мана шу дарахтни ўрнидан силжитиб кўр-чи,— деди-да, қарағайга суюнди.

Жангчи таажжуб билан командирига тикилиб қолди.

— Ҳа, кучинг етмайдими? Шунақа бўлади,— деб бамайлихотир кулди Пак Чи Хо.— Мана шу дарахтнинг қай йўсунда ўсиб етилгани ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганимисан? Мана, мен бир неча соатдан буён ҳаяжон билан ундан кўзимни ололмаяпман, ҳа, унинг мана шу тошлоқ ерда илдиз отиши осон бўлмаган. Адирлардан оқиб келган селлар уни босиб кетган, шамол ва қор бўронлари унинг юрак шохларини синдирган, бироқ, у ўз ўрнидан бир газ ҳам силжимаган. Аксинча, унинг илдизлари ёғингарчилик билан курашда мустаҳкамланиб, новдалари қалин пўстлоқ билан ўралган. Бу қайнин озмунча қийинчиликларга бардош бердими? Бўрон бир неча марта унинг шохларини ерга букаш, теварак-атрофида чақмоқлар чаққан.

— Аммо, мен дарахт эмасман-ку, ўртоқ командир!

— Ҳа, худди ана шунинг учун ҳам, яъни сен инсон бўлганинг учун, шу гапларни айтяпман дўстим Ма Ҳак Ки!

Қуюқ дарахт устида зангори осмон, кўк юзида қор сингари оппоқ булутлар сузив юрибди: Пак Чи Хо муздек ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олгац, роҳат қилиб илжаяркан, ёнидаги ранжиган ўртоғига айёrona назар ташлади. Сўнгра бир четга — бута тагига бориб плашч-палаткага ўралиб ётди. Кўп ўтмай бир мейрда хуррак отаётгани эшитилди.

Ма Ҳак Ки ёнидан снаряд учиб ўтиши билан у ўзини ерга отди. Плашч-палатка остида командирнинг:

— Вой муттаҳамлар-э, таваккал қилиб ташлашяпти-я!— деган овози эшитилди. У отишмага парво ҳам қилмай, яна уйқуга кетди.

Қош қорайиши билан жангчилар дарё бўйига тушдилар. Бутун қирғоқда катта-катта, силлиқ шағал тошлар уюми ёйилиб ётарди. Шунинг учун ҳам жант-

чиларнинг мумкин қадар эҳтиёткор бўлиб турнишлари керак эди. Шамол тингаи, тунги жимжитлик туфайли ҳар бир шарпа ҳам дарҳол қулоққа чалинарди.

— Бу ер ҳали музламабди!— деган овоз бутун колоннани зийраклантириди.

Ҳали яхши қотмаган музлар чирсиллаб ёриларди. Сувга тушиб кетган кишиларга зийракроқ, қўлига узун таёқ ушлаб олган ҳамроҳлари кўмаклашишарди.

Ма Ҳак Ки ҳам сувга тушиб кетди. Муздек сув унинг баданини жизиллатар, тиша тишига тегмай тақилларди.

— Шамоллаб қоласан,— деди Пак Чи Хо меҳри-бонлик билан.

— Ҳечқиси йўқ,— деб жавоб берди Ма Ҳак Ки ўзини тетик тутишга уриниб,— қалбда алангалаётган алам ўти баданимни қиздиряпти.

— Жуда соз,— деб кулди командир,— адолатли газаб муҳаббатга ўхшаган бир нарса бўлиб, аламдий-даликнинг энг яхши давоси ҳисобланади.

Эртаги кунни ҳам жангчилар яна тоғда ўтказиб, тонгга яқин бир қишлоққа келдилар. Пак Чи Хо билан Ма Ҳак Ки атрофни кўздан кечириш учун чиқиб кетишиди. Улар кенг далани кесиб ўтган зовур тагида телефон симини кўриб қолишиди. Симни омбир билан қирқишган эди, таранг қилиб тортилган сим иккала томонга тортилиб кетди. Пак Чи Хо илжайиб:

— Ҳадемай «тил»лар ўз оёқлари билан қошимизга келишади,— деди.

Дўстлар қуладай бир бута тагида пойлаб ётдилар. Орадан бир оз ўтгач совуқ ўз таъсирини кўрсата бошлиди. Шунда улар оёқларининг чигилини ёзиш учун ўринларидан турмоқчи бўлишди-да, бирдан худди команда берилгандай, яна ерга кўкрак билан ёпишиб олишди...

Икки солдат кўринди. Олдинда келаётганинг елкасига телефон аппарати ортилган. Иккинчиси ундан орқароқда телефон сими ўралган ғалтакни айлантириб келарди. Симнинг қирқнлган ерини топишгач, баланд овоз билан алланималаф деб гаплаша бошлишди. Янкилардан бири Ма Ҳак Ки яширингандан бута ёнига бориб, чўчинқираб у ёқ-бу ёққа аланглай бошлиди. Шу он жангчимиз америкаликтининг оёғидан маҳкам ушлаб олди. Иккинчи америкалик шеригига нима бўлаётга-

инни аинглаб етмасданоқ Пак Чи Хо унинг устига ўзини отди.

Ма Ҳак Ки билан Пак Чи Хо асиirlарни олиб, ўз қисмларига қарашли бўлган команда пункти жойлашган ерни қидириб кетишиди.

Команда пункти тоғ этагида қазилган ертўлага жойлашган эди. Барча бўлим командирлари бу ерга йиғилишган, жинчироқ хонани хира ёритиб турибди, қисм командири стол устига энгашганча қўлидаги электр фонарини карта устида юргизарди.

— Мана бу районда,— деди у атрофдаги кашиларга қайрилиб қараб,— хитой кўнгиллilarи америка дивизиясини ўраб олишибди. Бизнинг қисмимиз уларга ёрдамга боради. Мана бу ерини кўряпсизми? Бу ерда биз қутимагандан тоғдан тушамиз, Бизнинг вазифамиз душманнинг асосий таянчи бўлган К. қишлоғини эгаллашдан иборат. Душман бу томондан ҳужумга ўтишади деб ўйламайди ҳам. Тез ва эпчил — мўлжал билан бирпастда қириб ташлаймиз. Вазифа ҳаммага тушунарлимиз? Қани энди, Пак Чи Хо ва Ма Ҳак Ки ўртоқлар асиirlарингни бу ёққа олиб келинглар-чи. Ҳозир бизга шунақалар жуда зарур эди-да.

Қисм кечқурун белгилаб берилган томонга қараб ўйл олди. Ой ҳам оҳиста узоқ-узоқлардаги қатор тепалар юрқасига яширинди. Жангчилар қатъий жимликни сақлаган ҳолда кимсасиз сўқмоқ йўлдан бир умр музламайдиган селларни кечиб, бўйсунмас чакалакзорлар орасидан борардилар. Ниҳоят, пастдаги қишлоқ ҳам кўринди. Бир томондан уни серсув дарё айланаб ўтган. Бу дарёга Тхябяксандан юқиб келадиган сел келиб қўшилади. Бу жиловсиз дарё ўзини муз кишинидан ҳимоя қилиб келарди.

Жангчиларимиз тунги қоронғиликдан фойдаланиб, тахминан группаларга бўлиндилар-да, қияниклардан эмаклаб кетдилар. Ма Ҳак Килар группаси қишлоққа тоғ томондан кириб бориши керак эди. Пак Чи Хо бошчилигадаги группа эса қишлоқни жануб томонидан ўраб олиб, душманни қуршовдан чиқиб кетишига йўл қўймаслиги керак, ғолган икки группа темир йўл станцияси ҳамда кўприкни ишғол қилиши керак.

Ма Ҳак Ки группаси душман сокчилари қўриқлаб турган биринчи қуршов чизигидан муваффақият билан ўтиб олишибди. Тўртта новча-новча янкилар аллақачон

оғизларига латта тиқилған ҳолда хандақда тиپирчи-
лаб ётишарди. Шу орада ой тоғ орқасига ўтиб яши-
ринди ва сонсаноқсиз юлдузлар яна чарақлай бош-
лади. Қимсасиз қишлоқ күчаларига яна қоронғилик
чўқди. Жимликини фақат бебош оқаётган дарёning
шовиллашибигина бузарди, холос.

Ўткир шуъла сочаётган гулхан қошида ўтирган
соқчини мудроқ босяпти.

— Шошмай тур ҳали, сенинг адабингни бериб қў-
яики,— деди Ма Хак Ки билан ёнма-ёй эмаклаб ке-
лаётган жангчи, қиличини қинидан чиқара туриб.
Бироқ, шу заҳотиёқ Ма Хак Кинимиг ҳабардаст қўли
ўртоғининг елкасига гурзидек бўлиб тушди:

— Сабр қил!

— Нима тап?— деди-ю, елкасини тортиб олди ҳа-
лиги жангчи.— Ўзи уддалай ғлмайди деб ўйлайсизми?

— Ана, қарагин!

Мудраб ўтирган солдатнинг қошига бир офицер
келди-да, орқасига тиззаси билан қаттиқ туртди. Сол-
дат муккасидан кетиб, ўридан туришга ботинолмай,
эмаклаган ҳолда туриб қолди. Фазабдан башараси
бужмайган бошлиқ унга томон энгашди. Корея жанг-
чилари фурсатни қўлдан бой бермай, тезлик билан
улар устига ташландилар. Бир зумда атрофга яна
жимлик чўқди, тез оқар сув ҳам жўпириб, шовқин со-
либ оқа бошлади.

Ма Хак Ки группаси душман штаби жойлашган,
ёфду сочилиб турган икки қаватли иморат қошига
эмаклаб келишди. Ўй орқасида лисинманчилар соқчи-
лик қилиб турган қатор палаткалар, ёнгил ҳамда юк
машиналари тизилишиб кетгани.

Группа яқин орадаги зовурга тушиб, атажага бери-
ладиган сигнални кута бошлашди. Мана, сигнал раже-
таси ҳам кўринди. Ҳали у сўниб тугамасданоқ қишлоқ-
нинг ҳар томонидан шиддатли отишмалар бошланиб
кетди. «Бизниkilар яшасин,— дерди ўзича Ма Хак
Ки,— қишлоқ қуршовда».

— Үр!— деб қичқирди у тантанали оҳангда.— Бос-
қинчиларга ўлим!— деди-ю, бир боғлам гранатани
штаб деразасига томон ирғитди.

Дераза ойналари чил-чил бўлиб, томдаги черепи-
цалар майдаланиб туша бошлади. Ўй ҳам чайқалиб,
ташқи деворлари қулай бошлади. Америкаликлар ик-

кинчи қаватдан оақраб туша бошлашди. Бироқ, жангчиларимиз мерганлик билан автоматдан ўқ очиб уларни қулатавердилар. Кўпrik ва темир йўл станцияси томонидан ҳам пулемётларниң тариллагани эшитила бошлади. У ерда ҳам қаттиқ жанг бораётгани қўриниб турибди.

Қишлоқ кўз очиб-юмгуңча бутунлай бошқа қиёфа га кирди. Қоронги кўчаларда солдатлар бутун қолган ўй деворлари панасида у ёқдан-бу ёққа чопиб ўтишарди. Кўчаларда қўл жанглари бошланиб кетди. Еру кўкни ажнабийларнинг даҳшатли ҳайқириқлари тутиб кетди.

— Ур, ўлдир!— деб бақиради Ма овозининг бори ча!— Ур бу абраҳамларни!!!

У ерга энгашганча чорбоғчалар ёнидан чопиб борар, олдидан чиқиб қолган ёвни омон қолдирмасди. Тўғрида девор устига қўл пулемётини ўрнатиб, кўчани ўққа тутаётган душманга кўзи тушиб қолди. Худди бир вақтнинг ўзида қатор бир неча ўқ отди. Душман қўлларини бесўнақай ёйиб, девордан ерга ағдарилди. Шу топдаёқ бирдан ўша пулемёт қошида ўзимизнинг икки жангчимиз пайдо бўлиб, ўқ чиқаришни давом этдиравериши. Энди пулемёт америкаликларни беомон қира бошлади.

Тонг ёришиб келмоқда. Тонг шафағида дарёning усти ялтираб кўринарди. Ма Ҳак Ки тўсатдан дарё қирғогига чиқиб қолди-ю, нариги томонга қочмоқчи бўлиб турган америкаликларга тўқнашиб қолай деди.

«Оқ йўл!— деди Ма Ҳак Ки ичидаги.— Иўлларинг бехатар бўлсин! У ерда сизларни бизникилар кутиб олишади!»

Фазода тоғ тизмалари ғира-шира кўрина бошлади. Осмон лаъл тусини олган. Қишлоқ кўчаларида қўл жанглари ҳамон давом этмоқда. «Пак Чи Хо қаерда экан?— деб ташвишлана бошлади Ма Ҳак Ки ҳар бир жангчини қўздан кечираркан,— уларга нима бўлди экан? Ишқилиб командири омон бўлсин-да!»

Ғазабдан ёнган юзларида шафқатдан асар қолмаган жангчилар қувиб жетаётган душманларидан бўлак ҳеч кимни кўрмай, бирин-сирин чопиб ўтиб кетяптилар; америкаликлар шинелларининг тугмасини ҳам қадашта улгурмаган, бош кийимларини, эсанкираб, ташлаб чиқишганми ё йўқотишганми ишқилиб бош яланг, жонини ҳовучлаб қочмоқда.

Ма Ҳак Қи бир неча қадам нарида ўз формамиздаги бир ярадор солдатни кўриб қолди.

— Пен Дик Сумисан?!

— Ҳа,— деб илжайди ярадор жангчи.— Тиззам яраланди.

— Зарари йўқ, Пен,— деб тинчтишига киришди Ма Ҳак Қи взводдош дўстини. У ҳам ўзига ўхшаш қисмга яқиндагина келган эди.— Сени ўзим олиб кетаман.— У чўккалағ Пента орқасини ўғирди. Кейин ўртоғини кўттардид-да, яшириниб туриш учун жой излаб, дастлаб учраган бир ҳовлига кирди.

Хоналар деворини снаряд тешиб юборган ва унинг ичи бемалол ќўриниб турарди. Хоналарнинг биридаги бўйра устида қонга беланган фуражка ва бўш сигарет пачкаси ётарди.

Үйда ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, Ма Ҳак Қи оҳиста у ерга кириб, ўртоғини бўйра устига ўтқазди. Улар кириб қолган хона кўринишдан илгари озиқ-овқат омбори бўлганга ўхшарди. Бу ерда устини бир ботмон чанг босган ҳар хил яшик, бочка ва шунга ўхшаш нарсалар бор эди. Ма Ҳак Қи шахсий пакетни олиб, оғайнисининг яраланган оёғини боғлашга киришди.

— Шошмасанг-чи!— деб унинг қўлинй олиб ташлади Пен Дик Су,— эшитяпсанми?

Устларидан кетма-кет бир неча снаряд ғизиллаб ўтиб кетди.

— Бу бизнинг артиллериямиз!— деб қичқириб юборди Пен Дик Су, оёғининг яраланганини ҳам унутиб.

Улар девор ёруғидан кўчага бир неча машина ўз кишилари — американклар билан лисинманчилар тўпини қай йўсинда ёриб келганини кузатиб туришди. Лекин келиб тушган снаряд бир машинани тўнтараб юборган эди, қолганлари шошиб-пишиб орқага қайрила бошладилар.

Йўл бўйидаги катта тош устида турган қандайдир бир кампир қочаётган душман орқасидан «хап сенлар-ними» деб қўйди. Шамол унинг оппоқ паҳмоқ сочини тўзитяпти.

— Кампир эсини едими-а!— деб қичқириб юборди Пен.— Ахир, душманлар уни отиб ташлашади-ку!

Бирорқ, ҳозир душманнинг қасос олиб ўтиришга роҳти йўқ эди.

Ма Ҳак Ки ҳамда Пен Диқ Су девор ёнига судралиб бориб, тузоқдан туриб нишонга олаётган душманларни ўққа тутдилар. Шу он тўсатдан қўшни томда туриб жон-жаҳди билан душманга граната ирғитаётган жангчилар улар диққатини ўзига тортди. Икки дўст унинг Пак Чи Хо эканини дарров пайқашди. Қейин у сакраб тушди-да, ҳамон энгашган ҳолда автоматини маҳкам ушлаб, қишлоққа кириб келаётган Хитой кўнгиллилари томон чопиб кетди.

Кечага яқин қишлоқ душмандан батамом тозаланди. Пак Чи Хо қисми яна ўша тоққа чиқиб кетди ва келгуси сафарларга ҳозирлик кўра бошлади.

Ма Ҳак Ки қарағайга суюнганча пастдаги юзод қилинган қишлоққа тикилиб турарди. Унинг эгнида урушда дабдаласи чиққан гимнастёрка. Қишлоқ кўчаларини тутун қамраб олган, душман томонидан ўт қўйилган қурол-аслаҳалар ҳамон портламоқда, ўлжак олинган қуроллар ортилган машиналар бетиним ўтиб турибди.

Ўша кечаси Ма Ҳак Ки шу қарағайга суюнганча узоқ турди. Унинг чеҳрасида қатъий ишонч ҳамда хотиржамлик йфодаси барқ уриб туарди.



Ю Сни Чег



ГОРНЧИ

Уҳим стратегик пунктлардан бўлган Н. шаҳри ҳали ҳам душман қўлида эди, лекин унга жириш йўлларини биз эгаллаганмиз, шунинг учун ҳам душман худди қутурган ҳайвон сингари шаҳар ичидаги ўзини у ёқдан-бу ёққа уради. Душман танк ҳамда артиллерия ёрдами билан бизнинг доирани ёриб ўтишга бир неча бор уриниб кўрди, бироқ унинг уринишлари муваффақиятсиз чиқди. Самолётлар кўқдан туриб реактив пулемётлардан бизнинг позициямизни тинмай ўққа тутмоқда. Шаҳарга элтувчи бош магистрални эгаллаган Н-рота жангчилари уч соатчадан буён кетмакет бўлаётган атакани қайтариб турибди. Пистирмадаги пулемётчиларимиз душманнинг яқинроқ желишига йўл кўйиб бермоқдалар. Автоматчилардан баъзилари гранаталар билан қуролланиб, танкка қарши отилиб чиқишига ҳозир турибдилар.

Мана, ўқ-дори ҳам тугай деб қолди. Шунда юмандинг порнчи Ки Хони ўз ҳузурига чақириб батальонга сипнал беришни буюрди. Батальон жавоб бермади.

— Менга қара, ўртоқ Ки Хо,— деди юнандир горнчига қараб,— энди батальон штабидан ёрдам сўраниб, бирор қишини юборишдан бўлак чорамиз қолмади.

Бу ишга сени сайлашди, бутун ротамизнинг тақдиди сенинг қўлингда.

Горнчи Ки Хо командирта жавоб ҳам бериб улгурмай, бирдан яна жанг бошланиб кетди: душман танки ўнқир-чўнқирлардан баланд чиқиб, паст тушиб, бизнинг позициямиз томон ўрмалаб келарди.

Командир горнчига:

— Тезроқ бўл!— деб қичқиришгагина улгурди, холос.

Ки Хонинг қалбида дўстлари билан душманга қарши жангга қириш истаги жўш уради. Лекин шу заҳоти эсини йиғиб олди ва орқага қайрилиб юргурганча кетди.

Горнчи Ки Хони бутун полк танирди. Ки Хо горнинг садоси Ватанимизнинг қанча-қанча шаҳар ва қишлоқлари озод қилинганилигидан хабар берди, унинг садоси остида жангчилар узоқ-узоқ йўлларни босиб ўтдилар, ёвга қарши жангга кирдилар...

Узоқ-узоқлардан ҳали ҳам давом этаётган жангнинг шов-шуви эшитилиб туарди. Горнчи бир неча марта «Мансел» деб айтилган хитоб овозларни аниқ эшилди, тезда бу товушлар ҳам тинди. Унинг қалбида ўз дўстларига нисбатан бўлган ташвиш тобора ортарди. Кўзиға ҳеч нарса кўринмас, оёғи остидаги ерни ҳам пайқамас, гўё қанотсиз учарди. Тер қўйилмоқда, тезроқ эсономон, йиқилиб қолмасдан етиб борсам, деган ягона умид юрагини ўртарди.

Батальондагилар Ки Хога дарров ўқ-дорилар беришли. Энди у ёнида яна беш киши билан ротага қайтиб келмоқда. Автомат ҳамда горнини бўйнига осиб, олдига тушириб қўйган, орқасига эса бир яшик ўқ ортиб олган эди. У яна бир неча юз метр масофани босиб ўтолса бас, ўз дўстларининг чуқур миннатдорлик билан тўлган мөхрибон кўзларига тўқнаш келади. Шунинг ўзи унинг учун энг ўқсак инъом-да. •

Мақсад нуқтасига яқинлашган сайчин юки енгил тортаётгандай туоллар, қадамларини яна ҳам жадалроқ босарди. Мана, ниҳоят у илгари ротаси жойлашган ерга ҳам етиб келди. Бироқ, бу ерда яқиндагина бўлиб ўтган жангнинг ҳали тарқалиб битмаган тутунидан бўлак ҳеч нарса кўринмайди.

Нима бўлганини англай олмаган горнчи зўр ҳаяжон ичida ўқ тўлдирилган яшикни ерга қўйди.

— Қани энди, ротаңг қаёққа ғойиб бўлибди?— деди жангчилардан бири.— Юриб, юриб, қаёқларга бошлаб келдинг?

— Жанг бўлганини кўрмаяпсанми? Энди ким қаерда эканини ким билсин,— деди мулоҳазалироқ иккинчи бир жангчи.

Қуршовда қолган шаҳардан отишма овози келиб турибди. Айрим кварталлари алаңга ичида. Тез-тез юз бераётган портлашлар зарбидан ер ларзага келмоқда.

— Ротам қаерда? Унга нима бўлди экан?— дерди горнчи зўр хаяжон ичида. Шу заҳоти хурсандликдан ўзини босолмай бақириб юборди:— Хув анави ерда! Тепаликда! Ўзимизникиларни отишларидан танийман!

Тепаликдан онда-сонда отилаётган миљтиқ овози эшитилиб турарди. «Тамом!» деб ўйлади Ки Хо. «Сўнгги ўқни узишди. Дадил бўлинглар, ўртоқлар, дадил! Мен шу ердаман!» У ён-веридаги ёрдамчиларни шоширганча эпчиллик билан яшикни елкасига олган ҳам эдики, магистралда қулоқ жанг тўзони кўтарилиди ва жангчилар танклар ҳимоясида ўзлари томон келаётган автоколоннани кўриб қолишиди. Тепаликка олиб борадиган йўл тўсилган эди.

— Душманлар!— деб қичқириб юборди душманларни биринчи бўлиб сезган Ки Хо.— Ериб киришибди! Югуришяпти!

Жангчилардан бири:

— Йўл бермаймиз!— деди-ю, четроқдаги чуқурга сакраб тушди. Қолганлари ҳам унинг кетидан тушишиди.

Танклар яқинлашмоқда. Мана, биттаси шу қадар яқинлашиб қолдики, гўё ўзининг баҳайбат оғирлиги билан жангчиларни янчидан ташлаётгандай кўринарди.

Шунда горнчи чуқурликдан бошини чиқарди-ю, қўлидаги бир шода транатани келаётган танкка қараб улоқтириди. Бироқ, портлаш рўй бермади. Ки Хо гранатанинг запалини суфуриб олишни унутган экан. Портлаш юз бергандан кейин иккинчисини иргитмоқчи бўлиб турган эди, баҳайбат танк корпуси қалтираб шу ондаёқ таъққа тўхтаб қолди.

«Булар бизларнинг танк қирувчиларимиз-ку»,— деган хаёлга борди Ки Хо. Жангнинг қизғин бир пайтида у ҳатто ўлим хавфидан ҳам чўчимай йўлнинг ўртасига чиқди-да, танкка қараб автоматдан қатор ўқ узди. Сўнгра ўзи бориб унинг ичига тушиб олди. Қолган ик-

кала танкнинг ҳам мажақланганини пайқаб қолди. Бутун бир автоколонна тўхтаб, америка солдатларининг ҳаммаси ҳар қаёққа — боши оққан томонга қочиб қолишган эди.

— Уқларни олиб, тепаликка чопинглар! — деб қичқирди Ки Хо жангчиларга, — ҳозир мен сизларни ҳимоя қилиб тураман!

Жангчилар бирин-кетин йўлдан чопиб ўтаётган пайтларида у душман устига ўқ ёғдириб турди.


Ки Хо оғқасидан ўқ еган чоқда жангчилар хатарли ердан ўтиб, магистралнинг нариги томонидаги чакалакзор ичига кириб яшириниб олишган эди. Унинг оёқлари чалишиб, ҳушсизлана бошлади, шу он горн садоси янгради. Жангчи ўзидағи бор кучини тўплааб, бутун вужуди билан унта қулоқ солди. Горн овози тепалик томондан эшитилар, у нажот сўрарди. Ки Хонинг кўз ўнгидан рота командирининг мулойим ва ташвишли чеҳраси ўтди. Горн овози баланд кўтарилган чоқда бирдан гўё умидсиз фарёд сингари тиниб қолди.

Шунда Ки Хо бор кучини йиғиб, бир қўлини душман пулемётита тиради-да, горнни оғзига олиб келди: «Бардам бўлинглар! — дерди горнчи. — Бардам бўлинглар! Мен ёрдам олиб қайтдим!»

Рота унинг, ўз горнчисининг овозини эшилди. Жангчилар окоплардан сапчиб чиқиб, ёвга қарши қўл жангига кириб кетдилар. Ки Хо чалган горн садоси узоқ вақт янграб турди. У солдатлик шавкати, халқнинг мардлиги ҳақида, ғалаба ҳақида чаларди.



Пак Ун Гер



Т

ОҒА-ИНИЛАР

Хя Хун Ахобирен тогини ошиб ўтганда тонг энди ёриша бошлаган эди. Шунинг учун ҳам у яна кунни кеч қилиш учун шу ерда тўхташга мажбур эди. Ёнида ўринидикда суюлиб ётган стажёрни уйғотди. У чўчиб уйғонди-да:

— Ҳа, самолётларми?!— деди жон ҳолатда.

— Йўғ-э, тонг ота бошлади.

Тхя Хун ёрдамчигининг тангиб қолганини қўра била туриб илжаймади ҳам. Бир вақтлар унинг ўзи ҳам шу ишга янги қадам қўймаганмиди? Атрофда тинмасдан бомбалар портлаб турган, осмонда душман ракеталари сузиб юрган бир пайтда кўпни кўрган, тажрибали солдатнинг юрагила кулги сифармиди?

Энди йўл аниқ қўрина бошлади, қуюқ ўрмонни паррандалар овози қоплади. Муюлишда дара бўлиб, унинг қуий томонида сой оқарди.

— Қимдир, аллақачонлар ўз машинаси билан бу ерга яшириниб ҳам олибди: ана, машинанинг изи ҳам қўриниб турибди,— деди уйқусираган овоз билан стажёр.

— Ҳа, бу ўртоқ ҳам менга ўхаш тепса тебранмас хилдиай эканми дейман. Шу ерга келгандан тонг отиб қолгандир-да.

ЗИС кескин бурилиб, бир зумда дара ичига кириб кетди. Қоя тош соясенда бир машина турарди. Машинанинг капоти очиқ, унинг ёнида эса, хитой қўнгиллила-ридан бири ўралишиб юрибди.

Тҳя Хун машинасини кекса, ўсиб кетган аргувон дарахти тагига қўйди-да, ўзи жиддий тусда тикилиб турган нотанишнинг ёнига борди:

— Тунчжи!¹— саломлашди у бисотидаги биттаю битта хитойча сўзини ишлатиб. Кўнгиллининг чеҳраси бир оз очилди.

— Салом, ўртоқ!— деб жавоб берди у, Тҳя Хунга қўлини узатар экан.

Хитойлик дона-дона қилиб, корейс тилида анча дуруст гапирав эди. Шоферларнинг икковлари ҳам, биринчи кўришишдаёқ, бир-бирига анча маъқул тушиб қолишиди.

— Қандай қилиб бу ерда тўхтаб қолдингиз?

— Э, нимасини сўрайсиз: шўрим қурсин,— деб жавоб берди хитой.— бобинаси² тешнилибди.

— Менда ҳар эҳтимолга қарши олиб қўйган битта бобинам бор. Бир ѿз эскироғ-у, лекин ҳали ишлатса бўлади.

Тҳя Хун югурганча машинасининг олдига борди-да, у ердан асбоб-ускуналар солинган халта олиб келди.

— Эҳ-ҳа, ана энди ишини дўндирамиз,— деб суюниб кетди хитойлик.— Сесе! Сесе!³

Ремонтни тугатгач, шофёрлар билан стажёрлар хушманзара жой танлаб, нонушта қўилгани ўтиришиди. Овқат маҳалида уларнинг суҳбатлари айниқса қизиб кетди. Сўз тополмай қолган ерда имо-ишора ҳам иш бериб турди. Хитойлик шофер машинанинг бузилиш сабабини тушунтиromoқчи бўлди:

— Сизнинг машинангиз ҳали яп-янги экан,— деди у самими,

— Қаёқда дейсиз! У кўриништагина шундай!

— Қанча километр йўл босган?

Тҳя Хун бошда дарров қанча эканини айтмоқчи бўлди-ю, яна фикридан қайтди.

Хитой — поёнсиз бир мамлакат, албатта, хитойлик шофернинг босиб ўтган йўли ҳам, шубҳасиз, Тҳя Хун-

¹ Тунчжи (хитойча) — ўртоқ (Тарж).

² Автомобилда паст кучланишили токчи юқори кучланишили токка айлантириб берадиган катушка

³ Сесе (хит.) — раҳмат (Тарж).

нинг босиб ўтган йўлидан бир неча баравар ортиқ бўлиши керак.

— Сизники-чи? — деб сўради у жавоб ўрнига.

У бир оз жамтарлик юзасидан жилмайди, худди шу пайтда, ёрдамчиси устозининг қаҳрамонликларини сўзлаб, мақтанишга шунчалик ошиқардики, асти қўяверинг. У бармоқларини кенг ёйиб, баланд кўтарди-да, тантанали равишда:

— Ба ван! Ба ван!¹ — деди.

Сўнгра у дўстининг кўкрагини безаб турган орденга ишора қилди. Шу пайт унинг юзида мағрурликнинг ифодаси яқъол сезилиб, бу ҳол атрофдагиларни беихтиёр кулдириб юборди.

Лекин бу ўринда Тхя Хуннинг ёрдамчиси ҳам ҳакими кетказмади. У, хитой тиалида чала-чулга қилиб устозининг ўз машинасида ҳеч бир авариясиз, етмиш минг километр йўл босгани ва соғ-саломат, ҳеч қандай тиқкастсиз базага қайтиб борса, унга КХДР Қаҳрамони унвони берилажагини гапириб берди.

— Етмиш минг! Етмиш минг-а! — дерди кореялик стажёр завқланиб. — Қаҳрамон! Қаҳрамон!

Яна дўстона самимий кулги кўтарилиди.

Ҳақиқатан ҳам сафарга чиқиш арафасида бўлинма командири Тхя Хунни ҳузурига ҷақириб: унга қаҳрамон унвони берилишини сўраб қўмондонликка илтимоснома юборганини айтган эди.

— Бу сафарингизнинг ҳам муваффақиятли тугашига ишончим комил, — деди хитойлик шофер. — Сиз билан танишишга мұяссар бўлганимдан беҳад шодман. У чўнтағидан хотира дафтарчасини олиб Тхя Хунга узатди:

— Илтимос, ўз отингиз, фамилиянгиз ва адреоингизни ёзиб берсангиз.

Тхя Хун фамилиясини иероглиф билан ёзиб, ёнига полевой почтасининг номерини ёзиб қўйди. Хитойлик ҳам ўз навбатида шундай қилди.

Хитойлик Тхя Хунга қофозни узата туриб, ўзингитт исмини бир неча марта тақрорлади:

— Шэнь Цзи-минь, Шэнь Цзи-минь. Қаҳрамонлик унвонини олган заҳотингиз, албатта, менга хабар қилинг. Беҳад хурсанд бўламан.

¹ Ба ван (хит.) — саксон минг. (Тарж).

Қуёш уфқ орқасига яшириниши билан иккала машина ҳам яшириниб турган еридан чиқиб Монсикрен томон йўл олди. Тхя Хун ҳам, Шэнъ Цэй-минь ҳам ўз юкларини ичкари томондаги складлардан бирига топширишлари лозим эди. Бу склад Чельрен тоби этагига жойлашган. Энди икковлари ҳам йўлда тўхтаб қолгандари ва ўтган вақтни қоплаш учун машинани жуда тез ҳайдашлари керак эди.

Тоғини тунги зимистон қоплаган. Олдинда йўл бўйлаб юриб келаётган оловлар кўринди. Бу худди машъалчилар юришини эслатарди. Моторларнинг гувиллаши, машиналарнинг тинимисиз фат-рати, фиддиракларнинг киши гашнга тегадиган овози, шагалларнинг шилдираши, одамларнинг гоҳ амирона, гоҳ сергаклантирувчи, гоҳ ҳазил-ҳузул билан бақириб-қийқирган овозлари, ҳўқизларнинг маъраши, самолётларнинг вағиллаши — буларнинг ҳаммаси бирликда тенгсиз шовқин-сурон кўтарган эди. Мана шу шов-шув орасида иккала машина бир-биридан адашиб кетди.

Тхя Хун Мансикрен довонидан эсон-омон ошиб ўти, кейин Секвансе ибодатхонасидан ўтиб, Сингосан яланглигига чиқди. Мана шу ерда уларнинг қоқ тепасида бир қанча ракеталар пайдо бўлди. Ҳамма ёқ шундай ёришиб кетдики, ҳатто йўлдаги тошларни ҳам bemalol санаш мумкин эди. Қиравчи самолётлар тинмай фазода учиб юришибди. Улар йўлга қараб ўт очиб турибдилар. Машиналар эса бунга қарамай олга томон елдай учиб бормоқда. Орқага қайтишнинг иложи йўқлиги аниқ, буни шоферлар тажрибадан ўтказишган, борди-ю, бир зум иккиланиб қоладиган бўлишса ҳам, ҳалок бўлишлари шубҳасиз эди.

Ҳаво ёришиб, юлдузлар хирадашиб қолди. Тхя Хун ўзи томонга учиб қелаётган самолётни кўриб қолди. Шофернинг бутун аъзойи баданини титроқ босиб, рулини қаттиқ сиқди. Ўқнинг зарби билан ердан кўтарилиган тўзон фонтан бўлиб отилар, тошларга теккан ўқ учқун ҳосил қиласиди. Тхя Хуннинг орқасини муздек тер босди. Машинани юқори тезликда ҳайдаб, теварак-атрофга сув сачратгак ҳолда дарёни кечиб ўтди. Бироқ, уларни қувиб қелаётган самолёт қайтиб кетишни ўйламасди ҳам. У машина тепасидан учиб ўтар экан, яна пулемётдан ўққа тутди. Шу заҳотиёқ Тхя Хун қаттиқ силкинди,

кабина ҳам кўзни кўр қилгудек ёришиб кетди. Машинанинг қузови ловиллаб ёнмоқда эди. Тхя Хун билан унинг ёрдамчиси жон қолатда кабинадан шолипояга қараб отилишиди. Улар тиззадан ботқоққа ботиб боришарди. Кўп ўтмай Тхя Хун ўзига келиб орқага қайтди. Ўйлиниг ўртасида қолиб кетган машина, унинг машинаси, ҳамон ёнмоқда эди...

III

Тхя Хун японлар даврида беш йил стажёр бўлиб ишлаб шоферлик ҳуқуқинга эга бўлгач, дастлаб эски машина ҳайдай бошлади. Бу машина ҳар ўн километрда бир тўхтаб бечорани безор қиласади. Ўша пайтларда Тхя Хуннинг бирдан-бир истаги янги машинага эга бўлиш эди. Шунинг учун ҳам Ҳалқ армияси унга янги ЗИСни ишониб топширган пайтдаги шодлигини тасаввур қилиб кўрининг-а. У ўз машинасига жуда ўрганган, унга ортиқ даражада мәҳр қўйган эди, энди-чи, унинг жонидан азиз кўрган нарсаси ўз кўзи олдида ёнмоқда!.. Орқадаги ёрдамчисининг огоҳлантирувчи ҳайқириғига ҳам эътибор бермай, ҳамон олға — йўл томонга елиб борарди.

Кузовдаги бурчакда турган бензинли бочка алангалиниб ётарди. Ўт борт ёқалаб бошқа юклар томон келмоқда. Шу он бирдан кабинада қолган скаткаси¹ ёдига тушиб қолди. У одеялни ҳўллаб кузовга чиқди ва бортни очиб, ёнаётган бочканни итариб туширди. Олов ерга ёйилди.

Тхя Хун машинани воқиа содир бўлган ердан бир неча метр нарироққа ҳайдаб борди-да, тўхтаб ишни қўли билан ҳозини бекитиб олди. Кўзидан ёш оқмоқда эди.

У, ёнига чопиб келган стажёрга:

— Сув қаерда? Мен ҳеч нарсани кўрмаяпман,— деди.

Стажёр ўз устозини шолипояга етаклаб борди. Тхя Хун кўзини яхшилаб ювди, кўз ўнги бир оз ёришгандек бўлди, лекин куйган ерининг оғриғи тобора зўраяди.

— Нимагадир шу маҳалгача қуёш чиқмаяпти-я. Ёки менга шундай туюляптими?— деди у.

¹ Скатка — бўйинча шаклида ўралган шинель.

— Туман бор,— деган жавобни берди унга стажёр.

Йўлда аллақаңонлар ҳарақат тўхтаган эди. Душман разведкачиси булатлар орасидан кўриниб қолиши мумкин. Йўл ёқасидаги кекса акация дарахтидаги бир гала қуш қанот ёзиб фазога парвоз қилди.

— Хўш, қалай? Кўряпсизми?— деди безовталаниб атрофга аланг-жаланг қараётган стажёр. Унинг хаёли ҳалиги қолиб кетган машина келиб қолса, бускирга оларди детан фикр билан банд эди.— Машинани ақация тагига олиб бориб, ниқоблаб қўйсакмикан?

Тҳя Хун ҳеч нарса демади. Машинани дарахтнинг тагига бекитиш мумкинлигини душман олдиндан фаҳмлаган, қўлга тушиб қолиш мумкин. Ягона йўл — жўнаш. Бироқ, қандай қилиб? Тҳя Хуннинг кўзи хиралашиб қолган, қимматли юкни ёш, тажрибасиз стажёрга ишониб беришдан ҳадиксиради.

— Қани кабинага чиқиб олай, ёрдамлашиб юбор,— деди Тҳя Хун.— Мен ҳайдайман, сен эса қаерда ўнқирчўнқир, тош бўлса, айтиб турасан. Унча яхши кўролмаяпман. Йўлни синчиклаб, диққат билан кузатиб бор. Тушундингми?

Стажёр кўз ёшини яшириб, бош ирғаб қўйди. Лекин устози унинг кўз ёшини ҳам, бош ирғаганини ҳам кўргани йўқ.

Тҳя Хун бу йўлларнинг ипидан-игнасигача биларди, у деярли ҳеч ерни кўрмай машинани ҳайдаб боряпти. ЗИС орқада илон изи қолдириб имиллаб борарди. Туман тушгани жуда боп бўлди-да. Бу уни душман назаридан сақлаб турарди.

IV

Шэнь Цзи-минь базага соғ-саломат яна қайтиб келди. Йўл-йўлакай у Тҳя Хунни кутиб тўхтаб-тўхтаб келди, бироқ, бу кутиш бефойда бўлиб чиқди.

Бирдан унинг кўзи узоқда ёнаётган юқ машинасига тушиб қолди. У ўз дўстининг бундай баҳтсизликка учрашини хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Барча янги машиналар бирин-сирин базага қайтиб келишмоқда. Аммо Тҳя Хундан дарак йўқ. Шэнь Цзи-минь қаттиқ ташвишлана бошлади. У ҳозиргина базага кириб келган бир шофернинг олдига борди-да:

— Сиз йўлда ЗИСни кўрмадингизми?— деб сўради.

— Ҳа, кўрдим! — деди у. — У машина ёниб кетди.
— Сиз буни ўз кўзилгиз билан кўрдишгизми?
— Афсуски, ҳа! Кузовда турган ёқилғили бочка ёниб кетибди. У йигит энг аввал бочкани оёғи билан итариб туширмоқчи бўлиб қўрди, бўлмагач елкаси билан унга энгашди. Машинанинг портлаб кетишидан чўчиб, унинг яқинига бора олмадим. Э, нимасини айтасан, у шофернинг куни бошимизга тушмасин-да, ишқилиб.

Шэнь Цзи-минъ Кореяга қайтиб келгандан буён қанчадан-қанча бундақсанги воқиаларнинг шоҳиди бўлди. Неча-неча кореялик ёшлар унинг кўзи олдида ногирон бўлиб қолишиди, ҳалок бўлишиди! Ватанинг ичкарисида, узоқларда турувчи ота-она, бола-чақа, опа-сингиллари, қадрдонлари билан кўришишдек баҳтиёр кунларни тушда кўраётгандирлар. Балки, мана шу тушга кирганларнинг баъзилари аллақачонлар ер юзидан йўқ бўлиб кетгандирлар.

Шэнь Цзи-минъ ўз тақдирини Корея халқлари тақдирни билан узвий боғлиқ ҳолда қўрди. Чунки, у агар душман Шимолий Кореяга кириш имкониятига эга бўлса, эртага Хитойга ҳужум қилиши муқаррарлигини яхши тушунарди.

— Тҳя Хунни қутқаришим керак, — деди Шэн Цзи-минъ ўз-ўзига, — қандай бўлмасин уни қутқаришим шарт. Олдинда кетишини менга ким қўйибди. Орқада борганимда дарров ёрдам берган бўлардим. Эҳ, аттанг.

Эрталабки туман худди порох тутунидек ёйилиб кетди. Шэнь Цзи-минъ йўлга чиқиб олгач, газни охирига қадар босиб, машинани жуда тез ҳайдаб кетди.

— Қаёққа кетяпмиз ўзи? Олдинда бир пана жой ҳам йўқ-ку, — деб безовта бўла бошлади ёрдамчиси.

— Тҳя Хунга кўмаклашгани кетяпмиз. Ким билади дейсан, унинг ҳоли жима кечдийкин...

— Тонг ҳам отиб қолди-ку. Йўл хатарли. Унга энди ёрдамлаша олмаслигимиз ҳам мумкин-у, ора йўлда ўзимиз қўлга тушиб қолмасак, деб қўрқаман.

— Энг юқори тезликка қўйсанг бир соатда бориб, қайтишга улгуармиз. Бу орада туман тарқаб кетмас деб ўйлайман.

Беш километрча масофани босиб ўтишгач, Шэнь Цзи-минъ узоқдан туман орасида зўрға келаётган

ЗИСнинг қорасини кўриб қолди. Тҳя Хун ёрдамчиси-
нинг кўзи ҳам ўзлари томон елиб келаётган ЗИСга
тушди.

— Ўртоқ Тҳя Хун, ҳув анави машина хитойлик дўсти-
мизники! Рост айтяпман, у — ўша! — деб бақиради се-
винчи ичига сиғмай.

Тҳя Хун моторни ўчириб, қулоқ сола бошлади.
Машина жуда тезлик билан уларпа яқинлашиб кел-
моқда. «Бу ўша Шэнъ Цзи-минъ, куппа-кундузи йўлга
чиқибди. Нега ғундай қилди экан? Қаёққа жетяпти? —
деб ўйларди Тҳя Хун.— Наҳотки, менга ёрдам бериш
учун шошилиб келаётган бўлса-я!»

Шэнъ Цзи-миннинг машинаси куч билан келиб тўх-
тади. Тез-тез ташлангаётган қадам товушлари эшитил-
ди ва Тҳя Хун ўтирган кабинанинг эшиги лант очилди.
Шу заҳоти унинг елкасига дўстининг гурзидай қўли
келиб тушди ва унинг:

— Кўринишдан ишинг чатоқ бўлганга ўхшайди,
Тҳя Хун. Лекин машина билан юкка зиён етказмасдан
олиб қолибсан, дўстим, демак, қаҳрамон деган номга
муносибсан. Мен бўлсам чидаб туролмасдан сенга
кўмаклашгани келдим. Мурдангнигина топсам керак,
деб ўйловдим, хайрият соғ-саломат экансан! Тўғри,
юзларинг куйганники бўлса керак, бир оз салқиб ту-
рибди, кўзларингга қон қуюлибди. Ҳечқиси йўқ, булар-
нинг давоси осон. Ҳўш, қани сурил-чи, машинани мен
ҳайдаб кетаман.

— Ўзингникичи?

— Уни ёрдамчим ҳайдайди.

Тҳя Хун қаттиқ ачишиб оғриётган кўзларини маҳ-
кам ушлаганча орқага суюнди. «Қандай яхши-я?» де-
ди у машина моторининг бир текисда гувиллашига
қулоқ соларкан.

У уйқу аралаш:

— Ўртоқ Шэнъ, сизга чексиз ташаккур,— деди.


— Миннатдорчилик билдиришнинг ҳожати йўқ,—
деб эътироz билдириди хитойлик.— Биз қадрдон оға-
ниилар эмасмизми? Бир-биримизга кўмаклашиш ша-
рафли бурчимиз эмасми, ахир? Бизнинг хитой байро-
ғимиз Корея қони билан ҳам бўялган эмасми?

Туман тарқалиб кетди. Қуёш нур соча бошлади.
Деҳқонлар ҳам далага чиқа бошладилар. Улар ҳайрат
ичида йўлга қараб-қараб қўярдилар. Олдинда кетаёт-

ган машинада хитой кўнгилларидан бири рулда-ю, ёнида Халқ армияси шофери ярадор ҳолда кетаётганини улардан бирортаси ҳам билишмайди. Қейингисида ҳам бири хитой, иккинчиси кореялик икки ёш стажёрлар машина ҳайдаб ўзларининг биринчи рейсларидан қайтиб келаётганларини ҳам билишмасди. Лекин мана шундай хатарли пайтда катта йўлда кетаётган кишиларнинг довюрак эканликларини деҳқонлар жуда яхши билишарди. Шунинг учун ҳам улар бу баҳодирларнинг ўз манзилларига бешикаст етиб олишларини истаб қолдилар.



Бен Хи Гин



ХЕ СУК ФОЛИБ ЧИҚДИ

1

ира-шира тонг ёриши биланоқ деңгиз томондан майин шабада эса бошлади. Уруш касофатидан ярим вайронага айланган заводнинг шарпаси тонг ёриша бошлиши билан аниқроқ қўзга ташланди.

Тонг ота бошлиши билан тарақа-турӯклар авжга минди, сваркачиларнинг кечки сменаси сўнгги ҳужумга ўтган эдилар. Улар устларидағи силлиқ резина фартукда узоқдан худди занг босган океан кемасининг тагига ёпишган қиоқичбақаларга ўхшаб кетишарди. Сварка аппаратларининг титнимсиз тақ-туқи, қулоқни ларзага келтирувчи овоз чиқариб, бўм-бўш цехни бошлга қўтарди ва бепоён туманли сув сатҳига сингиб кетарди.

Ногоҳ, тонг шафақи заррин нурларини соча бошлиди. Шафақ билан бирга қозон ясайдиган усталарнинг қўшифи янграрди:

Кўркам Шарқий деңгизда
Зангори сув мавж урар.
Сув ёқасида завод
Кўркам ва мағрур турар.

Болғаларнинг тақ-туқи билан тунукаларнинг тарақтуруқи қўшиқ куйига ҳамоҳанг бўлмоқда. Вақт-вақти

билан гумбурлаётган портлашлар ер юзини ларзага келтиради. Завод майдонини хароба қолдиқларидан тозалаш иши олиб бориляпти.

Хе Сук аппаратни ўчириб, моторини тўхтатиб, кўзиға соя тушириб турган шапка соявонини юқори кўтариб қўйди. Шафақ шуъласи тушиб турган чехраси очилди. Бошланган қўшиқни такрорлаб, ҳозиргина қўйган чокини болға уриб силлиқлай бошлади.

...Биз ишчи халқи
Доим авангард.
Қадамлар тетик,
Ватанпарвар, мард...

Ашулани гудок овози бўлиб юборди. Тош қирғоқ ёқалаб поезд елдек учиб бораради. У айланма қоялар орасидан ўтиб узоқларда кўздан ғойиб бўлди. Хе Сук поезд орқасидан узоқ тикилиб қолди...

Тез орада Юн Хо қайтиб келади. Шунда улар бирга турмуш қурадилар. Хе Сукнинг кўз ўнгига келажакдаги баҳтли ҳаёт мағзаралари пайдо бўла бошлайди. Аввалам бор улар эру хотин ишлаб чиқариш илфорлари сафида бўладилар; иккинчидан, улар ишдаги ютуқкамчиликлари, фикрлари, ички кечинмаларини ўзаро ҳамдардлашишади — хулласи, улар ягона мақсад билан яшайдилар; учинчидан, жечқурунлари рўпарама-рўпара ўтириб, роҳатланиб ҳордиқ чиқаришади, қандайдир китоблар ўқиш билан машғул бўлишади...

— Они¹

Пастда Хе Сукнинг шогирди — Дек Сун юқорига қараб турибди. Шамол унинг йўғон, қоп-қора сочига боғланган қизил лентани ҳилпиратяпти. Хе Сук уни юқорига имлади-да, чўйка тушиб унга қўлинни узатди ва зарб билан ўз ёнига тортиб олди:

— Ен Хиникига бордингми? — деди ҳатто қиз нафасини ростлаб олгунча ҳам сабр қилмай.

- Ҳа.
- Тоби йўқми?
- Соппа-соғ.
- Бўлмаса нега ишта чиқмабди?
- Билмадим.
- Сўраб кўрмабсан-да?

¹ Они — опа.

- Жавоб бергиси келмади.
- Бугун ишга чиқар, ахир?
- Чиқишига ақлым етмайди.
- Наҳотки, ўз дугонамиз ҳақида ёмон фикрда бўлсанг.

— Бориб кўрсангиз билардингиз-у, у эс-ҳушини йўқотган, иллариги асли йўқ.

— Нега бундай ҳолга тушдийкин?

— Нега эмиш?— Дек Сун хохолаб кулиб юборди.— Бундай ишларнинг сабаби битта...

Хе Сукнинг юзида ташвиш аломати пайдо бўлди. Пастдан серсоқол, қўнғир соч дегрезнинг ўйноқи овози эшитилди:

— Хе Сук! Қабул қилиб ол!

Кема корпуси устида қад кўтариб турган чиғириқнинг барабанлари гижирлаб айланяпти. Арқон билан боғланган бир тахта тунука тарақ-туруқ товуш чиқариб ердан кўтарилиди-да, ҳавода муаллақ бўлиб қолди. Хе Сук одатдан ва эпчиллик билан пайвандланган листларни бир-бирига ёнма-ён олиб келиб улади.

II

Хе Сук ишдан сўнг идорага кириб борганда сваркачилар бригадаси аллақачонлар йиғилиб бўлган, тинчмаган, жаҳлдор бригадир Сон одатдагидай яна цех бошлиғи билан нималар ҳақидадир қаттиқ тортишяпти.

— Мен сизни бир неча бор огоҳлантирган эдим,— дерди қизишиб Сон, овозини тобора кўтариб.— Шундай бўлишини билардим. Сиз бўлса, ўртоқ начальник, уларнинг мени қанчалик уятна қўйиб, юзимни шувит қилишлари билан ҳисоблашмайсиз. Энди бўлди, бу гапларимни назар-эътиборга олишингизни қатъий талаб қіламиз.

— Ўпкангизни босинг, нега мунча қизишасиз?— деб сўзини бўлди бошлиқ.

— Мен-а? Қизиляпман?!— деди Сон ажаблангандай кўзларини чақчайтириб.— Аксинча!— аламидан қизарип-бўзарип.— Доим хогин-қизлар ишлаб чиқаришни орқага суради, дердим. Уларга иш ўргатиб, одам қилгунча тинка-мадоринг қурийди. Бироқ, қеч маҳал миннатдор бўлишмайди. Ўлар бу ерда хизмат ўташлари билан гўё сенга ғалтифот ҳилаётгандек бўлишади,— у шу сўзларни деди-ю, мадад истагандек атрофдагиларга назар ташлади.

— Хўш, бригаданинг бошқа аъзолари бу фикрга нима дейишаркин? — деди бошлиқ.

Шунда тўсатдан мастернинг арзандаси, ёш сваркачи Цойнинг:

— Мумкинми? — деган овози эшитилди.

— Марҳамат.

— Биз жема корпуситни бир ойдан сўнг топширишимиз керак, тўғрими?

— Шубҳасиз.

— Ундай бўлса, мана шу муносабат билан менинг бир-икки таклифим бор.

Бошлиқ шошилмай қўлига қалам олди-да:

— Гапираверинг,— деди. Кейин у бежиримгина қилиб қўйилган грифелни¹ кўздан кечираркан, юзини бужмайтириб, сўзга чиққан одамга назар ташлади. Унинг кўз қарашларидан хотиржамлик ва ақллилик аломатлари сезилиб туради. Афсуски, Цой гап бошлиши биланоқ, қаламни яна қайтиб жойига қўйишга тўғри келди. Бошлиқ доим фойдали фикрларнигина ёзишга одатланиб қолган эди.

— Ен Хи ишимизни орқага суряпти,— деди Цой.— У ҳозир олтинчи разрядда, ҳар ҳолда бу кичкина иш эмас. Кейинчалик бирор кўнгилсиз воқиалар содир бўлмаслиги учун бригадамизга яна эркаклардан берилса-да, хотин-қизлар бошқа енгилроқ, жавобгарлиги камроқ ишга ўтказилса.

Ана шундан сўнггина Хе Сук бу қизғин тортитуввинг асоси нимада эканини тушунди. Бу гап унинг қалбыга найзадек санчилди ва у:

— Буadolatdan emas! — deb xitob қилди.

— Хўш, бизлар мажбуриятни бузсак, бу сенингчаadolatdanmi-a? Йўқ. Йўқ. Агар Ен Хининг ўрнида эркақ киши бўлганда ҳеч қачон бунга йўл қўймаган бўларди,— деди унга қарши Цой.

— Битта Ен Хи deb бригадамизнинг барча хотин-қизларини қоралашининг ҳожати йўқ.

— Э, сиз аёлларни тушуниб бўлардими. Бир зумда қанча-қанча хаёлларга борасизлар.

— Хе Сук балки Юн Хо қайтгач ўзинг ҳам уй бекаси бўлишни истаб қоларсан?

— Ҳеч қачон?

¹ Грифель — тошқалам.

Шу орада яна бир сваркачи аёл:

— Бу нарса фақат хотинларгагина боғлиқ бўлмай, эркакларга ҳам боғлиқ,— деб гап қотди-да, оғир хўрсиниб қўйди.

— Тўғри,— деб унинг фикрини қувватлади бригадир Сон.— Лекин қачон қараманг, ҳали унаштирилибди, ҳали эри армиядан қайтиби, ёки турмушга чиқаётган эмиш дейишдан бўлак гап әшиштмайсан. Ишқилиб ишдан кетиш учун баҳона излаб юришгани-юришган.

— Мабодо, биз аёллар ҳақида ўз хотинингизга қиёсан фикр юритганингиз йўқми?— деди Хе Сук ҳаяжонини босишига ҳаракат қилиб.— Бизнинг энг яхши кранчимиз Сан Энинг қандай қилиб завод ошхонасига ўтиб қолганига кўпдан бери ҳайрон бўлиб юрибман. Энди биз ҳам ундан ибрат олиб, сизнинг таъбирингиз билан айтганда енгилроқ ва жавобгарлиги йўқ ишларга жойлашиб олишимиз керак эканда-а?

— Мен, ахир, бу ишни хотинимнинг саломатлигини ўйлаб қилдим.

— Энди бошқаларнинг хотинлари ҳақида қайғуришга ўтибсиз-да!

Ишчилар хоҳолаб кулиб юбориши. Кимdir орадан:

— Қалайсан, Цой!— деб шивирлаб қўйди.

Цой ўзини йўқотиб қўйди ва тантанали равишда:

— Мен аёлларни улар аёл бўлгани учун койиётганим йўқ, энди аёл бўлгандан кейин нима ҳам қилиб бўларди дейсиз,— деди.

Бу гапдан барча йиғилганлар, ҳатто Цойнинг ҳомийси Сон ҳам ўзини тута олмай кулиб юборди.

Соннинг «доим, ҳали унаштирилган, ҳали турмушга чиқаётган эмиш, ҳали эри армиядан қайтиби, деган гапдан бошқасини әшиштмайсан» дегани анча вақтгача Хе Сукнинг қулоғидан нари кетмади. Йўқ, деб ўйлади Хе Сук, мен ҳеч қачон ишни ташламайман. Агар ўзим хоҳлаганимда ҳам Юн Хо бунга йўл қўярмиди?..

III

Ен Хи уйида йўқ экан. Эшикка катта қулф солинган. Бу қулфнинг бесўнақайлигидан, ҳар қандай ўғри ҳам уни очишга уриниб ўтиргандан кўра, эскириб кетган тахта эшик билан қўпориб олишни афзал кўрган бўларди.

Хе Сүк пешайвоннинг ғадир-будур зинасига ўрнашиб олиб, дугонасини кута бошлади. Бир соат чамаси вақт ўтди, бу ёшгина аёл зинапоя панжарасига суюниб бир-икки марта мизғиб ҳам олди, бироқ, Ен Хидан ҳамон дарак йўқ эди.

Кеч кира бошлади. Ҳали анча ёруғ бўлган осмонда яхдек юпқа ой мўралай бошлади. Хе Сук блокнотидан бир варақ қофоз йиртиб олди-да, катта-катта ҳарфлар билан равон қилиб хат ёзди:

«Ен Хи!

Бугун албатта меникига кел. Сен билан бир-икки оғиз таплашиб олишимиз керак. Кечикмасдан боришигни ўтиниб сўрайман. Бугун сени деб ижки смена ишладим, жуда чарчаганман. Ҳозир зўрга оёқда турибман. Бирга овқатланамиз.

Хе Сук».

«Албатта» сўзининг тагига бир эмас икки чизиқ чи-зib, хатни буқлади-да, эшикнинг тирқишидан ташлаб кетди.

Хе Сук уйга қайтгач, бир амаллаб овқат ҳозирлади: кўзларини ғудроқ босар, қўллари бедармон эди. Таомларни столга қўйиб, устини оқ дока билан ёпди, ўзи эса ўртоғи келгунча электр сваркаси ҳақидаги брошюрани варақлай бошлади. Хе Сук еттинчи разряд олиш учун май ойида бўладиган имтиҳонга тайёрланаётган эди.

Бўм-бўш кўча томондан оёқ товушлари эшитилган чоқда, аллақачонлар соат ўннинг бонги чалинган, ой ҳам дадил чараклаган юлдузлар орасига кириб олиб, ҳамма ёқни ёритарди.

Ҳамкасбини доим маҳсус иш кийимида қўриб ўрганиб қолгани учун ундаги ҳозирги ўзгариш Хе Сукни қаттиқ таажжубга солди. Ен Хи эгнига пушти ранг дегори¹ ҳамда қора ипакдан тикилган юбка кийиб олганди. Унинг соч мойи суриб силлиқ таралган сочи худди локлангандек ялтилларди. У ҳозир хурсанд ва мамнун эди, лекин шу билан бир қаторда унинг юзида қандайдир хижолат,

¹ Дегори — ялтироқ шоҳидан тикилган, енги кенг корейс кофточкаси.

саросималик аломатлари ҳам акс этиб турарди. У ўзининг ички кечинмаларини дугонаси сезиб қолишидан чўчиб, тик қарамасликка ҳаракат қиласади.

Дугонаси ўпкалаб жим ўтиради, буига тоқат қилолмай сунъий оҳангда гап бошлади:

— Ҳозир мен «Поезд шарққа йўл олди» деган Совет фильмини томоша қилдим. Нақадар гўзал-а! Актрисаси ҳам худди қўғирчоққа ўхшайди. Агар эркак киши бўлганимда, албатта, шу қизга ошиқ бўлардим. Аттанг, оти ёдимдан кўтарилибди. Сен бўлсанг кечқурунлари ўқиганинг ўқиган. Бу аҳволда ҳадемай соchlаринг оқариб кетади-ку!

— Лекин сен эртарисқ ёшара бошлабсан. Юзларингни қизартирибсан, қараса кишининг кўнгли озади, нафасни бўғадиган ҳид анқияпти. Нарироқ сурилиб ўтир, барака топкур... модапараст.

— Билинар-билинмас сурувдим-ку!..— бошини кўтариб дугонасига қаради Ен Хи. Унинг бу қарашида хижолатнингми, ўтинишнингми аломати бор эди.— Мени жўрттага қилган деб ўйлаяпсанми? Ҳақиқатан ҳам қўлларим титрайди. Аппаратни ушлай олмайман. Мана кўргин,— деб ҳаяжондан қалтираётган қўлини Хе Сукка узатди.

Бироқ, Хе Сук унинг бу ҳаракатини пайқамаганиликка олди.

— Хўш, нега сен уч кундан буён ишга чиқмаяпсан, шуни айт-чи?

Ен Хи тоқатсизлашиб, бўялган лабларини ҳадеганда тишлаб, индамай ўтиради. Кутимаганда қаддини ростлади, кўзлари чақнаб, ҳаёсизларча тарсиллатиб:

— Мен турмушга чиқмани!— деди.

У, бу гапдан кейин Хе Сук унинг бўйнига осилиб олиб ялиниади, ёдеб ўйлаган эди. Бироқ, у ўйлаганча бўлиб чиқмади.

— Ўша, қаллиғинг ишни ташла деб ақл ўргатдими?— деди совуққина қилиб Хе Сук.

— Ўзим.

— Хан Сун эсингдами?— деб сўраб қолди Хе Сук тўсатдан ва у дугонасининг хижолатдан қизариб-бўзараётганини роҳатланиб томоша қилди.

...Хан Сун ёш бўлса ҳам машҳур сваркачи, қолаверса бу қизларниңг устози ҳам эди, усталиги, турмуш тажрибасининг бойлилиги, сиёсий томондан чиниққанлиги, унинг Меҳнат партияси сафига жуда барвақт аъзо бўлиб кирганлиги — буларнинг ҳаммаси унинг ёшини улуғроқ қилиб юрсатарди. Ен Хи билан Хе Сук уни жуда яхши қўришар ва унга зўр эҳтиром билан қарашарди.

Бир куни навбатдаги ҳаво тревогаси вақтида Хан Сун цехни ташлаб кетишдаи бош тортид:

— Ҳали биз кундалик нормамизинг ярмини ҳам бајаргашимиз йўқ. Ертўлада яшириниб ўтиromoқчи эмасман. Бу билан биз фақат душманга мадад берган бўламиз, холос. Шу бугунниңг ўзидаёқ исча бор учиб келишяпти.

Лекин бу сафар тревога ножӯя берилмаган экан. Отбой бериллиб ишчилар цехга қайтиб келишган пайтда Хан Сун жон аччиғида ўзини гоҳ у-гоҳ бу томонга ураётган экан.

Шунда Ен Хи унинг ёнига чўккалаб жон бераётган дугонасишинг бошини кўтарди:

— Хан Сун эшитяпсанми? — деди аччиқ-аччиқ кўз ёшларини тўкаркан.— Мен улардан албатта қасос оламан. Бизнинг ҳозирги кунимиздан бадтар кунларга учрасин. Сенинг аппаратининг ҳеъ қачон, эшитяпсанми, ҳеч қачон қўлимдан чиқармайман. Мен партияга кираман, ўрнингни босаман, Хан Сун. Гапларимни эшитяпсанми? Хан Су-ун...

— Реостат¹ни сақлаб қолганимиз эсингдами? — деди Хе Сук ҳамон аламига чидолмай.

Кутилмаганда бомбардимончи самолётларнинг бир тўдаси учиб келган пайтда сваркачилар очиқ ҳавода шошилинч ҳарбий буюртма устида ишлашаётган эдилар. Ишчилар қўлларидағи асбоб-ускуналарни ҳам олиб ертўлага қараб чопишли. Шунда яккаю ягона реостатнинг майдончада қолиб кетгани Ен Хининг эсига тушди.

Деворлар қулаб, қизиб кетган тош парчалари осмони фалакка сачрар, аланга ланғиллаб кўтарилимоқда. Ана шундай бир пайтда бир группа ватанпарвар ишчилар реостатни асраб қолиш учун аланга ичидан ўтиб боришиди. Бу мардона ҳаракат ишчилардан икки кишини ҳалок қилди.

¹ Р е о с т а т — занжирга қўшимча қаршилик улаш йўли билан «лекстр токи кучи ва кучланишини ўзгартирадиган асбоб.

— Эсингдами, Ен Хи,— дерди Хе Сук,— ўша дамларда бутун қолган ҳар бир дона ғишт, мих, ҳар бир туп кўкат ва дараҳт биз учун ишадар қимматли эди. Ахир буларнинг бариси, ишонасанми, бариси бизники-ку! Заводларимиз ҳануз батамом тикланганий йўқ, ҳали биз уруш хавфидан ҳам қутулганимиз йўқ. Қуролни жуда эрта ташлаяпоан. Хан Сун ҳалок бўлган куни, ҳали ўзимиз тажрибасиз сваркачилар бўлишимизга қарамай, унинг ўрнини босган эдик. Ўша кундан буён ажралмас, қадрдан дўст бўлиб қолдик. Уруш бизни чиниқтириди. Қанча-қанча машиққатлар чекиб, разряддан-разрядга кўтарилиб келдик. Энди-чи? Сен фақат заводгагина эмас, балки ўзингга-ўзинг хиёнат қиласпсан, Ен Хи!

— Шундайку-я,— деди Ен Хи туриб-туриб ва бир оз асабийлашган ҳолда кофтасининг чиройли боғичини титкилар экан,— уруш йиллари қўлларим шу қадар дағаллашиб кетдик, эркакларга узатишга номус қиласан жиши. Наҳотки, сен ўзинг ширин ҳётни орзу қилимсанг-а? Ахир, оналар ва уй иши билан шуғулланадиган аёллар ҳам керақ-ку! Сен ҳаддан ошириб юбординг Хе Сук.

Урушдан илгари Хе Сукнинг ўзи ҳам турмушга чиқиб, совун пишириш заводида ишлаб турган жойида ишини ташлаб кетган эди. Ўша пайтда унга бу иш табиин бир ҳолдай тумолган эди. Тўғри-да, оиласда ҳамма нарса тўқис бўлса, қайси бир эсли хотин ишларди? Акс ҳолда унинг қариндош-уруғлари-ю, қўни-қўшнилари унинг баҳти бўлиб, тиниб-тиничиб кетганига, албатта, шубҳаланишади-да. Ундан ташқари, кишининг бирдан бир орзуси ҳам эр-хотиннинг аҳил бўлиши, турмуш таъминотининг етарли бўлиши эмасми? Лекин вазиятнинг ўзгариши турмуш хаёлларини ҳам ўзгартириб юборди. Хе Сук турмушга чиққач, кўп ўтмай уруш бошланиб қолди. Юн Хо кўнгиллилар армияси сафига кетди, шундан сўнг Хе Сук эрини жўнатган кунининг эртасига ёқ ўзидан-ўзи, унинг ўрнига заводга ишга борди. Албатта, бунинг ягона сабаби ватанга муҳаббати, унинг баҳтига чанг солган душманга нисбатан бўлган чексиз ғазаб ва нафроти деса ҳам бўлади. Лекин ібугина эмасди. У заводда ўзини фронтга, ўз эрига яқинроқ юргандек ҳис қиласарди.

— Турмушга чиққанимдан сўнг,— деб ҳикоя қила бошлади у Ен Хига,— ишни ташладим. Ўзимнинг қилган

ишимни тўғри топганимдан, ҳатто, қайтиб ишга чиқмас-лигим ҳақида бошлиқларимни огоҳлантириб қўйишни ҳам ортиқча деб ўйлаган эдим. Ўша пайтда менга ақл ўргатадиган бирор кимса ҳам топилмади. Ўшандан бери тўрт йил ўтди, ҳаммаси ўзгариб кетди. Қишилар ҳам, тушунча ҳам ўзгарди. Агар ўшанда, ҳозиргидек, севимли касб эгаси бўлганимда, албатта, ишдан кетмаган бўлардим. Менинг қиласидиган ишим — тайёр совунларга ёрлиқ ёпиштириш эди, холос. Шу ҳам иш бўптими? Ўлганимнинг кунидан ишлардим. Шунинг учун ҳам ишдан кетганимни ҳеч ким пайқамаган бўлса керак. Ҳали кўп нарсага ақлим етмасди, ҳатто, ватанга муҳаббат деган гапни ҳам билмасдим.

— Хўш, сенингча уй ишлари билан шуғулланган киши ватанпарвар бўлолмайдими?

— Билмадим, менимча ўз касбини, меҳнатни астойдил севмасдан, қадрламасдан туриб ватаннинг содиқ фарзандиман дейиш қандай бўларкин? Уй ишлари билан шуғулланган аёл фақат ўз уйим-ўз жойим дейди, шунинг учун жон куйдирди, биз бўлсак умумхалқ иши, қурилишига жон-дил билан хизмат қиласиз, бутун республикамиз тақдиди билан қизиқамиз. Мен бир маҳаллар ўта кетган нодон, қолоқ эдим, Ен Хи. Фақат мана шу меҳнат ва касбимгина мени рўёбга чиқарди, одам қилди.

— Ҳа, тўғри, сен ҳам ўз ўрнингда ҳақлисан,— деб жавоб берди Ен Хи,— бироқ, сен ҳозир худди рус аёлларидек фикр юритяпсан. Ахир, уларда ясли, болалар боғчаси, хуллас бутун имкониятлар мавжуд-ку! Фақат уларгина шу йўлни тутишлари мумкин, биз эса ҳали ундаи қила олмаймиз.

— Рус аёллари ўzlари учун бундай шароитни ўзлари яратиб олишган. Бизга бўлса, ҳозир улар ёрдам қўлларини чўзишяпти, уларга мадад берадиган киши йўқ эди. Уларга осон бўлган деб ўйлайсанми? Йўқ, Ен Хи, уларнинг аҳволи бизнидан юз чандон қийинроқ бўлган...

IV

Ен Хи хаёл дарёсига чўмиб уйига кетиб бормоқда. Хе Сук билан бўлиб ўтган суҳбатдан сўнг дили бир оз ғаш бўлиб қолди. Хе Сукнинг аччиқ ва ҳақиқий сўзларини ҳаёлини банд этган ва уни ишга қайтиб боришга мажбур қилаётгандек эди. Ен Хи бу гапларни ўйламасликка қан-

чалик урнишасин, барибир тинчлана олмасди. Агар ҳозир заводда қайта тиклаш ишлари авж олиб кетган бир пайтда ишдан кетиб қолгудек бўлса, у ҳолда, фақат Хе Суккина эмас, балки бутун ёру дўстларининг ундан юз ўгиришларини Ен Хи жуда яхши тушунарди. «Майли, нима бўлса бўлар, менга барибир?»— деб ўзини виждан азобидан халос қилгандаи бўлди у. Лекин аслида бу ўзини-ўзи алдашдан бўлақ ыарса эмасди, у дўстларининг муносабатига бепарво қарай олмасди. Турмуш Қуриш ҳақида ўйларкан, баҳтли ҳаёт лавҳаларини кўз ўнгидан бир-бир ўтказди: у әртадан кечгача рўзғор ишлари билан банд бўлади, эрининг ишдан қайтишини интизорлик билан зўр тайёргарликлар кўриб кутиб ўтиради. Мана, у ишдан келди, Ен Хи ундаги истакларни кўз қарашларидан уқиб олди-ю, барчасини диди ва одатига қараб ҳозирлади. Уруш даврида тортган жабру жағолари, машаққатлари үнга энди баҳтли ҳаёт эгаси бўлини ҳуқуқини бермайдими? Ҳаёт мешаққатларини тортган аёл учун олижапоб эри соясида яшаиш қандай яхши...

Бундан бир неча соат муқаддам бошқа севишган ёшлардек улар ҳам «Озодлик» боғига қараб йўл олгандилар. Ен Хи тез орада ҳаётида рўй бериши лозим бўлган ажойиб ўзгаришни кутиб, зўр ҳаяжонга тушган эди. Бу ҳаяжон ундаги журъатсизликни енгди ва у умрида биринчи дафъа ўз севганига қараб:

— Мен энди нима қилишим керак?— деган саволни бера олди.

— Нимани сўраяпсан?— деди қаллиғи оҳиста ва майнинлик билан. Улар енгилгина музлаган ёлғиз оёқ йўлдан қасир-қусур қадам ташлаб бормоқдалар. Нарироқда икки катта кедр¹ дарахти ой нур сочиб турган майсазорга қуюқ соя ташлаб турибди.

— Ишмени нима қилсам экан?
У ҳеч нима демади.

— Нега индамаяпсан?

— Бу ҳақда жейинроқ гаплашармиз,— у меҳрибонларча очиқ юз билан қизнинг елкасидан ушлади-да, ялингандай: «Хозирча қўя турайлик»,— деди.

— Ҳаммасини олдиндан билишни жуда, жуда истардим!

¹ Кедо — нина баогли дарахтларининг бир тури

— Биласами, нима,— деди у похушроқ,— ҳали хўжалигимизни обдан тиклаб олмасимииздан туриб ишдан кетиш қандай бўларкин.

Ен Хининг кўигли раникди, ундаги интилишлар ҳам бир зумда йўқолди. «У шахсиятпаст,— деб ўйлади Ен Хи,— унинг учун ёру биродарларнинг гаплари аҳамиятлироқ, менинг ҳам уй-рўзгор, ҳам иш билан иккى ўртада қийиалишимни хаёлига ҳам келтирмайди. Ундан ташқари, агар иккى киши ишласак, рўзғорни тебратишимиш ҳам, шубҳасиз, анча енгил бўлади. Ҳа, ҳа, у икир-чикирларни ҳам ҳисобга олиб юрадиган шахсиятпаст экан».

— Хўш, нега ҳафа бўляпсан,— деди у тўхтаб унинг чеҳрасига тикиларкан.— Кўрдингми, мен ҳам ўша аёлшииг фикрига қўшиляпман...

— Бўлди, бўлди,— деб юборди Ен Хи.— Ҳаммасини тушуниб турибман.

— Менга қара, Ен Хи,— деди у совуққина,— виждонинг нимани ҳавола қилса, шуни қиласер, гап шу.

Бундай совуқ муомалага одатланмаган Ен Хи ишдан кетиш ҳақида эртароқ гап очиб қўйиганлигига кўп афсусланди. «Нақадар ажойиб йигит-а!— деди у ўзича.— Шунчалик ҳам тоқатсиз бўламанми-а! Мен аҳмоқман, мутлақо унга муносиб эмасман!» У ҳозиргина икковларининг ораларида бўлиб ўтган биринчи арзимас айтишувни ҳам унугиб елкасига ёпишди. У мана энди, дугонаси билан бўлган сухбатдан кейингина, балки бу гаплар унинг дилида узоқ сақланиб қолажагини тушуниб етди.

Даккам-дуккам фонарларнинг хира нурида ҳавозалар орқасидаги тошдан солинаётган янги қурилишлар фира-шира кўринарди. Завод томондаги қирғоқдан салобатли болғаларнинг тақ-туқ овози эшитилар, булар маҷит жомининг жаранглashingа ўҳшаб кетарди.

Шаҳар жароҳат боғланган қонли латталарни олиб ташлагандек, ўз сиртидан ҳавозаларни олиб ташлаб, ҳаробалар ичидан улуғвор ва мағрур қиёфада қад кўтарди..

V

Газгольдер¹ни ишга топшириш муддати ҳам яқинлашмоқда. Хе Сук ишдан ҳориган, бироқ, мамину қайтарди: иш қизгин тус олган. Шу сабабли уй-рўзгор ишларига

¹ Газгольдер — газ омбори. (*Тарж*).

вақт жуда қам қоларди. Ниҳоят, бир неча соат бўш вақт топди-да, кўзини чирт юниб уйчасини ремонт қилиб олди. Деразалари билан эшигига сув ўтказмайдиган қофозлар ёпишириб бўлгач, дўйондан сотиб олган «Оғонёк»ни варақлай бошлади. Журналдаги расмларнинг бирида кенг жавдарипоя бўйлаб бир жуфт баҳтиёр ёшлар келмоқда, уфқда эса гигант трубаларидан тутун бурқсиб турган янги қад кўтарган улкан завод кўриниши тасвирланган эди. У, бу расмни олиб хонасининг кўзга ташланиб турадиган ерига қоқиб қўйди.

Энди, фақат, эрининг келишига атаб олиб қўйган идиш-товоқларини жой-жойинга, дидига мослаб жойлаштиришгина қолди. Хе Сук қўлидаги урушнинг зayıli билан бу узоқ даргоҳларга океан ортидан келиб қолган иккита вазани айлантириб томоша қиласарди. Вазаларни бозордан сотиб олган эди. Унга нима солинишини яхши билмаса ҳамки, уни еру кўкка ишонмасди. Бу вазаларга истаган нарсаларни солса ҳам бўлаверарди, улар жуда чиройли ва ажойиб ишланганди.

Ҳар бир ҳаракат, уринишлар Хе Сукнинг кўнглини юмшатарди, чунки, бу ердаги ҳар бир нарса узоқ интизорлик билан кутилган тинч ва осойишта ҳаётнинг бошланишидан далолат берарди.

Хе Сук эшик олдида туриб, ўзини эрининг ўрнида тасаввур қилди-ю, уй ичига танқидий назар ташлади. Уй ниҳоятда озода, ёруғ ва шинамгина қилиб безатилганди. Энди Юн Хо ўз рафиқасидан жуда миннатдор бўлади.

Юн Хонинг Хе Сук ёнфиндан сақлаб қолган ягона костюмидан куюнди ҳиди келиб турарди. Аёл бу ҳидни йўқотишга уринди: бир неча бор ҳавога олиб чиқиб шамоллатди, қоқди, сув сепиб дазмоллади ҳам. Уй ичини худди кирхоналардагидек совун ва пар ҳиди тутиб кетди. Хе Сук бундай машаққатли меҳнатдан ҳориди ва бир оз ҳордиқ чиқариш ниятида ёнбошлади.

Туш кўрса вокзалда юрган эмиш. Поезд пишиллаб, ундан чиқсан пар бутун платформани тутиб кетганмиш. Ҳатто поезддан тушган йўловчиларни, шулар қаторида Юн Хони ҳам кўриб бўлмасмиш. У ҳаяжон билан поезд томон интилар, қани энди одамлар йўл бўшата қолишиса. Ногоҳ у эрининг: «Хе Сук» деган овозини эшишиб қолади. Тўсатдан Юн Хонинг забардаст қомати унинг олдида намоён бўлади. У кулимсираб турарди. Хе Сукнинг

қувончи ичига сиғмади, лекин шу билан бир пайтда уни бир нарса қаттиқ ажаблантиради: Юн Хонинг юзи бегона, ўзгарган...

У, уйгониб кетади. Қаттиқ терлагаш экан, устидан кўрпасини очиб ташлаб: «Ие, хайрият тушим экан. Ажабо бу чеҳра кимники бўлди экан? Мен у башарани қаерда кўрган эканман?» деган хаёлга борди.

Шунда унинг қулогига тасодифан:

— Хе Сук! — деган таниш овоз эшишилди.

У эшикка қараб чопди, қуппа-қундузи бўлишига қарамай, узоқ вақтгача эшикини занжирини тополмай овора бўлди. Юраги қинидан чиқиб кетаёзди, оёқлари ҳам чалишиб, юришга мажоли қолмади. Маржондек кўз ёшлари юзларидан оқиб тушарди. Эри қовоғини солиб, қошини чимирди, бироқ, лаблари титраб, итоатсиз икки томчи ёш юзидан думалаб тушди. Хе Сукнинг ёшли кўзларида чуқур муҳаббат ўти чақнаб турарди. У эрига тикилар экан.

— Энди... кўйлакларинг ҳам тор келиб қолса керак... — дея олди холос.

Хе Сук деворда осиғлиқ турган соатга қараганда соат стрелкаси бешни кўрсатиб турарди. У заводга боришга кечикаётган эди.

— Энди мен борай, Юн Хо!

— Дарров бориб бриғадирга менинг келганимни билдири. Ўзинг тушунасан-ку, бундай ҳоллар доим бўлавермайди, — деди у шодлик билан хохолаб кулар экан.

— Юрнимга бошқа одам йўқ.

— Топишади, сваркачи ёлғиз сен эмассан-ку!

— Ётиб ухла, — деди мөҳрибонлик билан уни кўндиришга уриниб. — Тун тез ўтади, уйғонганингда мен уйда бўламан.

— Кетмай қўя қол.

— Йўқ, боришим зарур.

— Менга қара, Хе Сук, сенга айтмоқчи эмасдим-у, кўриб турибсан... Эртага кечқурун кетишим керак. Мени Чесус заводига мастерлик вазифасига тайинлашди. Шарт-шароитлари ёмон эмас, анча тузук бўлади. Яхши уй беришни ваъда қилишди.

— Нега энди? — деди хотини лабларидан қон қочиб.

— Ҳаммасини обдан ўйлаб кўрганман. Мен бориб икки-уч кунда сен боргунча ҳамма ишларни тахт қилиб

қўяман. Унгача сен ҳам бу ерда ишларингни топшириб бўшаб оласан.

— Заводни ташлаб кета олмайман-жу, ахир!

— Ўйлаб гапиряпсанми, бошқа-бошқа яшашимиз мумкин эмас-ку! Энди уруш ҳам тугади.

— Ўзимизнинг заводимизга юборишларини талаб қиласанг бўлмасмиди?

— Барибир турмушни бошқатдан бошлишимиз керак. Шундай бўлгач, қаерда бўлишимизнинг аҳамияти бўлмаса керак!

— Наҳотки, мени ўйламаган бўлсанг?!

— Ҳамма гап шунда-да. Бу ўринда кўпроқ сенинг ҳақингда ўйлашиб иш кўрдим. У ерда оладиган нафақам ҳам ўзимизга бемалол етади, унда сен ишламасанг ҳам бўлаверади. Менинг йўғимда бу ерда эзилганинг ҳам етар!

Хе Сук бригадирнинг: «Булардан ҳали унаштириб қўйилди, ҳали турмушга чиқяпман, ҳали эрим армиядан келдидан бўлак гапни эшитмайсан», деган гапини эслади.

— Йўқ, мен сен билан бора олмайман,—деди у дил.— Бу ерда қолишим зарур.

— Ажабо. Шу пайтгача хотинлар эрлари чизган чизиқдан четга чиқишимасди-ку!

Денгиз томондан кучли шамол эсади. Хе Сукнинг ишга биринчи бор кечикиб бориши. Йўл-йўлакай пахтлигига бурканиб, қоронги жин кўчадан чопганча олға қараб юрди.

VI

Эрталаб Юи Хю Хе Сукни ҳам кутмасданоқ шаҳардан бир чақирим чамаси узоқдаги Сехори қишлоғига полкда бирга хизмат ўташган ўртоғининг ота-онасими кўргани жўнади. Чолу кампир меҳмонни кўнгилдатидек кутиб олишди. Бундай яхши одамларнинг иззат-икромига бефарқ қараш, уни ташлаб кетиш жуда ноқулай эли. Юи Хю уйига қайтиш учун йўлга тушган чоқда қуёш тиккага келиб қолган эди.

Хотини билан бўлиб ўтган кечаги гап-сўздан сўнг унинг юрагини аламли бир ҳис тирнарди. Хотинининг Чесуга боришга кўнмаётганини ноз қилиш маъносида тушунди ва охири кўникиб қолади, деб умид қилди. Ўйдан чиқиб кетаётган пайтда, «Мени кутмасдан шароала-

рингни йиғиштиравер», деган мазмунда хат ёзиб қолдирған эди. Хатдаги ўтакеттән совуққониллик унинг хотинидан күнгли тұлмаганини айтиб турарди.

Үйга қайтиб келгач ҳам хотинин учратышга муваффақ бўлмади. Стол устида унинг учун тайёрлаб қўйилган овқат ёнида қуйидаги хат турарди:

«Мени шошилинч рәвишда хотин-қизлар Иттифоқи мажлисига чақиртириб қолишиди. Шу вақтгача сенинг истаганингга қаршилик кўрсатмаган эдим. Ҳозир ҳам итоатсизлик қилишим жуда қийин бўлади шекилли? Сени ранжитгум йўқ. Мажлисдан қайтишим билан барчасини муфассал гаплашиб олармиз.

Хе Сук“.

Юн Хо хотни олиб аввал тезгина кўз югуртириб чиқди, сўнгра диққат билан ўқиди. У қаттиқ хафа бўлди, бу хафалик бора-бора ёлғизлик түйғуси билан ўрин алмашди. Урушдан илгари Хе Сук уйдан чиққиси келмасди. Ҳатто ота-онасини кўргани ҳам камдан-кам борарди. Албатта, ҳар бир хотин-қиз ҳам ўз ҳуқуқини, мустақиллигини, эркини эркаклар билан баравар туриб ҳимоя қилишга ҳақлилигини; хотинининг жамият ва завод олдида қилган хизматларини тан олади. Уни фақат бир нарса қаттиқ эзарди. Наҳотки, энди Хе Сук бутушилай уники бўлмаса. Унинг ҳар бир сўзини муқаддас деб билган илгариги Хе Сук қанни? Шу фикрнинг ўзиёқ унинг тинчини бузганди.

Аёл кишининг оёқ товуши эшитилди. Юн Хо бир сес-канди-ю, аламига чидолмай, қофозни ғижимлаб бир бурчакка улоқтириди. У кутганидек Хе Сук эмас, балки Ен Хи кириб келди. Келгани ёқмади шекилли Юн Хо Ен Хига душман кўзи билан қаради.

Ен Хи суҳбатдошининг авзойи, нохуш муомаласига парво ҳам қилмай:

— Хуш келибсиз! Хе Сук қаерда? Хотин-қизлар Иттифоқи йиғилишига кетган бўлса керак-а? Чесуга кўчиб кетаётган эмишсизлар деб эшитдим, ростми? — деди.

— Ҳа.

— Хе Сук ҳам бирга кетяптими?

— Ҳа.

— Шуидай пайтда-я, газгольдерни топширамиз деб турганда-я?! Қўчиб кетишнинг нима зарурияти бор эди? Урушдан олдин бу ерда ҳам сизни кўп қадрлашарди,

бригадиримиз Сои эса ҳали-ҳали сизни ёддан чиқармай доим эслаб туради.

Эр-хотин ўртасида ўтган низодан хабардор бўлган Ен Хи қандай қилиб бўлмасин иккисини яраштириш пайида эди. Бир оз вақт янгилишиб, иш ташламоқчи бўлиб юргандан кейин, хотин-қизларни заводда ишлашга ундишган бўлиб қолди.

— Наҳотки, бу масала унинг учун қанчалик мұхимлигини тушумасангиз! — деб хитоб қилди у.

Бироқ, Ен Хининг Юн Хони кўндириш учун қилган ҳарақатлари бекор кетди. У, ўзича Ен Хини «бемаъни» га чиқарди.

«Бу ҳам бошқа эркаклар сингари шахсиятпаст экан», — деб кўнглидан ўтказди Ен Хи.

Улар бир-бирларига нисбатан чуқур адоват сезгиси таъсирида хайрлашиши.

Хе Сук эри билан ораларида сўз қочиб қолганидан қаттиқ изтироб чекарди. Турмушида бўладиган ўзгаришларни ўйлаб, қилган орзулари, «қалбларининг бирлиғи» ҳақидаги ширин хаёллари барбод бўлиб бормоқда. Унинг боши қотган, ора йўлда қолганди.

Эри ҳамон стулга суюнганича, жим ўтиради, овқатга қўл ҳам урилмабди.

— Нега овқатланмадинг? — деди у бўшашиб.

— Тўқман, — деб жаҳл билан столни суриб қўйди у. — Юборган одаминг ҳозиргина келиб кетди.

— Ким?

— Ен Хи.

— Уни мен юборганим йўқ.

Юн Хо ғазаб ичидан ишонқирамай илжайди.

— Қани, ўтири-чи.

Хе Сук итоаткорона эрининг рўпарасига келиб ўтириди.

— Нега айтганимни қилмадинг? — деди у кескин ва амирона. — Буюриб кетган ишимни нега бажармадинг? Қани, тез бўл, нарсаларингни йиғиштири, чақканроқ!

Хе Сук бошини қўйи согланича, индамай ўтираверди.

— Ҳей, эшитяпсанми, сенга нима дедим?

— Йўқ-йўқ, мен боролмайман, сендан ажralиб қолишини ҳам истамайман, — деди у бўлиб-бўлиб.

— Бунга ҳеч шубҳам йўқ.

— Ахир менинг шогирдларим, олган мажбуриятим бор, тушунасанми?

— Асосий вазифанг — эринг олдидағи бурчингни ўташдан иборат.

— Мен энди бора олмайман, ўртоқларим...

— Бунинг учун сени айлашармиди? Ахир эринг армиядан қайтиб келган бўлсал

— Ҳа, сенсиз яшай олмайман, лекин заводимни ҳам ташлаб кета олмайман. Қани айт-чи, мен нима қилишим керак?

— Ҳаҳ-ҳа, ҳали ҳам нима қилишингни билмаяпсанми? Жуда соз. Бўлмаса, мен ўзимнинг нима қилишимни биламан. Бир ўзим жўнайвераман!

Хе Сук ялингаисимон эрининг юзинга телмурди. Эрининг лаблари осилиб, қаттиқ изтиробда хона ичида у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Аёл унинг қўлларини ушлаб бағрига босмоқчи бўлган эди, Юн Хо қўлини тортиб олди, тескари ўгирилди.

— Ҳатто тушларимда ҳам сен билан бирга бўлардим Юн Хо. Қайтиб келганингдан сўнг мендан миннатдор бўлиб, бу хизматларимдан мамнун бўларсан, кўнглимни кўтарарсан, деб ўйлаган эдим. Ёрдамингга муҳтоҗман. Сен жуда ҳам ўзгариб кетибсан. Шунингдек, мен ҳам. Лекин менга нисбатан муносабатинг аввалгисича қолган. Нега шундай қиляпсан?

Эри бу гапларни зўр таажжуб ичида, ўзининг ноҳақлигини чуқурроқ тушунган ҳолда диққат билан эшитарди. У ўз айини қанчалик кўпроқ тушунса, унга иқорор бўлиши шунчалик қийинлаша борди.

Юн Хо, кўкрагига муштлаб:

— Менинг гапларимга тушуняпсанми? — деди.

У, энди ўзини тутишга ожизлик қила бошлади. Илгарилари хотини эрининг жўнглини топа олмаса, бошини эгиб гуноҳкордек таъзим қилиб турарди. Энди-чи, албатта йўқ. У ҳозир ўз қадрини билиб олган аёл бўла туриб ҳеч маҳал бунга рози бўлолмасди. Энди у сапчиб ўрнидан турди ва пахталигини елкасига ташлаб бир оғиз ҳам гапирмасдан чиқиб кетди. Унинг ранги мағрур ва синиқ. У ўзининг ниҳоят даражада гўзаллиги билан Юн Хони ҳайратлантиради. Ёмғир шаррос қуяётган бир пайтда Хе Сукнинг бригадаси кечки сменага ишга киргашди. Селнинг шовқини денгиз ҳайқириғи билан қўшилишиб кетар, тун қоп-қоронғи — зимиston.

— Онни! — деди Дек Сун дугонасининг елкасига яқинлашиб, — онни!

Хе Сук унга ўгирилиб қаради. Унинг юзидан кўз ёшими ёки ёмғир томчисими оқиб тушяпти.

— Сенга нима бўлди бугун, юни?— ёдеди қиз.— Тобинг йўқми?

Хе Сук йўқ дегандек бош чайқади ва титроқ лабларини тишлари орасига олди.

— Буни қара, юнни, брак-ку!

Хе Сукнинг ишлари ҳам ўнгидан келмай қолди. У ўзини қўлга олиш учун қанчалик уринмасин, барибир чоки қийшиқ чиқаверди. Электрорднинг ёрқин алангасида унга ёт башара, ҳа, эрининг бегоналашган юзи кўзига кўринарди. Хе Сук чиқиб, орқасидан эшик ёпилиши билан Юн Хо дарғазаб ҳолда йўлга ҳозирлана бошлади. У хотинидан ўч олиш йўлини иззаяпти. Бунинг учун қочиши, кетиши керак. Нихоят, унинг кўзи Хе Сук билар-билмас дазмоллаб қўйган костюмига тушди. Шунда Юн Хо бирдан ҳовуридан тушди, ҳатто, қитдай кўз ёши ҳам қилиб олди. У, ўзининг шу аҳволга тушиб қолгани учун ачинди. Кейин бу ачиниш ҳисси Хе Сукка нисбатан ҳам пайдо бўлди. У энди ўз қилмишларидан пушаймон бўлиб, унда хотинига нисбатан меҳр уйғонган эди. Поезднинг жўнаб кетишига яна икки соат бор. Янгидан пайдо бўлган кучли муҳаббат унга қанот боғлади ва Юн Хо завод томон гўё парвоз қилди.

Юн Хо завод территориясини беш қўлдай биларди, худди ўз қадрдан уйидек хамма нарса унга танини эли, лекин ҳозир у қаердан кириб, қаердан чиқишини ҳам билмай, довдираб қолди. Портлатилган эстакада¹лар, емирилган газгольдерларни, урушнинг касридан барбод бўлган қурилишларни кўраркан, унинг юраги унишиб кетди. Илгари ўзи ишлаган синтетик цехга стиб боргунча вайроналар орасида анча вақт тентирааб юришга тўғри келди. Осколкалар цех деворларини илма-тешик қилиб юборган, улардан бирининг бўғоти, ҳатто ағнай деб ҳам турибди. Зах ва қоронғи цех устида булутли осмон кўриниб турарди. Қопланган юпқа тунукалар қийшайиб осилиб кетган, занг босган қозонга ёмғир шариллаб қуйиляпти.

Юн Хо титраётгани бармоқлари билан сигарет олди-ю, уни тутатгани жамиқиб жетган гулпуртни чақиши учун

¹ Эстакада — кемалар келиб тўхташи учун қирғоқ ёнида курилган тахта кўприк.

кўп уринди. Нижоят, бир дона гугурт чўпи чирсиллаб ёнди. Шу топда:

— Хой менга қара! — деган шиддатли товуш қулогига чалиди.

Кимдир келиб Юн Хони қучоқлаб олди ва устози, мастер Цойнинг овози эшитилди:

— Уҳӯ, сенмидинг? Цехимиизга келарсан деб, ўйлаган эдим. Чесуга кетаётгани эмишсан деб эшиздим. Ҳе-ҳе, шу гапларга мени ишонди деб ўйлайсанми? Ие, нега энди ёмғирда турибмиз? — У Юн Хонинг қўлидан ушлаб қоровулхонага бошлаб кетди.

Бу ер анча иссиқ бўлиб, темир печка ланғиллаб ёниб турарди. Электр лампаси хонани хира ёритиб турибди. Ўзининг ўртасида болт ва шунга ўхшаш бир уом станок деталлари ётарди. Деворга бир текисда қилиб симга терилган турли гайкалар осиб қўйилган. Юн Хо уларнинг ярақлашига қараб бир пайтлар заводнинг доигдор мастери Цойнинг ҳозир нималар қилаётганини тушунди.

— Хўш, нега менга мунчалик тикилиб қолдинг? Қариб қолибманми? — кейинги бир неча йил ичиди Цойнинг юзини анча-мунча ажин босган эди. — Бу лаънати янкилар барвақтроқ қаритиб қўйди-да? Ҳечқиси йўқ. Уларга чап бердик. Еғлиққина луқма деб емоқчи бўлган эди, ҳалқумига тиқилди. Сен нега Чесуга жўнаяпсан?

— У ерга мени цех мастери қилиб юборишиди.

— Unday бўлса, бораөвер. Кўриб турибсан, бизнинг цехимиз ҳам қайта тиклангани йўқ. Мана менинг нима иш билан машғул эканимни ўзинг кўриб турибсан, гайкалар билан болтлар йиғяпман. Тез орада тиклашга киришамиз, шунда керак бўлиб қолар. Сен-чи, йўлингдан қолма, бора қол ўғлим, ҳар ҳолда тайёрига борганинг яхши...

Мўйсафид Цой ердан қандайдир бир гайкани олдида, қўлида айлантириб қўргач, уни ишқалаб оқартиришга уринди. Юн Хо унинг бақувват томирлари бўртиб турган қўлларига тикиларкан, бу қўллар билан оламни гулистон қилса бўлади, деб кўнглидан ўтказди. «Нега кетяпман энди,— деб ўлади у,— ахир, бу ерда ҳамма нарса ўзимликкү!..»

— Хўп бўлмаса, саломат бўлинг, отахон,— деди ўрнидан қўзғаларкан. Чол унга таънаомуз бир қараш қилди.— Тезда қайтаман. Хотиним ҳам шу ерда ишлай-

ди. Яхши обрўга эга, шундай оилани бузишга кимнинг ҳадди сиғарди?

Ёмғир ҳамон қуймоқда. Юн Хо плашчига дурустроқ ўраниб олди. Шу пайт унинг ёнидан бир бола чопиб ўтиб қолди, чамаси у шогирдлардан бири бўлса керак.

— Ҳей!— деб чақирди у болани.— Газгольдерга бориб Хе Сукни чақириб юбор.

Бола бир нимани уққандай «ҳм» деди-ю, ўқдек учиб кетди, «Демак, уни жуда яхши кўришар экан!»— деб ўйлади Юн Хо.

Хе Сук унинг қаршисида анча босиқ, бепарводек кўринарди, аммо овози унинг қалбидаги севинчдан дарак бериб қўйди:

— Шундай ёмғирда нега келдинг?

Юн Хо индамай устидаги плашчини ечиб, совуқдан дийдираб турган хотинининг елкасига ташлади.



Ю Хан Лим

ПРОФОРГ

I



андарсан тогининг чўққиси эриган музликнинг усти каби яланғоч ва юмалоқ эди. Қачонлардир қояли тизмалари ни кўкка кўтарган бу тоғлар асрлар мобайнида жуда катта оҳак ёмборига айланган. Гёё ёши ортиши билан ундаги қалин ўсимликлар ҳам йўқолиб, улар ўрнини сийрак, паст бўйли буталар эгаллаган.

Пастда, тоғ ён бағирларининг бир томонига цемент заводи, иккинчи томонига қадимий қўргонларнинг дарвозасини эслатувчи оппоқ оҳак печлари тулашиб кетган.

Пастликда булоқ ёнидаги омонат қурилган идора биноси деразасининг хира ойнасига қуёш нур сочди. Бир-бирига суриси бирлаштирилган столларда ухлаб ётган киши қимирлаб қўйди. У ижирғаниб, ҳомуза тортди да, столларнинг қаттиқ тахтаси устида иккинчи ёнбошига ағдарилиб ётди. Кейин бирдан сакраб полга тушди.

Эшик ланг очилди. Эшик олдида йигирма олти ёшлар чамалик, тўқ кўк жомақор шим, гулли чит кофточка жийган жувон турарди. Унинг қад-қоматидан қувноқлиги сезилиб турибди, унинг қарашидати табассум ўзига жавобан табассум уйғотарди.

— Эртандыңиз хайрли бўлсин, ўртоқ!

Ҳалиги қиши уйқулик кўзи билан хотинни бошдан-оёқ кўздан кечириб, сиполик билан жавоб қайтарди:

— Салом.

— Оҳак цехининг контораси шу ердами?

— Ха.

— Мастер ҳали келгани йўқми?

— Йўқ.

— Мен бўлсам шошиб юрибман-а. У келиб қоладими?

— Билмайман.

— Мен уни шу өрда кутаман. Майлимни?

— Узингиз биласиз.

Хотиннинг таъби хира бўлди: оҳак цехида яхши кутиб олинмади. У бинога синчилаб қаради.

Контора биносининг деворларини қуюқ қурум босган. Ким Ир Сен портрети устида, ҳалқни урушдан кейинги уч йиллик планни муддатидан илгари бажаришга чақирган, ранги ўчиб кетган шиор осиғелиқ турибди. Шипда труба чиқариш учун қилинган кавак очиқлигича қолган, кираверишда бир ёнбоши занглаб пачоқланиб кетган печкача турибди. Конторанинг кўринишидан бундаги кишилар ўз иш жойларини яхши тутмаганлар, уни таътибга солишга ҳаракат қилмаганлар.

Ҳалиги қиши ўзининг юпқа одеялини тахлааб, столларни жой-жойига суреб қўйди-да, хонани тозалашга киришди. Меҳмон бир оз четланиб, әшикнинг җесақисига суюнди. У кишининг юзи ялпоқ, кўз косалари чуқур, бепарво қарайдиган эди. Унинг ёшини ҳам аниқлаб бўлмас — ўзини яхши сақлаган чолга ўхшатса ҳам, ёки тез қариб қолган ёш йигитга ўхшатса ҳам бўларди.

Бу одам нима ҳаракат қилса, хотиннинг юзи ҳам шунга монанд ўзгаради. «Ҳа-а, ҳа-а, яна арт дегандек бўларди. Қани яна бир марта арт-чи. Йўғ-е! Сиёҳданда чанг қолди-ку!» Афтидан бу хотин ювощ ва дилкаш бўлиб, ҳалиги қишита жон деб ёрдам бергиси келарди-ю, аммо унинг тўнглигидан чўчирди.

Ниҳоят, у ёқ-бу ёқни бир амаллаб йиғиштирган бўлиб, бир стулни хотинга суреб қўйди. Хотин узоқдан келгани учун унинг бу жиндек илтифотидан фойдаланди.

— Кўйлагингизни булғадингиз,— деди иккиланиб, бояги узилиб қолган гапни давом этдириш учун.

- Хечқиси йўқ, ҳозир мастер келади.
 - Қейин сиз уйга кетасизми?
 - Эй, у келгандан кейин тоза ҳангама бўлади..
 - У баджаҳлми?
 - Бақироқ.
 - Бақироқ одамни ёмон кўраман, шунаقا одамни кўрсам жўлим ишга бормайди.
 - Ундай одамларни ким яхши кўрарди?
- Шундай қилиб улар бир оз гаплашишди, бир-бирларининг отларини билишди. Аёлнинг исми Цой Ен Хи, эркак — Ким Ен Сиг экан.
- Сиз бизга ишга келдингизми?— деб қизиқди Ким Ен Сиг.
 - Мени заводдан шу ерга ўтказиши.
 - Хали шундай денг!— деб бошини чайқаб, тилини чўкиллатди у. Бу билан унинг бу ерга келишини маъқулладими, ё тилини чўкиллатиш билан ачиндими, буни билиб бўлмасди.
 - Эштишимга қараганида, бу ерга бир ишчи келиб, бирни кетиб турармиш. Ишнинг уддасидан читқамяпсизлар чофи.
 - Бизда аввало тартиб ўрнатиш керак.
 - Бундан чиқдики ишларингиз чатоқ эканда?
 - Нималигини ўзингиз кўрасиз.
 - Мен қўрқмайман,— деб кулди Ен Хи тишларини ярқиратиб.
- Ким Ен Сиг яна унга жўз қирини ташлаб, тилини чўкиллатди. Унинг бу қараши «Буни қара-я! Кўрамиз!» дейётгандек эди.
- Ўртага жимлик чўжди. Ким Ен Сиг чуқур ўйга ботиб, қўрсатгич бармоғи билан даҳнанини қашлади. Кутилмаганда:
- Кечаси навбатчилик қилиш яхши,— деб қўйди.
 - Сиз тез-тез навбатчилик қилиб турасизми?
 - Ётоқхона зах ва тор, шунинг учун мана бу ерда столларни бирлаштириб ётиб турибман. Кундузлари ўй-қуни бир амаллаб енгаман, кечаси бўлса, у мени енгади. Қечирасиз, бизнинг навбатчилигимиз шунаقا.
 - Завод дирекциясида менга ётоқхона биносини қуриб битиришяпти дейишди.
 - Ётоқхона аллаҳачон қуриб битирилган-у... юммо сўзда.
 - Аттанг! Узоқда турман, яқинроқ кўчиб келар-

ман деб ўйлаган эдим. Бир қизчам ва кўзи ожиз онам бор. Ёнингда бўлишса, хотиржам бўласан, уйимиз яхши, завод касаба ташкилоти ҳаракат қилиб олиб берди.

Гудок овози янгради. Гудок гоҳ жуда іқаттиқ шиддатли таралар, гоҳо чақирифимга бирон киши жавоб бермаяптимикан дегандек жим бўларди.

Ен Хи ўриидан туриб сабрсизлик билан деразани ланг очди.

II

Гудок овози тиниб, ишчилар йигила бошлашди ва улар айни ишни бошлаб юбориш пайти эканлигига қарамай, тўп-тўп бўлиб, мастер келишини ва ҳаммага маълум буйруқ беришини кутиб имирсилашарди. Учта печкадан биттасининг ёнидагина одамлар инсоф билан ишлашарди. Бу ерда иш боши чаққон ва серғайрат бир мўйсафид эди.

Бу ерда хотин-қизлар кўп эди, уларга эллик ёшлардаги бир абжир аёл — Ки Дэг ая бошчилик қиларди. Унинг ёшига тўғри келмайдиган қўнфироқдек овози ҳамма ёқдан эшитиларди. Эркаклар булоқ ёнидаги панжасимон каштан дарахти тагида чўққайиб ўтиришарди. Улар сингара ва узун металл дастали трубка чекиб тутатишар, тишлари орасидан чирсиллатиб тупуришар ва бамайлихотир гаплашиб ўтиришарди. Булар орасида қорачадан келган узунчоқ юзли, ўрта яшар Дар Су кўзга алоҳида ташланиб турарди. Унинг эгнида оппоқ қордек кийими, устидан жужунча нимча қийиб олган. Иш пайтидаги бундай ясан-тусан нимча эгасининг «яхши замонлар»ни кўрганлигидан далолат берарди. Унинг шаҳарма-шаҳар санқиб юрувчи атторлигини ҳамма билмаса ҳам, Дар Сунинг кеккайиб, гердайиб туришидан бунга ишонса бўларди.

Ен Хи асабий бир ҳолда гоҳ у оёфини, гоҳ бу оёфини босиб турарди. Унинг қорача юзи қип-қизарди, кўзлари қисилиб, бенхтиёр эшикка интилди, у одамларни ўзининг амча бўشاшиб қолган полжини атакага бошлаган жангчи каби ишга чиқаришни истарди. Аммо у ишчилар номаълум хотиннинг олижаноб гапидан кўра Ки Дэг аянинг фисқи-фасод гапларига кўпроқ қулоқ солишларини пайқаб, ўзини ушлаб қолди.

— Мана, ўртоқ учётчик ҳам келдилар! — Хотиннинг орқасидан Қим Еннинг овози эшитилди.

Идорага ўттиз ёшлар чамасида, галифе шим кийган, чарм фуражкали киши кирди. Унинг соқол-мўйлови силлиқ олинганд бўлиб, чап юзида икки жойи қўкарған эди. Уни кечалари роса маза қилиб ухлайди деса бўлади! У стулнинг ўтирадиган жойига қаттиқ пуллади-да, галифесининг тахи бузилмаслиги учун секин ўтириб, оёқларини аста чўзди.

— Қандай янгиликлар бор, Қим? Қандай ухладинг? — деб сўради ишчидан.

— Ўртоқ начальник, қанақа янгилик ҳам бўлсин? — деб ҳурмат билан жавоб берди Қим Ен. — Ҳамма нарса айтганингиздек жойида.

— Сиз менга келдингизми? — Ҳисобчининг қалин лабидда хотинга нисбатан табассум пайдо бўлди-ю, шу он у ишчининг орқасидан ҳўмрайиб қаради.

— Бу одамларни қаранг-а, — деб чуқур хўрсинди ҳисобчи Қим Ен чиқиб кетиб, эшик ёпилгач. — Ўзингиз ўйлааб кўринг-а. Ишчилар начальник билан баъз-баравар муомала қилганингиздан кейин, қанақа интизом бўлсин? Қўл бошга итоат қилиши керак. Табиатнинг қонуни шу. Қўл бош устидан ҳукмрон бўлса тартибсизлик бўлаверади.

— Йўғ-e! — ажабланди Ен Хи. — Наҳотки сиз ишчилар маъмурият қўлида кўр-кўrona қурол деб ўйласангиз?

Ҳисобчи тортишиб ўтирмай:

— Сиз қандай иш билан келгансиз? — деб сўради.

Цой Ен Хи кўкрагига яшириб қўйган йўлланма — букланган ғадир-будур қофозни олиб, ҳисобчига узатди.

— Ҳа, ҳа, шундай, у чидамсизлик билан столни чертарди, қофозга қараб рангсиз сиёҳ билан ёзилган хатни ўқиб, хотинга ихтиёткорона назар ташлади.

— Цой Ен Химисиз? Заводнинг профорги-а? Эшигтанман. Бизни текширгани келдингизми?

— Йўқ, ёрдамга келдим.

— Жуда соз, кўринг, қараб чиқинг, ҳеч нарсани яширмаймиз.

Ен Хи жаҳли чиққанидан лоладек қизариб кетди. У ўзини оҳак цехидек иши энг оғир ва орқада қолган участкага юборилишини дирекцияга маъқуллатгунча

эси кетган эди. У бу цехнинг одамлари ҳақида ҳеч қандай хом хаёлга борган эмас, аммо, ҳар ҳолда анча яхши қабул қиласалар керак, деб умид қилган ва ҳар ҳолда унинг яхши ниятлари бу қадар беҳурмат қилинmas деб ўйлаган эди.

— Шундай деб ўйласангиз жуда катта хато қиласиз,— деб узиб олди Ен Хи.

Шу онда идора эшиги очилиб, ундан ўша биринчи пеъ олдида ишбоши бўлиб турган чол қаради. Кийим бошларигина эмас, сийрак мўйловига ҳам юҳак гарди ўтириб, оппоқ қилиб юборибди.

— Мастер ҳалигача йўқми?

— Э, сизмисиз Чан Сен?— бўшашиб гапирди ҳисобчи.— Йўқ ҳали. Бу ёққа киринг. Ўтиринг.

— Ўтиришга вақтим йўқ. Гудок чалганига ярим соат бўлди. Менинг одамларим ишга ўз вақтида киришишди. Бошқалар бўлса... Уни қаранг нима бўляпти. Оёқларини зўрға судраб босишяпти. Ялла қилиб юришибди.

— Сиз, Чан Сен, бошқаларни ҳам ишга ҳайданг. Сиздан ҳайиқишиади.

— Одам ҳўкиз эмас, уни ҳайдаса. Қамчиликлар бор, ҳамма бало шунда.— Чол қовоғини солиб ғожилона боқди, унинг бутун қиёфаси ҳар қандай одамнинг қадрига ета олиши, бошқаларгагина эмас, ҳатто ўзига ҳам бўш келмаслигини кўрсатарди.

— Бизда камчиликлар бўлмаган вақтларда-чи, унда қандай эди?

— Бу баҳона эмас.

— Сизни, Чан Сен, ҳамма билади,— дарров унинг сўзини бўлди ҳисобчи.— Сизга ҳамиша ҳеч нарса ёқмайди.

Чолнинг ғазабидан мўйловлари титраб кетди. У жаҳл билан қовоқ солиб ҳисобчининг сўзига жавоб ҳам бермади-да, эшикни ҳам ёпмасдан чиқиб кетди.

Ен Хи деразадан чолга қаради. У тирсакларини кериб жаҳл билан юриб борарди. Майдончадан сал нарида унга эгнида жомакор кийган баланд бўйли, кенг елкали ишчи учради. Улар бир-бирларига жуда яқин келиб, қўл силташиб, нима ҳақдадир баҳслашдилар. Ана, чол жаҳл билан тупурди-да, кескин бурилиб, пеъ томонга югуриб кетди. Новчаси уннинг орқасидан бир нарсалар деб бақирди, аммо мўйсафинд индамай қада-

мини тезлатди. Шундан жейин новча ҳам ерга туплаб, шошилинч идора томонга юрди. Улар гүё бир-бирлари-дан қочаётгандек эди.

Новча ваҳима билан тарақ-туруқ қилиб идорага кирди, стулга ўтириди-ю, шикоятланиб ингради:

— Кун йўқ, кун.

— Сизга ким халақит беряпти? — жонланиб сўради ҳисобчи, бир оз олдинга энгашиб.

— Чан Сен.

— Мен сизга кўпдан айтаман-ку, чол сизнинг ўрнингизга кўз тиккан.

— Йўғ-э! Бу гапинги қўй! — деди ҳурпайиб новча. Ҳисобчи хафа бўлиб жим қолди.

— Бу аёл сизни сўраб келган эди,— деди у ноҳушлик билан.

Бу киши мастер экан, у Ен Хига қорайган қалин лабли юзини ўгириди, бу юз Ен Хига айниқса ҳисобчининг адабини бергач, олижаноб бўлиб туюлди. Ен Хи столдан ўйлланмасини олди-да, мастерга узатди. У қоғознинг у ёқ-бу ёғига қаради-ю, уялиб кулди: мастернинг унчалик саводи йўқ эди.

— Заводдан келибдилар,— деб тушунтириди ҳисобчи тилар-тиламас.

— Нима учун?

— Мен қаёқдан билай. Эркак бўлганда ҳам гўргайди, хотинлар шундай ҳам тўлиб ётибди. Ўзингиз ҳал қилинг.

— Нимани ҳал қиласди? Биз ҳар бир киши учун хурсандмиз. Бу аёлни қаерга жойласак экан, қани ўйлаб кўрайликич.

— Вагонеткага одамлар керак. У ерда хизмат қиласди, ишчилардан бири ҳамиша бетоб, иккитаси бўлса, доим кечикиб келади. Материалларни ташиб улгуролмаяммиз.

Мастер йўқ дегандек бош чайқади.

— У ердаги иккита хотиннинг ўзи ҳам роса чарашди. Вагонеткани итариш хотинларнинг иши эмас. Мен анчадан бери у ердаги хотинлар ўрнига эркакларни алмаштироқчи бўлиб юрибман-у, сен бўлсанг тағин хотин кишини ўша ёққа юборамиз дейсан.

— Ундей бўлса, ўзингиз ҳал қилинг.

Ен Хи эркакларга диққат билан қаради. Уларнинг гапидан билса, мастер унга яхшилик, ҳисобчи ёмонлик

қилмоқчи. Ен Хи ҳисобчининг ичи қоралигига тушунолмади. «Бунга нимам ёқмади,— деб ўйлади аёл,— ахир, мен бу ерга очиқ күнгил билан келдим-ку. Мастерни бўлса, Ким Ен Сиг ҳам, Чан Сен ҳам ёмон кўришаркан. Мастер — хушфеъл одам бўлса... Нима деб тушунса бўлади?»

— Сиз заводнинг қайси бўлимида ишлагансиз?— деб сўради мастер Ен Хидан.

— Компрессорда.

— Мана кўрдингми,— деб жилмайди ҳисобчи,— компрессорда-я... Бу ерда машинагина эмас, кўмир ташибга қоп ҳам етишмайди. Компрессорда-я... Мана, қаранг, бир айланиб кўринг, нималар қилаётганимизни билиб оласиз. Танқид қилишдан осон иш йўқ, ўртоқ.

— Дюн Хо, нега бундай дейсан?— деди таъна қилиб мастер.

— Ахир мен танқид қилаётганим йўқ-ку,— деди ўтишиб Ен Хи.

— Ҳали кўрамиз.

— Хўш, Дюн Хо, бу аёлга тузукроқ иш топмадингми?— қовоқ солиб сўради мастер, унга бу гаплар ёқинкирамай.

— Йўқ.

— Бўлмаса, ўртоқ Цой Ен Хи, сиз вагонеткада ишлайсиз. Қарши эмасмисиз?

— Йўқ,— деди Ен Хи, гарчи бундай қарор унга кутимаган нарса бўлса ҳам. Саводли, мутахассис бир кишини энг қора ишга қўйишдан ҳисобчининг муддаоси нимайкин? Ахир йўлланмада «Бригадирликда фойдаланилсин» деб ёзиб қўйилган-ку. Ен Хи баҳлашмади. Унга, партия аъзосига қандай иш бўлмасин, ундан жирканиш ярашмайди.

Улар кенг, яхшилаб шиббаланган майдонча ёнидан ўтиб боришарди. Мастер олдинда-ю, Ен Хи орқада, мастер катта-катта одим ташлаб борар, хотин унга зўрға етиб оларди. Майдончада ишчилар оҳакка сув қуйишар, чуқурдан пар билан бирга майдо оҳак чанги тўзон бўлиб кўтаришарди. Ишчилар янги келган хотинга қизиқиб қарашарди. Ен Хининг ҳам улар билан гаплашгиси келди-ю, аммо мастердан орқада қолмаслик учун шошарди.

Оҳак ишлаб чиқарадиган жойда елкаси кенг пинжак кийган нимжон йигит динамит ўрнатишта —

чуқурча кавларди. Икки хотин — улардан бири Ки Дэг ая — оҳакни болға билан майдалаб, вагонеткага солишарди. Йигит Ен Хига айёрлик билан кўз қисиб «Салом» деди. Ки Дэг ая бўлса, мастерни кўриши билан ғамгин аҳволда лабини қисди. Унинг мастер билан, шунингдек бошқа кишилар билан ҳам адовати бор эди. Аммо мастер Ен Хини янги дугоналарига таништириб, уч шпал нари ўтиб кетиши биланоқ Ки Дэг аянинг юзи ёришиб, жилмайди, ҳаёсиз, харис кўзларини тикиб, Ен Хининг пинжига суқилди.

— Юр қизчам,— деди ая унга ёпишиб олиб,— мен сенга ҳамма нарсани кўрсатаман. Фақат анавиларга яқинлашма.— Қизлар билан ҳалиги йигитни кўрсатди у.

Ен Хи бу кампир дастлаб кўришганда кишига шундай ёқимтой бўлиб туришини, ички сирни билиб олиб, ундан ўз манфаати учун фойдаланишини билмас эди. Ен Хи кампир унинг кўзига ёмон кўринса ҳам, бундайлигни билмасди. Шу пайт уларнинг ёнларига ёшгина жувон келиб, Ен Хи билан Ки Дэг ая ўртасига тушиб олди-да, очиқчасига:

— Мен Чун Сир бўламан. Менга шерик бўласан. Ки Дэг аянинг вагонетка итаришга кучи етмайди. Болғасини ура берсин. Бундаги иш оғир бўлса ҳам кўнгилли. Ҳали кўрассан,—деган эди, Ен Хи чин қалбдан севинди.

— Ўзинг биласан,— деди қизишиб Ки Дэг ая.— Кейин ўзингдан кўр. Чун Сир машҳур гийбатчи, ярамас.

Улар жанжал билан овора-ю, ҳалиги йигит бўлса, унинг исми Сун Ир эди, аянинг орқасидан уни мазақ қилиб юзини буриштиради.

III

Иш чиндан ҳам оғир, аммо кўнгилли эди. Ен Хи билан Чун Сир вагонетка итаришарди, қиямаликдан пастга вагонетка ўзи ғилдираган пайтларда унинг устига иргиб чиқиб олишарди. Вагонетка, из бир-бири билан улашган ерларда тарақ-турӯқ қилиб жутариб ташларди, бундай пайтда хотинларнинг чеҳраларида болаларча қўрқув пайдо бўларди. Мана вагонетка физиллаб келган кучи билан юқорига кўтарилди, аёллар уни ўзлари итаришиб келгандай ғолибона майдончага жириб келдилар. Улар фахрланишса арзириди. Ахир қанчадан-қанча

кўмир ва оҳак тошларни ютиб, дунёда энг заарсанз модда одамларининг уйини оқлаш учун ишлатиладиган оҳак ишлаб чиқарадиган олов нафасли хумдонларни тўйдирувчилар шулар эмасми?

— Биз сен билан бирга кунига нормани юз эллик — икки юз процентдан бажаряпмиз,— деди Чун Сир,— бизнинг ғайратимиз билан цехнинг умумий ишлаб чиқариши ўндан бир процент ошган. Ўндан бир проценти-а! — деди у.— Бу томони қандай бўлади?

— Бизнинг ташаббусимизни бошқалар қўллашади.

— Биз-чи? Бизнинг кучимиз кўпаяди, деб ўйлайсанми? Икки юз процентдан ҳам кўп бажарамиз, деб ўйлайсанми?

— Албатта.

— Йўқ, бундан ортиқ бажара олмаймиз. Шундай ҳам бор кучимиз билан ишляяпмиз. Тезда силламиз қуриб қолади.

— Қўл кучи билангина эмас, мияни ҳам ишлатишга тўғри келади. Ихтирочилик имкониятлари ҳақида жиддий ўйлаш керак. Бундан ташқари бизда машиналар бўлади. Ўз машиналаримиз, ўзимизники етмаса Совет Йиттифоқидан ва ҳалқ демократик мамлакатларидан машиналар келади. Ажойиб машиналар келади, Чун Сир! Ҳозир заводга келган. Ўзим кўрдим. Бизнинг цехга бермасликлари мумкин эмас. Бугун-эрта беришади.

— Бизда ҳамиша шунаقا: «буғун-эрта» дейишгани-дейишган,— афсусланиб деди Чун Сир.

— Утган кун ҳисобига ишляяпмиз.

— Гап шунда-да.

— Машинада эпчил ва интизомли кишилар ишлashi керак. Бизнинг цехда эса на унақаси, на бунақаси бор. Олдиндан тайёрланиш, ишга ўргатиш керак.

— Ростини айтайми Ен Хи,— деди Чун Сир,— бошқаларни деб куйиб-пишавериш жонга тегди. Сен билан мен аравани тортайликда, бошқаларнинг аравага тушиб ўтириб олишгани майли-я, яна устига-устаг қичқиришгани ортиқча.

— Эй!— Ки Дэг аяннинг қичқиргани эшитилди.— Нега тўхтаб турибсанлар?

Чун Сир кўп жиҳатдан тўғри айтарди. Ен Хи бу ҳақда кўп ўйлади. У аввало бригадаларни қайта қуриш кераклиги, токи ҳар бир бригадага бошқаларни ўзига

төнгленишга чақирадиган бир нечтадан илгор ишчилар бўлиши кераклигига тушунарди. Ишни олиб борадиганина эмас, одамларга яхши раҳбарлик қиладиган бригада бошлиқлари ҳам керак эди.

Оҳак цехидаги бригадалар ўз-ўзидан тўпланган бўлиб, уларга ким бақироқ бўлса, ўша раҳбарлик қиларди. Масалан, иккинчи печда Дар Су, оҳак ишлашида эса, Ки Дэг ая ҳукмронлик қилиб, бу жойда у ўзини «тўла ҳуқуқли хўжайин» деб биларди. Ки Дэг аянинг ўзи Ен Хи билан Чун Сирнииг ғайратини кўриб, уларга «буйруқ бериш» билан қаноатланиб, ишламай қўйди.

Бир куни кечқурун ҳисобчи ишчиларни йифди: уларнинг энсалари қотпанини кўриб. Ен Хи бу ерда мажлис тез-тез ўтказиб турилажагини англади. Ишчилар контора ёнидаги очиқ жойга йигилишди. Куни бўйи чарчаганликларидан уюшган оёқларини ёзиш учун гоҳ унисини, гоҳ бунисини босиб турардилар. Баъзилари чўққайиб ўтиришди. Бошқалар ҳам уларга эргашди.

Мастер сўз олди. Унинг пешонаси терлаб кетди. У ифки қатор орден колоджалари тақилган, фижимлануб кетган жоржомасининг тугмасини асабий ечиб, қадарди.

Мастернинг сўзидан маълум бўлишича бу кварталда план бор-йўғи 35,1 процент адо этилган, яъни ўтган кварталдагидан атиги 5 процент кўп, бундай ёмон цех бутун мамлакатнинг ҳеч ерида бўлмаса керак. Илгари у ишчилигида ўзининг печкачилик касбини яхши билар ва севар, бошлиқлар уни ҳамиша мақташарди, урушда одамларнинг юзига тик қарашга одатланиб қолган эди, энди бўлса, кишиларнинг кўзига тушиб қолишдан безор бўлиб қолибди.

— Хўш, нега яхши ишламайсизлар? — деди шикоятомуз.— Ҳаракат қилинглар. Яхши ишласангизлар хаёт ҳам бутунлай бошқача... яхши бўлади.— Кейин бирдан бундай юмшоқ гапириш бошлиқ кишига тўғри келмайди деган фикр ёдига тушди-да, хўмрайди, пишқирди, бўйин томирларини бўртдириб бақирди:— Сизлар зараркунандачиларсиз! Ҳаммангиз ҳам тузумимизнинг зараркунандаларисиз. Саботажчилар!

«Ана холос, шунинг учун сенинг гапингга киришмас, сени ҳурмат қилишмас экан-да,— деб ҳайрон бўлди Ен

Хи.—Зааркунанда-я... Саботажчилар-а! Ким? Менни ёки Чун Сирми?» Ҳаммадан ҳам Ен Хини ишчиларнинг бу ҳақоратларга нисбатан индамаганилари ажаблантириди. Афтидан мастер уларининг иззати-нафсига қадақ қоққан. Улар бошларини елкалари орасига олиб, унинг сўзларини эшилдишлар. Улар гўё «Сен бошлиқсан, сенинг вазифанг бізни сўкиш, биз эса ишчилар, шунинг учун чидам билан гапингни эшитиш, ишдан чап бериб ўз айтганимизни қилиш. Сенинг нобоп лавозимингга хайриҳоҳлик кўрсатсак ҳам, бу алжираётган бўлмағур гапларингга тупурамиз» дейишарди.

Бир мунча тадбирли ишчилар мастер сўзлаётган пайтда орқасидан айланиб ўтиб, сездириласдан уйларига кетиб қолмоқчи ва уйдаги ҳар қайсици цехдаги барча ишдан муҳимроқ бўлиб туюлган кўпгина майдачуидаги ишларини қилмоқчи бўлдишлар. Аммо йиғилишдан чиқиб кетишолмади. Уларни кўз-қулоқ бўлиб турган ҳисобчи чақириб қолди ва улар тилар-тиламас жойларига ўтирдилар.

Ниҳоят мастер сўзини тугатди. Унинг ўзи ҳам сўзи тамом бўлганидан хурсанд эди. У кўтарилиш қийин бўлган тепага чиқиб олгандек оғир нафас олар, ишчиларга савол назари билан қараб қўяр эди.

«Бундай сўздан кейин ишчиларнинг тарқаб кетишига йўл қўймаслик керак,— деб ўйлади Ен Хи.— Уларни файратлантирадиган бир неча оғиз сўз айтиш, цехдаги аҳволни яхшилаб тушунтириш, келгусидаги тадбирларни белгилаб ўтиш керак. Кишиларнинг иззат-нафсини бунақанги оёқ ости қилиш ярамайди, ахир бундай қилиш ярамас ҳол-ку! Аксинча, уларда ўзига ишонч ҳиссини тарбиялаш, ўз қадрини билиш ҳиссини ошириш лозим. Ҳозир мен чиқиб сўзлайман. Буларнинг ҳаммасини айтаман. Мабодо сўзласам менинг гапларимни қувватлашармикин? Ўзимга ўрганиш бўлмаган шароитда гапира олармиканман. Албатта қувватлашади. Анави йигитча — Сун Ир имо-ишора қилиб гапларинг деяпти. Сўзлайман. Сўзлайман. Аммо, сўзлаётганимда оқ соқолли чолга қараб туришим керак бўлади. Унинг афтидан тўғри ёки нотўғри сўзлаётганимни биламан. У қаерда ўтирганикин?»— Ен Хи ўтирганлар орасидан Чан Сенни ахтара бошлади ва уни ёнгинасида кўриб, хурсанд бўлди. «Сўзлайми?»— дегандек қаради чолга ва «мени қувватлайсанми?»— дегандек бўлди унга тикилиб.

Аммо, Чан Сен буни сезмади. У қуюқ қошлари орасидан бошқа бир кимсага тикилиб турарди. Ен Хи ҳам у қараётган томонга тикилиб ҳисобчини кўрди, ҳисобчи ҳамманинг диққатини ўзига жалб қилиб турив гапирмоқчи эди.

— Бизнинг мастеримиз гапириб ўтганларига,— деб сўз бошлади ҳисобчи,— қўйидагиларни қўшимча қилмоқчиман. Бизнинг ёмон ишлаётганимиз рост. Сабаби шуки, биз бошлиқларни ҳурмат қилишга ва қулоқ қоқмай итоат қилишга ўрганмаганмиз. Агар бошлиқларни севсак ва ҳурмат қилсак, уларга итоат этсак, анча яхши ишлаган бўлар эдик. Мана, мисоллар келтираман. Бундан бир ой илгари Чун Сир конторага келиб, мастерга: «Бизнинг вагонеткада одамларни ишга тўғри жойлаштирилмаган ва бизнинг бригадир аямиз бозордаги савдогарнинг худди ўзгинаси», деди.

Мастер унга жавобан: «Янги одамларни қаердан оламан?» Нима ҳам дейсиз, хотин киши бўлгандан кейин гапираверар эканда. Унга шундай десак, у хафа бўлди. Учқун ишга чиқмади. Бу ойда Чун Сир ўз планини юз эллик процентдан ошириб бажарди. Бу нимани кўрсатади? Агар бир киши ишлашни истаса бошқалар унга халақит бермайди. Демак ичларингизда баъзилар ўйландек қамчиликлар учун бошлиқлар айбдор эмас,— ҳисобчи шу жойда анча узоқ жим туриб, сўнг сўзда давом этди:— жамиятимизнинг ҳаққоний қонуни ҳаммангизга маълум: ким ишламас экан, у тишламайди. Биз ўртоқлар, ишламаймиз-ку, еймиз. Эҳтимол, келаси ойнинг озиқ-овқат карточкасини юдатдагидек бу ойнинг охирида эмас, келаси ойнинг охирида—планни бажариб бўлгандан кейин оларсизлар. Мендан хафа бўлмасликларингизни илтимос қиласман. Бу қонунни мен ўйлааб чиқарганим йўқ.

Ишчилар ҳаяжонга тушиб қолишли. Энди улар уйларига тарқашни хаёлларига ҳам келтирмасдилар. Энди уларнинг ҳаммаси ҳимоя истагандек, оқ соқолли чолга ўгирилиб қарашди. Чан Сен минбарга томон йўл олган эди. У ҳисобчига қараб қатъний оҳангда буюрди:

— Қани-чи! Бу ёққа туш!

Чол ишчилар билан шошмасдан, ҳар бир сўзни аввал ўйлаб, ҳар гал энг оддий сўзларни териб гапираварди. У ваъз қилмас, балки, суҳбатлашарди.

— Ўртоқлар,— деди у,— озиқ-овқат карточкаларингизни вақтида оласизлар, менга ишона беринглар. Бизнинг мамлакатимизда ишчиларнинг озиқ-овқат карточкалари кечиктириб берилсии деган қонун йўқ. Ҳисобчи ўртоқ бизга гуручни ўз омборидан олиб бермайди. Шунинг учун хотирларигиз жам бўлаверсин. Бизни ўзимизнинг демократик ҳукуматимиз боқяпти. Ўзимизнинг жонажон ҳукуматимиз мулкидан ва дехқонларимиз меҳнатидан ҳеч тап тортмасдан фойдаланяпмиз десак, бу бошقا гап. Ахир биз сизлар билан уларнинг қарамоғидамида. Нотўғрими? Ҳисобчи ким ишламаса, у тишламайди ҳам деди. Биз сизлар билан ёмон ишлаган эканмиз, озроқ еймиз. Бошқа цехлардагиларнинг оладиган иш ҳақларига бир қизиқиб кўрингчи, улар биздан тўйиброқ ейишади. Биз бирорни айбламаймиз, ўзимиз айблимиз. Энди мастеримизга бир неча савол беришга рухсат этсангизлар. Ўртоқ мастер, иккаламизнинг келиша олмаслигимизни ишчилардан нега яширамиз? Нима учун келиша олмаймиз? Сизнинг ишинги менга ёқмайди, сиз билан ишлаш қийин. Сизга қараб турсам, оёқдан ҳоријапсиз, мен оизни ёмон одам демайман, ақлли кишисиз. Ҳамма бало шундаки, сиз ҳамма вақт одамларга раҳбарлик қила олмаслигинизни бирор билиб қолади деб, кўрқиб юрасиз. Сиз ёрдам сўраб биз ишчиларга мурожаат қилганингизда эди, ишда маслаҳат берардик. Сўраш у ёқда турсин, бирор сўроқсиз оғзини очса ҳам қўрқасиз. Сиз бизни зараркунанда деб ҳақоратладингиз. Ахир сиз бизнинг ҳақимизда шундай фикрда эмассиз-ку. Нега ҳақорат қилдингиз? Биринчидан: ўз ожизлигинизни бақириш билан бекитишга, иккинчидан ишчиларнинг овозини эшитмаслик учун оғзига уришга шундай қилдингиз. Эски замонлар ўтиб кетган, энди, ишчиларни дўқ уриш билан ишлашга мажбур қилиб бўлмайди. Ақлли гап ва иш билан обрў олишингиз мумкин. Айтинг-чи, ўртоқ мастер, қачон бизнинг фикримизга қулоқ солдингиз? Менинг таклифим шу: биринчидан, яқин кунда ишчиларнинг умумий йиғилишини чақириш; иккинчидан, бригадалар ўртасида социалистик мусобақани йўлга қўйиш.

— Ҳали барвақт,— деб луқма ташлади ҳисобчи.

— Йўқ, айни вақти,— деб унинг сўзини бўлди мастер қизариб. У кўзини ерга тикиди, чунки бирдан гапи-

риб юборгани учун ҳамма унга қараган эди, кейин қовқ солди.

— Тўғри, айни вақти,— деди мўйсафид.— Бизларга ҳамиша яхши гап таъсир қиласкермайди, аммо биз жиззакироқ ва обрўталабмиз. Мусобақада ҳеч ким орқала қолишни истамайди. Менинг гапларим шу. Асосий масала ҳақида умумий йиғилишда яна гаплашамиз.

— Йиғилиш, албатта, яхши нарса,— деди ўз одатича ҳамманинг номидан жавоб бериб ҳисобчи,— айниқса танқид ва ўз-ўзини танқид остида ўтган йиғилиш жуда яхши. Шунда ишчилар орасида ким норозилик туғдирishi, уларнинг аҳил ишлашига ким халақит бериши аниқ бўла қолади. Энди навбатдаги масалага ўтамиз. Тезда қоронғи тушиб қолади, одамлар чарчашди, овқатланишади, шунинг учун узоқ тутиб турмаймиз. Ўртоқ Цой Ен Хининг бу ёққа келишини сўрайман.

«Нима учун унга керак бўлиб қолибман?» деб тушунолмади Ен Хи, у олдинга чиқиб йиғилиш қатнашчиларига қаради.

— Ўртоқлар!— деди таитанали вазиятда ҳисобчи, Ен Хи унинг ёнига келгандан сўнг.— Биз ўртоқ Ен Хини қисқа вақт ичидан намунали ишчи сифатида танидик. Заводдагилар менга профорг бўлсин деб таклиф қилишди, бу таклиф менга ҳам маъқул тушди. У ҳақиқатан ҳам бу вазифага лойиқ аёл.

— Сайлаш бунақа бўлмайди,— эътиroz билдириди Ен Хи.

— Қандай юрилса барибир эмасми? Ишқилиб кўзлаган жойга тезроқ борилса бўлгани-да.— Секин кулди ҳисобчи Ен Хига эгилиб, шунинг учун унинг нима деганини ҳеч ким эшитмади.— Қани, ким сайлаймиз деса, қўл кўтарсан.

Ўтирганлар дарҳол қўл кўтаришди.

Шундай қилиб Ен Хининг эътиroz билдиришига қарамай, уни профорг қилиб сайлашди. Ен Хи ўз номзодлигининг яқдишлик билан ўтиши уни профоргликка муносиб деб билганларидан эмас, балки ишқилиб хўжа кўрсинга бир одам профорг бўлиши кераклиги учун қўл кўтарганларини биларди. Ҳозиргача цехда бир неча профорг алмашинди, сўнггиси ҳатто хайрлашмасдан ҳам қаёққадир кетиб қолди, ишчилар янги профоргдан ҳам ҳеч њарса кутишмасди.

Ен Хи шошиб борарди: уйигача яна бир соатдан ортиқроқ юриши керак эди. Уйдагилар унинг ишдан кеч қайтиши, чарчаб келиб кўп гапирмаслигига ўрганишиб қолишган. Улар бугун ҳам Ен Хини барвақт ва бунақанги вақтихуш келади деб ўйламаган эдилар. Ен Хи йўл-йўлакай қиззасининг ҳаяжонли чуғурлашини, онасининг меҳрибон чеҳрасини ўйлаб келарди. Онаси билан қиззаси бир-бирларидан ажралишмасди, уларнинг ўзлари бир дунё-ю, бу дунё марказида уларни боқаёттан Ен Хи турарди. Икковларининг нифоқига Ен Хи сабаб бўлар, икковлари ҳам уни бир-бирларидан қизғонишарди.

Ҳаво момақалдироқ олдидан бўладигандай дим эди. Булутлар тез ҳаракат қиласиди. Булутларнинг қанотли соялари атрофдаги водийларга, тепаларга ва қирғоғи эгри-бугри дарёларга тушарди. Қуёш нариги тепанинг орқасига ботарди, аммо тепа устида шафақ қизиллиги анчагача туриб қоларди.

Ен Хи ҳамон қадамини тезлатар, аммо уйига яқинлашган сари цех ҳақидаги фикри тез-тез эсига тушарди. Яқинда завод партия комитетининг раиси билан бўлган сұхбат ёдига тушди.

— Биздан кетганингга хафа эмасмисан? — деб сўради раис кўзини пирпиратиб.

— Йўқ.

— Наҳотки? Эсингдами, мен сенга заводдан кетма, ўйла,— дегандим.

— Ахир мен шикоят қилаётганим йўқ-ку.

— «Шикоят қилаётганим йўқ-ку!» Ойнага қара. Афтингнинг ўзиёқ айтиб турибди. Озиб кетибсан.

— Иш кўп. Бунинг устига профорг қилиб сайлашди.

— Үндай бўлса дуруст, аммо тўғрисини айт, қийналяпсанми?

— Нима десам экан, ҳа қийин,— деди кўзини ерга тикиб тилар-тиламас Ен Хи.

— Мана энди сен билан очиқ гаплашамиз. Менинг ёрдамим керакми?

— Ўзим ҳаракат қиласман. Агар эплай олмасам, у ҳолда ёрдам сўрайман.

— Жуда яхши, ҳаракат қил, мени унутма. Мен ҳамиша биринчи ёрдамчингман.

Унга бирон кимса ёрдам бера олармиди? Ахир маса-

ла фақат ишлаб чиқаришдаги камчиликлардан иборат эмас эди. Оҳак цехида ишчиларнинг ўзлари туғдирган қийинчиликлар бу камчиликларни яшириб ётари, буни ҳам Ен Хи англаб етмаган эди. У ўзининг шикоятига роанснинг нима деб жавоб беришини олдиндан биларди: «Сен кўпроқ одамларга қара, шуларга суюн» дерди у. Ен Хи хаёлидан унга жавоб берарди: «Ахир мен қарамаяпманми? Бутун коллектив олдида кетма-кет мағлубијатларга чидаб келяпман-ку. Бор кучим билан тиришиб-тирмасиб ишляпман. Демак, кишиларни бир-биридан ажратишни яхши ўрганмапман-да, демак, турмушдаги тажрибам кам, бу тажрибани ҳар ким танҳо ўзи ортдиради...»

Ен Хи ҳозиргача одамларни маълум категорияларга бўларди. Унга ҳамма қилмишларидан кейин беш бармоғидек аниқ бўйлган одамни қайси категорияга қўшиш қийин туюларди. У ҳамма одамларни дўстлар, душманлар ва бетарафларга бўларди. Бетарафлар икки группани ташкил этардилар — онгиз бетарафларни дўстларга қўшиб ҳисоблар, аммо онгида ҳали ўтмиш сарқитлари бўлган, сиёсий онглари ҳали тўла етилмаган бетарафларни душманинг резервига қўшиб ҳисобларди. Энди унинг мияси қотиб қолди. Оҳак цехида юқорида санаб ўтилган группаларнинг биронтасига ҳам тўғри келмайдиган одамлар бор эди.

Унинг кўз олдига Ким Ен Сиг келди. Бу одамнинг қовоғи солиқ, дангаса, камҳафсала бўлиб, ҳеч нарсага аралашмасди. Ким у? Онгиз элементми? Шу пайт Ен Хи унинг уруш вақтида бузилган йўлни қайта қуришда қилган ишини ҳаяжон билан гапирганда кўзлари чақнаб кетганини ёдига олди. «Яхши иш,— деган эди у.— Бузилган йўлга тош терасан, ходачалар терасан, ғалаба йўли деб ўйлайсан». Онгиз одам бундай демайдику. Дар Су-чи? Унга қараб турсанг душман, саботажчилик кўринади. Уруш пайтида эса, эски саватини кўтариб юриб, эски-туски йигаман деб, қишлоқларга ва балиқчиларнинг посёлкаларига бизнинг варақамизни тарқатиб юрди. Ки Дэг аянинг ҳам на ҳақиқат, на самимиятини билиб бўлади. Унга ишонч билдириб, самимий бўлсант, елкангга миниб олади, ҳамманинг ўртасига ниғоқ солади. Эҳтимол, у кўпроқ Ли Син Ман тарафдоридир? Аммо, Ки Дэг аянинг ўғли партия аъзоси эди, фронтда мардона ҳалок бўлган...

Ен Хи энг мураккаб нарса инсоннинг юраги эканлигини биларди. Партия унга ҳамиша ҳар бир кишига алоҳида муносабатда бўлишти ўргатарди, аммо бу таълимот унинг онгига эйди тўла ўрнашди. «Ҳар бир кишига хушёрилик билан ўзига хос муносабатда бўлиш керак», дейиш осон. Аммо одамларнинг кўнглидагини шайқиб, унинг жима истаётганини билиб кўр-чи. Мисолга Дюн Хони олиб кўрайлик. Цехга Ен Хи каби ишчи келгани учун у хурсанд бўлиши керак эди, ахир цехнинг ёмон иши учун мастерга ҳам, унинг ўзига ҳам ҳамиша гап тегади, йўқ, у хурсанд бўлмайди, балки зиддан Ен Хига халақит беради. Нега? Ен Хининг бу саволига ким жавоб беради?.. Уришқоқ доғули Ки Дэг ая билан Дар Су қирпичноқ. Ен Хи ишлаб чиқариш унумини ошириш ёки меҳнат интизомини яхшилаш ҳақида оғиз очса борми, унинг сўзи, буларга наштардек санчилади. Мантиқ қани? Кўпчилик ишчилар илгаригича уларни аллақандай касал қўрқитгандай ҳамма нарсага бефарқ қарайдилар. Уларнинг юрагига қўй солиб кўр-чи? Ҳатто ана шу қирқ ёшли ишчи Ким Ен Сиг ҳам (унинг Ен Хига содиклиги-ку аниф-а) юрагини сира ючмайди, у ҳам ўзининг норозилиги ва алам-ситамини яширади, гўё азоб унинг учун бир хазинадек. Ҳисобчи: «Қаранглар, кўринглар, ҳеч нарсани яширмаймиз» деб бекорга айтмаган. Эҳтимол, яширас?

Ен Хи ҳозиргача ўзининг ёшлик гайратига, меҳнат-севарлиги, фаҳм-фаросатига шубҳа билан қарарди. У нима иш қиласа партияга суюнار, унинг улуғ планлари ва фоялари билан яшарди. Ен Хининг ҳаётий ҳақиқати анашу бўлиб, бунга ҳеч ким қарши туролмас эди. Аммо, ҳозир бу етарли бўлмай қолди. Ен Хи борган сари ўзига илғор қиши ва агитатор сифатида қандайдир мұхим сифатлар етишмаслигини кўпроқ англай бошлади, аммо бу қандай съфатлигини билмасди.

Қишлоқда, пастда бирданига чироқлар (кўринишдан ток эндигина бирлашган эди) милтнилай бошлади. Ёз пайтида, августдаги жала қўйиш вақти келганда қишлоқча ўпирилиш ва тошқиндан доимо хатарда бўлар, аммо уч томондан тоғ поғоналари билан яхши ҳимоя қилинганидан ҳаводан тушган ёғинга бардош бера оларди. Барвақт қоронғи тушиб, барвақт куз келадиган бу зах пастқамликка одамларни уруш ҳайдаб келган эди.

Яраш битими тузилгандан кейинги биринчи жеч Ен Хининг хотирида мустаҳкам ўриашиб қолган. Ертўла ва пахса уйларнинг эшиклари ланг очилиб, лампочкалар ташқарига илнинган эди. Катталар ва ёшлилар гулхан ёқишган, ўтдан чала ёнаётганини олиб, пуфлаб машъал каби алангалатишар эди. Ёруғлик! Ёруғлик... тинчлик-ка маънидош эмасми?.

... Ен Хи уйига кирганда кун бўйи чопқиллаб юрган қизчаси бошини кўр бувисининг пинжига тиқиб ухлаб қолган эди. Тезда овқатланди, цехдаги яигиликлар ҳақида опасига гапириб берди, кампир цехда бўлиб турган ишлардан воқиф эди, кейин Ен Хи сиёсий китобчани ўқишга тутинди. Бу китоб босқинчилар томонидан азобланган эридан мерос бўлиб қолган эди. Китобнинг бир чеккаси бомба ташланган пайтда куйиб қолган, шунинг учун ҳам ҳар бир варақ охирида бир неча сўз тушиб қолган эди.

V

Мастер ва ҳисобчи билан Ен Хи ўртасида жиддий гап бўлиб ўтди.

— Сиз мени профоргликка маъмурий йўл билан таинладингиз, бу демократик усул эмас, қайта сайлов ўtkазиш керак,— деди Ен Хи қизишиб кетган юзини гоҳ мастерга, гоҳ ҳисобчига ўгириб.

— Барibir сизни сайлашади, борадиган бўлгандан кейин у йўлдан борилди нима-ю, бу йўлдан борилди нима. Энг қисқаси яхши-да,— деди иржайиб ҳисобчи.

Улар ишчилар тарқашган пайтда идорага йиғилишган эди. Уларнинг тепасида устига ўргимчак ин қўйиб кетган лампочка милтиллаб ёниб турарди. Ким Ен Сиг идорага мўралади-да, Ен Хининг мастер ва ҳисобчи билан таплашаётганини кўриб, суюнган вазиятда ўзини панага олди.

Шу куни ҳисобчи Ен Хига биринчи марта дўстона муносабатда бўлди. Ен Хининг профорг бўлишига у ёрдамлашмадими, ахир?

Ҳисобчи Ен Хига кўрсатган ана шу кичкина ёрдами эвазига Ен Хидан ҳам ёрдам кутарди. У бир принципи: «мен сенга тегмай, сен менга тегма!» деган принципи ушлаб олган, ўзини билган ҳар бир киши учун ана шу принципда иш қилишни мақбул кўтарди.

Ен Хининг олдида ҳисобчи ҳамиша тушунтириб бўлмайдиган бир ҳаяжонда турарди. Бу ҳаяжон унда бир парча ғижимланган ғадир-будур қорозда Ен Хинингномини ўқигандан буён бошланган эди. Унинг заводдаги баъзи дўстларини ана шу ўжар Цой Ен Хи яхшигина боплаганини биларди. Ен Хи унга озгина бўлса ҳам илтифот қилганда унинг юраги ором оларди. У Ен Хига юраги бўш, бефарқ қиши, иродаси мустаҳкам, ён босиши билмайдиган кишига хушомад қилгандек муомала қиласди. Дюн Хо одамларга таъсир қилиш учун ўзи севган усульнинг ҳийла-найрангига ўтишдан олдин бошқа усулга, унинг нуқтai назарида, аввалгисидан ҳам қолишмай таъсир қиладиган хушомадгўйлик йўлига ўтди. У Ен Хини ўз иттифоқига мойил қилиш учун бутун кучини очиқ сарф қилас, чунки Ен Хи заводда катта обрўга эга ва вилоятдаги кўзга кўринган партия ходимлари, жамоат арбоблари орасида унга янги формациянинг ўсаётган кишиси сифатида ишонадиган ва уни қўллаб-қувватлайдиган анчагина одамлар бор. Айтайлик, шундай ишончга сазовор бўлган Ен Хи шуҳратпаст ва ҳеч ким танимайдиган жойда уннутилиб ётган ҳисобчини қўллаб илтимос қилиб юбориши қийинми? Ен Хи унга жуда ҳам бегона ва ёт эди. У Ен Хининг кучи ўзиникидан юксак эканлигини ҳис этар, аммо Ен Хи унга ўзининг принципиаллиги билан хавфли эканини билмасди.

— Айтинг-чи,— деб мурожаат қилди у ҳисобчига тикилиб туриб,— ишчилар пайдиги бердирмай тўхтатиб туришга сизга ким ҳуқуқ берди?

— Шундай, мен ўзим... пўписа учун...

— Аммо сиз мутлақо аниқ айтдингиз: буин мен ўйлаб чиқарганим йўқ, мендан хафа бўлманг. Демак сиз юқори партия ташкилотларимиздан буйруқ олгандирсиз? Шундайми?

— Йўқ дедим-ку! Ўзимни тутолмай қолдим. Ишлашмайди, тутмаган йўлим қолмади. Паёк деса ҳаммаси чўчиди,— деб ўзини оқлагандек бўлди ҳисобчи.

— Агар мўйсафид Чан Сен чиқиб гапирмаганди, ишчилар сизнинг сўзингизга ишонишарди. Улар партиямиздан иорози бўлишарди. Сиз шуни истабми, истамасданми қилгансиз, барибир душман бундан фойдаланаарди. Буни... зааркундачилик деса бўлади.

— Бундай гапнинг ҳожати йўқ,— деб гапга аралаш-

ди мастер,— у жатта кетди... Бунга ўзи ҳам иқрор. Чан Сен ота буни тузатди. Ҳа, у ноҳақлигини ўзи ҳам билади.— Мастер бўртган қовоқлари орасидан Ен Хига мулойим боқди. Қенг лаблари осилди, ҳаяжондан унинг яласқи бурни терчилади. Шу пайтда мастер ишчилар энг оғир айбда — жоҳиллик, бюрократизмда айлаган кишидаи кўра шошиб қолган баҳайбат болага ўхшарди. Аммо Ен Хи бу хунук одамнинг ажойиб жозибасига учмай, аввалги шарттакилиги билан давом этди:

— Умуман биздаги тартибнинг ўзи қанақа? Одамлар эсига тушиб қолгандагина ишга келишади. Дангаса ва ишга кечикиб келадиганларга қарши ҳеч қандай кураш олиб борилмайди, кечалари навбатчи қўйилмайди ва атрофдаги хонадонлар оҳак, кўмирни ташиб кетаверадилар.

— Нима, кузатувчи ёллашни буорасизми?— деди ҳурпайиб ҳисобчи.— Буни японлар қўллашган эди, муваффақиятсиз чиққанлигини айтмай иложим йўқ.

— Кузатувчилар эмас, балки интизом ва ҳар кимнинг ишга шахсан қизиқиши керак.

— Шахсий қизиқиш ишчилар тўйғандан кейингина юзага келади.

— Бекорчи гап! Агар икки қўлимизни қовуштириб ўтира берсак, тўқ бўлиш у ёқда турсин, алоҳида давлат бўлиб ҳам яшаёлмаймиз. Россия ҳам бизницидан оғирроқ йўлни босган. Оч-яланғоч, қолоқ Россияга ҳеч ким ёрдам бермаган, у социализмни ўз кучи билан қурди, бизга өса ҳар томонлама ёрдам беришяпти. Бировларнинг нонига шерик бўлиш, ҳамиша шатакда юриш бизга ярашмайди. Ҳар биримиз оёққа туришни, урушдан кейинги жароҳатни тузатишни ўйламаймизми? Ишчиларга вазифанинг энг муҳим томонини тушунтириштина керак. Шундай қиласайлик, уларнинг қандай ишлаганини кўрасиз. Бизнинг одамларимиз ҳам бошқа қорхоналардаги одамлардан эмасми, ахир?

— Манга қаранг-а, ўртоқ Цой Ен Хи,— деди яна ҳисобчи, хотин томонга ишонч билан энгашиб,— сиз ҳали дунёқарашибиз башқа-башқа деб ўйлаётган бўлсангиз керак. Йўқ, биз худди сиз каби, сиз билан мутлақо бир фикрдамиз. Бизни ватанга, шонли демократик ҳукуматимизга бўлган чексиз муҳаббат, Қим Ир Сенни қизғин севишимиз бирга боғлайди. Сиз ва барча соғ дил кишиларимиз каби мен ҳам республикамизнинг гуллаб-яшна-

шини яхши жўраман, аммо... Кўрдингизми, нима бўлиши ҳақида сиз билан менинг фикрим бир хил, лекин сиз билан мен ўзимизнинг реал имкониятларимизни бир хилда баҳоламаяпмиз. Қечирасиз-ку, менимча сиз ёшсиз ва ҳаётни яхши билмайсиз. Рўхсат этсангиз, баъзи нарсаларни айтиш билан сизга ёрдамлашсам. Сиз бошқа корхоналарнинг муваффақиятини газеталардангина ўқиб биласиз. Албатта бизнинг газеталаримиз ҳақ гапни ёзадилар, аммо улар биринчидан бутун бир группа мухбирлар мамлакатнинг ҳамма еридан қидириб топган алоҳида ягона воқиани ёзадилар,. иккинчидан газетчилар бир оз қўшиб-чатиб кўпиртирсалар, ким нима дейди? Бу тарбиявий жиҳатдан керак ҳам...

— Тұхматингизни қўйинг!— деб аччиқланди Ен Хи.—
Бошқалар ҳақида ўзингизча тўқий берманг.

Мастер столга тирсагини тираганича жим ўтиради.
У гоҳ унга, гоҳ бунга кўз тикар, гўё икковидан бирини батамом танлаётгандек эди.

— Мен планни бажариш ҳақида кўп ўйлайман,—
деди у. — Уч йил мобайнида урушгача бўлган ишлаб чиқариш даражасига етиб олишимиз ва ўзиб кетишимиш керак. Қандай қилиб? Агар одамларни машинага ўтказсак, гап бошқа бўларди. Бизда на машина, на малакали ишчилар бор. Цехимизда яланг тасодифий кишилар: оталари урушда ҳалок бўлган қизлар, бева хотинларгина, холос. Ишчилар яхши яшайдилар деб цехимизга келган деҳқонлар ҳам бор. Ахир, ишчилар гуручни магазиндан оладилар. Яна тағин резаворчилар, газмолчилар ҳам бор. Заводда иш яхши, партияликлар кўп. Бу ерда уч кишимиз: сиз, Чан Сен ота ва мен. Партиялик кишидан талаб қилиш осон, партиясиз кишидан эса... Уларга сизнинг талабингиз ёқмайди, улар тарқаб кетишади қолади. Урушгача қандай ишлар эдик-а! Оҳакни машина эларди. Ҳаммасини машина. Энди қўлдаги ишимиш кўп. Шундай қийналиб ўтиргандан яна ишчи бўлиб олсаммикин, яхши ишлардим. Буни қаранг, мастерликка олиб қўйишида...— У чуқур хўрсинди. Ен Хи мастернинг ноҳақлигини билса-да, унга раҳми келди.

— Машиналар бўлганда талаб ҳам бошқача бўлади.
Биздан ана шу қийинчиликларни ҳам ҳисобга олиб талаб қилишяпти, биз шу талабни ҳам бажармаяпмиз. Кескин чоралар кўриш керак бўлади. Бошқалардан орқада қолиштга ҳақимиз йўқ, улар эса кўп, жуда «ўп... бундайларни ҳали газета ходимлари ҳам билмайди.

Цехда ишга келганларни рўйхатга олиша бошлиши. Ҳисобчи Дюн Хо ҳозир ҳам ўз одатини тарк эмай, цехда гудок чалингандан пайдо бўларди, шунинг учун рўйхат қилиш Ким Ен Сигга ва унинг севиклиси — у билан бир бригадада ишловчи ёшгина Ок Бунга топширилди.

— Мен унча саводли эмасман,— деди Ким Ен Сиг цехга ёрдам кўрсатишни истаб,— аммо хотиржам бўлаверинглар, Ок Бун менга ёрдам беради. Ок Бун ўтган йили бошланғич мактабни тугатган. Сизларнинг ҳаммангиз узоқда турасиз, мен ётган еримда деразадан туриб бўлса ҳам рўйхат қила бераман.— Ким Ен Сиг ҳамон идорадаги столларни бирлаштириб, шу ерда ётарди.

Кейинги пайтда Цой Ен Хининг характеристи сезиларли даражада ўзгарди. Йўқ-йўқ, унинг чеҳрасида табасум пайдо бўлди. Цехдаги иш бир оз жонлана бошлади. Цой Ен Хига турли хил юмушлар билан тез-тез учрашадиган бўлиб қолиши. Қарашсаки, у ақлли, сезгир аёл бўлиб чиқди. Ўзининг одамларга зарур эканлигини ҳис этиш, бева ҳолган Цой Ен Хини жонлантириб юборди, юрагида одамларга муҳаббат ва миннатдорчиллик уйғотди.

Кутилганидек интизом баъзиларга ёқмай қолди. Аввало Ки Дэг ая ҳаяжонлана бошлади.

— Айтинг-чи,— деб мурожаат қилди у Ен Хига сода диллик билан,— бизда саққиз соатлик иш жуни бўлса керак-а?

— Албатта.

Қани энди Ен Хи Ки Дэг аянинг тушки овқат пайтида кишини жуда хуноб қилиб юборадиган фисқи-фасод тўла саволларига жавоб беришдан халос бўлса. Агар у жавоб бермай қўйса борми! Ўх-хў, у ҳолда Ки Дэг ая ўз ғалабасини тантана қилган бўларди. Ки Дэг ая бекорга кечаси билан мижжа қоқмай Ен Хини оғзаки тузоққа туширишни ўйлаб чиқдими! Аммо, Ен Хи пўё у томондан олдиндан тайёрланган хийлани сезмагандек, ажойиб сабр ва ҳурмат билан жавоб берар эди. Олдинига баҳсчи бу билан юпанди ва профоргнинг содда диллиги ва тиришқоқлигидан пиқиллаб кулган бўлди, аммо вақт ўтиши билан у тоқатсизлана бошлади. Бу даҳанаки жангчиларни кузатувчилар Ки Дэг ая Ен Хининг бардошига тез кунда чидаёлмаслигини ва бирдан боплаб сўкинишга тушишини билардилар.

— Ўртоқ Ки Дэг, ҳаммага маълумки бизниң мамла-
катимизда саккиз соатлик иш вақти,— деб вазминлик
 билан тушунтириди Ен Хи.

— Нотўғри.

— Нега нотўғри бўлар экан?

— Саккиз соатлик иш вақти фақат қоғозда, сен биз-
га ҳақиқатда неча соат ишлашимизни тушунтири.

— Ўртоқ Ки Дэг, конституция қуруқ қофоз эмас-ку,—
яна босиқ оҳангда жавоб берди Ен Хи ва шу пайт у:
«Агар профорг бўлмасам, жўна дердим», деб ўйлади.

. — Биламан. Мана ўзингиз ҳисоблаб кўринг, ўртоқ
профорг.— Ки Дэг ая қисқа, семиз бармоқларини очиб,
битталаб бука бошлади.— Биринчидан, биз гудок чали-
нишдан ўн беш минут олдин келамиз, демак, бу ўн беш
минут бизниң вақтимизми? Иккинчидан, овқатга танаф-
фус берилганда қисқа мажлис қиласизлар. Истанг-иста-
манг бу ҳам бизниң ўн беш минут вақтимизни олади.
Тўғри айтяпманми?— У атрофдагиларга бир қараб олиб,
улар индашмагач, кучланиб, яна давом этди.— Учинчи-
дан, биз ишни қачон гудок чалинганда тамомлаймиз.
Ишни йиғиштириб, кпийнгунимизча яна ярим соат вақт
ўтади. Ростми? Нега ўтган ҳафтада ётоқхона қурилиши-
га ёрдам учун якшанбалик уюштиридинглар...

Агар Сун Ир деган йигитча унинг сўзини бўлмагандан,
Ки Дэг аянинг даъволари яна аллақаинчага бориб
етарди.

— Сиз бир чамалаб кўринг-чи, саккиз соатлик иш
вақтидан қанчаси бекорчи гапингизга чиқиб кетади. Бош-
қаларни қўя беринг, сизнинг ўзингиз шу вақтда тўла
ишлиамайсиз-ку. Ҳамма аллақаочон уйига етиб боргандা
ҳам сиз кўчада гаплашиб тураверасиз.

— Жим!— деб бақирди Ки Дэг ая ҳалиги йигитга.—
Йўлда гаплашиб турсам ишдан кейин турман, дам
оламан. Бўлмаса уйгача етолмайман.

— Сиз узоқда турасизми?— қизиқиб сўради Ен Хи.—
Яна икки якшанбаликдан кейин ётоқхона битади.

— Ётоқхонанинг аяга нима кераги бор?— жим ту-
ролмади Сун Ир.— Ана аянинг уйи.

Ки Дэг аянинг четан билан ўралган янги тоза уйи
цеҳдан юз метр нарида эди. Уй олдида жуда яхши иш-
ланган жўяклар чиройли манзара ҳосил қилган. Бундан,
Ки Дэг ая уйида ўзининг қимматли вақтини бекорга
ўтказмаслиги кўриниб турибди.

— Мана бизнинг Оқ Бун нақ Мұнсекореда туради,— деб гапга аралашди Қим Ен Сиг.— Бу ердан оралиқдаги масофа ўн ли келади. Шундай бўлса ҳам ишга ҳаммадан аввал етиб келади, рўйхат ҳам қилади...

Оқ Бун ҳамма вақтдагидек бу сафар ҳам бир чеккада ўтирарди, унинг лабларида уялинқириш табассуми пайдо бўлди. Ен Сигнинг мақтови ва ишчиларнинг маъқуллаб қарашлари уни роса қизартирган эди. У уялиб, тескари ўгирилди.

Қи Дэг аяга қийин бўлиб қолған шу пайтда, боядан бери чордана қуриб, узун трубкасини чекиб ўтирган Дар Су ёрдамга келди.

— Сизларча,— деди у,— бутун кучимизни сарфлаб ишлашимиз қерак-да. Бунинг ҳаммаси умумдавлат қозонига тушади, биз бўлсак, бошқаларни тўйғизамиш.

— Бир қозонга тушиши тўғри,— деди боятдан бери жим ўтирган мўйсафид,— меҳнатимиздан йигилган нарса умумий қозонга тушади. Аммо ҳар жим бу қозондан меҳнатига ярашасини олиб ейди. Қозон қанча тўлса, ҳар кимнинг улуши ҳам кўпаяди.

— Мен ҳовлиқмай аввал бу улушнинг қай даражада бўлишини қўраман.

— Айт-чи,— деди кутилмаганды Чун Сир дугонасига, у чақнаган кўзлари билан дугонасига тикилиб турарди.— Мастер ва ҳисобчи билан жанжаллашиб, уларни ҳам, ишчиларнинг ҳам устиларидан дирекцияга шикоят қилганинг ростми, энди бизнинг ҳаммамизиш тарқатиб, янги ишчилар олишармиш-а?

— Бу гапларни қаердан тўқидинг?

— Тўқиганим йўқ,— деди Чун Сир тишини-тишига қўйиб, Дар Судан кўзини узмай.

— Яна айт-чи, Ен Хи,— деб давом этди Чун Сир аввалнича жаҳл билан,— товуқ қақилласа уй бузилар деганлари ростми? Хотин киши бўла туриб, эркаклар ишига аралашганинг нимаси.

Шу пайт Дар Су бир учуб тушди:

— Худди мана шу товуқ қақиллаши тўғрисида мен гапирганим йўқ. Буни бизнинг ҳисобчимиз айтди. У хотин-қизлар иши бўйича мутахассиску.

Саросимага тушган Дар Сунинг афтидан эркаклар роса хохолашиб қулишди, хотинлар уят аралаш эркакларга қарашди. Улар ҳам, булар ҳам Ен Хини севишарди, бупга унинг шубҳаси йўқ эди.

Бир қанча вақт ўтгач, овқат пайтидаги танаффусдан кейин Чун Сир дугонасидан сўради.

— Мен сенга ҳайронман. Масхараларга жуда бе-парво қарайсан.

— Бу умуман айтганда масхаралаш эмас, Чун Сир. Тўғрироғи ишончсизлик... тушунмаслик.

— Сенга ишонмаганликлари учун кулишадими?

— Демак, ҳали уларнинг ишончига сазовор бўла олганим йўқ.

— Агар сенинг ўрнингда бўлсам, кулиш мана буна-қа бўлади деб жўрсатиб қўйярдим!

Ен Хи хохолаб кулиб юборди:

— Мен бўлсам сабр қиласман,— деди у, кейин жиддий вазиятда давом этди:— Урушгача Хядюда район Демократик хотин-қизлар иттифоқининг раиси бўлиб ишладим. Ўшанда шундай қийинчиликларни кўрганинки, ҳозиргилари унинг олдида ҳолва. Биринчидан у пайтда мен ҳали ёш қизча эдим, иккинчидан, одамлар бизнинг иттифоқимизга унча ишонмасдан қарашарди, бу иттифоқ уларга қандайдир мутлақо янги нарса эди. Қанақа масхараларга чидаганимизни билсайдинг! Фақат эркақларгина кулишган деб ўйлайсанми? Алам қиласидиган жойи шуки, хотинларнинг ўзлари ҳам бизни масхаралашган: «Хотин-қизлар ўз ташкилотига, ўз овозига қаерда эга бўлишарди? Икир-чикир гапини уйида таплашса ҳам бўлаверади» дейишарди. Биз бўлсак хотин-қизларни ўқиш-ёзишга ўргатардик, гигиена ҳақида лекциялар уюштиардик, болалар хасталигига қарши сұхбат ўтказгани врачлар чақирадик, ёзувчилар, артистларни таклиф қиласардик. Иттифоқимиз ҳам ўса бошлади, борган сари обрўси ошди. Уруш пайтида бу ишнинг натижаси кўрина қолди. Ватанимиз бошига оғир кунлар келганда хотин-қизлар катта иш қилдилар. Мен билан урушгача бирга ишлаган хотинлардан иккитаси республикамизнинг қаҳрамони бўлишди.

— Бу албатта яхши,— деб маъқуллади Чун Сир.— Лекин бўлар-бўлмас тапларга ҳам чидай бериш яхши эмас-да.

Чиндан ҳам хотинлар тош кўчиришга йигилганларида Ки Дэг ая Ен Хига ҳужум қилди:

— Бу эксплуатация!.. Сен Хядюда хотин-қизлар союзининг раиси бўлганингда қоронги кўчада калтак еганимни булар билмайди деб ўйлайсанми?

Ен Хи оқариб кетди. Чун Сир аянинг олдига иргиб ўтди-да, унинг социдан тортишига оз қолди. Шу пайтда ҳозир бўлган Сун Ир аяни қутқазди.

Бу тўқнашишнинг натижаси шу бўлдики, бутун колектив бир оғиздан келишгандек Ки Дэг аядан юз ўгириди, ҳатто Дар Су унга сира қарамай қўйди. Ҳар ким бирдан аядан кўрган ҳақоратларини эслай бошлади, аясиз цех тинчиб қолишини эслади, хулласи ая ўзининг феъли-автори билан ҳаммани ҳолдан тойдирган эди. Ки Дэг аянинг ўзи бўлса бир неча кунда ўзини олдириб қўйди. У ишчилар менинг ёнимни олишар ёки жуда бўлмаса ишдан жетаман десам, йўқ деб туриб олишар, деб ўйлаган эди, аммо ҳамманинг бунчалик юз ўгиришини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Бунга Ки Дэг ая чидаёлмади. У ўз умрида биринчи марта умумнинг ана шундай нафратидек даҳшатли нарсага дуч келган эди. Шундан кейин бир неча кун ишлади-да, ишдан кетиб қолди. Унинг ишдан бўшаб кетганига ҳеч ким ачинмади, аммо уни цехда кўп вақтгача эслаб юришди.

81

VII

Бир куни Чан Сен Ен Хининг бригадасига келди. У анча олисдан тугунча кўтарган қўлини силтаб:

- Печкалар «нафас оляптими!»— деди.
- «Нафас олиши» нимаси?

Шунда Чан Сен Ен Хига тушунтира бошлади:

— Печларнинг бузилган ерини бир-икки кунда тузатиб бўлмайди. Бу анчага чўзилади. Юқори сифатли оҳак бериладиган керакли температурага етказиш учун ўн кун қаттиқ ишлаш зарур. Бунга сабр-тоқат ва ҳунар талаб қилинади. Тушундингми? Бизда бўлса печлар бирон марта нормал ёнгани йўқ. Гоҳ кўмирни вақтида берисимайди, гоҳо юҳакни, баъзан ишчилар қарамай қўйиб ўт ўчиб қолади. Ишни бошидан бошла! Бугун ҳамма печлар «нафас оляпти». Оҳак ҳам юқори сифатли бўлади,— у ҳаяжондан титраган бармоқлари билан қўлидаги тугунчани ечди-да, Ен Хининг олдига икки бўлак оҳакни суриб қўйди.— Қани профорг,ibu иккаласини бир-биридан фарқлаб кўр-чи?

Ташки қўринишдан иккала оҳактош ҳам икки томчи сувдек бир-бирига ўхшарди.

— Эй, профорг,— деб юборди Чан Сен ачиниб,— ҳеч нарсани билмайсан.

У чўққайиб ўтиридида, кўвачани тиниқ халқоб сувга ботириб олиб, ҳалиги июки бўлак оҳактошга қўйди. Оҳак вишиллаб сувни эмди-ю, бири ўша заҳоти кукун бўлиб кетди, иккинчиси тошлигича қолаверди. Ен Хи сифатсиз оҳакнинг шунаقا бўлишини биларди.

— Фарқини кўрдинг-а?— ота ўз ишидан мамиун бўлди.— Бугунгиси биринчи сорт.

Бу цехдаги дастлабки катта ғалаба эди. Бу ғалаба одамларни файратлантириди, қолоқларни ҳаракатга солди. Ёлғиз мастергина кундалик ҳаракат ва муваффақиятсизликлар натижасида асосий нарсани — цехнинг юксалишини кўрёлмай илгаригича аччиқланиб юрарди.

У аввалгича бригадалар ўртасида елиб-югурап, ҳеч кимга ишонмай, одамларнинг тўпланишига ҳалақит берарди. Одамлар аллақачон унинг бақиришларига қулоқ солмайдиган бўлиб қолишган, чунки мастер бақиргани билан қўлидан ҳеч иш келмаслигини, унинг бақирниши — кучсизликнинг аломати эканлигига ишонишган эди. Аммо, ҳадеб бақиравериши ва ишончсизлиги ишчиларнинг аччиғини келтирди.

Мастер Ен Хига иккى ёқлама қарайдиган бўлиб қолди. Бир томондан Ен Хининг ҳақлигига ишонар, иккинчи томондан бунга ишкор ёбўлмасди. Хотин киши бўла туриб, унинг камчиликларини бошқалардан кўра яхши билиши ва бутун кучи билан бу камчиликларни тугатишга ҳаракат қилиши мастернинг иззат-нафсига тўғри келмас эди.

Бир куни Ен Хи бу ҳақда Чан Сен ва Сун Ир билами гаплашди.

— У қеккайиб жетган, вассалом!— деди қатъий оҳаигда Сун Ир.

Оқсоқол ўйлаб туриб бош иргади.

— Йўқ, Сун Ир, аксинча у ўзига ўзи ишонмай қўйди, ўзини ҳурмат қилмаяпти. У ёмон одам әмас... яхши одам эди.

Ен Хи цехдаги иш завод партия комитетининг секретари ўзи иштирок қиласа чинакам йўлга тушиб кетажагига борган сари қаттиқроқ ишонч ҳосил қила берди. Бу фикр ундан ёрдам сўрашга унлади.

— Сиз бизга ёрдам бермоқчи эдингиз,— деди Ен Хи унга,— энди бизга сизнинг ёрдамингиз жуда керак. Жуда.

Шу гапдан кейин очиқ партия мажлиси чақирилди. Ен Хи доклад қилди.

— Вайроналар ўрнида,— деди у,— биз янги заводлар, янги обод шаҳарлар барпо қилмоқдамиз. Республикага кўпроқ оҳак беришга қизиқмаймизми? Халқ қурилишларининг суръати бизга ҳам боғлиқ эмасми? Набираларимиз бизга мурожаат қилиб: «Шаҳrimiz қурилаётганда сен бува, ёки сен буви нима қилгансизлар?» деб сўрайдиган вақт келади. Ўша пайтда бизнинг орамиздан: «у вақтларда мен бозорма-бозор харидорлар топиб, юир тийинлик қовуни бир ярим тийинга пуллаб юрганман», деб жавоб беришга мажбур бўладиганлар чиқиб қолмаса деб қўрқаман. Кеча ишдан келаётсам йўл бўйида Ки Дэг ая иссиққина жўхори сўтасини сотиб ўтирибди. Мени «ўз дўкони»га чақирди, таниш бўлганимиз учун молининг нархини жуда ошириб айтди. Уни кўриб уялиб кетдим.

— Нега уяласан?— деб луқма ташлади Чун Сир.— Ки Дэг илгари ҳам бозорчи аёл эди.

— Биз уни қайта тарбия қилолмаганимиз учун уялишимиз керак ўртоқлар.

— Бунақа одамни тарбия қилиб бўпсан,— деди яна луқма ташлаб тажанг Чун Сир.

Ен Ҳідан кейин Чан Сен мастерни қаттиқ танқид қилиб тапирди. У, мастер баҳонани ҳисобчидан ўрганиди, деди.

— Бизнинг ҳисобчимиизга бир назар ташланглар-а,— дерди Чан Сен вазминлик билан.— У ҳар қандай жонли ишни турли цитата ва қофозчалар билан чамбарчас боғлаб, расмиятчиликка олиб боради. У бу касалини мастерга ҳам юқтириди. У ишчиларга ёрдам беришнинг ўрнига чалғитади.

Сун Ир сўнгги сўзга чиқди, у ҳаяжонидан дудуқланарди. У мастер Ҳак Синнинг қачонлардир ўз ишига моҳир, жуда қаттиқ ўй ва хўжайинларига ит каби содиқ бўлған япон ўнбошисининг қўлида ишлаганини айтди. Ҳак Сен японнинг билимдонлигини эмас, балки қилиқларини ҳам яхши ўрганиб қолган. У ишчиларга Қўпол муомала қиласи, уларга ишонмайди, уларни ўз ўртоқлари деб ҳисобламайди, қисқаси у билан ишлаш оғир.

Ўзига биноси баланд бўлган мастер йифилишдагиларни ҳайратда қолдириб, ўртоқларининг ҳаққоний танқидларини тан олди.

— Мен оз биламан,— деб ғўлдиради оёғи татига қараб, фанги кетиб қолган коржомасининг тугмасини ўйнаган ҳолда.— Мен... ҳали мен жўп нарсани ўрганиш им керак... феълим, албатта... тоқат қилинб бўлмас даражада. Ишдан олинглар!— унинг овози титрарди. У партком раисига гуноҳкорларча ўғирнилиб қаради-да, пастга тушиб скамейкага ўтириди.

Партком раиси ўпкаланиб бош чайқади.

— Ўртоқ Ҳак Сен, бу ўз-ўзини танқид эмас, ўз-ўзини танқид ўз камчилликларини ҳалол таҳлил қилиб бериш ва ўз имкониятларига тўғри баҳо беришини тақозо этади, сиз бўлсангиз «Ишдан олинглар» деб қўлни ювниб қўлтиққа урасиз.

Ҳак Сен ерга қаттиқ тикилганича ғўлдираб:

— Ҳа, ҳа, тушиғудим,— дерди.

Шунда ақлли, кўнгли очиқ завод директори ношуд мастернинг кўнглини кўтарди:

— Ҳак Сен, мен сизни кўпдан буёни энг яхши ишчи сифатида ташниман. Сизниң ўрнинингизда бўлсам мен ҳам кўкрагимни керолмасдим, аммо сизга ўхшаб ерга қараб ҳам ўтирмасдим. Ўтган ойда спизлар планинг атиги ўттиз процентдан сал ортиқ бажардинглар. Бу ойда план элллик етти процентгача етиб борди! Бу олдинга қараб қўйилган қадам бўлади! Юз процентга ҳали узоқ бўлгани билан, ҳар ҳолда бу кичкинагина ғалаба. Қани ётоқхона иши нима бўлганини айтиб беринг-чи?

Корхоналарни қайта қуриш планида ишчилар ётоқхонасини қуриш ҳам кўзда тутилган эди. Аммо республикада қурилиш материалларига эҳтиёж катта эди, шунга жўра бу масалани ҳар бир корхона давлатни ташвишга солиб ўтирмай, имконияти борича ўз ичким резервлари ва қайта тиклашга ярамайдиган бинолар ҳисобига ҳал қўйилмоқчи бўлган эди.

Оҳак цехи ҳузурида ётоқхона қуриш масаласи биринчи марта кўтарилиганда, Ҳак Сен дирекциядан ёғон сўради. У томга ёниш учун черепицани ўзи қидириб топмоқчи бўлган эди. Цехга яқин жойда, уруш пайтида слекад бўлиб турган, усти черепицали ертўла бор эди. Ҳак Сенинг илтимоси қондирилди. Ётоқхона қурилиши бошланди: столбалар қўйилиб, страпиллар ётқизилди. Ҳак Сенинг хатоси шундаки, у бу ишни ҳисобчи билан собиқ профоргга топширган, улар ихти-

ёрий равишда қурилаётган бишога ишчи кучини ўз вақтида сафарбар эта олмаганлар, натижада оҳак цехи имирсилагунича иши зарурроқ қўшнилар черепицани олиб кетишган. Кейин бундаи ҳолатда юз берадиган содатдаги оворагарчилик бошлианди: ётоқҳонани ишчиларга топширадиган муддат ўтиб кетди, дирекция қисталаш қилиб ҳисоб сўрай бошлади, Дюн Хо бўлса, ажойиб баҳоналар топиб, муддатни кечиктиришга уринди. Ниҳоят у ётоқҳона томини похол билан ёпмояқчи бўлди-да («урушдан кейинги пайт бўлса, ишчилар буни тушунишлари керак,— деб мастерни ишонтирди у,— черепица сўрашининг кераги йўқ, кейинча бўлар»), ширекцияга ётоқҳона битди деб хабар қилди. Похол сотиб олинган эди, аммо заводниг бош инженери мастер сингари Дюн Хонинг сўзига лақقا учадиган одам эмас эди, у ётоқҳона томини похол билан ёпишга мутлақо рози бўлмади. Буларнинг ҳаммасини директор билан завод комитети батамом ажабланиб ҳозиргина йиғилишда эшитдилар. Икковлари ҳам бирбирларига маъноли боқиб: «Оғайни, иккаламиз шу пайтгача қаёқда эдик» дейишгандек бўлишди. Ҳақ Сеи бўлса ўзини томоғига ютиб бўлмас тош тиқилгандек ҳис этарди. Директор билан раис мастернинг җай аҳволга тушганини кўриб, унинг ишчилар олдида обрўси батамом тушиб кетмаслигини назарга олган ҳолда ётоқҳона тез кунда битказилажаги, дирекциянинг айби учун ишчилар сира ҳам ташвиш тортмасликларини айтишди. Шундай қилиб, айбнинг кўп җисмини директор ўз устига олди. У Ҳак Сенни яна қўшимча сухбатлашиш учун дирекцияга боришини сўради.

Эртасига мастер директорнинг олдидан тушдан кейин қайтиб келди. У ерда уни роса болашгани сизилиб турарди, ранги ўчган, аммо кўзлари чақнаради. Ен Хи билан учрашиб, дарров унга:

— Зўрға омон қолдим, аммо ишлонишди, биласанми, ишонишди. Мен келаси ойда планни бажаришга ваъда бердим. Бажарамиз!— деди.

— Албатта,— деб жавоб берди Ен Хи жилмайиб.

— Жаҳлинг чиқмасин, энди ёрдамлаш.

— Ен Хи мастернинг қўлини қаттиқ сиқди.

Ҳар куни бир янгилик содир бўларди. Бу қол ғодамларни қувонтирас ва ғайратлантирасиди. Ўзларининг ўткир, ачиқ сўзли цех деворий газеталарининг чиқиши катта қизиқишига сабаб бўлди:

Арифметика масаласи

Бизнинг Дар Су трубкасини қўйиб сигарета чекишига ўтди. У иш куни давомида бир ярим пачка сигарета чекади. Ҳар қайси пачкада 20 донадан сигарета бор. Агар иш вақти 8 соат бўлса, бизнинг Ли Дар Сунинг ҳар бир чекишига 12 минуту 4 секунддан вақт кетса, у неча соат ишлайди?

Дар Су гўё ўз қадр-қимматини туширадиган бирон парса сезмагандек деворий газета ёнига сохта ялқовлик билан лапанглаб келди. У маънодор ва ўткир кўзларини хабар устидан тез югуртириб чиқди. Иссик ва шамолда қотиб кетган юзида ёзганларга ғисбатан нафратлангандек аломат пайдо бўлди. Фақат бурун катаклари титраб турарди, холос.

Печлар нормал режимга тушгач, борган сари кўпроқ оҳак чиқара бошладилар, тош кондаги ишчилар бу талабни қондиролмай қолдилар. Шундан кейин Ен Хи мастерга учрашиб, ўзини тош конта ўтказишларини илтимос қилди, буни эшитган Чун Сир Ен Хи билан икки ҳафтагача гаплашмади. Ен Хининг ёнма-ён бўлса ҳам, бошқа бригадага ўтишини Чун Сир дўстларига хиёнат деб тушунди. Чун Сирнинг назарида Ен Хининг айбини биргина нарса енгиллаштирасди: тош майдалаш вагонеткани итаришдан осон эмасди, бошқа профорг бўлганда ўзига қулай жой топиш учун юз хил найранг ишлатиши мумкин эди.

Орадан кўп вақт ўтмай, шу пайтгача сув ташиб юрган кишилардан бир нечасини тош конга ўтказишиди. Цехда насос ўрнатилиб, сув ташувчилар ҳам цехга ўтишиди.

Оҳак ишлаб чиқариш ўсиб кетди, аммо элак этишмасди, шунинг учун элаб ҳам, жойлаб ҳам улгу-ролмасдилар. Печкалар ёнида ѡппоқ тоғ пайдо бўлди. Ҳаво очиқ кунлар эди, аммо ёғингарчилик бўладиган кунлар ҳам яқинлашмоқда эди, оҳак эса ҳамон очиқ ҳавода турарди. Ишчилар шошилинч йиғилиш ўтиказишиди, бу йиғилишда тревога эълон қилинди. Оҳакни

элаш ва жойлаш учун аварияларни бартараф қиладиган бригада ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Цехда беш кеча-кундуздан буён тўхтовсиз иш боряпти. Одамлар ўртасида бардош бериш учун мусобақа бораарди. Чарчаб ҳолдан тойишига қарамай, ҳеч ким ишдан кетмасди.

Ен Хи идорадан чиққандан кеч соат ўн эди. Бу кунларда у уйига бормас, Қим Ен Сит бўшатиб берган истолларда ётиб дам оларди. Ҳамма ишчилар жой-жойларида ишлашарди, ёлғиз Дар Сугина тагига похол қоп тўшаб, хуррак отиб ётарди. Ен Хи уни уйғотди:

— Ўртоқ Дар Су, уйингизда қониб ухларсиз. Булут босяпти. Ҳали замон ёмғир ёғиб қолади.

Дар Су эринибгина тирсаги билан суюниб ўрнидан турди-да, билимдон киши каби тунги юсмонга қаради:

— Ёнингарчилик индинга бошланади.

— Ишончингиз комилми?— деб сўради Ен Хи очиқчаоига пичинг қилиб.

— Ҳал Мени тангрининг ўзи ҳам алдамайди.

— Жуда соз, ундан бўлса... индингача тинчгина ухлайверинг.

— Ҳа, майли.— Дар Су тилар-тиламас ўрнидан туриб, элак томонга йўл олди.

Ярим жечага яқин Ен Хи цехни иккинчи марта айланиб чиқди. Бу сафар ҳам Дар Су жимгина бир чеккада ухларди. У икки соатда фақат беш қоп оҳак әлабди. Ен Хи қопнинг оғзи бойланган похол орасидан қўлини тиқиб, оҳак орасида тош борлигини аниқлади.

— Бу нима?— деб сўради у Дар Судан баланд овоз билан.

— Тош.

— Ана шу тошлари борлиги учун оҳакни элакдан бошқатдан ўтказасиз.— Ен Хи қовоғини солиб нари кетди.

— Тўхта, профорг!— деб бақирди у, уйқу аралаш.

— Хўш, нима дейсиз.

— Билиб қўй, профорг, тагин атайлаб қиляпти деб ўйлама. Яхши элаётгандек бўлаётга ўзим. Кўз олдим жимиirlаб кетяпти.

— Бошқаларчи? Сурункасига икки омена ишлайп-

миз. Сиз кундузи уйнингизга ҳам бориб келдингиз. Дам олдингиз.

— Кундузи ухлай олмайман,— деди Унинг кўнглини топиш учун қизиқчилик қилиб.

— Бу баҳона бўлолмайди, ундан кейин.. ҳеч ким сизни кечаси ишлашга мажбур қўлмайди. Майли, уйнингизга кета беринг. Сизсиз ҳам амаллаймиз.

У Ен Хининг ёнгинасига келди. Унинг важоҳати қўрқинчли эди. Ен Хи ички бир куч таъсирида ундан узоқлашди-ю, шу заҳоти ўйлааб қолди ва профоргга қўрқиш ярашмайди деган мулоҳаза билан бошини мағрур кўтариб тўхтади.

Дар Су яқинроқда ҳеч ким йўқлиигига қаноат ҳосил қилиш мақсадида шошмасдан атрофга аланглаб чиқди.

— Профорг, сен нега менинг жигимга тегяпсан?

Унинг ҳозирги ҳолати қандайдир бегона ва даҳшатли туюлди. Ен Хининг юраги қиннидан чиқай деди. «Душман, наҳотки душман бўлса?— деган фикр хаёлидан ўтди.— Буни қараанг-га, ўз вактида қарамаган экаймандар...»

— Қани!— деб буйруқ оҳангиди қичқирди у,— четроқ тур!

— Бақирма,— деди у секингина ва аввалгича қаттиқ туриб давом этди.— Нега жигимга тегяпсан?

— Мен ҳеч қачон ҳеч кимнинг «жигига теккан» эмасман.

— Нима, мен билмайманми?— у муштини тоҳ сиқар, тоҳ қўйиб юборарди.— Мени сиқиб чиқармоқчимисан?

— Аввал гапга қулоқ солинг, Дар Су,— деди Ен Хи,— яқинда сизгачувак беришди. Бир неча кундан жейин бучувак титилиб кетди. Шу ҳақда нима деганингиз ёдийлиздами? «Бу косиб қўлимга тўшса, қўлини суғуриб олардим», деган эдингиз. Дар Су, сиз шундай деган эдингиз. Шундай экан, сизнинг яхши эламаган оҳагингиз қурувчиларнинг қўлига тушса, улар нима дейишади? Хўш, бунга нима дейсиз?

Дар Су сукут қилди.

— Мен жавоб кутяпман.

— Бошқаларга айтасанми?— деди босиқ товуш билан.

— Айтаман.

— Яхиси, бирорга айтма-ю, мен бир ҳаракат қи-
лай-да...

— Яхиси, сиз ҳаракат қилишиңгизни бутун кол-
лективга айтсангиз.

— Коллективнинг олдида чиқиб гапиришм жерак-
ми? Айбимни бўйнимга олиб-а..

— Ҳудди шундай.

— Йўқ профорг, бундай қилолмайман. Сен билан
чиқиша олмаслигимни билардим, сен мени сиқиб чи-
қармоқчисан. Мен бегона кишиман-у, менга барабир
деб ўйлайсанми? Ўзимизнинг халқ ҳокимиятимиз пай-
тида цехдан кетармишман... Бўйнимга қоп илиб дунё-
ни дарбадар кезармишман... халқ ҳукумати пайти-
да-я... Севиниб қол, профорг. Сиқиб чиқардинг.—
Шундагина Ен Хи унинг кўзида ёш борлигини сезди. У
кескин ўгирилти ва Ен Хининг эсига бирдан ҳар бир
кишига алоҳида муомалада бўлиш керак деган фикр
тушди.

— Дар Су, мендан нимани талаб қилмоқчи эдин-
гиз?— деди Ен Хи. Бу табиати оғир ва ўзига биноси
баланд одамга ачинди Ен Хи.

У ҳудди шуни — Ен Хи уни бу ердан чиқармай
орқасидан чақиришини кутарди.

— Ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Фақат ҳалиги —
коллектив олдида чиқиб сўзлашни қўй. Гапира ол-
майман.

Ен Хи бош иргиди.

У Ен Хига тикилиб қаради-да, қандайдир гайри-
табиий қўйрқа-писа жилмайди ва куч билан чақон ҳа-
ракат қилиб, элаққа ёпишди.

Эртаси юуни жечга яқин жала қўйди. Оҳак па-
нага олинган эди. Ҳориган ишчилар печкалар олдида
кийим-бошларини қуритишар, истар-истамас тарқа-
лишарди. Негаки чарчоқлари энди сезилиб, уйларига
етиша олмайдигандек тууларди. Чунки бир-бирла-
ридан ажралгилари келмасди. Улар илҳомлантирувчи
мехнат ва коллективнинг бирлиги нима эканлигига
эндигина тушуниб етган эдилар.

АВТОРЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА БИОГРАФИЯСИ

Хан Сер Я

Кореяning йирик адиларидан бири Хан Сер Я 1900 йилда дехқон оиласида туғилди. У ёшлик чоғлариданоқ марксизм классикларининг асарлари билан танишди ва шу чоқларданоқ онгли равишда корейс халқининг озодлиги учун кураша бўшлади.

Хан Сер Янинг дастлабки ҳикоялари 1925 йилларда майдонга келади. Шу йилнинг ўзидаёқ Корея пролетар ёзувчилари ассоциациясини ташкил этишда қатнашади. 1927 йилда Хан Сер Я союзнинг программасини нашр этади. Программа тексти ёзувчини таъқиб юстига олиш учун далил бўлади; уни тўрт йил муддат билан қамайдилар. У турмада ётар экан, корейс пролетарларининг япон золимларига қарши қурашини акс этдирган «Оқшом» номли дастлабки романини ёзишни ният қиласиди. Бу роман корейс халқининг олтин фондига ўшилади.

1943 йилда Хан Сер Я қайтадан қамоқقا олинади. Уни Совет Армияси озод қиласиди.

Хан Сер Я — кўзга кўринган жамоат арбоби. У Корея Ёзувчилар союзининг раиси, Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг аъзоси, Олий Халқ мажлисининг депутати, Корейс тинчликни сақлаш комитетининг раиси, Бутун Дунё Тинчлик Совети Бюросининг аъзоси.

Ли Ги Ен

Ли Ги Ен 1895 йилда камбағал-дехқон оиласида дунёга келади. У маълумотни Токиода олади.

Ли Ги Еннинг «Акамга махфий мактуб» номли

дастлабки ҳикояси 1925 йилда босилиб чиқади. Бу ҳикоя унинг бир йўла Кореяниң энг яхши прогрессив ёзувчилари қаторидан жой олишига сабаб бўлади. Ли Ги Ен Корея адабиётида социалистик реализм методига асос солувчилардан биридир. У — КАПП (Корея пролетар ёзувчилар ассоциацияси)нинг ташкилотчила-ридан биридир.

Ли Ги Ен бир қанча ҳикоя ва романларнинг автори-дири. Унинг 30-йилларда ёзилган «Ватан» номли романи корейс адабиёти хазинасидан ўрин олди. Озодликдан сўнг Ли Ги Ен «Ер» номли роман ёзди. Бу романда қишлоқдаги демократик ўзгаришлар ўз ифодасини топган. Ли Ги Ен ҳозирги қунда корейс халқи тарихининг кейинги 50 йиллик даврини акс этдирувчи эпопея «Туманган» трилогиясининг учинчи қисми устида иш юлиб бормоқда.

Ли Ги Ен КХДР Олий Халқ мажлисининг депутати, чет эллар билан маданий алоқа қилиш Корея жамиятиning раиси.

Ден Дзя Ген

Ден Дзя Ген 1909 йилда ўқитувчи оиласида туғи-лади. Педагогика институтини тамомлаб, гимназияда корейс ва инглиз тилларидан дарс беради.

Озодликдан кейин нашриётнинг (Кореяда нашриёт битта... Тарж.) директор ўринбосари бўлиб ишлаган.

Уруш йилларида ҳаракатдаги армия сафида мух-бирлик қилган. Яраланиб қолгани туфайли америка-ликлар томонидан асир олинади. Кочжедодаги ҳарбий асирлар лагерида бўлади. Аммо бу ерда ҳам курашни тўхтатмай, яширин ташкилотга аъзо бўлиб киради.

Асирикдан 1953 йилда қайтиб келади.

Ден Дзя Ген Корея Меҳнат партиясининг аъзоси.

Ли Бук Мен

1908 йилда ишчи оиласида бунёдга келади. Озодлик давригача Ҳамин химкомбинатида ишлайди.

Ли Бук Менниң «Химкомбинат» номли биринчи ҳикояси ўттизинчи йилларда босилиб чиқиб, уни бир йўла Кореяниң энг асл пролетар ёзувчилари сафига кўтаради. Ли Бук Мен КАПП чилар қаторига киради.

Озодликдан кейин Ли Бук Мен Чандин гидроэлектростанцияси завод комитетида ишлаб, халқ билан бевосита алоқани давом эттиради. Ли Бук Менининг энг яхши ҳикоялари: «Ток», «Ватанпарварлар», «Ишчилар оиласи» сингарилардир. Ли Бук Мен Корея Мөхнат партиясининг аъзоси.

Квон Дзон Лён

1913 йилда ўрта ҳол деҳқон оиласида туғилди. Озодликка савдо ходими ва қора ишчи бўлиб хизмат қилган. 1938 йилдан бошлаб узоқ вақтгача Хитойда яшаб, дарвозабонлик қилади. 1944 йилда Янги тўртинчи армия сафига киради. 1946 йилда Кореяга қайтиб келиб, Сеулда яшаб турди. Бу ерда яширин иш олиб боради. Уруш йиллари мухбир сифатида хитой кўнгиллilari қисмида хизмат қилади.

У «Булоқ бошида», «Сарқитлар», «Кечув жойи» каби қатор ҳикоялар ёзган.

Квон Дзон Лён Корея Мөхнат партиясининг аъзоси.

Хван Ген

Хван Ген 1918 йилда Жанубий Хамген вилоятида қашшоқ деҳқон оиласида дунёга келади. У ҳунар мактаби ва ўрта мактабларни тамомлаган. 1937 йилдан бошлаб мактабда ўқитувчи, кейинчалик газетада мухбир бўлиб хизмат қилади.

Хван Ген ўзининг адабий фаолиятини мамлакат озодлигидан кейин бошлади. У: «Чорвадорнинг саргузашти» (1948 йил), «Қўмир җатлами» (1949 йил), «15 август куни» (1950 йил) сингари қатор ҳикоя ва повестлар ёзади.

Корейс халқининг лисинманчилар ва америкаликларга қарши олиб борган Ватан урушининг дастлабки кунлариданоқ Хван Ген фронтда ҳарбий мухбирлик вазифасини ўтайди. Бу вақт орасида у: «Хотин» (1951), «Аланга ичидаги орол» (1952 йил), «Қордаги излар» (1952), «Бахт» (1952) номли асарларни ёзади.

1953 йилда КХДР Олий Халқ мажлиси Президиуми Хван Генни учинчи ҷаражалн Давлат Байроғи ордени билан мукофотлади.

Хван Ген Корея Мөхнат партиясининг аъзоси.

Чон Се Бон

1915 йилда қарол оиласида туғилади. Үн беш ёшидан бошлаб қароллик қиласи, японлар фермасида ишлайди. Озодликдан сўнг адабий асарлар ёзишга киришади.

Корея Меҳнат партиясининг аъзоси.

Юн Си Чер

Юн Си Чер 1919 йилда камбағал оиласида туғила-ди. У 1943 йилда Токиода Давлат университетини би-тириб чиқади. Узоқ вақт Хитойда туриб қора ишчи бўлиб хизмат қиласи.

Ватанига озодликдан сўнг қайтиб келади. Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети, шунингдек Корея Ёзувчилари союзи нашриётида хизмат қиласи. Ли-сингманчилар ва америка интервентларига қарши олиб борилган уруш даврида Халқ армияси олий қўмондон-лик сиёсий бошқармасида мұхбирлик қиласи.

Юн Си Чернинг энг яхши ҳикоялари: «Олма дарахти», «Геология», «Она тупроқ» сингарилардир. Автор шунингдек публицистик мақолалар ёзишда ҳам сама-рали меҳнат қиласи.

Юн Си Чер Корея Меҳнат партиясининг аъзоси, тинчликни сақлаш Пхенъян комитетининг раиси.

Пак Ун Гер

Пак Ун Гер 1923 йилда хўшамин (тоғда яшовчи деҳқон) оиласида дунёга келади. Техникумни тамом-лаб озодликкача заводда ишлайди.

Пак Ун Гер озодликдан сўнг Сеулда яшаб журна-листлик қиласи. У 1947 йилда Пхенъянга кўчиб келади ва бу ерда Корея Меҳнат партияси Марказий Коми-тетида хизмат қиласи. Пак Ун Гер уруш йиллари армияда мұхбирлик қиласи. У партияning «Турмушга яқин бўлайлик» деган чақириғи муносабати билан вилоят — шаҳарчасига бориб, ўша ерда яшаб қолад! Сондин завод газетасида мұҳаррирлик қиласи.

Корея Меҳнат партиясининг аъзоси.

Бен Хи Ген

Бен Хи Ген 1924 йилда камбағал деҳқон оиласида туғилади. Ўрта мактабни тугатгач, ватанининг мустақиллиги учун курашади. 1944 йилда япон ҳукмронлари томонидан қамоқقا олинади, уни қамоқдан Совет Армияси ҳалос қиласди.

Халқ ҳокимияти барпо этилгач, Бен Хи Ген Корея Меҳнат партиясининг Хиннам вилояти комитетига хизмат қиласди. Уруш йилларида Хиннам шаҳри вақтинча американклар томонидан босиб олинган пайтларда у, партизанлар отрядида хизмат ўтайди.

Бен Хи Ген Корея Ёзувларни союзи Хиннам филиалининг раиси. Унинг энг асл ҳикоялари: «Буюк оқим», «Ўспиринлар», «Туғилиш», «Биринчи қор», «Хе Сук ғолиб чиқди», «Қувончли кетаражак» жабилардир.

Ю Хан Лим

1914 йилда майда савдогар оиласида бунёдга келади. Ю Хан Лим қадимий китоблар билан савдо қиласди. Бир неча вақт ўқитувчилик ҳам қилган. Озодликдан кейин адабиёт ва санъат ходимлари ассоциациясида хизмат қилган.

У «Қўпайтирув», «Сигнал», «Ҳазил», «Байроқ», «Ўғил билан учрашув», «Вася», «Профорт» ва шунга ўхшаш қатор ҳикоялар авторидир.

Ю Хан Лим Корея Меҳнат партиясининг аъзоси.

Хан Сер Я

КОРЕЙС АДАБИЁТИ¹

Корея адабиёти халқнинг тинч ва баҳтли турмушга интилишини, унинг шон-шуҳратини, золимларга ғазабини ва ажнашиб билан ривожланиб келди. Корея адабиёти бошқа халқлар билан алоқани мустаҳкамлаш, гўзал ҳаёт учун курашиб келди.

Корея адабиёти феодализмнинг ва чет эл босқинчилари-нинг қора кучларига қарши курашда халқ билан биргаликда ўсади. Корея адабиёти халқ курашининг солномаси, қаҳрамонона ғалабаларининг таронасиdir.

Кўп асрлик халқ адабиётида муҳим ўрин тутган Корея адабиётининг тарихи эрамиздан аввал бошланган. Қадимги Чосен мамлакатида эрамиздан анча илгари ҳақиқий инсонпарварлик руҳи билан суғорилган ва ота-боболаримизнинг санъаткорлик истеъдоди барқ уриб гуллаган давлат тузилганлиги тўғрисида афсоналар тўқилган эди. Эрамизнинг биринчи ва иккинчи асрларида эпик адабиётга асос солинган эди. Бизнинг ота-боболаримиз она тилимизнинг талаффузини аниқлаш учун хитой иероглифларидан фойдаланиб, «Хаянга» сингари ажойиб лирика ёдгорликларини мерос қолдириб кетганлар.

Корея адабиёти тарихига реалистик ёзувчиларнинг қилган ишлари билан бир қаторда, халқнинг колектив ижоди жуда катта ўрин тутади. «Сим Чен деган қиз ҳақида қисса», «Хин Бу ҳақида қисса», «Дян Хва ва Хон Рен қиссаси», «Чун Хян қиссаси» ва шу кабилар корейс халқининг жуда севиб ўқидиган асрларидир. Бу асрлар халқнинг ақл-фаросати ва иродасини, унинг инсонпарвар ва ҳақиқат талаб эканини жуда ажойиб тасвирлаб беради.

Ҳозирги замон Корея адабиётига келсақ, бу адабиёт XX асрдан бошлаб ривожланган, бу адабиёт корейс халқининг япон босқинчиларига қарши озодлик кураши билан чамбарчас боғлиқдир.

Япон босқинчилари Кореяни босиб олгандан кейин корейс халқининг кўп асрлардан буён давом қилиб келаётган мил-

¹ Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг Тошкент Конференциясида сўзлаган нутқидан қисқартириб олинди. (Ред.)

лий-маданий традицияларини йўқ қилиб ташлашга ва ҳар қандай маданий фаолиятни оёқ ости қилишга ҳаракат қилдилар. Лекин корейс халқи феодализм ва мишлий муҳдудлик иштижасида кўп замонлардан буён маҳкум этилган уйқудаи уйгониб, чет эл босқинчиларига қарши курашга қўзғалди. Халқ билан бирга ёзувчилар ҳам ватан озодлиги ва мустақиллиги учун, миллий маданият учун курашга отландилар.

Шундай қилиб, ҳозирги замон Корея адабиёти туғилгани кунидан бошлаб япон империалистларининг зулми ва таъқиби остида ривожланишига қарамай жанговарлик, озодлик характерини сақлаб қолди. Тоглардан бошланадиган чашма кичик бўлса ҳам, унинг суви ҳеч тинмайди, шу сабабдан бу чашма бориб-бориб катта бир дарёга айланади,— худди шу сингари чет эл мустамлакачилари ҳукмронлик қилган оғир замонларда сезилмасдан куртак чиқарган ҳозирги Корея адабиётининг халқ оммаси ўртасида битмас-туганмас манбалари бор. Шу туфайли ҳозирги замони Корея адабиёти дунёга келган пайтидан бошлаб демократия, тараққиёт ва инсонпарварлик учун, инсониятни озод қилиш учун курашувчи илгор революцион адабиёт бўлиб қолди. Тараққиётпарвар ёзувчилар халқ оммасидан таълим олдилар, уларда ватанпарварлик, синфиий онг уйғотдилар, уларни мустамлакачиликка қарши курашга даъват қилдилар.

Корейс ёзувчилари 1925 йилда прогрессив адабий муассаса ҳисобланган Корея пролетар ёзувчилари уюшмаси (КАПП)ни ташкил қилиб, ўзларининг жанговар асарлари билан халқнинг ҳурмат ва муҳаббатига сазовор бўлдилар, улар бу асарларида ватан озодлиги ва мустақиллигини тарона қилиб, ўсиб бораётган ишчи ва деҳқонлар ҳаракати билан баравар қадам ташлаб бордилар. Бу асарларининг асосий фазилатлари мамлакатда хўжайинлик қилиб турган япон империалистларига ва миллатига хоинлик қилган помешчиклар билан капиталистларга нафрат билдиришдан, меҳнаткашларнинг асосий манфаатларини қадамба-қадам ҳимоя қилиб боришдан ва озодлик ғоясига садоқат билан хизмат қилишдан иборат эди.

Шундай қилиб, КАПП аъзолари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг самарали ғоялари таъсири остида, Горький ва бошқа машҳур совет ёзувчиларининг асарлари таъсири остида маданиятизмнинг прогрессив традицияларини ривожлантириб, миллат виждонига ва халқнинг чин дўстларига айландилар. Ёзувчилар мустамлакачиларининг маккорлик ишларини фош қилиб, халқнинг муқаррар озод бўлишига ишонч туғдирдилар.

Корея ёзувчилари миллий озодлик йўлида империализм ва феодализмга қарши курашга даъват қиласидан ажоёйиб асарлар яратдилар. Бу даврда ёзилган асарлар орасида Ли Ги Еннинг «Ватан», «Баҳор», «Кишининг касби» деган романлари, Хон Мин Жининг «Лим Гок Ден» деган олти томлик романни ва шу сингари романлар ажоёйиб қиммат баҳо асарлардир. Сон Ённинг «Ҳамма учрашувлар бекор қилинсин» деган пьесаси, Ли Бук Меннинг «Азот ўғит заводи» деган ҳикояси, Эм Хин Себнинг «Сел ювиб кетган ҳишлоқ» деган ҳикояси, Пак Пхар Йиннинг «Азалия» деган ва бошқа оташин шеърлари, Пак Сен.

Еннинг «Тоғ қалдирғочи» деган шеърлари ҳам шу даврда ёзилған. Мана шу ажойиб асарларниң ҳаммаси японлар ватанимизни босиб олған даврда ёзилған Корея адабиётининг дурдоналаридір.

Шошли Совет Армиясининг ғалабаси натижасыда 1945 йил 15 августда Корея халқининг күп замонлардан бүён интизор Сүлган озодлик куни етіб келди.

1945 йылдан 1950 йылгача бўлган тинч демократик қурилиш даврида Шимолий Кореяда ҳозирги замон Корея адабиётида мисли кўрилмаган ажойиб асарлар яратилди. Масалан, Ли Ги Еннинг «Ер» деган романни Корея қишлоқ ҳаётини тасвирлайдиган эпик полотно бўлиб, бу романда кечагина номи ҳеч кимга маълум бўлмаган бир қарол ерга хўжайини бўлиб олади; Тё Ги Чепининг «Пиктусай» деган поэмаси, ўртоқ Ким Ир Сен раҳбарлигидаги нартизаи отрядларининг япон империалистларига қарши олиб борган курашини тасвирлайдиган ва бошқа шу сингари асарлар яратилди. Бу асарларниң ҳаммасида воқелик жоили қилиб, ҳаққоний тасвирланган, ғалаба устига ғалаба қилаётган оддий кишиларининг образлари ажойиб бўёқлар билан тасвирлаб берилган. Ли Ги Ен, Сон Ен, Ли Бук Мен, Пак Пхар Ян, Пак Сен Ен, Ан Мак, Юн Ду Хен, Ким Са Рян, Ли Дон Гю, Хен Дюн, Цой Мен Ик, Ли Вон У, Ким У Чер, Ан Ен Ман, Мин Бен Гюн, Син Го Сон, Ким Син Гу, Хан Тхэ Чен, Пак Тхэ Ен, Хван Ген, Пак Ун Гер, Ким Сун Сок, Юн Со Дон ва бошқа шу сингари ёзувчи ва шоирларнинг асарлари Корея халқига манзур бўлиб, зўр иштиёқ билан ўқилмоқда.

Шимолий Корея адабиёти чинакам халқ адабиёти бўлиб қолди. Шимолий Корея адабиёти ўзининг ёрқин ва ўзига хос миллий услуби билан Осиё адабиётини бойитишда маълум роль ўйнади.

Лекин Америка империалистлари билан лисинманчилар тұдасининг 1950 йил 25 июнда ватанимизга тұsatдан қуролли ҳужум қилиши ёзувчиларимизни қаламни ташлаб, қўлларига миттиқ олишга мажбур этди.

Уруш даврида ёзилган асарлар орасида халқимиз жуда ҳам севиб ўқийдиган асарлар қуйидагилардир: Мен Бен Гюннинг «Эрори водиїси» деган поэмаси, Ким Сун Секнинг «Қаҳрамонлар эли» деган шеърлар тўплами, Ким Тё Гюннинг «Бу кишилар орасида» деган шеърлар тўплами, Ким Бук Вон ва Ан Ез Манининг «Аетоматим» деган шеърлар тўплами. Ким Са Ряннинг «Денгиз кўринияти» деган очерклар тўплами, Ю Хан Риснинг «Дин Ту Пхепа» деган очерклар тўплами, Пак Тхэ Еннинг «Ватанимиз йигит-қизлари» деган пьесаси, Хан Сеннинг «Бизни кут» деган пьесаси, Юн Ду Хеининг «Взвод, олға» деган пьесаси, Ким Син Гуннинг «Партизан қиз» деган сценарийи ва бошқа асарлар.

Бу асарларниң хусусияти шундан иборатки, улар уруш даврида ёзилган босқинчиларга қарши курашга даъват этувчи асарлар бўлса ҳам, халқининг тинчликка ташналигини ифода қиласи. Инсоний хавф-хатардан сақлаш учун, унинг осоишта умр кўриши учун жуда даҳшатли бўронларни енгиб, жанг қилувчи оддий корейис кишиларининг ҳаққоний образла-

ри китобхонишиг шавиқ-завқини келтиради. Шу билан бирга. Корсиянииг уруши давридаги адабиёти ишонсият душманларига нафрат ва ҳазар билан тўлиб-тошган. Лекин асар қаҳрамонлари бўлган Халқ армияси жангчилари ёки партизанларининг душманларга қарши қаратилган бу нафратни бемаъни шовинизм, ҳайвоиний қасосга айланниб кетмайди. Ниҳоят, шу даврда вужудга келган Корея адабиётининг алоҳида хусусиятларидан бирни шуки, ёзувчилар ўз ҳалқларининг миллний мустақиллиги учун курашганиларида ҳам, интернационалистик фазилатларини сақлаб қоладилар ва ҳамма ҳалқлар ўртасида дўстлик гояларини ҳимоя қиласидилар.

Корея ҳалқининг матонати ва қаҳрамонлиги натижасида 1953 йилда уруш, унинг ғалабаси билан тугади.

Урушдан кейин ёзувчилар бутун ҳалқ курашида жонбозлик кўрсатган қаҳрамонларининг хотирасини абадинлаштирган, аҳолини ҳалқ ҳўжалигини тиклаш ва ривожлантиришга илҳомлантирадиган жуда кўн асарлар яратиб бердилар.

Урушдан кейинги даврдаги энг катта асарлар мана шулардир: Чен Сен Бониниг «Ноңг қилувчи қипшоқ қишилари» деган повести, бунда душман томонидан оккупация қилинган территорияда қаҳрамонларча жанг қилган Корея деҳқонларининг ватанпарварлик кураши тасвирланган; фронт билан мамлакат ичидаги ҳалқининг қаҳрамонона курашини тасвирловчи Юн Сі Черниниг «Она юртим» деган романни ва Ким Ен Секнинг «Ёши жангчилар» деган повести; шунингдек Пак Ун Денининг «Ватан» деган романни ва Хван Геннинг «Қўма платоси» деган романни; булар жуда кенг сюжетли гоя ва юксак бадииятга эга бўлган эпик асарлардир.

Шоирлар ҳам прозаиклардан қолишмадилар. Улар бир қанча ажойиб асарлар яратдилар, жумладан: Мин Бен Гюннинг «Корея ҳақида қўшиқ» деган поэмаси, Ким Хак Еннинг «Ёш партизан Се Гам Рем» деган поэмаси, Се Ман Ирнинг «Бальзамин» деган шеърлар тўплами, Син Ден Чернинг «Жангчилар қўшиғи» деган шеърлар тўплами, Пак Пхар Яннинг «Сарин ғенгиз қўйи» деган поэмаси, Син Сан Хенинг «Полк байроқдори» деган поэмаси ва бошқалар.

Урушдан кейинги Корея адабиётида ватанимизни тинч йўл билан бирлаштириш проблемаси марказий ўринилардан биринда туради, чунончи бутун Корея ҳалқининг орзу-умиди ва иродаси ҳам шунга қаратилган.

М У Н Д А Р И Ж А

Сўз боши. Хан Сер Я.	3
Хан Сер Я. Бўрилар. Муртазо Ҳайдаров таржимаси	11
Хванчорён. <i>М. Ҳайдаров ва И. Эрбутаев таржимаси</i>	30
Ли Ги Ен. Ҳаётнинг бошлапиши. Ҳадича Маннонова таржимаси	49
Ден Дзя Ген. Охирги дарс. Ҳадича Маннонова таржимаси	65
Ли Бук Мен. Ваҳшийлар. Ҳадича Маннонова таржимаси	77
Қвон Дзон Лён. Кечув жойи. Ҳадича Маннонова таржимаси	86
Хван Ген. Бахт. Салоҳ Ҳасан таржимаси	96
Хотин. <i>Салоҳ Ҳасан таржимаси</i>	116
Чон Се Бон. Қарағай. Ҳайри Фуломова таржимаси	126
Юн Си Чер. Горнчи. Ҳайри Фуломова таржимаси	137
Пак Ун Гер. Оға-инилар. Ҳайри Фуломова таржимаси	141
Бен Хи Ген. Хе Сук голиб чиқди. Ҳайри Фуломова таржимаси	150
Ю Хан Лим. Профорг. Салоҳ Ҳасан таржимаси	171
Авторларнинг қисқача биографияси. М. Алиев таржимаси.	206
Корейс адабиёти Ш. Йолибов таржимаси.	211

На узбекском языке
КОРЕЙСКИЕ РАССКАЗЫ
Гослитиздат УзССР — 1960 — Ташкент

Редактор **Муҳсин Алиев**
Рассомлар: *б* Миронъян ва Г. Бедарев
Рассом редактор Г. Остапенко
Тех. редактор Н. Курилова
Корректор Э. Миробидов

* * *

Босмахонага берилди 9/IX 1959 й.
Босишига руҳсат этилди 16/III 1960 й.
Формати 84x108^{1/32}. Босма л. 6,75.
Шартли босма л. 11,07. Нашр. л. 11,74.
Индекс: ш/а. 108. Тиражи 15 000.
ЎзССР Давлат бадиний адабиёт нашриёти,
риёти, Тошкент, Навонӣ кӯчаси, 30.
Шартнома № 292—58.

* * *

Кизил Узбекистон", "Правда Востока"
ва "Ўзбекистони Сурх" бирлашган
нашриёти босмахонаси.

Тошкент, "Правда Востока" кӯчаси,
уй № 26.

Заказ № 3363. Вагони № с. 35 т.

ИМВ. № 43323

195